Ma'lumki, marshrutizatorlarda marshrut jadvali tuzib olinadi va topilgan mashrut bo'ylab axborot oqimi jo'natiladi. Ular marshrutlash algoritmlari va modellarini yaratishni yoki mavjudlaridan unumli foydalanishni talab qiladi. Telekommunikatsiya tarmog'i strukturasi graflar orqali ifodalash va berilgan masalani yechish mumkin. Tarmoq tugunlari soni va bu grafdagi tugunlar sonini, tugunlar orasidagi bog'lanish esa graf yoylarini ifodalaydi.

Telekommunikatsiya tarmoqlarida axborotlarni jo'natishda 4 ta parametrni (tarmoq kengligi, kechikish, ishonchlilik, yuklama) hisobga olib, Deykstra algoritmini qo'llaymiz.

Quyidagi belgilashlarni kiritamiz:

Bu yerda:



$B_{ij} \rightarrow$  i va j masofa

uchlar orasidagi

$D_{ij} \rightarrow$  i va j uchlar orasidagi kechikish;

$L_{ij} \rightarrow$  i va j uchlar orasidagi paketlar yuklanishi;

$R_{ij} \rightarrow$  i va j uchlar orasidagi ishonchlilik.

Dastlab, to'rtta parametrni bir parametrga o'tiramiz.

Hosil bo'lgan har bir oraliqdagi  $m_{ij}$  lar uchun Deykstra algoritmini qo'llaymiz.

**Dastlabki qadam.** Manbaga (1 belgili uchga)  $\varepsilon_1=0$  qiymatni mos qoyib, bu uchun, dastlab,  $R=\emptyset$  deb qabul qilingan  $R$  to'plamga kiritamiz:  $R=\{1\}$ ,  $\bar{R}=V/R$  deb olamiz.

Umumiy qadam. Boshlang'ich uchi  $R$  to'plamga, oxirgi uchi esa  $\bar{R}$  to'plamga tegishli bo'lgan barcha yo'lar to'plami  $(R, \bar{R})$  bo'lsin. Har bir  $(i, j) \in (R, \bar{R})$  yoy uchun  $h_{ij} = \varepsilon_i + C_{ij}$  miqdorni aniqlaymiz.

Bu yerda  $\varepsilon_i$  deb  $i \in R$  uchga mos qo'yilgan qiymat (grafning bir belgili uchidan chiqib  $i$  belgili uchigacha tarmoq kengligiga teskari kattalik birligi) belgilangan.

$$\varepsilon_i = \min_{(i,j) \in (R,\bar{R})} h_{ij} \text{ qiymatni aniqlaymiz.}$$


$(R, \bar{R})$  to'plamning oxirgi tenglikda minimum qiymat beruvchi barcha elementlarini, ya'ni  $(i, j)$  yo'ylarni ajratamiz. Ajratilgan yo'ylarning har biridagi  $i \in \bar{R}$  belgili uchga  $\varepsilon_j$  qiymat mos qo'yilgan barcha  $j$  uchlarni  $\bar{R}$  to'plamdan chiqarib,  $R$  to'plamga kiritamiz.

Har gal tanlangan  $\min h_{ij}$  dagi  $(i, j)$  yo'ylarni ajratib boramiz.

Uchlarga qiymat mos qoyish jarayonini oxirgi ( $K$  belgili) uchga qiymat mos qoyilmaguncha davom ettiramiz. Grafning bir belgili uchidan (manbadan) chiqib, uning ixtiyoriy  $K$  uchigacha (oxirgi uchigacha) eng qisqa vaqt birligi  $\varepsilon_K$  bo'ladi.

Oxirgi qadam. Grafning oxirgi uchidan boshlab ajratilgan yo'lar yo'nalishiga qarama-qarshi yo'nalishda uning bir belgili uchiga kelguncha harakatlanib, natijada grafdagi bir belgili uchdan ixtiyoriy  $K$  uchigacha eng qisqa tarmoq kengligiga teskari kattalik birligiga ega yo'llarni topamiz.

Quyidagi masalani yechib ko'ramiz:



Bu grafdagi har bir  $i, j$  uchlari orasidagi to'rtta parametrlarni yagona parametr metrika:  $m_{ij}$  larga o'tkazamiz!

$m_{ij} = \left[ k_1 * B + \frac{k_2 * B}{256 - L} + k_3 * D \right] * \left( \frac{1}{k_5 / (R + k_4)} \right)$  va  $m_{i,j}' = \frac{1}{m_{i,j}} * 1000$  formulalar yordamida hisoblaymiz:

$$m_{1,2} = \left[ 1 * 430 + \frac{1 * 430}{256 - 0.11} + 1 * 6 \right] * \left( \frac{1}{0.16 + 1} \right) = \frac{1}{377} * 1000 = 265$$

$$m_{1,3} = \left[ 1 * 730 + \frac{1 * 730}{256 - 0.21} + 1 * 2 \right] * \left( \frac{1}{0.27 + 1} \right) = \frac{1}{579} * 1000 = 173$$

$$m_{1,4} = \left[ 1 * 660 + \frac{1 * 660}{256 - 0.3} + 1 * 1 \right] * \left( \frac{1}{0.17 + 1} \right) = \frac{1}{567} * 1000 = 176$$

$$m_{1,5} = \left[ 1 * 720 + \frac{1 * 720}{256 - 0.25} + 1 * 9 \right] * \left( \frac{1}{0.1 + 1} \right) = \frac{1}{665} * 1000 = 150$$

$$m_{2,3} = \left[ 1 * 450 + \frac{1 * 450}{256 - 0.12} + 1 * 10 \right] * \left( \frac{1}{0.21 + 1} \right) = \frac{1}{382} * 1000 = 262$$

$$m_{2,6} = \left[ 1 * 680 + \frac{1 * 680}{256 - 0.16} + 1 * 2 \right] * \left( \frac{1}{0.15 + 1} \right) = \frac{1}{595} * 1000 = 168$$

$$m_{3,6} = \left[ 1 * 600 + \frac{1 * 600}{256 - 0.19} + 1 * 4 \right] * \left( \frac{1}{0.29 + 1} \right) = \frac{1}{470} * 1000 = 213$$

$$m_{3,4} = \left[ 1 * 640 + \frac{1 * 640}{256 - 0.14} + 1 * 5 \right] * \left( \frac{1}{0.25 + 1} \right) = \frac{1}{518} * 1000 = 193$$

$$m_{3,8} = \left[ 1 * 660 + \frac{1 * 660}{256 - 0.18} + 1 * 0.4 \right] * \left( \frac{1}{0.29 + 1} \right) = \frac{1}{562} * 1000 = 178$$

$$m_{4,5} = \left[ 1 * 640 + \frac{1 * 640}{256 - 0.22} + 1 * 7 \right] * \left( \frac{1}{0.13 + 1} \right) = \frac{1}{575} * 1000 = 174$$

$$m_{4,8} = \left[ 1 * 620 + \frac{1 * 620}{256 - 0.29} + 1 * 0.8 \right] * \left( \frac{1}{0.16 + 1} \right) = \frac{1}{537} * 1000 = 186$$

$$m_{5,8} = \left[ 1 * 430 + \frac{1 * 430}{256 - 0.18} + 1 * 3 \right] * \left( \frac{1}{0.27 + 1} \right) = \frac{1}{342} * 1000 = 292$$


$$m_{6,7} = \left[ 1 * 640 + \frac{1 * 640}{256 - 0.1} + 1 * 0.7 \right] * \left( \frac{1}{0.25 + 1} \right) = \frac{1}{515} * 1000 = 194$$

$$m_{6,9} = \left[ 1 * 450 + \frac{1 * 450}{256 - 0.29} + 1 * 0.9 \right] * \left( \frac{1}{0.29 + 1} \right) = \frac{1}{351} * 1000 = 285$$

$$m_{7,8} = \left[ 1 * 520 + \frac{1 * 520}{256 - 0.22} + 1 * 0.5 \right] * \left( \frac{1}{0.26 + 1} \right) = \frac{1}{415} * 1000 = 241$$

$$m_{7,9} = \left[ 1 * 550 + \frac{1 * 550}{256 - 0.17} + 1 * 0.2 \right] * \left( \frac{1}{0.23 + 1} \right) = \frac{1}{449} * 1000 = 223$$

$$m_{8,9} = \left[ 1 * 600 + \frac{1 * 600}{256 - 0.19} + 1 * 0.3 \right] * \left( \frac{1}{0.2 + 1} \right) = \frac{1}{502} * 1000 = 199$$



$$h_{ij} = \varepsilon_i + C_{ij}$$

1-iteratsiya		3-iteratsiya	
$\bar{R}\{1\}$	$R\{2,3,4,5,6,7,8,9\}$	$\bar{R}\{1,3,5\}$	$R\{2,4,6,7,8,9\}$
(1,2); (1,3); (1,4); (1,5)		(1,2); (1,4); (3,2); (3,4); (3,6); (3,8); (5,4); (5,8)	
$h_{1,2}=0+265=265$		$h_{1,2}=0+265=265$	
$h_{1,3}=0+173=173$		$h_{1,4}=0+176=176$	
$h_{1,4}=0+176=176$	$\min h_{ij}=150=h_{1,5}$	$h_{3,2}=173+262=435$	$\min h_{ij}=h_{1,4}=176$
$h_{1,5}=0+150=150$		$h_{3,4}=173+193=366$	
2-iteratsiya		4-iteratsiya	
$\bar{R}\{1,5\}$	$R\{2,3,4,6,7,8,9\}$	$\bar{R}\{1,3,4,5\}$	$R\{3,6,7,8,9\}$
(1,3); (1,4); (5,4); (5,8)		(1,2); (3,6); (3,8); (4,8); (5,8)	
$h_{1,2}=0+265=10$			
$h_{1,3}=0+173=173$			
$h_{1,4}=0+176=176$	$h_{\min}=h_{1,3}=173$		
$h_{5,4}=150+174=324$			

$$\begin{aligned}
 h_{5,8} &= 150 + 292 = 442 \\
 h_{3,6} &= 386 \\
 h_{3,8} &= 351 \\
 h_{4,8} &= 176 + 186 = 262 \\
 h_{5,8} &= 442
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 &\min h_{ij} = h_{1,2} = 265 \\
 &5\text{-iteratsiya} \\
 &\bar{R}\{1,2,3,4,5\} \quad R\{3,6,7,9\} \\
 &(2,6); (3,6); (3,8); (4,8); (5,8);
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 h_{2,6} &= 265 + 168 = 433 \\
 h_{3,6} &= 386 \\
 h_{3,8} &= 351 \\
 h_{4,8} &= 362
 \end{aligned}$$


$$\begin{aligned}
 &6\text{-iteratsiya} \\
 &\bar{R}\{1,2,3,4,5,8\} \quad R\{6,7,9\} \\
 &(2,6); (3,6); (8,9)
 \end{aligned}$$

$$h_{2,6} = 433$$

$$\begin{aligned}
 h_{1,2} &= 265 \\
 h_{3,6} &= 386 \\
 h_{8,7} &= 351 + 241 = 395 \\
 h_{8,9} &= 351 + 199 = 550
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 &7\text{-iteratsiya} \\
 &\bar{R}\{1,2,3,4,5,6,8\} \quad R\{7,9\} \\
 &(6,7); (6,9); (8,7); (8,9)
 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
 h_{6,7} &= 386 + 194 = 580 \\
 h_{6,9} &= 386 + 285 = 671 \\
 h_{8,7} &= 592 \\
 h_{8,9} &= 550
 \end{aligned}$$



$$M_{550}^1 = (1, 3, 8, 9) = 550$$

Telekommunikatsiya tarmoqlari marshrutizatorlari axborotning optimal yo'nalishini aniqlashi asosiy masalalar hisoblanadi. Qisqa vaqt mobaynida tanlangan marshrut axborotning uzatilish tezligiga katta ta'sir ko'rsatadi va samarador hisoblanadi. Maqolada axborot marshrutini belgilash va uzatish jarayoniga ta'sir qiluvchi bir necha parametrlarni hisobga olgan holda, marshrutlash jarayonining graflar yordamida yechilishi aks ettirilgan.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. J.P.Jue, V.M.Vokkarane. Optical Burst Switched Networks. Springer Science+Business Media, Inc., Boston, 2005.
2. M.Düser and P.Bayvel. Analysis of Wavelength-Routed Optical Burst-Switched Network Performance. Fiber and Integrated Optics Volume 21, Issue 6, 2002, p. 471 – 477.
3. V.M.Vokkarane and J.P.Jue. Prioritized Routing and Burst Segmentation for QoS in Optical Burst-Switched Networks. In Proc.IEEE/OSA Optical Fiber Communication Conference, 2002, p. 221 – 222.
4. A.В.Голышко, Н.А.Лескова. Оптическая коммутация блоков. "Сети системы связи", № 8, 2001.

5. Т.З.Нижарадзе. Разработка и исследование модели алгоритма динамической маршрутизации для сетей GMPLS. Диссертация на соискание ученой степени кандидата технических наук, Вологда, 2008.
6. Recommendations ITU-T, E.600 (03/93). Terms and definitions of Traffic Engineering.
7. Recommendations ITU-T, M.2100 (07/05). Performance Limits for bringing – into-service and maintenance of International PDH Path, section and transmission systems.
8. Абдуллаев Д.А. Вероятностная модель системы передачи данных, доклады АН РУз, Ташкент, 2007, №2, с. 42 – 45.
9. Абдуллаев Д.А. Импликативный подход к проблемам вычисления условной вероятности и расчета вероятности ошибок в цифровых/многоузловых трактах передачи данных. М., “Электросвязь”, 2011, №6, с. 51–56;
10. Олифер В., Олифер Н. Искусство оптимизации трафика. “Журнал сетевых решений LAN”, 2001, №12.
11. Заславский К.Е., Фокин В.Г. Проектирование оптической транспортной сети. Н, 1999.
12. Рябанин И.А. Надежность и безопасность структурно-сложных систем. С-Пб., «Политехника», 2000. 248 с.
13. Надежность и живучесть систем связи. Под ред. Б.Я.Дудника. М., Радио и связь, 1984, 216 с.
14. Шелухин О.И., Тенякшев А.В., Осин А.В. Фрактальные процессы в телекоммуникациях. М., Радиотехника, 2003, 480 с.
15. Филин Б.П. Методы оценки структурной надежности сетей связи. М., Радио и связь, 1988, 220 с.
16. Исаев Р.И. Статистический анализ надежности и живучести кабельных систем передачи. “Aloqa dunyosi”, 2006, №1, с. 30 – 34.
17. Исаев Р.И. Анализ методов повышения устойчивости функционирования волоконно-оптических систем передачи. “Aloqa dunyosi”, 2007, №1, 2007, с. 14 – 25.
18. Исаев Р.И., Мукимов Ж.Д. Методы защиты информации в каналах телекоммуникационных систем передачи. “Aloqa dunyosi”, Ташкент, 2007, №3, с. 45 – 52.
19. Исаев Р.И., Цой Е.В. О надежности волоконно-оптических кабелей связи. “Aloqa dunyosi”, 2008, №5 – 6, с. 9 – 19.
20. Исаев Р.И., Расулов О., Мукимов Ж.Д. Анализ технологий и протоколов идентификации и аутентификации пользователей в системах защиты информационных систем от несанкционированного доступа. “Aloqa dunyosi”, Ташкент, 2008, №5 – 6, с. 20 – 29.
21. Исаев Р.И. Проблема обеспечения устойчивости функционирования систем телекоммуникации. Седьмая Международная Азиатская школа – семинар «Проблемы оптимизации сложных систем», Республика Узбекистан, Ташкент, 17–27 октября 2011.

**Babadjanova Sayyora Xushnudovna (UrDU dotsenti),  
Sultonov Mansurbek Farxod o'g'li (UrDU magistranti)**

**XORAZM VOHASIDA TARQALGAN XALQARO VA O'ZBEKISTON "QIZIL KITOB"GA  
KIRITILGAN NOYOB BALIQLARNING TUR TARKIBI VA AYRIM BIOEKOLOGIK  
XUSUSIYATLARI**

*Аннотация. Мақоллада нояоб балиқларни аниқлаш усуллари, экологик хоссалари, о'rganilish tarixi, Xalqaro, endemik statusi va noyoblik sabablari keltirilgan. Qo'shimcha sifatida rivojlanish stadiyalari ham berilgan.*

*Аннотация. В статье обсуждаются методы определения редких рыб, их экологические свойства, история изучения, международный, эндемический статус и причины редкости. Приведены дополнительные этапы развития.*

*Annotation. The article discusses methods for identifying rare fish, their ecological properties, study history, international, endemic status, and causes of rarity. Additional stages of development are given.*

*Калит so'zlar: "Qizil kitob", noyob baliq, status, endemik, faktor, inson omili.*

*Ключевые слова: "Красная книга", редкая рыба, статус, эндемический, фактор, человеческий фактор.*

*Key words: Red book, rare fish, status, endemic, factor, human factor.*

Baliqlar faunasi O'rta Osiyo, jumladan, O'zbekistonda ham ularning xilma-xilligi boy bo'lib, endemik turlar va avlodlari bila ajralib turadi. Ushbu vaziyat ekologik muhitning rang-barangli bilan chambarchas bog'liqligini ko'rsatishi mumkin. Amudaryo, Sirdaryo, Zarafshon, Norin kabi tabiiy suv havzalarida ayniqsa ilar keng tarqalgan. Ayrim baliq turkumlari va ularning yashash havzalari bir qator rus va o'zbek olimlarimiz tomonidan chuqur tahlil etilgan.<sup>1</sup>

Ushbu ilmiy ishda O'zbekiston "Qizil kitobi"ga kiritilgan ayrim endemik va relik (O'rta Osiyo va Yer yuzi bo'yicha) baliq turlari haqida va ularning soni, ko'paytirish ishlari, nazorat profilaktikasi va boshqa statistik ma'lumotlar keltirilgan.

**Adabiyotlar tahlili.** Baliqlarni o'rganuvchi fan – ixtiologiya deb atalib, bu fanni rivojlantirish o'rganish borasida juda ko'p olimlar ilmiy izlanishlar olib borganlar. XIX asrda Ixtiologiya mustaqil fan sifatida zoologiyadan ajralib chiqadi. Bu davrda Ixtiologiya sohasidagi tadqiqotlar, asosan, baliq ovlashning jadallashishi talablari bilan bog'liq bo'lib, ovlanadigan baliqlar miqdorining dinamikasi, ovlashning baliqlar zaxirasiga ta'siri, baliq zaxiralarini qayta tiklashga qaratiladi. XIX asrda rus olimlari K.M.Ber va N.Y.Danilevskiy Kaspiy, Azov, Qora dengiz va Shimoliy dengizlarda baliqchilikni tadqiq qilishdi. XIX asr oxiri va XX asr boshida nemis F.Xeynke seldni, daniyalik K.Peterson treska va kambalani, norvegiyalik Y.Yort seld va treskaning ovlanishi masalalarini ilmiy jihatdan asoslab berishdi

O'zbekistonda bakra baliqlarining kashf qilinishi va ularning biologik xususiyatlarini o'rganish XIX asrning ikkinchi yarmida O'rta Osiyoga qilingan ekspeditsiyalarga rahbarlik qilgan olimlar tadqiqotlari bilan bog'liq. Jumladan, 1871-yilda rus geografi va sayohatchisi A.P.Fedchenko Sirdaryo soxtakurakburun balig'ini, mashpur tabiatshunos olim M.N.Bogdanov 1874-yilda Amudaryo katta soxtakurakburunini, zoogeograf-akademik N.A.Seversov esa 1876-yilda Amudaryoda kichik qilquyruq yoki kurakburunni kashf qilishgan. O'zbekistonda hayvonlar ekologiyasi maktabini yaratgan olim D.N.Kashkarov va uning shogirdlari A.L.Brodskiy, I.A.Raykova 1920-yilda Toshkent va Jizzaxning suv havzalarida bakra balig'ini ikra tashlash kabi biologik xususiyatlarini o'rganishga qaratilgan tadqiqotlar olib borganlar. Ushbu tadqiqotlarni keyinchalik 1933-yilda G.V.Nikolskiy davom ettirdi. Shuningdek, olim osetrsimonlarni o'zgaruvchanligini aniqlagan. A.N.Probatov orol bakra balig'ining yosh xususiyatlarini 1929-yilda o'rgangan. P.V.Sikulenko esa Sirdaryo havzasida bakra baliqning biologik xususiyatlari va uni muhofaza qilish masalalari bilan shug'ullandi. 1937-yilda D.B.Albanov Qoraqalpog'iston baliqlari faunasini o'rganib chiqdi. G.M.Barxanskaya va L.P.Pavlovskaya kabi olimlar tomonidan Qoraqalpog'iston va Xorazm vohasi suv havzalari baliqlarining tur tarkibi va biologik-ekologik xususiyatlarini o'rganish natijalarini nashr qildirishdi.

<sup>1</sup> B Haqberdiyev. Xorazm vohasi baliqlari. 1983-yil, 68-bet.

**Material va metodika.** Baliqlarni ushlashdan maqsad ularni biologiyasi va ekologiyasini o'rganishdir. Baliqlar faolligiga qarab tezkor, o'rtacha va sustlarga ajratiladi. Baliqlarni ushlashda ko'p martalik tutqich to'rlardan (sadok), to'r o'lchamlari 1x2x1, 20, 26, 36, 50, 100–120 nomerlilaridan foydalanamiz. Sababi, bir martalik lepeskali to'rlardan (Xitoy, Vetnamda ishlab chiqarilgan) foydalanilsa, ko'pincha, u yirtiladi va suvda qolib ketadi. Bu esa baliqlar va boshqa gidrobiontlar hayotiga salbiy ta'sir etadi. Sekki diski (oq, oq-qora rangli aluminiydan ishlangan disk o'rtasiga mahkamlangan uzun ip) – bu asbob suvning tiniqligi uchun zarur. Baliqlarni tutishda qayiqlar bazi hududlarda traullerlardan foydalaniladi. Ushlangan baliqlarni suniy tayyorlangan plastik, beton hovuzlardan yoki vannalardan foydalaniladi.

Ilmiy tadqiqot ishlar 2019–2021-yillar davomida Xorazm viloyati tabiiy suv havzalarida (Amudaryo Xonqa, Yangibozor tumanlari xududlari) va Xorazm Ma'mun akademiyasida kichik suv basseynlarida, Xiva tumanida o'tkazdik. Ishlarni Xiva tumani, Xonqa tumaniga yaqin joylashgan Amudaryo va Sarimoy suvlaridan tutilgan baliqlarda o'tkazdik. Baliqlardan namuna to'plash jarayonida kengligi 30 mm lik, balandligi 3 metr va uzunligi 50 metrlik to'rlardan foydalandik.

O'rganilayotgan baliqlar tanasining umumiy uzunligi (a-b, sm), ayrim holatlarda, tanasining standart uzunligi (a-d), umumiy og'irligini (gr) o'lchadik. Buning uchun 1x2x1 m<sup>3</sup> hajmdagi ikkita basseyndan foydalanildi. Suv oqimi basseynlardagi suv 1 soat ichida to'liq almashinuvini ta'minlaydigan darajada hosil qilindi.

Ilmiy tadqiqot ishlarida kuzatish, variatsion statistik hisoblash Ploxinskiy 1961, Pravdin 1966 metodlaridan foydalanildi. Asosan, I.F.Pravdin sxemasi bo'yicha kuzatishlar olib borildi. Amudaryo soxta kurakburunining o'rganishda bir qancha quyidagi belgilar hisobga olinadi. Shuningdek, ularni maxsus chizg'ichlarda xam o'lchash mumkin.

**Ilmiy ishning natijalari.** Kuztishlar shundan dalolat beradiki 1940–50-yillar mobaynida Orol dengizi va unga quyiladigan daryolarning o'zanlari suniy tartiblandi. Bu esa oldin ko'p bo'lgan baliqlarni hozirgi kunda son jihatdan kamayib yoki butunlay yo'qolib ketishiga sabab bo'lgan. Brokonerlik faoliyatlari ham bu borada ancha ko'ngilsiz natijalarni beryapti.

Tabiiy xovuzlarda baliq mahsuldorligi gektariga 1–1.5 kgdan tushib qolsa bu yerda baliq oviga taqiy qo'yilishi zarur.

Viloyatdagi kanallar, ko'llar, sholipoyalar, yopiq ko'llar, ichki xovuzlarga Amudaryodan tasodifiy tarzda baliqlar o'tib qolishi mumkin. Bular Ship, kurakburunlar (2 tasi), Orol mo'ylovdori, Orol jerexi (noyob bo'lmaganlardan plotva, Orol leshi, Samarqand xramuliyasi, oq va qora amurlar, oddiy va kichik do'ngpeshona, zog'ora, Orol shemayasi, Orol laqqasi, ilonbaliq, Koreya qiyshiqtumshug'i, Amur chebakchasi).

Suv havzalarida 36 tur va kichik tur, 30 turkum, 9 oila vakillari yashab oziqlanadi. Bu baliqlar suv havzasi biotoplarini hosil qiladi.

Ko'pchilik baliqlar va ularning molod formalari (Orol jerexi, mo'ylovdorlar) bahor-yoz fasllarida suv havzasi atroflarida (qirg'oqlarida) oziqlanadilar. Nerest davri tugagandan so'ng ko'pchilik baliqlar suvlarning chuqurroq joylariga migratsiya qilishadi.

Ichki suvlarda oziqlanuvchi baliqlarning reofil guruhiga – tez oqar suvli joylarga moslashgan turlar (Amudaryo mo'ylovdori, kurakburunlar, Jerex);

Limnofil guruhiga – turib qolgan yoki oqmaydigan suvlarga moslashgan turlar (Orol qorako'zi) kiradi. Xorazm suvliklarida aynan evriterm baliqlar keng tarqalgan. Sababi suv havzalaridagi harorat juda o'zgaruvchandir. Bunday tipdagi baliqlarda barcha fiziologik jarayonlar +5, +25° da kechadi.

Kislorodga bo'lgan ehtiyojiga ko'ra, voha baliqlarini 3 guruhga:

–5–7 cm<sup>3</sup>/l bo'lgan suvlarda chexon, sudaklar, asosan, tez oqar daryo hududlarida;

–o'rtacha 4 cm<sup>3</sup>/l atrofida bo'lgan suvliklarda Turkiston ko'kbo'yini;

– 0.5 cm<sup>3</sup>/l gacha pasaygan suv havzalarida sazan baliqlari tarqalgan.

Tabiiy holda baliqlarning o'sishi bevosita tashqi muhitga bog'liq bo'lib kuzatishlarimiz natijasiga ko'ra ular 1-yuqori temp bilan o'suvchilar Orol cho'rtansifati va boshqa birqancha turlar mansub bo'lib, uch yoshli baliqlar 500 grammdan oshadi.

2-o'rta darajada rivojlanuvchi sazan, "Turkiston" va "Orol" mo'ylovdorlari besh yoshli formalari-ning massasi 500 gramm.

3-quyi darajadagi turlar nayzaqanot parrak, Orol bakrasi kabilarning massasi katta yoshlilariniki 60–100 gram bo'ladi. Bu holat suniy suv havzalarida manipulyatsiya qilinishi mumkin. Masalan, Bog'ot tumanida Xoji bobo f/xda Amudaryo kattakurak buruni ko'paytirilmoqda. Tabiiy ravishda ularning jinsiy



yetilishi va massa jihatdan ortishi juda sekin kechkanligi uchun bunday baliqlar boshqa baliqlar bilan raqobatda ortda qolmoqda.

Oziq tarkibiga va oziqlanishiga qarab baliqlar fitofag, planktonofag, bentosofag va yirtqichlar kabilarga ajraladi.


Fitofag – o‘txo‘r baliqlar asosan deyarli barcha baliqlar, ularda og‘iz joylashishi rostrum ustida bo‘lganligi uchun.

Planktonofag – ko‘pchilik baliqlar voha suvlarida yoz oylarida fit ova zooplanktonlar miqdori juda pasayib ketadi. Senodesmus, keratella, artemiya, mizid va boshqa tabiiy oziqa bo‘luvchi organizmlar kamayib ketadi.

Bentosofaglar – sazan, mo‘ylovdorlar, tikanak baliqlar.

Yirtqich – nayzaqanot baliq.

#### Baliqlarning qaysi turkumga mansubligi statistikasi



Viloyatning yuqori mahsuldor baliqlar bentosxo‘rlar (ba‘zan yirtqichlar) hisoblanib ular asosiy ovlanadigan turlardir. Kech va o‘rta yetiluvchi vakillar ko‘pchilikni tashkil etadi.

Yuqoridagi ilmiy izlanishlar shundan dalolat beradiki 1960–70-yillardan boshlab daryo suvining sun‘iy boshqarilishi, cho‘llarni o‘zlashtirilishi, sun‘iy ravishda suvliklarni ifloslantirilishi voxa hududida ayrim baliq turlarining butunlay yoki qisman yo‘qolishiga sabab bo‘lgan. Bizdagi baliqchilikning katta muammolaridan biri irrigatsion soha bilan bog‘lab qo‘yilganligidadir.

Абдуллаев Акмал Насриддинович (НамДУ Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси; e-mail: vatican\_25@mail.ru)

## МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЮКСАЛТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириши ва исломий қадриятларни юксалтириши соҳасидаги ислоҳотларнинг ўзаро алоқадорлиги ёритилган. Шунингдек, шахснинг маънавий хавфсизлиги маданиятнинг цивилизация кодлари – анъанавий қадриятларига асосланганлиги очиб берилган.

**Аннотация.** В статье освещена взаимосвязь реформ в развитии гражданского общества и продвижения исламских ценностей в нашей стране. Выявлено также, что в основе духовной безопасности личности лежат кодексы цивилизации – традиционные ценности культуры.

**Annotation.** The article highlights the relationship between reforms in the development of civil society and the promotion of Islamic values in our country. It was also revealed that the basis of the spiritual security of an individual is the codes of civilization – the traditional values of culture.

**Калим сўзлар:** фуқаролик жамияти, исломий қадриятлар, цивилизация кодлари, суверенитет, фуқаролик-ҳуқуқий келишув, кадр-қиммат, маънавий ахлоқ.

**Ключевые слова:** гражданское общество, исламские ценности, кодексы цивилизации, суверенитет, гражданско-правовое соглашение, достоинство, мораль.

**Key words:** civil society, Islamic values, codes of civilization, sovereignty, civil law agreement, dignity, morality.

Исломнинг анъанавий қадриятлари қудратли ташувчиси Марказий Осиё цивилизацияси ҳисобланади. Ўзбекистон мусулмонларининг ўзига хослиги миллий ўзига хослиги ва диний-маданий жиҳатлари орқали мустақамланади. Мусулмонларнинг маданий қадриятлари ва ўз тақдирини ўзи белгилашлари бу маданий яхлитлик ва анъанавий қадриятларнинг дахлсизлиги шартидир. Анъанавий мусулмон қадриятлари мусулмон педагогикасининг маънавий асосларини шакллантирди, ёш авлод мусулмонларининг ижтимоийлашувига асос бўлиб хизмат қилади. Бозор глобаллашuvi дунё мамлакатларининг маданий суверенитетига олиб келди. Аммо маданий суверенитет – бу мамлакат миллий хавфсизлик концепциясининг асосий таркибий қисми, одамларнинг ўзига хослигини сақлаш, уни тўлдиришни таъминлаш, цивилизация халқларининг асл маданиятини сақлаб қолиш ва яна-да ривожлантириш шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги тизими қуйидаги даражаларни ўз ичига олади: мамлакатнинг давлати ва маданий суверенитетини таъминлайдиган миллий хавфсизлик; жамоат хавфсизлиги – фуқароларнинг цивилизациявий ва миллий ўзига хослигини сақлаш, диний маданият ва жамиятнинг фуқаролик институтларининг ўзига хослигини сақлаш сифатида маънавий хавфсизлик. Хавфсизлик тизимини амалга оширишнинг ушбу ташқи томонлари асосий мақсад – шахснинг маънавий хавфсизлигига бўйсундирилган. Шахснинг маънавий хавфсизлиги маданиятнинг цивилизация кодлари – анъанавий қадриятларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси мафқураси учун асосий ва мақсадга мувофиқдир, чунки у шахс ва жамиятнинг ички цивилизация яхлитлигини ўрнатади. Бу маданиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига асосланиб, давлат ҳаётининг муҳим соҳалари, давлат, шахслар ва жамият манфаатлари мувозанати устидан назоратни таъминлайди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадларидан бири фуқаролар тинчлигини, жамиятдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлашдан иборатдир. Исломнинг анъанавий қадриятлари фуқаролик дунёси ва мамлакатнинг тарихий ривожланиши учун муҳим қадриятлардир. Мусулмонларнинг таълим тизимида ушбу қадриятларнинг сақланиши ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг олдини олиш воситаларидан бири бўлиб, улар жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи асосий манбалардан биридир. Марказий Осиё цивилизацияси маданиятига қўшилган исломнинг анъанавий қадриятлари Ўзбекистонда миллий хавфсизлик тизимининг барча даражаларида мақсадли функцияга эга. Давлат хавфсизлиги даражасида улар жамиятдаги ахлоқий ва фуқаролик-ҳуқуқий келишувга ҳисса қўшадилар. Ижтимоий хавфсизлик даражасида диний маданият қадриятлари самарали муқаддас бирлашишга, барча давлат институтларининг ривожлани-

ши ва самарали ўзаро таъсирига, ҳокимият ва жамият ўртасидаги мулоқотга ёрдам беради. Шахсий хавфсизлик даражасида анъанавий кадриятлар шахсга ўзининг ижтимоий аҳамиятли еҳтиёжлари ва қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар мажмуасини шакллантиришга ёрдам беради. Хавфсизлик тизимининг барча учта даражаси жамият, давлат ва шахснинг маданий ва тарихий ривожланишида яхлитлик ва ҳамжиҳатликни таъминлайдиган жамиятдаги маънавий кадриятлар тизимига асосланган.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг, шу жумладан, диний институтларнинг маънавий анъанавий кадриятлари аллақачон қонуний қонунийлашув предметиға айланган. Шундай қилиб, миллий хавфсизлик стратегиясида анъанавий ҳимоя қилиш тизимига киритилган анъанавий кадриятлар рўйхатида қуйидаги кадриятлар келтирилган: «маънавиятнинг моддиятдан устунлиги; инсон ҳаёти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, оила, Ватанга хизмат қилиш, ахлоқ нормалари, гуманизм, раҳм-шафқат, адолат, ўзаро ёрдам, коллективизм, ўзбек халқларининг тарихий бирлигидир. Шу нуқтаи назардан, диний маданиятларни барпо этишнинг чуқур тамойилларига мос келадиган ва ислом анъаналарида акс эттирилган асосий анъанавий кадрият – “маънавийнинг материалдан устунлиги” ни таъкидлаш муҳимдир. Барча дунёвий динларда маънавиятнинг устуворлиги принципи асосида жамоат онгида кадриятлар иерархиясининг тарихий ҳақиқати тан олинади, бу ерда маънавий маданият кадриятлари энг юқори кадрият сифатида улар хизмат қилади, кадриятларидан фойдаланиладиган ва истеъмол қилинадиган моддий маданиятга устунлик қилади.

Анъанага асосланган исломнинг юксак мақсади юксак ахлоқли одамларни тарбиялашдир. Муҳаммад пайғамбар айтганлар: “Менинг энг севганим ва қиёмат куни менга энг яқин бўлганим – юксак ахлоқ эгасидир”. Мусулмоннинг юксак тарбияси ахлоқий ишлар орқали Худога маънавий юксалиш истагида намоён бўлади. Яхши кўшничилик, муҳаббат, мувофиқлик, ўзаро ёрдам, бировнинг фикрини ҳурмат қилиш, раҳм-шафқат ва кўнгил очиш ҳақиқий мусулмонга хос фазилатлардир. Барча анъанавий динлар Худонинг абадий кадриятларига асосланади: ўлдирманг, ўғирламанг, бошқаларга зарар етказманг. Улар биринчи одам яратилган пайтдан бошлаб пайдо бўлди ва қиёматгача ўзгармай қолади. Мусулмонлар ўз маданияти анъаналари бўйича, Худо олдида – тинчликда яшаш, бир-бирларига ҳурмат ва муҳаббатни ривожлантиришга мажбурдирлар. Самимий мусулмон имонли, албатта, мухтожларга раҳм қилади. У ҳеч қачон сиз қайси миллатдансиз ва Худога ишонасизми, деб сўрамайди. У муаммога дуч келганларни овқатлантиради ва суғоради, муаммоларини ҳал қилишга, ёрдам қўлини чўзишга ёки яхши маслаҳат беришга ҳаракат қилади.

Исломнинг тўғри йўли – барча биродар халқлар учун кўшнилариға ва Худога ахлоқий хизмат кўрсатишда ишончли қўлланма бўлишдир. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда “Моида” сурасининг иккинчи оятида: “Яхшилик ва тақводорликда бирлашинглар, лекин гуноҳ ва адоватда ёрдам берманглар”, деб даъват этади. Халқларнинг анъанавий ахлоқи умумий кадриятларга асосланади. Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг ҳадисида айтилганидек: “Ватанга муҳаббат иймоннинг бир қисмидир”. Ватанни севиш – бу ўз халқини севиш, улуғвор тарих ва ғамхўрлик учун уларга миннатдор бўлиш, биз яшаётган ерни севиш, у билан боғлиқ бўлган яхши ва гўзал нарсаларни севишни англатади. Шу боисдан ҳам “Ислом даври манбалари қадим даврга нисбатан бекиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Ислом давридан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндашув имкони жиддий тарзда оқади ва миллатнинг маънавий камолот босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик касб этади”.<sup>1</sup>

Мусулмонларнинг таълим тизими унинг маънавий салоҳиятининг энг муҳим омили бўлган исломий анъанавий кадриятларни тарбиялаш тизимига асосланади. Шу боисдан ҳам 20-аср бошларида мусулмонлар таълимини ислоҳ қилиш анъанавий ислом дини ва замонавий илм-фан кадриятларини қайта кўриб чиқиш ва синтез қилиш билан боғлиқ бўлган эди. Мусулмон олимларининг аксарияти одамларнинг кадр-қиммати ва маънавий-ахлоқий камолоти икки нарсадан – дин ва илмдан иборат деб ҳисоблаганлар. Улар дин ва илм-фан ҳақиқат қайиғининг икки эшқаги эканлигига алоҳида урғу берганлар. Шунингдек, исломшунос олимлар Қуръоннинг кўп жойларида ақлга ишора қилинганлиги ва унга даъват этганлигини мисол қилиб келтирди. Ақлга асосланган имон унга ақидапараст ва ўйламайдиган эътиқоддан афзалдир. “Таълимсиз дин, динсиз таълим каби ҳалокатлидир”. Диншунослик фанининг ушбу ғояси бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Ислом маҳаллий урф-одатлар асосида диний кадриятларни янгилаб борган. Зеро, инсоннинг ҳаётидаги ва-

<sup>1</sup>Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., “Шарқ”, 1996, 9-бет.

зифаси яхшилик қилиш, бу унинг асл мақсади бўлиши керак. Яхши қўшничилик, муҳаббат, ўзаро ёрдам, бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, раҳм-шафқат ва меҳр-оқибат, ҳар қандай инсон, авваламбор, мусулмон одам эргашиши керак бўлган асосий ахлоқий хусусиятлардир. М.О.Усмонов бу ҳақида шундай ёзади: “Қуръон оятларида инсон бошқа махлуқотлар каби моддий унсурдан яратилганлиги ва бу жиҳатдан унинг бошқа махлуқотлардан афзал эмаслиги таъкидланади. Чунки у ҳам бошқа махлуқотлар сингари Аллоҳ томонидан яратилган (“Махлуқ” деган сўз «яратилган» деган маънони англатади), одам ҳам бошқа ҳайвонлар каби бир ҳайвондир (“ҳайвон” – жон эгаси деган маънони англатади). Лекин инсонни мана шундай соф биологик-физиологик моҳият сифатида талқин қилган Қуръон оятлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Яъни, бу оятларни шундай тушунмоқ керакки, инсон оддий бир моддий унсурдан яратилган экан, у ҳеч маҳал инсонларга нисбатан жабр-ситам қилмаслиги, кибр-ҳавога берилмаслиги керак, иложи борича, хоксор, меҳр-шафқатли бўлиши керак”.<sup>1</sup>

“Дарҳақиқат, биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик... ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик”.<sup>2</sup> “Эй инсонлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво)дан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишинглар (дўст биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила элатлар қилиб қўйдик”.<sup>3</sup>

Ушбу оятда ислом дини кадриятларини инсоният оламига, унинг дунёқарашига, шахс ва жамият муносабатига кўз қараши баён этилгандир. Унга кўра, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Шу боисдан ҳам улар ўртасида ўзаро меҳр-шафқат ва масъулият ҳисси юқори бўлиши лозим. Иккинчидан, бу дунёда инсонларнинг турли табақаларга, эл-уруғларга бўлинишлари бир-бирлари билан мол-дунё таллашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари ҳалифа бўлган заминни юксак масъулият билан обод қилишлари шарт. Бу ҳақида Қуръони каримда: “Аллоҳ таоло: “Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни уларга хушхулқ билан камтарона муносабатда бўлинг)” (Шуаро сураси, 215-оят), “Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуклик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур” деб айтилган.<sup>4</sup> Шундай қилиб, ўзбек менталитетининг анъанавий кадриятларини химоя қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлиги ва унинг маданий суверенитети вазифасидир.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий кадрият ҳисобланади. Маълумки, кадриятлар – бу атрофдаги дунё объектларининг инсон, синф, гуруҳ, умуман. жамият учун аҳамияти ўлчовидир. Улар ўзларининг хусусиятлари билан эмас, балки инсон фаолияти соҳасидаги манфаатлар ва эҳтиёжларнинг, ижтимоий муносабатларнинг иштироки билан белгиланади. У ёки бу нарсаларнинг асосий кадриятлари энг муҳим ва асосий ҳужжатлар ёки манбаларда ўзларининг тан олиниши ва мустақамланишини топади. Булар дунёвий-ҳуқуқий (Конституция, асосий тамойиллар) ва диний-ҳуқуқий (Қуръон) манбалардир. Бу дунёда моддий фаровонлик билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган инкор этилмайдиган буюк кадриятлар мавжуд, улар абадий устувор ва асосий бўлиб қолаверади. Уларнинг асосийлари маънавият ва ахлоқдир. Уларнинг асосий ташувчиси асрлар давомида ривожланиб келган миллий ва диний урф-одатларни, ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданий тарихий тажрибасини сақлайдиган диндир. Мамлакатимиздаги замонавий диний вазият давлат ва жамиятнинг диний соҳадаги янги воқеликларга эътиборини оширишни тақозо этмоқда. Аҳолининг диндорлигининг ўсиши, бу аввалги мафкуравий тизимнинг кулаши билан боғлиқ бўлган аниқ натижадир.

Ислом янги шаклланаётган феодализмнинг диний тизими сифатида пайдо бўлиб, у, кейинчалик ҳам ижтимоий-этник муҳитда ўз изини қолдирди. Ислом ва қабила муносабатларининг қолдиқлари ўзаро таъсир ўтказди: бир томондан, мусулмон дини арабларнинг ҳаёти, иқтисодиёти ва кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган қабилавий диний эътиқодларини ўзига сингдирди, бошқа томондан, анъанавий кадриятларни янгилашга интилди. Бир томондан, ислом ўз эъти-

<sup>1</sup>Усмонов М.О. Умар Хайём рубоийларида инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи ғояларнинг тарбиявий аҳамияти. Умар Хайём Нишопурий – шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро анжуман материаллари. Т., 2004, 90-бет.

<sup>2</sup> Қуръони карим. Ал-Исро сураси, 70-оят, 2001, 201-бет.

<sup>3</sup> Қуръони карим. Хужурот сураси, 13-оят, Т., 2001, 392-бет.

<sup>4</sup> Наҳл сураси, 90-оят.

коди ва маданиятини, у тарқаладиган халқларнинг этник анъаналарини ўзлаштирди ва шу билан этник рангга эга бўлди. Бошқа томондан, ислом этник жамоаларнинг ҳаётининг барча соҳаларида ўз изини қолдирди, уларга ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий тамойиллари, доғмалар, байрамлар ва маросимларни тақдим этди. Бу жараён исломнинг этноконфессионал ўзига хослигининг келиб чиқиши билан боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мавжуд Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ва бошқа диний таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий таълим тизимининг эришилган ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, талаба-ёшларни хорижий ислом таълим муассасаларида ўқитиш жараёнини яна-да кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонлик мутахассислар учун лицензияланган исломий таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини яна-да кенгайтириш жамиятда ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим ўринни эгаллайди.

**Саидмуродов Жобиржон Боймурод ўғли (Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети Фалсафа ва мантик кафедраси таянч докторанти; e-mail: [jobir\\_gdu@mail.ru](mailto:jobir_gdu@mail.ru))**

### **ГЕГЕЛЬ ИЖТИМОЙ ФАЛСАФАСИДА ЭРКИНЛИК МАСАЛАСИ**

**Аннотация.** Мақолада Гегель учун эркинликнинг ҳақиқийлиги масаласи, энг аввало, унинг умумий индивидуал жиҳатлари қай тарзда мутаносиблашуви масаласи ҳисобланади. Инсон ўзининг туғма табиатига кўра, онгли мавжудотдир. Бироқ ҳар бир алоҳида инсон ўз-ўзи учун ўз ҳаётига эга ва шу туфайли муайян даражада чекланган ва бу уни ғазаблантиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу лаҳзада у умумий ҳам, онгли ҳам эмас. Бинобарин, инсондаги эркинликнинг умумий ва индивидуал жиҳатлари қай тарзда бирлашиши тўғрисидаги савол очиқ берилган.

**Аннотация.** Для Гегеля вопрос подлинности свободы в статье – это прежде всего вопрос о том, как сбалансированы ее общие индивидуальные аспекты. Человек – сознательное существо по своей врожденной природе. Но у каждого человека своя жизнь для себя, поэтому он в определенной степени ограничен, и это его выводит из себя. Исходя из этого, в данный момент мы затрудняемся считать его общественным и сознательным существом. Следовательно, возникает вопрос, как сочетаются общие и индивидуальные аспекты свободы в человеке.

**Annotation.** For Hegel, the question of the authenticity of freedom in the article is primarily a question of how its general individual aspects are balanced. Human is a conscious being by his innate nature. But every individual has his own life for himself, and because of this he is limited to a certain extent, and this makes him angry. Hence, at this moment he is neither general nor conscious. Consequently, the question arises as to how the general and individual aspects of freedom in man are combined.

**Калим сўзлар:** эркинлик, инсон, инкор этиш категорияси, ижтимоий умумийлик, тартибот, жамият, давлат, фуқаролик жамияти, хусусийлик, умумийлик, маънавий мавжудот, ижтимоий мавжудот, дунёвий руҳ, субъективлик, ҳуқуқий давлат, хусусий мулкчилик.

**Ключевые слова:** свобода, человек, категория отрицания, социальная общность, порядок, общество, государство, гражданское общество, частное, общность, духовное бытие, социальное бытие, светский дух, субъективность, верховенство закона, частная собственность.

**Key words:** freedom, man, category of denial, social commonality, order, society, state, civil society, individuality, commonality, spiritual being, social being, worldly spirit, subjectivity, rule of law, private property.

**Қириш.** Гегель учун эркинликнинг ҳақиқийлиги масаласи, энг аввало, унинг умумий индивидуал жиҳатлари қай тарзда мутаносиблашуви масаласи эди. Инсон ўзининг туғма табиатига кўра онгли мавжудотдир. Бироқ ҳар бир алоҳида инсон ўз-ўзи учун ўз ҳаётига эга ва шу туфайли муайян даражада чекланган, демак, бундан ғазабдадир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу лаҳзада у умумий ҳам, онгли ҳам эмас. Бинобарин, инсондаги эркинликнинг умумий ва индивидуал жиҳатлари қай тарзда бирлашиши тўғрисидаги савол пайдо бўлади.

Қандайдир салбий жиҳат сифатида ёвузлик (ғазаб)ни тушуниш, умуман, инкор этиш хусусиятини тушунишга асосланади. Инкор этиш категориясини асл маъносида гегелча тушунишда бир қатор ҳолатларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Инкор этиш доимо аниқлигини айтиш мумкин. Якуний муайян нарса фақат бошқа бир якуний нарса билан инкор этилиши мумкин. Шу аснода, инкор этишнинг аниқлиги, энг аввало, ушбу якуни мавжуд ҳаётда унинг бевосита “моҳиятли”

аниқлигида мавжуддир. У бевосита бўлганлиги учун ички сифатдир ва ушбу ички сифат ўзининг бошқасига нисбат берилгандагина, аниқ кўринадиган сифатга айланиши мумкин. Инкор этиш бир вақтнинг ўзида икки объектда уларнинг муносабат усули, шакли сифатида мавжуд бўлиши мумкин. Бу билан у инкорни инкорга айланишидир. Гегелнинг айтишига кўра, “Кўплардаги салбийлик ҳар нарсанинг ўзи орқали бошқага муносабатидир”.<sup>1</sup>

Шу тарзда, инкорни инкордаги салбий жиҳат билан бир қаторда, у икки ёқлама инкордан иборатлиги боис ижобийлик ҳам мавжуд. Инкорни инкорда якуний ўз-ўзини чексизлик (ўз ичида чексизликка эга) билан таққослай бошлайди, ўзининг ташқи бошқага (бошқа учун ҳаётга) муносабатини олиб ташлайди ва ўз-ўзи билан ҳаётга “ўзи учун ҳаётга” таққослаш сифатида юзага чиқади. Бу билан ўзи учун ҳаёт категориясида аниқ, якунийнинг идеал, якунийга ўтиши аниқланган. Агар ушбу умумий фаразни ижтимоийлик соҳасига қўлланиладиган бўлса, индивидуалликнинг ижтимоийликка ўтиши тўғрисида сўз юритиш мумкин.

**Методология.** Бундан ташқари, эркинликнинг гегелча тушунчаси учун идеал воқеасиз мавжуд бўла олмаслиги, аксинча эканлиги борасидаги фикр муҳимлигини таъкидлаймиз. Умуман олганда, инкорни инкорда реал ва идел воқелик ҳамда мавжуднинг эҳтимолий лаҳзалари, шу жумладан, инсон эркинлигининг зарур бўлган ўзаро бир-бирига ўтиш механизмини аниқлашдир. Бу аниқлаш аниқнинг (якунийнинг) идеал (чексиз)га, аксинча, икки ёқлама ўтишини кўриб чиқиш орқали тушунарлига айланади. Бу билан инсоннинг индивидуал ва ижтимоий жиҳатлари уларнинг ўзаро бир-бирига ўтишида мавжуддир. Шу тарзда Гегель учун ҳақиқий эркинлик ички ва ташқининг бирлиги эканлигини айтиш мумкин. Бир томондан, бу эркин субъективлик, бошқа томондан эса инсоний муносабатлар тизимида эркинликнинг ҳақиқатан мавжудлигидир.

**Тадқиқот ва топилмалар.** Гегель қадимдан қолган анъанага мос тарзда ижтимоий умумийликнинг уч шаклини: оила, фуқаролик жамияти ва давлат шакллари аждатиб кўрсатиш зарур деб ҳисоблайди. Унинг оила ва давлат тўғрисидаги фикрлари ҳам жуда қизиқарли бўлиб, шубҳасиз, эътиборга лойиқдир.

Гарчи, ушбу уч шакл эркинликни тушуниш жиҳатлари сифатида зарур бўлса-да, худди шахсий эркинликнинг маънавий ҳуқуқи янги замон учун хос бўлганидек, фуқаролик жамияти ривожланган кўринишда замонавий олам учун ҳам хосдир. Гегелча тафаккурга кўра, инсоннинг субъектив эркинлиги шахарлар ва саноат ривожланиши билан бирга ривожланиб боради. Саноат қатламини ташкил этувчи инсонлар фақат анъана доираларида яшай олмайди. Гегелнинг таъкидлашича, “Саноат қатламидаги инсон ўзига ишониши лозим ҳамда ўз ўрнини билиш ҳисси, ҳуқуқ-тартиботни талаб қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Эркинлик ва тартибот ҳисси, асосан, шахарларда вужудга келган”. Илк (ерга ишлов берувчи) қатламга эса, аксинча, ўзи камроқ фикр қилишига тўғри келади; у топадиган нарса бегонанинг, табиатнинг инъомидир: ушбу тобелик ҳисси унда биринчи ўринда туради, мана шу тобелик ҳисси унинг нима бўлса-да, инсонлардан бўладиган нарсаларга чидашга ҳозирлик билан боғланади; шунинг учун биринчи қатлам, кўпроқ тобеликка, иккинчи қатлам эса озод бўлишга мойилдир”.<sup>2</sup> Шунинг ҳам аниқлаштириш лозимки, Гегель, албатта, иқтисодий фарқланиш тарафдори бўлмаган: унинг учун ташкилий жараён сифатидаги жамият ривожланишини тушуниш муҳимроқ бўлган.

Гегелнинг фикрига кўра, фуқаролик жамияти икки асосий тамойилга эга. Биринчи тамойил бу фойдалиликка кўз тиккан ўзига хос шахсдир. Бироқ ушбу шахс ўзига хос шахс бўлганлиги боис унинг ҳаёт фаолияти бошқа ўзига хос шахслар доираси билан муносабатлар орқали воситалангандир. Ҳақиқий воситаланишнинг мана шу доирасида шахсий ирода ҳақиқий ижтимоийликка ўтади. М.Вебер социологиясида шахсдаги бундай турдаги ички ва ташқи жиҳатлар нисбати мақсадга мувофиқ мўлжал сифатида белгиланган. Шунинг таъкидлаш жоизки, шахснинг айнан мақсадга

<sup>1</sup> Ҳозирги вақтда ижтимоий муносабатлар ўзгариши жуда жадал кечмоқда. Ушбу жараёнларни ижтимоий бошқаришга уринишларда ҳам ўз тажрибамизни, ҳам бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ҳисобга олиш тақозо этилади. Гегель ҳамда бутун немис мумтоз фалсафаси ҳам Германиядаги, ҳам Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидаги саноат-шаҳарлашув тамаддуни вужудга келишини чуқур мулоҳазадан ўтказган. Ушбу мактаб вакиллариининг иши қай тарзда шахсий эркинлик фуқаролик жамияти ва янги замондаги давлатларда ўз воқелигига эришган ижтимоий муносабатлар тизимидаги ижтимоий масъулият билан бирлашишини кўрсатиб беради. Биз учун ўта муҳим бўлган бундай кимматли ва долзарб ижтимоий таҳлил на зарга олмаслик ўта ақсизлик бўлар эди. Гегель Г. Йенская реальная философия. Гегель Г. Работы разных лет. В 2-х тт. Т. 1, М., «Мысль», 1970, с. 294.

<sup>2</sup> Гегель Г. Соч. Т. 7, с. 226 – 227.

мувофиқ ёндашуви фуқаролик жамияти амал қилишига имкон яратади. Нима учун? И.Г.Фихте кўрсатиб ўтганидек, бу ёпиқлик, ҳиссий қайта алоқалар зарур бўлганлигидир. Фойдалилик тамойили эҳтиёжлар тизимида амалга оширилади. Эҳтиёжлар тизими фуқаролик жамиятининг асосий унсуридир. Бунга ўхшаш ёндашув Гегелдан инсонни ҳам табиий, ҳам ижтимоий мавжудот сифатида талқин қилишни талаб қилади. Бу билан унинг “Хуқуқ фалсафасида антропологик сабаблар пайдо бўлади”. Инсон – бу тирик мавжудот, у ҳайвондан фарқли равишда, эҳтиёжларнинг ниҳоясиз турли-туманликларига эга. Бошқача қилиб айтганда, инсон – бу универсал тирик мавжудот, фойдалилик тамойилини амалга оширишга кўз тиккан универсал жонзотдир. Агар инсон ўз фаолиятида мақсадга мувофиқлик тамойилидан келиб чиқмаса, фуқаролик жамияти муносабатлар тизими ҳам шаклланмайди.

Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, “Рух ҳодисашунослиги” асарида Гегель ўз ичидаги ва ўзи учун реал индивидуалликни кўриб чиқишда унинг вужудга келиши дастлабки лаҳзасини “салтанатнинг маънавий мавжудоти” сифатида белгилайди. Бундай турдаги тавсиф шу билан боғлиқки, амалга оширишнинг асосий ибтидоси инсоннинг табиий белгиланганлиги, яъни, иктидор, феъл-атвор сингари соф антропологик хусусиятларидир, шу аснода, ушбу антропологик ўзига хосликлар жиддий роль ўйнайди. Гегелнинг ёзишига кўра, “Рухнинг бу ўзига хос тусини мақсаднинг ўзининг ягона мазмуни ва ягона воқелик сифатида кўриб чиқиш зарур. Агар онгни ушбу чегаралар ташқарисига чикувчи ҳамда воқеликка қандайдир бошқача мазмунни бахш этувчи сифатида тасаввур қилганларида эди, уни *ҳеч нарсага* интилувчи *ҳеч нарса* сифатида тасаввур қилишган бўлур эди”. Эҳтимол, Гегелнинг нуқтаи назарига кўра, инсонни ижтимоий мавжудот деб атаган.

Ушбу табиий жиҳатлар эҳтиёжларнинг чексиз турли-туманлиги билан олиб ташланади, чунки эҳтиёжларнинг турли-туманлиги икки оқибатга эга. Биринчи оқибат шундан иборатки, айнан эҳтиёжларнинг турли-туманлиги иштиёқларни, яъни инсондаги табиий ибтидони тийиб туришдан иборатдир, чунки бу билан қандайдир бир эҳтиёжни амалга ошириш кучи камаяди. Иккинчи янада муҳимроқ оқибат шундан иборатки, эҳтиёжларнинг ва уларни қондириш воситалари турли-туманлиги туфайли *инсонларнинг* ўзаро боғлиқлик тизими вужудга келади. Ушбу тизимда уларнинг ижтимоийлашуви юз беради. Гегелнинг таъкидлашига кўра: “Меҳнат ва эҳтиёжларнинг қондирилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда ўзаро ҳамкорликда *ўзини яхши кўриши барча бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиришдаги ёрдамга* айланади, – ўзига хос умумийликни воситалашдаги деалектик ҳаракатга ўтади. Бунда ҳар бир инсон ўзи учун нарса сотиб олади, ишлаб чиқаради ва истеъмол қилади, у, шу билан биргаликда, айнан бошқалар истеъмоли учун ҳам нимадир сотиб олади ва ишлаб чиқаради”.<sup>1</sup> Шу тарзда хусусий умумийга айланади.

**Хулоса.** Шунга ҳам эътибор қаратиш муҳимки, эҳтиёжлар ва уларни қондириш воситалари инсонларнинг билимдонлигига зарурий тарзда боғлиқдир. Биологик мавжудот сифтидаги инсон озгина нарса билан қониқиши мумкин, фақат муайян билимларни ва кадриятларни ўзлаштириш орқали у ўзининг бевосита табиийлигини олиб ташлайдиган универсал мавжудотга айланади. Бундай инсоннинг ўзи ҳам ўзи учун ҳаётда онгли аниқликка эга ҳамда бошқа инсонларга нисбатан муайян ижтимоий мезонларга мос тарзда ҳаракат қилади.

Яна шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларнинг бутун маконини “қоплаб ололмайди”: маънавий яхлитлик сифатидаги халқ ўзини фақат давлатда англайди. Шу билан биргаликда, давлат фуқаролик жамиятининг ўрнини босмаслиги лозим. Гегелнинг таъкидлашига кўра: “Агар давлатнинг биринчи асоси оила бўлса, жамоа унинг иккинчи асоси моҳиятидир. Жамоанинг муҳимлиги шундаки, хусусий шахслар, гарчи ўзларини яхши кўрсаларда, бошқаларга мурожаат қилишга мажбурдир, бинобарин, ўзини яхши кўриш умумийлик давлат билан боғланадиган илдиз бўлиб, давлат ушбу алоқанинг асосли ва мустаҳкам бўлиши борасида қайғуриши лозим”.<sup>2</sup>

Ушбу фикр бизнинг ҳозирги ҳолатимиз учун ўта долзарбдир. Уни қуйидагича талқин қилиш мумкин: талаб қилинадиган асосий нарса бу имкониятга қараб хусусий ва умумий манфаатларни қатъий чегаралашдир. Инсонлар сифатидаги кишиларнинг хусусий манфаати, эҳтиёжлари хусусий шахсларнинг ўзаро ҳаракати орқали амалга оширилиши мумкин. Шунда инсондаги субъектив ўз ўзини яхши кўриш барчанинг фойдасига ишлайди.

<sup>1</sup> Гегель Г. Соч. Т. 7, с. 223.

<sup>2</sup> Гегель Г. Соч. Т. 7, с. 224.

Баъзан Гегель алоҳида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат манфаатларига нисбатан иккиламчилигини, танқид қилишган ҳолда унинг фикрларида тоталитаризмни кўришади, аммо Гегель дунёвий рух ривожланишининг йўналиши, шахсий эркинлик вужудга келишга олиб боришини кўради, шу аснода, унинг куйидаги “Замонавий давлатнинг чексиз қудрати ва чуқурлиги шундан иборатки, у субъективлик тамойилига шахсий ўзига хосликнинг *мустақил чегараси* тўлиқ ривожланишига имокн беради, шу билан биргаликда, инсоннинг *субстанционал бирликка қайта йўллайди ва шу тарзда унда ўзининг бирлиги сақланиб қолади*”,<sup>1</sup> фикри ўта долзарбдир. Гегелнинг фикрига кўра, инсонларнинг субъектив мақсадлари қондирилмаган давлат заиф давлатдир, шу билан биргаликда, яхши шакллантирилган давлатда инсоннинг субъектив ўзбошимчилиги эмас, балки оқилона эркинлик жорий этилади.

Гегелнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ўта жиддий эътиборга лойиқдир. Ушбу фикрларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам ўта долзарбдир ҳамда ижтимоий фалсафанинг категориал аппарати орқали фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, хусусий мулкчилик муаммоларини аниқлаштиришга, шахс ва жамиятнинг, ижтимоий онг шакллари ва бошқаларни англаш ҳамда ўз-ўзини англашга имкон яратади.

**Исмоилов Собиржон Тўрабекович (фалсафа фанлари номзоди,  
ГулДУ Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси доценти)  
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОН ФАЗИЛАТЛАРИ  
ТАЛҚИНИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев асарларидаги комил инсон фазилатлари ҳақидаги талқинлари қиёсий таҳлил қилинган. Президент асарлари асосида замонавий комил инсон фазилатлари тарқиби тавсия этилган.

**Аннотация.** В статье дается сравнительный анализ интерпретации совершенных человеческих достоинства в работах Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева. На основе произведений Президента рекомендована структура современных совершенных человеческих качеств.

**Annotation.** This article provides a comparative analysis of the views of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoyev on the virtues of the perfect man in the centuries. On the basis of the works of the President, the composition of modern perfect human qualities is recommended.

**Калим сўзлар:** Президент асарлари, фазилатлар, олижаноблик, мардлик, фидойилик, ватаннаварлик, узлуксиз маънавий тарбия.

**Ключевые слова:** президентские труды, добродетели, благородство, отвага, самоотверженность, патриотизм, непрерывное духовное воспитание.

**Key words:** presidential works, virtues, nobility, courage, selflessness, patriotism, continuous spiritual education.

Тарихдан маълумки, давлат раҳбарларининг асарлари, маъруза ва нутқлари доимо давлат, жамият, ҳозирги ва келгуси ҳаётига беvosита дахлдор бўлган муҳим концептуал фикрлар, ғоя ва қарашлар илгари сурилган, янги тарихнинг ажралмас бир қисми айланадиган ижтимоий-сиёсий ва маънавий воқелиқдир.

Президент Ш.Мирзиёевнинг комил инсон фазилатлари ҳақидаги ғоялари тўғрисида фикр юритилганда, биринчи навбатда, унинг нутқ ва маърузаларида қайд этган фазилатларга таянилади. Бу жараёнда Ш.Мирзиёевнинг 2016 йилдаги “Буюк келажакни олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги китобидан тортиб, то кейинги даврларда чоп этилган 1–4-жилдларидаги асарларига назарий асосланилади.

Бир сўз билан айтганда, Президент Ш.Мирзиёевнинг асарлар мажмуасидаги комил инсон ва унинг фазилатлари ҳақидаги ғоя ва талқинлари катта ҳажмни ташкил этади. Биз куйида уларнинг айримлари ҳақида мулоҳаза юритиш билан кифояланамиз, холос. Бу борада уч жиҳатни қайд этиб ўтиш мумкин: биринчиси, энг эътиборли фазилат, фазилатлар мажмуаси ва баркамоллик фазилатлари ҳақидаги талқинлар.

<sup>1</sup> Гегель Г. Соч. Т.7, с. 270.



Ўзбекистон мустақиллиги тарихига амалдаги Президент Шавкат Мирзиёев “Учинчи ренессанс”, “Янги Ўзбекистон”, “Туб бурилишлар даври” “Тарбия фани” каби тушунча ва ибораларни халқимиз лексиконига киритган шахс сифатида тилга олинажак. Шу билан бирга, у кейинги 3–4 йилда юртимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида туб ислохотларни амалга ошира бориб, “замонавий комил инсон фазилатлари” ҳақидаги ўзининг концептуал ғоя, талқин ва таърифларини ҳам бера олди. Буни биз қуйидаги жиҳатларда кўришимиз мумкин:

*Биринчидан*, Шавкат Мирзиёевнинг асарларида комил инсон фазилатлари ҳақидаги илгари сурилган фикрларини кузатадиган бўлсак, уларда олижаноблик фазилати барча инсонлар, жумладан, комил инсон учун ҳам энг асосий фазилатлар жамланмасини, умумлашмасини ифодаловчи фазилат сифатида қайд этилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк келажакни олижаноб халқимиз билан бирга қура-миз” асарида: “Меҳнаткаш ва олижаноб Қашқадарё эли...”,<sup>1</sup> деб таъкидлаган. Шу билан бирга, ушбу китоб мундарижаларида халқимизга хос 7 та: маърифатпарварлик, диёнатлилик, бунёдкор-лик, оққўнгиллик, ориятлилик, меҳнаткашлик ва матонатлилик каби фазилатларни ҳам санаб ўта-дилар.

Олий Мажлисга Мурожаатномаларида<sup>2</sup> олижаноблик ҳақида тўхталиб: “...мен, аввало, кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олижаноб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик са-лоҳиятига ишонаман”, “...ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаятган, барча қийин-чилик ва синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз рав-нақига улкан ҳисса қўшаётган олижаноб халқимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман”, “Бизнинг мард, энгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга бекиёс ҳисса қўшган-ни билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз”, “Саховат ва қўмак” умумхалқ ҳаракати дои-расида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёж-манд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди”<sup>3</sup> каби бир қатор фикрлари би-лан ўртоқлашган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “олижаноблик ғояси” 2016 йилдан бошланиб, 2020 йил-даги асарлари билан ўзининг мукамаллик ҳолатига етди, дейиш мумкин.

Олижаноб. Бу сўз, асли, арабча олий ва жаноб сўзларидан тузилган бўлиб, ўзбек тилида юк-сак даражада одобли, ҳимматли каби маъносини англатиш учун ишлатилади. Тожик тили луғати-нинг таъсирида бу сўз ўзбек тили луғатида олижаноб шаклида киритилган, ваҳоланки, олиймақом сўзи каби й ҳарфи билан ёзилиши лозим.<sup>4</sup>

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида *олижаноб* сўзининг уч хил талқинини ўқий-миз:<sup>5</sup>

*Олижаноб [а]: 1. Юқори даражада одобли, хулқ-атвори, одамгарчилиги жуда баланд; улуг, асл.*

*2. Юқори даражада ҳимматли, олийҳиммат, ҳиммати баланд.*

*3. Жуда яхши, мисли йўқ.*

Олижаноблик – халқимизга хос сифатлардан бири. Бунга биргина мисол келтириш орқали далиллаш мумкин. Тошкент нон шаҳри – Тошкент ўтган асрнинг 20–30-йилларда бўлган очарчи-лик ва қурғоқчилик, 1941–1945 йиллардаги уруш, урушдан кейинги 50–60-йиллардаги тикланиш даврларида жуда кўпчилликни очликдан, ўлимдан сақлаб қолган. Биргина уруш даврида 200 минг етим болаларни ўз бағрига олган. Бу билан халқимиз ўзининг олижаноблик сифатини кўрсата ол-ган.

Олижаноблик том маънода одамзод фазилатларининг ҳадди аълоси, энг афзалидир. У инсо-нийлик ва одамийлик тимсолидир. Икки ва бир неча қарра яхшиликни, эзгуликни содир этишдир.

Президент халқимиз ва унинг таркибий қисми бўлган ёшлармиз ҳақида тўхтаганларида ҳам бир қатор фазилатларни қайд этиб ўтган. Масалан, Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи-нинг хулоса қисмида халқимизга хос бўлган: “Илм-маърифат ва касб-хунарга интилиш, оилани

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қура-миз. Т., “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 306-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 1 (22.12.17), 2 (28.12.18), 3(24.01.20) ва 4(29.12.20) Мурожаатномалари.

<sup>3</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. Т., “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 130–131-бетлар.

<sup>4</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II жилд, Т., “Университет”, 2003, 340-бет.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. I том. А-Р, Москва, “Рус тили” нашриёти, 1981, 532-бет.

муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга хурмат, кичикларга шафқат, эзгу кадриятларга содиқлик каби фазилатлар”ни<sup>1</sup> қайд этиб ўтадилар. Ўша нутқнинг кириш қисмида ёшларимизга хос бўлган: фидойилик, ватанпарварлик, мардлик, дадиллик, ташаббускорлик, шижоатлилик, кенг дунё-қарашлилик, жонкуярлик, илғор фикрлилик”<sup>2</sup> каби фазилатлар номи қайд этилади. Юқоридаги фикрларни жадвал шаклига келтирсак, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1-жадвал

Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарларида комил инсон фазилатлари талқини				
№	Харбийларимизга хос фазилатлар	Ёшларимизга хос фазилатлар	Халқимизга хос фазилатлар	Комил инсонларни умумлашган фазилатлари
1	мард	фидойилик	Интилувчанлик	мардлик (8)
2	ботир	ватанпарварлик	Оилапарварлик	фидойилик (4)
3	фидойи	мардлик	маънавиятлилик	ватанпарварлик (3)
4	матонатли	дадиллик	катталарга хурмат	ташаббускорлик (3)
5	қўқмас	ташаббускорлик	кичикларга шафқат	меҳрибонлик (3)
6	шерюрак	шижоатлилик	Содиклик	шижоатлилик (3)
7	баходир	кенг дунёқарашлилик		кенг дунёқарашлик (2)
8	пахлавон	жонкуярлик		инсонийлик
9		илғор фикрлилик		адолатпарварлик
10				самимийлик
11				оилапарварлик
12				маънавиятлилик
	“Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари”	Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи	Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи	

2-жадвал

Президент Шавкат Мирзиёев асарлари бўйича замонавий комил инсонларни умумлашган фазилатлари талқини			
№	Фазилатлар	Фазилат турлари	Қайси таърифларда берилган
1	мардлик	ахлоқий	1; 2*; 3
2	фидойилик	жисмоний	1; 2; 3
3	ватанпарварлик	ахлоқий	1; 3; 4
4	ташаббускорлик	аклий	3*; 4
5	меҳрибонлик	ахлоқий	1; 4*
6	шижоатлилик	жисмоний	1; 2; 3
7	кенг дунёқарашлик	аклий	3*
8	инсонийлик	ахлоқий	1
9	адолатпарварлик	ахлоқий	1
10	самимийлик	ахлоқий	1
11	оилапарварлик	маънавий	4
12	маънавиятлилик	маънавий	4

**Изоҳ:** \*лар бир таърифда икки ва ундан ортиқ фазилатлар борлигини ифодалайди.

Хулоса ўрнида қуйидаги жиҳатларни алоҳида қайд этиш мумкин:

*Биринчидан*, Президент Шавкат Мирзиёевнинг комил инсон фазилатларини санаб ўтган юқоридаги тўртта асарида замонавий комил инсонларни 31 та фазилатлари қайд этилган. Уларни умумлаштирадиган бўлсак 12 та фазилат мажмуи ҳосил бўлади. Бу фазилатларни олтитаси ахлоқий, иккитаси аклий, иккитаси маънавий ва иккитаси жисмоний фазилатлардир. Президент талқинидаги умумлашган 12 та фазилатлардан учтаси: *мардлик*, *фидойилик* ва *ватанпарварлик* фазилатлари юқоридаги тўртта таърифнинг 3 тасида қайд этилганки, бу уларнинг асосий фазилатлар эканини билдиради.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 26 декабрь, 273-сон.

<sup>2</sup> Ўша асар. 1-бет.

Шунга асосан, мардлик, фидойилик, ватанпарварлик мамлакатимизда шаклланаётган баркамол авлоднинг энг аввалги ва энг муҳим фазилатлари бўлиб ҳисобланади дейиш мумкин.

*Иккинчидан*, барча ўтмиш даврларидаги комил инсонларда бўлганидек, замонавий баркамол инсонларда ҳам бир қатор ижобий фазилатлар бўлиши лозимки, улар негзида олижаноблик муҳим аҳамият касб этади ва у халқимизни жаҳон халқларига сира ўхшамайдиган, такрорланмас, тарихий ва замонавий уйғунлашган ўзига хос бир фазилатидир.

*Учинчидан*, Президент ташаббуси билан ҳукуматимиз томонидан ҳаётга жорий этилаётган умумтаълим мактабларидаги “Тарбия” дарсларини олдига қўйилаётган асосий мақсад ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва уларда олижаноб фазилатларни қарор топтиришдан ёки Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясининг мақсади ҳам “...ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборат”<sup>1</sup> деб белгилаб қўйилган. Бу жараёнда юқоридаги берилган Президент асарларидаги талкин ва кўрсатмаларидан амалий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” деган эзгу ғояга эришиш мақсади йўлида халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дили пок, маърифатга ташна, олижанобликни касб қилиб олган баркамол ёшларни тарбиялаш барча илм ва зиё аҳлининг биринчи даражали вазифаси ҳамда бурчи ҳисобланади. Шу ўринда, биз юқорида келтирилган Президентнинг ғоя ва талкинларидан ўринли ва унумли фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Абдивоҳидов Сунатилло Абдинабиевич (фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд Иқтисодий ва сервис институти катта ўқитувчиси)**  
**ЁШЛАРНИНГ КОМИЛ ИНСОН БЎЛИБ ЕТИШИШИДА ЖАДИД**  
**МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИННИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАРИХИЙ**  
**АҲАМИЯТИ**

*Аннотация.* Ушбу мақолада Туркистон ўлкасининг инқирози, мамлакатнинг қолоқлиги, аҳолининг руҳий тушкунликка тушишининг асосий сабаби баён этилган. Жадидлар бундай таназзул ва руҳий тушкунлик ҳолатидан ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириши, замонавий фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиши ва замон билан ҳамнафас бўлиши орқали енгиб ўтиши лозимлиги, агарда бунга эътибор берилмаса, бутун бир давлатнинг маҳв бўлиши ҳақидаги қараишлари фалсафий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилинган.

*Аннотация.* В статье автор описывается кризис в Туркестане, отсталость страны и основные причины депрессивного состояния населения. Джадиды философски и исторически проанализировали идею о том, что такое состояние упадка и депрессии необходимо преодолеть путем формирования у молодежи патриотических чувств, эффективного использования современных достижений науки и техники времени.

*Annotation.* This article describes the crisis in Turkestan, the country's backwardness, and the main reasons for the population's depression. The Jadids have philosophically and historically analyzed the idea that such a state of decline and depression must be overcome by forming patriotic feelings in the youth, making effective use of modern scientific and technological achievements and keeping pace with the times.

**Калим сўзлар:** комиллик, маърифат, жаҳолат, хурофот, ислоҳотчилик, таълим-тарбия, миллий озодлик, инсонпарвар, дунёқараш, тафаккур.

**Ключевые слова:** совершенство, просвещение, невежество, суеверия, реформа, образование, национальное освобождение, гуманизм, мировоззрение, мышление.

**Key words:** perfection, enlightenment, ignorance, superstition, reformism, education, national liberation, humanism, worldview, thinking.

Заминимизда камол топган, эл-юртга танилган буюк зотлар, комил инсонлар, ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломаларни кўплаб келтириш мумкин. Улар ўзларининг илмий-маънавий мерослари орқали инсонларни ҳақиқат орқали комиллик сари

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сонли қарорига 1-илова. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.

етаклаганлар. Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, адолатсизликларга қарши тура олса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади. Комил инсон иймон ва эътиқодлилиқ, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли.

Файласуф олим Ж.Туленов маънавий баркамол инсон ақл-идрок асосида ҳаракат қилади. Ватанига, халқи ва миллатига содиқ бўлиш ҳам маданиятлиқ, маънавийлик, баркамоллик, ахлоқий поклик белгиларидан ҳисобланади, деган фикрни илгари суради.<sup>1</sup> Улфат Маҳкамов эса одамлардаги яхшилик қилиш, ростгўйлик, ҳаёли бўлиш каби энг улуғ фазилатлар бирлашсагина, у комил инсон бўлиб етишишини таъкидлайди.<sup>2</sup>

Демак, комилликка ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг замирида машаққатли меҳнат ва унинг самараси бўлмиш илм-маърифат ётади. Инсонлар ҳаётда ўз йўлини топишида, ақлий жиҳатдан юксак даражага эришишида, эркинлик, озодлик, адолатнинг қарор топишида, миллат ва давлатларнинг юксак тараққиётида илм-фан ниҳоятда муҳим ўрин эгаллаб келган. Бизга маълумки, дунёда ҳукмронликка интилиб келаётган давлатларнинг қайси бирига қараманг, улар илм-фанни ислоҳ қилиш ва унга юқори даражада эътибор бериш орқали юксак даражада назарий ва амалий ютиқларга эришиб келмоқда. Илм-фан тараққиётига ўз вақтида эътибор берилмай иккинчи даражали вазифа деб қаралса, ўша жамиятда таълим-тарбия издан чиқиб, жамият ва давлат тараққиёти учун муҳим бўлган инновацион ғояларнинг пайдо бўлишига тусиқ бўлади. Қаллоблиқ, иғво, фисқу фасод, ахлоқсизлик, лаганбардорлик, адолатсизлик, қонунларни менсимаслик, оила ва давлат бошқарувида бошқарув тизимининг издан чиқиши, турли касб эгаларига ҳурматсизлик каби иллатлар юзага келади. Бунинг натижасида саводсизлик ҳукмрон бўлиб, инсонлар онгида кўркув, мутелиқ, ўзлигини англамаслик, ўзгаларга қарам бўлиб, ҳақиқат ва ҳақиқатсизлик ўртасидаги тунчаларни англашда ожиз бўлиб қоладилар.

Дарҳақиқат, XIX аср охири – XX аср бошларида Марказий Осиё халқларида руҳий тушқунлик ҳолати ҳукм сурадди. Маърифат дунёни озод ва обод этишга, инсонни жаҳолат ва хурофот ботқоғидан олиб чиқиб кетишга, унинг маънавий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган ягона ва қудратли кучдир. Жадидчилик, маълумки, Марказий Осиё минтақаси ижтимоий ривожланишининг туб бурилиши босқичида юзага келди. Маҳаллий ватанпарварларнинг мустамлака Туркистонда инкирозли ҳолатни, ўлканинг умумжаҳон жараёнларидан тобора ортда қолаётганини, туб аҳолининг эркинпарварлик ҳаракатларига кескин зарба берилиб, ҳамма жойларда бостирилишини, маънавият соҳасидаги турғунликни идрок этишлари жамиятни атрофлича ислоҳ этиш керак деган ғоянинг юзага келишига туртки бўлди.

Бу ижтимоий ривожланишнинг асосий масалалари, энг аввало, феодализм ҳамда мустамлакачилик асосларини бузиш мафқурасини концептуал жиҳатдан идрок этишда кўринди.

Биринчи босқичда мазкур ҳаракат иштирокчилари асосий эътиборни бутун ижтимоий тизимни ўзгартиришдан кўра, маънавият соҳасини янгилашга қаратдилар. Жадидлар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув қўлланмалари, айниқса, табиий фанлар бўйича нашр этиш, Ғарб техника ва технологиясини ўрганиш заруриятини, Европа маданияти ютуқларидан фойдаланишни тарғиб этиш орқали миллий дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш, миллий ўзликни англашни юксалтиришга замин яратдилар.<sup>3</sup>

Жадидлар ҳаракатининг дастлабки йилларидаги мафқураси ҳали миллий озодлик учун кучли вазифаси билан бевосита боғлиқ эмасди. Шунга қарамай, у илк йиллардан оқ миллий уйғониш учун шарт-шароитлар ҳозирлаш, Ўрта Осиё халқларини жаҳон цивилизацияси ютуқлари билан ошно этишга қаратилган эди.

Юзага келган шароитларда илғор мусулмон зиёлилари ўлканинг истибдод занжирига тушшининг, мамлакат қолоқлигининг асосий сабабини халқнинг маърифий қолоқлигида деб билдилар. Шу боис жадидлар таълимни ислоҳ қилишни дастлабки босқичидаги асосий масала қилиб қўйишганди. Улар бу борада нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий томондан ҳам кўп куч-ғайрат сарфлашди. Жумладан, ўлка ҳудудида янги усулдаги мактаблардан дастлабки 1898 йилда Қў-

<sup>1</sup> Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа. Олий ўқув юртлари учун. Т., «Ўқитувчи», 1997, 294-бет.

<sup>2</sup> Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т., «Фан», 1994, 72-бет.

<sup>3</sup> Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Масъул муҳаррир Д.Алимова. Т., «Маънавият», 2000, 7-бет.

қонда Салоҳиддин домла томонидан ташкил этилди. Ўша йили жадид мактаби Тўқмоқда ҳам очилди. 1899 йилда Маннон қори Тошкентда ва Шамсиддин домла Андижонда янги усулдаги мактаблар очдилар.

1900 йилдан бошлаб, Туркистонда янги усулдаги мактаблар тармоғи изчил равишда кенгая борди. Шу йили таниқли олим, журналист ва педагог Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли янги усулдаги ўзбек мактабини ташкил этди, уни ўзи бошқарди ва дарс берди. 1903 йилда Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд яқинидаги Жомбойда ўз маблағи ҳисобидан мактаб очди. Ҳожи Муин ва Абдуқодир Шакурый каби машҳур маърифатпарварлар у билан бирга дарс беришди.

Жадидлар фаолиятининг бошқа йўналиши маърифат ғояларини оммавий тарғиб этишда кўринди. Бироқ чор цензурасининг зўравонлиги, маъмурий тақиқлар оқибатида бу борадаги ишлар аср бошларидаёқ чеклаб қўйилди.

Жадидларнинг “маърифат” мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва кўп қиррали эди. Унда ҳозир ҳам долзарб саналувчи тарихий вазифалар: диннинг маънавий камолотини такомиллаштирувчилик хусусияти, бозор ва ҳуқуқий маконни шакллантириш жараёнларини кучайтириш, замонавий демократик муассасаларни юзага келтириш, ўзига хос миллий ривожланиш йўли кабилар жамланган ва эътиборга олинган эди.

Агар илк жадидлар назарий қарашларига конкрет – тарихий нуқтаи назардан қаралса, жадидларнинг бундан кейинги бутун мафкураси асосларини ташкил этган бир неча муҳим қондаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, маърифатпарварлар халқни маърифатли қилмасдан, кенг оммани рус ва жаҳон маданияти ютуқларига ошно қилмасдан туриб, Туркистоннинг тараққий этолмаслигини тушуниб етдилар. Улар халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун мустамлака-феодал зулми ва оғир мажбуриятлардан халос бўлиш, маънавий эркинликка эришиш зарур, дея тўғри фикр юритишди.

Жадидлар учун исломни янгилаш фан ва илғор технология ютуқларини эгаллашда, илк даврдаги мусулмон дини ақидалари ва замонавий шароитларни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқликда кўринди.

Биринчи босқичда жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчилари ўрта асрчилик схоластикаси, қотиб қолган диний таълимга қарши чиқишди, янги усулдаги таълим учун курашишди.

Жадидчилик дунёвий таълимни фаоллаштиришга интила бориб, айни пайтда, юзага келаётган миллий буржуазия манфаатлари, шаклланаётган товар – бозор муносабатлари шароитларини ўзида акс эттирди. Улар анъанавий таълим ислоҳоти, янги усулдаги мактаблар ва театр труппаларини яратиш, ҳар бир мусулмоннинг банк ва молиявий капитал ишида иштирок этиш имкониятлари тарафдорлари бўлганлари ҳолда, исломнинг баъзи эскирган ақидаларини инкор этишди, фаннинг (математика, география, грамматика ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришдаги алоҳида аҳамиятини тан олишди.

Ҳамма давр ва замонда ҳам халқни залолат ботқоғидан олиб чиқиб кетиш учун, албатта, юртни севадиган инсонпарвар, ўқимишли етук олимларга эҳтиёж сезилган.

Маҳмудхўжа Бехбудий ёшларга мурожаат қилиб, миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақиради ва уларни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушунади. У шу масалада ёшларга мурожаат қилар экан, “...бизнинг Туркистонда ҳам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя ила интибоҳ ва ислоҳот жарчиси бўлган миллий матбуот ғайратлу ёшларнинг ҳаракотит маорифпарвароналари соясида вужудга келади. Шунинг учун ҳар бир миллий ҳавойижимиздан бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизни маржаъ ва умидгоҳ тутиб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ва сўзлари ила миллат фойдасига ёрдамлари текган баъзи уламоу ағниёмиз ҳам ёшлар қаторидадурлар)”, деб ёзади.<sup>1</sup>

Миллатнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши Бехбудий назарида, аввало, мактабни ислоҳ қилиш, миллий ва умуминсоний маданиятдан баҳраманд бўлиш орқали амалга ошади. “Ҳар бир миллат, деб ёзади Бехбудий, энг аввал, макотиби ибтидоийясини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлига кируб маданиятдан фойдаланмас. Маданияти ҳозиргидан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. “Муборизаи ҳаёт” майдонида мутлақо мағлуб бўлур, оёқлар остида эзилур, диний, иқтисодий ишларда

<sup>1</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. Тўпловчи, сўз боши ва изоҳлар Б.Қосимовники. 2-нашри, тузатилган ва тўлдирилган. Т., “Маънавият”, 1999, 280-бет (Истиқлол қаҳрамонлари). Муҳтарам ёшларга мурожаат. 175-бет.

ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатни ҳам қўлдан берур. Ана ушбу йўллар ила охири махв ва нобуд бўлуб кетар”<sup>1</sup>.

Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарининг бир қисми оила тарбиясига бағишланган бўлиб, бунда олам ривожланиш қонуниятларига бўйсунтирилади. Бу фикр авлодлар давомчилиги, яъни қонуний равишда туғилиш, яшаш, умуман, ривожланишни назарда тутган эди. Фитрат оилани ижтимоий вазифаси деб: “Авлод тарбияси”, “Фикрий тарбия”, “Ахлоқий тарбия” каби қисмларга бўлади. Авлод тарбиясида ота-она фахри, бурчи, авлод-аждодга бўлган муносабат ҳақида фикр юритади. Ҳамма одам ҳам бир, чунки яратилиш бир гавҳардан олинган. Одам бировнинг ғамига бефарқ бўлмаса, тарбияли бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оиланинг энг муҳим масалаларидан бири тарбия масаласи эканлиги алоҳида уқдириб ўтганлигини Фитрат асаридан билиб олишимиз мумкин. Унинг назарида, ҳамма нарсанинг асосида тарбия ётади. Фитрат мактабгача бўлган ёшлар тарбиясини тўртга бўлади:

1. Фарзанд тарбияси. 2. Бадан тарбияси. 3. Ақлий тарбия. 4. Ахлоқий тарбия.

Фитрат тарбиянинг роли ҳақида гапирар экан, “Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, дунёни олиши ёки ночор, кучсиз, хор, оёқ ости бўлиб, ўзгаларга муте, қарам, қул, асир бўлиб қолиши болалик вақтида ўз ота-оналаридан олган сабоқ ва тарбияларига боғлиқ” эканлигини таъкидлайди.<sup>2</sup>

Фитратнинг ёшлар тарбияси ҳақидаги хулосаси шундай: “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир”.<sup>3</sup>

Шунинг учун ҳам тарбиянинг ахлоқий асосини доимий мустаҳкамлаш ва аждодлар мероси билан бойитиб бориш зарур. Фитрат шундай ёзади: “...Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шафақ, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим”.<sup>4</sup>

У энди нафақат гоёвий раҳбар, балки ўткир тарғиботчи сифатида ҳам ўзини намоён қилган эди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ўз даврининг зукко тараққийпарварлари бўлган жадидлар давлат ва жамият бошқарувидаги турғунлик, қолоқлик, мутаассибликни ўз вақтида англай олганлари ҳолда дунёда булаётган кескин ўзгаришлар, ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини халққа етказиш учун, албатта, уларда етарли билим, ҳаётий тажриба, шу билан бирга, Мустақиллик ва тараққиётга эришиш учун халқни ғафлат уйқусидан уйғотишнинг бирдан-бир чораси сифатида замон талабига жавоб берадиган илм-фан ютуқларини миллий кадриятларга мос ҳолда олиб бориш, мустамлака тузумининг тазйиқи остида унутилган барча қадириятларни тиклаш, мустақиллик, озодлик, миллий ғурур каби тамойилларни ёшларнинг онги ва қалбига сингдиришни муҳим вазифа деб билдилар.

**Шарипов Абдуҳакимжон Зиёитдинович (БухДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент)  
МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАР: ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

*Аннотация. Мақолада гоёвий жараёнлар, мафкуравий позицияларнинг тарихини ўрганиши, уларнинг жамият ҳаётида амал қилиши, янги Ўзбекистон миллий тараққиётининг Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг бўлган, халқаро ҳамжамиятда маънавий қиёфасини оширишга хизмат қиладиган, барқарор ривожланиш ва жаҳонда муносиб ўрин эгаллашига беқиёс ҳисса қўша оладиган ёшларни тарбиялашга қаратилган миллий юксалиш гоёсининг концептуал тамойиллари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилади. Ушбу таҳлиллар маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириши, ёшлар қалбиде амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Миллий тикла-*

<sup>1</sup> Шу манба. 176-бет.

<sup>2</sup> Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. IV ж. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. Абдурауф Фитрат [Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев, Н.Каримов, Д.Алимова ва бошқ. Масъул муҳаррир Б.Қосимов. Нашрга таяёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев]. Т., “Маънавит”, 2006, 336-бет (Истиқлол қаҳрамонлари). 262-бет.

<sup>3</sup> Шу ерда. 267-бет.

<sup>4</sup> Шу манба.

нишдан – миллий юксалиши сари” гоясини кенг тарғиб этиши орқали жамиятда соғлом дунёқараши ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантиришига хизмат қилади.

**Аннотация.** В статье анализируются идеологические процессы, изучается история идеологических позиций, их применение в жизни общества, устойчивое развитие в соответствии со Стратегией действий национального развития нового Узбекистана, которая служит подъему морального духа международного сообщества, устойчивое развитие и концептуальные принципы идеи национального восхождения, направленные на воспитание молодого поколения, способного внести неоценимый вклад в свое достойное место в мире с социально-философской точки зрения. В результате данные выводы анализа служат повышению эффективности и действенности духовно-просветительской работы, превращая творчество в общенациональное движение, укрепляя в сердцах молодого поколения чувство причастности к проводимым реформам, трансформируя здоровое мировоззрение и творчество в общенациональное движение через имплементации идеи «От национального возрождения к национальному прогрессу», основанной на принципах доброты и гуманности.

**Annotation.** This article analyzes the ideological processes, studies the history of ideological positions, their application in the life of society, sustainable development in line with the Action Strategy of the new national development of Uzbekistan, which serves to raise the morality of the international community, sustainable development and the conceptual principles of the idea of national ascent, aimed at educating young generation who can make an invaluable contribution to their worthy place in the world, from a socio-philosophical point of view. As a result, these analysis serve to increase the effectiveness and efficiency of spiritual-enlightenment work and to turn creativity into a nationwide movement, strengthening the sense of involvement in the ongoing reforms in the hearts of young generation, transform a healthy worldview and creativity into a nationwide movement through the widespread promotion of the idea “From national revival to national progress” which is based on the principles of goodness and humanity.

**Калим сўзлар:** гоя, мафкура, Янги Ўзбекистон, тараққиёт стратегияси, идеологизация, деидеологизация ва реидеологизация жараёнлари, миллий гоя, юксалиши, бунёдкорлик.

**Ключевые слова:** идея, идеология, новый Узбекистан, стратегия развития, идеологизация, процессы деидеологизации и реидеологизации, национальная идея, восхождение.

**Key words:** idea, ideology, new Uzbekistan, strategy of development, ideologization, deideologization and reideologization processes, national idea, upheaval, creativity.

Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига оид ислохотлар жадал амалга оширилмоқда. Юртимиз ижтимоий тараққиётнинг назарий асосларини илм-фан асосида ишлаб чиқиш жамият ҳаётидаги муаммоларни бартараф этишнинг зарурий шарт ҳисобланади. Зеро, бу борада, Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир” эъқонлигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Барча соҳалардаги туб ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бераётганлиги, хусусан 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган.<sup>2</sup>

Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги алоҳида эътибор талаб этади.

Глобаллашув дарида гоёвий ҳимоя ва мафкуравий иммунитет масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги замонда дунёнинг айрим ҳудудларида юз бераётган сиёсий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. “Ўзбекистон”, 2017, 27-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

инқирозлар, антигуманистик хатти-ҳаракат ва ёвузликлар, аввало, кишилар онгида ғоявий бўшлиқни вужудга келганлиги туфайли содир бўлмоқда. Бундай шароитда ғоявий жараёнлар, мафқуравий позицияларнинг тарихини ўрганиш, уларга илм орқали ёндашиб, тўғри баҳо бериш жамият тараққиётини таъминловчи вазифадир.

XX асрда жаҳон мамлакатлари ғоя ва мафқурага муносабат масаласида уч хил йўлдан борганлиги маълум бўлади:

◆биринчи йўл, бу муайян ғоя ва мафқурани мутлақлаштириш (идеологизациялашган) йўлидир. Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафқура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилган, бошқа мафқура ва қарашларга йўл қўйилмаган. Ўзгача қарашдаги кишилар дунёқараши йўқ қилинган, уларга хос ғоя ва мафқуралар тақиқланган ва бу ҳолат халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта қулфатлар келтиргани сабабли кўпгина мамлакатлар мафқура масаласида бутунлай янги, иккинчи йўлдан боришга мажбур бўлди;

◆иккинчи йўл, сиёсат ўз йўлига – ғоя ва мафқура ўз йўлига – давлат ўз йўлига деган қараш (деидеологизация) асосида шаклланган. Аммо XX асрнинг 60-йиллари охирида келиб, бу йўл ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафқурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳалокатга учраши, кишилик жамиятида ҳамма учун умумий бўлган маълум ғоявий тамойилларга амал қилиш лозимлигини кўрсатди;

◆учинчи йўл сифатида, демократик эркинликлар, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умуммафқуравий тамойилларнинг амал қилишига эришиш мумкин? деган саволлар пайдо бўлди. Ана шу саволларга жавоб тариқасида илғор демократик мамлакатлар ғоявий тараққиётнинг замонавий йўли – реидеологизация тамойиллари асосида ҳаёт кечиришга ўта бошлади. Бунда бирон-бир мафқура ҳукмрон ва давлат мафқураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада асосий ислохотчи сифатида иш юритади.

Жаҳоннинг илғор хорижий тажрибалари асосида мафқуравий тарбиянинг бой имкониятлари, турли намуналари тўпланган.

Мафқура – бу кишиларнинг атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ҳамда ижтимоий муносабатларни англаш ва баҳолашга қаратилган ғоя ва қарашлар тизимидир. Мафқура аниқ бир жамият ёки унинг бир қисми (синф, ижтимоий гуруҳ, мамлакат, миллат, партия, ҳаракат, йирик ижтимоий жамоалар) манфаатлари ва кадриятларини ифода этади.

Дастлаб, Н.Макиавелли Европада мафқуранинг ижтимоий моҳиятини очиб бериш билан боғлиқ муаммоларни очиб бериш ва изчил ривожлантириш масалаларини таҳлил этди. Унинг “Хукмдор” асарида сиёсий тўқнашувларда ғояларнинг ўрни тўғрисида жиддий фикрлар билдирилган. Ф.Бекон асарларида мафқура назариясининг билишга оид айрим хусусиятлари кўриб чиқилган.<sup>1</sup>

Антуан Дестут де Траси томонидан биринчи марта “мафқура” атамаси, 1796 йилда қўлланилган бўлса, XVIII–XIX асрларда маърифатчилар томонидан мафқуранинг фаол амалий аҳамияти таъкидланиб, ахлоқий-сиёсий доктринага айлантирилди. Айнан шу даврда бир гуруҳ француз файласуфлари, иқтисодчилари ва табиатшунослари (А.Дестут де Траси, П.Кабанис, Э.Кондильяк, К.Вольней, Ж.Тара) “мафқура” атамасини ғоялар генезиси ва амал қилишини ўрганишга мўлжалланган назарий фанларни ифодалаш учун ишлатдилар. Шундай қилиб, “мафқура” атамаси, дастлаб, ғоялар назариясини тадқиқ этувчи фанни англатарди. Ушбу мутафаккирлар барча фанларнинг методологик асосларини ўрганишга мўлжалланган махсус фалсафий фанни яратиш таклифини илгари суришади.<sup>2</sup>

Де Траси ўз вазифасини инсон билимлари манбаи, унинг чегаралари ва ишончлилик даражасини аниқлашда деб ҳисоблаган ва шунинг учун у ғоялар назариясини барча фанларнинг фундаментал асоси сифатида тадқиқ этган. Унинг кўп жилдли “Мафқура элементлари” асарининг 1801 йилда нашр этилган биринчи жилдида мафқура – инсон онгининг универсал қонунларни англашдаги рационал фаолиятнинг ўзига хос эталони сифатида талқин қилинган.

Де Траси қарашларининг чекланганлиги шундаки, у инсоннинг юксакликка интилиши, тартибга бўйсунилиши ижтимоий тизимни ўзгартирмасдан, фақат маърифат асосида амалга ошириш

<sup>1</sup> Кара-Мурза С.Г. Идеология и мать ее наука. М., 2002, URL: <https://www.e-reading-lib.com/book.php?book=25424> (мурожаат санаси 13.06.2020).

<sup>2</sup> Кузнецов В.Н. Идеология. Социологический аспект. М., “Книга и бизнес”, 2005, 387 с.



мумкинлигига ишонади. У ва унинг тарафдорлари, ҳатто буржуа давлатини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган халқ таълими дастурини баён қилдилар. Кўриб турганимиздек, дастлаб, “мафкура” атамаси ижобий маънога эга бўлиб, диний ва илмий хурофотлардан тозаланган, одамларнинг ҳар томонлама маърифатига асос бўладиган ғоялар таълимотини англатган.<sup>1</sup>

XVIII аср охири – XIX аср бошларида фаолият олиб борган мутафаккирлар мафкура тушунчасига сохта билимга оид турли хил хурофотлар, идолларни назарий таҳлил объекти сифатида киритадилар. “Мафкура”нинг салбий мазмуни 1797 йилдан буён Миллий институт аъзоси бўлиб, маърифатпарварларнинг фикрлари билан ўртоқлашган Наполеоннинг мафкурачилар томонидан унинг деспотик ҳаракатларини қоралагандан сўнг шакллана бошлади. Наполеон ўзининг ҳам-фикрлари бўлмиш маърифатпарварларни доктринада ва романтик идеализмда, ҳақиқий сиёсий амалиётни ва француз жамиятини ташвишга солаётган манфаатларни англамасликда айблади. У салбий маънода уларни “мафкурачилар” деб атаётган бошлади. Ўша вақтдан бошлаб “мафкура” тушунчаси семантик ўзгаришга учраб, салбий маънога эга бўлишни бошлади.

XX аср 60–70-йиллари Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (деидеологизация) этишга уринишлар кучли бўлганлигини ҳамда амалиётда бу йўл ўзини оқламаганини айтиб ўтдик. Чунки тарбия масаласида мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (деидеологизация) этишга уринишлар ғоявий бўшлиққа олиб келиши у эса ўз асоратлари орқали маънавий-руҳий инкирозни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсата бошлади. Натижада дунёнинг кўплаб давлатларида «мафкуравий янгиланиш», «қайта мафкуравийлашув» (реидеологизация)га кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқа, Европа давлатлари, ҳатто АҚШда ҳам таълим тизимида ижтимоий кадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи «мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялашни амалга ошириш» концепцияси ишлаб чиқилиб, уни ҳаётга татбиқ қила бошланди.

Деидеологизация – 1950–1960-йилларда Ғарбда кенг тарқалган фалсафий ва ижтимоий-сиёсий концепция сифатида намоён бўлади. Бу концепция тарафдорлари “мафкуранинг сўниши”, унинг ижтимоий фанлар, сиёсат ва кундалик ҳаётдан четлашаётганлигини таъкидлашади. Улар деидеологизацияни ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ва жараёнларни таҳлил қилиш ва баҳолашда бир томонлама синфий, ўта мафкуравий ёндашувни рад этувчи, маълум бир синф ё гуруҳ манфаатларидан кўра умуминсоний манфаатлар ва кадриятларни устун қўювчи сиёсий нвзврия ва амалиёт йўналиши сифатида ҳам тавсифлашади. Деидеологизация концепцияси технократик утопия – техника ва технологик тараққиётни мутлақлаштирувчи дунёқараш тизими сифатида вужудга келган. Ушбу қарашлар асосан 1950-1960 йилларда буржуа мамлакатларидаги ижтимоий онг шаклини белгилаб берди. Ушбу тизим доирасида деидеологизация дунёқараш интеллектуал ғайри-табiiйлик, ўзига хос маънавий ортиқча нарса, идеал тарзда қурилган технократик бино пойдеворидаги меъморий бузилиш сифатида қаралди.<sup>2</sup>

Реидеологизация – бу мафкурани қайта тиклаш жараёни бўлиб, мафкурага бўлган ишонччи янгиланади. Реидеологизация концепциясининг энг умумий мазмуни мафкуранинг тикланишини, замонавий дунёда унинг ролини кучайтиришни назарда тутадиган “ре” префикси билан белгиланади. XX асрнинг 70-йиллари бошларида реидеологизация концепциясининг етакчи назариётчилари (Р.Арон, Д.Белл, О.Лемберг, Р.Нисбет ва бошқалар) замонавий дунёда маънавиятнинг янгиланиши юз бераётганини, янги мафкуравий ресурслар кашф этилаётганлигини, ўтган ўн йилликларда мафкурага бўлган сусайган ишончнинг яна мустаҳкамланаётганлигини эълон қилишади. Ҳозирги кунда қайта мафкуралаштириш марксистик тафаккур тарафдорлари томонидан танқидга учраган аҳоли кенг қатламларининг идеаллари ва кадриятларига муносиб жавоб сифатида шаклланаётганлигини қайд этишади. “Янги ғоявий давр бошланмоқда”, деб ёзади француз социологи Р.Арон. Немис социологи О.Лемберг “мифологик онгни” (у мафкурани шундай атайти) бир томонлама танқид қилишдан огоҳлантиради, кишиларда мафкура, имонни тежашга бўлган муросасиз эҳтиёж борлигини таъкидлайди; ғоялар тарихни яратади, тоғларни силжити дея баҳо беради.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Возвышенный объект идеологии (электронный ресурс). М., Художественный журнал, 1999, 114 с. URL: [http://yanko.lib.ru/books/philosoph/jijek-vozv\\_o\\_ideologii-8l.pdf](http://yanko.lib.ru/books/philosoph/jijek-vozv_o_ideologii-8l.pdf) (Мурожаат санаси 15.06.2020).

<sup>2</sup> Манхейм К. Идеология и утопия. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/glava-ii-ideologiya-i-utopiya/viewer> (Мурожаат санаси 16.06.2020).

<sup>3</sup> Lemberg E. Anthropologie der ideologischen Systeme. Baden-Baden, Nomos, 1987, 168 S.

Худди шундай позицияни Липсет ҳам қайд этиб, у “мафқуранинг таназзулга учраши”ни сиёсий қарашлар тизими, утопик фикрлаш ва синфий зиддиятлар бартараф этиш маъносида тушунмасликни таъкидлайди. С.Липсет ва Э.Шилз деидеологизацион концепцияларини фақат фақат 1950-йилларга тегишли эканлигини ва унинг тузатилишга муҳтож эканлигини таъкидлайдилар.<sup>1</sup>

Реидеологизацион тўлқинлар баъзи умумий хусусиятларга эга. Янги тенденция тарафдорларининг барча назариётчилари замонавий жамиятда ғояларнинг роли тобора ошиб бориши ҳақида фикр юритадилар. Ушбу фикрларини аргументлаш сифатида “Инсонга мафкура ҳаводек зарур” деган афоризм билан жуда аниқ ифодалаб берганлар. Барча реидеологизаторлар, аниқ мўлжалларидан қатъий назар, дунё янги дунёқарашга жуда муҳтож, чунки аввалгилари ижтимоий мўлжал бўлиш қобилиятини йўқотганлигига амин бўлган ҳолда ягона платформага бирлашишади.

Мана шу қарашлар ижтимоий эҳтиёжларни акс эттирувчи ҳақиқат сифатида аллақачон ижобий баҳоланган “глобал мафкура” лойиҳасини келтириб чиқарди. Реидеологизаторлар янги дунёқарашга куч ва жозибаторлик бағишлаши мумкин бўлган энг муҳим интилишлардан бири сифатида “янги мафкура” нинг асосини қидирмоқдалар. Глобал мафқуранинг бошланғич ўчоқлари сифатида Т.Парсонс “умуминсоний муҳаббат динлари”ни, Э.Фромм “умид инкилоби”ни, Т.Роззак “мифологик билимлар”ни яъни, шаманизм, сеҳргарлик, қадимий тасаввурларни тушунган. Маълум қилинишича, замонавий жамият учун зарур бўлган янги дунёқараш бир томонлама қарашлардан халос бўлиши керак. Бундай янги маънавий таълимда турли тенденциялар интеграллашади, турли ижтимоий гуруҳ манфаатлари уйғунлашади.<sup>2</sup>

Реидеологизация – мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса. У замонавий Ғарб жамиятларининг турли ғоявий-сиёсий оқимлари томонидан ҳимояга олинган. Ушбу мафқуравий тўлқиннинг пайдо бўлиши либералистик, консервативистик ва сўлрадикал қарашларнинг тарснформациясини амалга ошириб, ғарбона тафаккурнинг барча соҳаларида яққол кўринмоқда. Бундай оқим буржуа партияларининг (АҚШдаги республикачилар ва демократлар, Англияда лейбористлар ва бошқалар) янгиланган сиёсий дастурларга таянишни, ўз обрўсини мустаҳкамлашга уринишларни ифодалаб бермоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз тараққиётининг кейинги ўн йилликлардаги қиёфасини шакллантиришнинг ғоявий асослари ҳамда мафқуравий тамойилларини белгилаб берадиган миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ҳамда ундан келиб чиқадиган муҳим ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги давр талабларини тўла-тўқис акс эттирмоқда.

XX аср тарихининг айрим паллаларида жамият ҳаётида идеологизация, бошқа даврларида эса деидеологизация жараёнлари устуворлик қилган. Идеологизация тамойили давлат мафқурасининг мутлақ устуворлиги ва жамият соҳаларининг мазкур мафкурага тўла-тўқис бўйсундирилишига, бунинг оқибатида эса фуқароларнинг ҳақ-хуқуқсиз ва эрксиз “мурватчаларга” айланиб қолишига сабаб бўлади. Деидеологизация жараёни ғоясизлик муҳитини шакллантиради, асл умуминсоний ва миллий қадриятларнинг қадрини пасайтиради, уларнинг маънавий омил сифатидаги аҳамиятига путур етказилади. Энг муҳими, у давлат сиёсатига мойиллик ўрнига, ўз хоҳиш ва истакларини мутлақлаштиришга ҳаракат қиладиган, шахсий манфаатлари қурбонига айланган нафс бандалари кўпайишига замин яратади. Шу тахлит фикрлайдиганларни ўз сафларига тортадиган, янгилашиш ва ислоҳотларга дахлдорлигини сезмайдиган одамлар сафи ортишига сабаб бўлади. Бундай жараён ички таҳдидларни кучайтириб, кўп ҳолларда бошқарув органлари, ҳокимият ва раҳбарларга нисбатан ишончсизлик ва норозилик муҳити шаклланиши хавфини вужудга келтиради.

Худди шу боис, ривожланган давлатлар бугунги кунда идеологизация ва деидеологизация тамойилларидан воз кечдилар ҳамда тараққиётнинг реидеологизация тамойилларига таяниб иш юритмоқдалар. Уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ички ва ташқи сиёсатда, миллий ғоя имкониятлари ва мафқуравий воситалардан оқилонга фойдаланган ҳолда, фуқароларни умумий мақсадлар йўлида жипслаштириш ва сафарбар этиш бўйича самарали натижаларга олиб келмоқда.

Мафқуранинг умумэтироф этилган қонуниятларига кўра, у ҳаётнинг бошқа соҳаларидан ажралган эмас, балки унинг барча жабҳаларига ғоявий таъсир кўрсатувчи умумий ва зарурий тамойилдир. Бошқа хусусий соҳаларга доир ҳужжатлар моҳиятини англаш доираси шу соҳани қамраб олиши мақсадга етиш учун етарли бўлиши мумкин. Аммо мафқуравий соҳа фаолиятига оид

<sup>1</sup> Кузнецов В.Н. Идеология. Социологический аспект. М., “Книга и бизнес”, 2005, 816 с.

<sup>2</sup> Парсонс Т. Институционализация идеологий. Парсонс Т. О социальных системах. Под ред. В.Ф. Чесноковой и С.А.Белановского. М., “Академический проект”, 2002, 432 с.

тарихий ҳужжатлар бутун жамиятни тўлиқ камраб олиши ва кенгкамровли тарғибот ва ташвиқот зарурлиги билан фарқланади. Зеро, “жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало, ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Абдуллаева Насиба (ЎзМУ Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси профессори,  
Фалсафа фанлари доктори)

### ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИДА АНИМИСТИК ВА ТОТЕМИСТИК ҚАРАШЛАР

**Аннотация.** *Илк диний тасаввурларда инсонни қуршаб турган табиат, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятлари ўзига хос талқин этилган. Чингиз Айтматов асарларида инсон ва табиатнинг узвийлиги халқона фалсафа ва умуминсоний қадриятлар воситасида ўзининг ифодасини топган. Адиб анимистик образлар орқали ҳар бир инсон мушоҳадасига ҳайвонот ва наботот олами ҳақидаги чуқур билимларни сингдиришига ҳаракат қилади, ўсимлик ва ҳайвонот оламисиз инсон яшай олмаслиги, табиат фақат одамлар учун яратилган эмас, уни жамиятдан ташқаридаги умумоламий мустақил қадрият сифатида эъзозлашга ўргатади.*

**Аннотация.** *В ранних религиозных представлениях была дана специфическая интерпретация окружающей человека природы, законов его появления и развития. В творчестве Чингиза Айтматова единство человека и природы выражено в народной философии и в средствах общечеловеческих ценностей. Через анималистические образы писатель пытается погрузить в воображение каждого человека глубокие знания о мире животных и растений, учит, что без мира растений и животных человек не может жить, природа не создана только для людей, но они должны уважать ее как универсальную самостоятельную ценность вне общества.*

**Annotation.** *In the early religious ideas, a specific interpretation of the nature surrounding man, the laws of his appearance and development, was given. In the works of Chingiz Aitmatov, the unity of man and nature is expressed in folk philosophy and in the means of universal values. Through animalistic images, the writer tries to immerse in the imagination of every person deep knowledge about the world of animals and plants, teaches that without the world of plants and animals, a person can not live, nature is not created only for people, but also to respect it as a universal independent value outside of society.*

**Калим сўзлар:** табиат, диний тасаввурлар, анимизм, тотемизм, шаманизм, қадрият.

**Ключевые слова:** природа, религиозные представления, анимизм, тотемизм, шаманизм, ценность.

**Key words:** nature, religious beliefs, animism, totemism, shamanism, value.

Маълумки, илк диний тасаввурлар инсоннинг ўзидан қудратлироқ бўлган ғайритабиий кучлар, табиат ходисалари ҳақидаги тасаввурлари асосида пайдо бўлган. Уруғчилик тизимининг шаклланиши даврида вужудга келган анимизм, фетишизм, шомонизм, сеҳргарлик каби диннинг илк кўринишлари инсоният маданий ҳаётида катта из қолдирди, шу билан бирга, баъзи жиҳатлари бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолди. Тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар миллий динлар ва жаҳон динлари ичига сингиб кетди. Масалан, вафот этган аждодлар руҳига бағишлаб қурбонлик қилиш, худойи қилиш, садақа бериш, ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, чироқ ёқиш анимистик маросим кўринишларидир.

Анимизм ҳар қандай диннинг зарурий элементи – аждодларнинг руҳлари, тирик кишиларнинг жонлари, табиат кучларининг жонли кўриниши сифатида жаҳон динларида ҳам ўз ифодасини топган. Инсоннинг руҳ ҳақидаги ибтидоий ғояларидан ўсиб чиққан анимизм, ҳар қандай борлиқнинг хоҳ у ўсимлик, хоҳ ҳайвон ёки инсон бўлсин, руҳи мавжудлигига ишончни англатиб, бу қадимий ҳаёт тарзига эга бўлган дунёнинг турли бурчакларида яшовчи кичик халқларда сақланиб қолган. Шу билан бирга, аждодларни эъзозлаш ва хотирлаш анъаналари ва маросимлари, руҳни танага қайтариш учун шомонлик усуллари бугун ҳам улар томонидан амалга ошириб келинади.

Марказий Осиё халқларининг илк диний қарашлари тарихи тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқдир. Бу қарашлар ҳайвонларни муқаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Муайян инсонлар гуруҳлари ҳайвон туридан келиб чиққан, деб фараз қилиш тотемистик қарашларнинг асосий мазмунидир. Масалан, бўри, буғу, бургут туркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар

муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб билинган. Тотемизм унсурлари ҳозирда ҳам кўплаб халқлар урф-одатлари, эътиқодлари, анъана ва маросимларида намоён бўлади.

Илк диний тасаввурлар санъат учун ҳам бой манбага айланди. Бадиий адабиётда ҳам жаҳон адиблари ижоди орқали буни кузатиш мумкин. Инсон интеллектининг қудрати, инсонийлик, ба-шариятга дахлдорлик ғоялари билан умумбашарий ҳодисага айланган файласуф ёзувчи Чингиз Айтматов асарларида ҳам шаманизм, тотемизм, анималистик образлар муҳим ўрин тутди. Чингиз Айтматов ижоди кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Буюк адиб меросининг фалсафий, психологик, поэтика ва услубий муаммолари, ахлоқий ва эстетик масалалари бир қанча соҳаларда МДХ ва ўзбек олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Масалан, замонавий тадқиқотчилардан М.С.Мискина адиб асарларидаги асосий мифологик образларни тизмиллаштиришга ҳаракат қилган бўлса, В.В.Юлдашева Айтматов ижодининг 60–80-йиллар Шимолий Кавказ прозасига таъсири, С.Н.Юрьева Достоевский ва Айтматов асарларида бадиий психологизм концепцияси, Х.Н.Темаева Чингиз Айтматов маънавий-ахлоқий ва бадиий олами ва мотивларининг шимолий кавказ прозасидаги инъикоси, .П.Бобоалиева Тожиқ-қирғиз адабий алоқаларида Чингиз Айтматовнинг ўрни муаммоси, К.Асаналиев, Чингиз Айтматов бадиий образ поэтикаси масалалари, Е.А.Мироненко Айтматов прозасини фольклор мифологик контекста ўрганишган.<sup>1</sup>

Ўзбек олимлари томонидан ҳам Чингиз Айтматов ижоди ўрганилган, Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев, Маҳкам Маҳмудовлар томонидан маҳорат билан ўзбекчага ўгирилган. Асил Рашидовнинг “Чингиз Айтматов олами” китобида адиб асарлари кенг ва чуқур таҳлил этилган.<sup>2</sup> Аммо шуни таъкидлаш лозимки, Айтматов асарларидаги илк диний-фалсафий қарашлар ҳали етарлича ўрганилмаган. Ёзувчи асарларида коинот, табиат ва инсон ягона, узвий бир бутун бўлиб, бир-бири билан органик алоқадордир. Чингиз Айтматов ҳаётнинг абадий саволларига, анималистик тасвирлар орқали жавоб излади ва адабиётга янги образлар, тимсоллар олиб кирди. Зеро, табиат чинакам инсоний туйғуларни, жумладан, гўзаллик туйғусини шакллантириш учун муҳим манба ҳисобланади. Айтматов асарларида ёввойи табиат оламининг вакиллари-бўрилар, қоплонлар, тулқилар ўз турлари учун характерли хулқ-атвор хусусиятларига эга эканлиги моҳирона ёритиб берилди. “Айтматов ижоди юксала боргани сари бугунги инсониятнинг глобал муаммоларини қамраб ола бошлади. Донишманд, ноёб таҳлил истеъдодига эга бўлган Айтматов бугун жаҳонда ҳали ҳеч ким ўйлаб кўрмаган қурраи замин микёсидаги муаммоларни мушоҳада қилиш билан банд. У Замон, Инсон ва Табиат ўртасидаги алоқаларни янги талқин этмоқда”.<sup>3</sup>

“Оқ кема” адибнинг гўзал қиссаларидан бири. Асар қаҳрамони “етти ёшга тўлиб, саккизга қадам кўйган” болакай. Табиат ота-она меҳридан Мосуво болакайнинг болалик оламини безайди, қалбини завққа тўлдиради. У “айёр”, “яхши” ва “ёмон”, ҳатто “овсар” тошлар, “севимли”, “ботир”, “хуркак” ва “ёвуз” ўтлар билан ҳамсухбат. Чўкиб ётган “букри туя” – сарғиш букри тошни силамасдан ўтмайди. “Широлжин” садоқатли дўсти, айниқса, бирор кўнгилсизлик юз бериб, пинҳона йиғлагиси келганда широлжин остида яхши паноҳ топиш мумкин”.<sup>4</sup> Табиат болакайнинг дўсти, у қалб тубидаги орзуларни табиатга айтади, балиққа айланиб, оқ кемага томон сузиш, матрос отасини то-пиб, ўзи яшаб турган тоғлар, харсанг тошлар ҳақида дарё ва ноёб ўрмон ҳақида сўзлаб беришни хоҳлайди.

Бобосининг она буғу ҳақида айтиб берган афсонаси болакайни инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини англашга ўргатади. Афсус, ҳаёт синовларидан енгилган бобоси бахтиқаро қизи, набирасини деб она буғуни қурбон қилади. Она буғунинг нурсиз кўзларига боқиб, бобосининг ночор аҳволдан изтиробга тушган бемор бола ларзага тушади. Покиза орзулар оғушида яшовчи, она буғу ҳақидаги афсонага астойдил ишонган боланинг барча орзу умидлари чил-парчин бўлди.

<sup>1</sup> Мискина Маргарита Сергеевна. Фольклорно-мифологические мотивы в прозе Чингиза Айтматова 2004 год. Томск, 2003 с. 4; Юлдашева, Варвара Валиджановна. Концепция нравственного выбора в художественном мировидении Чингиза Айтматова и ее влияние на Северокавказскую прозу 60–80-х годов. 2002, с. 14; Н.Х.Темаева. Духовно-нравственный и художественный мир Чингиза Айтматова и его мотивы в северокавказской прозе. 2010; Асаналиев Кенешбек Чингиз Айтматов: бадиий образ поэтикаси масалаларини ўрганишга. н.поэтика художественного образа. Автореферат дис. ... доктора филологических наук, Кирг. гос. ун-т им. 50-летия СССР, Фрунзе, 1989, с. 36; А.К.Мироненко. Фольклорно-мифологический контекст художественной прозы Чингиза Айтматова. Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к. филол.н., .Алмата, 2002, с. 14.

<sup>2</sup> А.Рашидов. Чингиз Айтматов олами. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2011, 256-бет.

<sup>3</sup> П. Мирза-Ахмедова. Восхождение к себе. Ковчег Чингиза Айтматова. М., “Воскресения”, 2004, с. 241.

<sup>4</sup> Чингиз Айтматов. Танланган асарлар. “Шарк”, Тошкент, 2016, 441-бет.

“Йўқ, мен, яхшиси балиқ бўламан, Бу ердан сузиб кетаман. Яхшиси, балиқ бўламан”,<sup>1</sup> унинг ягона нажоти оқ кема, балиққа айланиб, унга томон сузишни хоҳлайди, дарёга тушиб, сув кеча бошлайди. У тошюрак инсонлардан қочиб, она табиат бағрига йўл олади.

Муаллиф томонидан баён этилган асосий ғоя: биринчи аждод тотем ҳайвоннинг ўлдирилиши илоҳий ҳомийликнинг йўқолишига олиб келади. Неварасига афсонани айтиб берар экан, бобоси шохдор она буғу уларни, болаларини кечиргач, Иссиқкўл ўрмонларига қайтишига умид билдиради. Тотем ҳайвонни ўлдириш мотиви боланинг ўз жонига қасд қилиш мотивида ўзининг энг юқори поғонасига етади. Боланинг ўлими, метафорик маънода, инсоният келажагининг ўлими демакдир. Боланинг аянчли қисмати орқали адиб маънавий тубанликка қарши исённи ифодалайди. «Оқ кема» қиссаси адибнинг поклик ва адолат, хунрезлик ва унинг ахлоқий илдизлари, миллий анъаналар ва инсоний қадриятлар талқинига бағишланган гўзал асарларидан биридир.

Адибнинг буюк асари “Қиёмат”да табиатни поймол этиш туфайли рўй бераётган қиёмат бу жамият учун ҳам табиат учун ҳамдир деган фикрни уқдиради. Азалда ўзларига макон ватан деб билган жойда Акбара билан Тошчайнарга яшаш учун, ҳатто ошён қолмади. Тоғда ноёб конга йўл очилиши муносабати билан, уларнинг уяси жойлашган қамишзорга буткул ўт қўйилди, натижада беш бўри боласи нобуд бўлади. Акбара билан Тошчайнар тоққа қочгандан сўнг эса, бу ерда янги дунёга келган тўрт бўри боласи яна инсон томонидан ўғирланди. Обер-Қандалов бошлиқ ваҳший кишилар мўмай пул топиш илинжида сайғоқларга қирон келтириши ва бошқалар табиатнигина қиёматга солаётгани йўқ, балки маънавий-алоқий фазилатлар қиёмати, дейиш мумкин.

Маънавий қиёфаларини йўқотган кималарга тўғри йўлга киришни даъват этган ва қисмати-ни шу йўлга тиккан Авдий Калисратов тақдири ҳам аянчли. Унинг бўрилар билан учрашуви ва соғ омон қолиши бу инсон ва ваҳший ҳайвон таққосланиши, инсон ундан-да ваҳшийлигини кўрсатди. Унинг қанча болаларини нобуд қилган инсон зотига тегмаганлиги бу ҳам ўзига хос фалсафий мазмунга эга.

Шарқ ва Ғарб халқлари мифологияси ва фольклорида бўри образи кенг тарқалган. Жумладан, туркий халқлар мифологиясидаги кўк кўзли бўри туркий қабилаларнинг аждоди ҳисобланади. Туркий афсона романда бўрининг болани олиб қочиш мотивида мужассамлашган. Ўз боласидан айрилган бўри Кенжешни одам боласи сифатида қабул қилмайди, у болага табиатнинг бир бўлаги сифатида қарайди, болаларига беролмаган меҳрини унга беришни хоҳлайди. Романда урғочи бўри Акбара бешафқат инсонлардан паноҳ излаб, бўрилар ҳомийсига Она бўрига мурожаат қилади.

“Алвидо, Гулсари” қиссасида эса кулранг эчки образи афсонавий эчки тимсоли қирғизларда ёввойи ҳайвонлар ҳомийси, яъни унумдорлик, серпуштликни билдиради. Чингиз Айтматов бадиий оламида ҳайвонлар психологик хусусиятларга, ўз индивидуал тақдирига эга бўлиб, табиат ва инсон органик боғлиқ ҳолда тасвирланади.<sup>2</sup>

Айтматов асарларида илк диний тасаввурлардан шомонизмни ҳам кузатиш мумкин. Маълумки, қирғизлар қадимдан кўчманчи, чорвадор халқ. Чингиз Айтматов беш-олти ёшлигида овулдошлари билан бирга доволон ошиб, сафарга чиққан. Ана шу кўчишда тиши оғриганда Чингизни бир шомон даволайди. Чингиз Айтматов ҳар хил суратлар туширилган матодан тикилган бош кийим ва ажабтовур кийимлар кийиб олган шомон ҳаммани ўтовдан чиқариб юборганини, Чингиз билан ёлғиз қолишганини, Чингизнинг устига кўрпа ёпиб қўйиб, қўлига қўлбола чироқни бериб, унинг оловига оғзини очиб туришини тайинлайди ва доирасини чертиб, қадимий дуолар билан айтимларни айта бошлайди. Чингизнинг тиш оғриғи таққа тўхтайдиган ва у оғзидан тушган, тошлар орасида ғимирлаб юрган соч толасидан ҳам ингичка оқ куртлар – тиш куртларини кўради. Бу ҳаётини лавҳадан қирғизлар ислом динига эътиқод қилсалар-да, қадимий шомонлик анъаналаридан ҳам воз кечмаган, уни ҳам қўллаб юришганини кўрсатади.

Шомонизм адибнинг “Соҳил ёқалаб чопаётган” асари шимол халқларининг табиатга муносабати ва дунёқарашида ҳам акс этган. Асарда шомонлар қабила одамларини дунёга келтирган она балиқ – Сув парисини мадҳ этишади, “шомон ёш овчига ҳамиша хайрихоҳ, меҳрибон бўлинглар, деб Ер ва Сувга илтижо қилади... Доно шомон яна зикр тушиб, Кирийск улғайиб, бола-чақа кўрсин, улуғ Сув париси – Буюк Она балиқ авлоди кўпайсин, ҳамиша авлодига авлод қўшилсин, деб

<sup>1</sup> Чингиз Айтматов. 523-бет.

<sup>2</sup> Андрей Федорович Кофман. Художественный мир Чингиза Айтматова. *Studia Litterarum*, 2019, том 4, № 2, с. 11.

дуо-илтижо қилади”<sup>1</sup> Шимол халқларининг анимистик қарашларида табиат, унинг ҳодисаларини илоҳий деб тасаввур қилинмаган, унга сиғинилмаган балки табиатни жонли деб инсонийлаштириб тасаввур қилишган. Оламни экологик, ахлоқий нормалар орқали англашда табиат ҳодисалари олдидаги кўрқувга асосланган табуда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам болаликданок табиатга кўрқув ва хавотир билан муносабатда бўлади.

“Қулаётган тоғлар“ (Мангу қайлик) романида ҳам инсон ва табиат бирлиги, жониворлар образининг ҳам худди инсонлардек характер даражасига олиб чиқилиши, шунинг билан биргаликда замонавий муаммолар табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида келиб чиқаётган оламшумул офатлар қадимий афсона сюжет билан биргаликда тасвирланади. Айтматов асарларининг ғоявий-бадиий қудрати инсон ва табиатнинг узвийлиги халқона фалсафа ва умуминсоний қадриятлар воситасида ўзини ифодасини топганида акс этади. Адиб асарларида табиат фақат одамлар учун яратилган эмас, уни жамиятдан ташқаридаги умумоламий мустақил қадрият сифатида эъзозлашга ўргатади. Буни адиб қуйидаги мисол орқали ҳам баён этади. “Брюссель – Люксембург – Триер – Ковпец – Франкфурт йўналиши бўйича ўтадиган тезюар автотурлар билан йўлдан кечасию кундузи ҳар томонга олти қатордан тизилишиб олган турли туман автомобиллар ўқдай учиб ўтадилар. Йўлнинг ҳар икки ёқасига юзлаб чақирим масофаларга мустаҳкам темир тўсиқлар тортилган. Тасмадек бетон йўл тоғларни, далаларни, ўрмонларни, кўлларни кесиб ўтади. Йўлнинг икки томонида қолган ҳайвонлар бир-бирлари билан учрашиш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Табиатнинг яхлитлик қонуни бузилган. Мана шу муаммони ҳал этиш учун одамлар нималарни ўйлаб топганлар? Йўлнинг ҳар ўн чақиримига биттадан махсус кўприк қурилган: бундан кийиклар, қобонлар, қуёнлар, чаёнлар, илонлар ўтади. Бизнинг мамлакатимизда эса ҳайвонларни қўя турайлик, ҳатто одамлар ўтиши учун чиройли осма кўприклар қуриш – ушалмайдиган орзу. Киночилар билан бирга ўшандай ғаройиб кўприклардан бирининг ёнига борганимиздан сўнг: –Худбинлик устидан инсонийлик ғолиб келган ёркин мисол ана шу,–дедим.–Табиатни шундай эъзозлаш керак.<sup>2</sup>

Зардуштийлик таълимоти шакланган маконда униб-ўсган адибнинг табиат борасидаги қарашлари ажодлар меросидан озиқлангани, табиий ҳол. “Авесто”даги сув, нон, ҳайвонот, наботот оламига бўлган эътибор ота-боболаримизнинг қон-қонгига сингиб кетган. Шунинг учун сувга тупурманг, нонни увол қилманг, жониворларга озор берманг, дейди. Муқаддас Қуръон, Ҳадиси шарифларда ҳам Аллоҳ яратган ҳар бир жонзотга шафқатли бўлиш таъкидланади.

Адиб деярли барча асарларида она буғу, она туя, она бўри, қари йўрға Гулсари воқеалари орқали садоқат, меҳр, хиёнат, қаҳр каби ахлоқий фазилат ва иллатларни кўрсатади. Чингиз Айтматов тасвиридаги ҳаёт манзаралари инсон қалбдаги нозик торларни чертибгина қолмай, асар қаҳрамонлари чекаётган азоб-укубатларни юрак-юракдан ҳис қилдиради. Она бўри, Гулсари ҳолати китобхонни изтиробга солади, адиб асарлари орқали жами мавжудотларга нисбатан ҳамдардлик, туйғусини китобхон қалбига жойлайди.

Табиат барча санъат турлари учун битмас-туганмас шакллар манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ундаги тасвирий воситалар табиатдаги алоқдорликларини тасаввур қилишга, унинг ёшлар онгида муҳраланиб қолишига катта ёрдам беради. Зеро, табиатни эъзозлаш – она-Ватанга, туғилиб ўсган тупроқ-заминга ҳурмат демақдир. Бу она-табиатнинг экологик мувозанати қонунларига, уни акс эттирган илғор нормаларга, жумладан, халқ донишмандлиги дурдоналарига инсоннинг эътиқод даражасида рию қилиши демақдир.

Табиат тараққиёти, унинг қонуниятларини чуқур тушунган инсон ҳаётнинг қадрига етади, уни фаровон бўлишга ҳисса қўшади. Инсон ҳаётининг фаровонлиги эса бевосита табиат билан боғлиқдир. Чингиз Айтматов асарлари инсонга ҳайрат, завқ уйғотибгина қолмайди, қалбни тўлқинлантиради, киши маънавий оламини бойитади, табиатни севишга ундайди, унга ҳамдард бўлишни маънавий мезонга айлантиради. Адиб асарининг қудрати ва ҳаётийлиги халқининг удумлари, яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналари, қадриятларининг табиат билан уйғунлигини муҳаббат билан тасвирланишидадир.

Асарларда реаллик, афсона ва ҳақиқат узвийлигини бадиий тасвирда анимистик образ ва тимсолларда намоён бўлади. Чингиз Айтматов асарлари неча асрлик дурдонлардан озиқлангани, саҳро табиати, жонзотлари билан минг йиллардан буён ёнма-ён яшаб келган халқ маънавиятидан

<sup>1</sup> Ч.Айтматов. Танланган асарлар. “Шарқ”, Тошкент, 2016, 598-бет.

<sup>2</sup> Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўккида қолган овчининг охи-зори. “Шарқ”, Тошкент, 1998, 136-бет.

илҳом олгани боис, табиат жонли, инсонга қадрли, яқин эканлигини ич-ичидан ҳис қилдиради Айтматов асарда эзгулик моҳиятини ранг-баранг: илоҳий фалсафий, инсонпарвар асослар билан чамбарчас алоқадорликда тасвирлайди.

Табиат-жамият-инсон ҳаётидаги зиддиятлар-шодлик билан қайғу, озодлик билан зулм моҳиятини бадиий умумлашмаларда тажассум этиш адабиётнинг ҳам етакчи мавзуларидан биридир. Оддий инсон кўра олмаган, ҳис эта олмаган шу каби табиат ҳодисаларини шоир ва ёзувчилар усталик ва маҳорат билан тасвирлайди.

Табиатга нисбатан муҳаббатни тарбиялаш ҳамда табиат гўзаллигини тўғри идрок этиш табиатнинг ўзини билишни талаб этади. Шоир ҳам, олим ҳам ҳамма вақт ва даврларда ўз асарларида ҳам инсоннинг табиат билан туташлигини ҳис этиб келдилар. Ана шу туташликдан олинган мураккаб таъсир санъат соҳасида улғувор асарларнинг фан соҳасида буюк кашфиётларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди, шу ҳис-туйғулар эстетик дидни такомиллаштиради.

Табиатга инсоний муносабатда бўлишни тарбиялаш, айниқса, бугун ниҳоятда долзарбдир. Чунки болалиқдан, ўсмирликдан табиатдаги ҳар бир ҳодисанинг гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис қилмаса, келажакда у табиат ҳимоячиси эмас, аксинча, уни вайрон қилувчига айланади. Санъат орқали инсонпарварлик, ахлоқий-маънавий фазилатлари шаклланади. Теварак-атрофдаги ҳаётни ҳар қиррасини санъат воситалари орқали тасвирлаш, инсоннинг табиатда тутган ўрни, табиат жараёнлари билан муносабати, у билан боғлиқлиги ва алоқадорлигини тушунтириш ҳар бир санъат асарининг бош мавзуси бўлиши лозим.

Чингиз Айтматов, агар инсон болалиқ чоғлариданоқ ўз тарбиясининг илк босқичларидан бошлаб табиат билан ошно тутинса, мен ишонч билан айта оламанки, у ёши улғайиб, фаол меҳнат кучоғига кирган пайтларида ҳам, бефарқ вакилга айлана олмайди. Унга табиат муҳофазаси ҳақида, табиатга оқилона муносабатда бўлиш борасида тарғибот-ташвиқотнинг сира кераги бўлмайди, унинг ўзи бу ишга маънавий жиҳатдан тайёр бўлади. Табиатни асраб-авайлаб ва севишга ўргатиш, менинг назаримда, ёш авлодни тарбиялаш масаласининг энг инсонпарвар жиҳатларидан биридир, деб таъкидлайди.

“Чингиз Айтматов ўзининг фазовий тафаккур тарзи, инсон камолоти ҳамда тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни жасорат билан фош қила олган, айти пайтда, дунё адабиётининг илғор анъаналарини ҳам миллий, ҳам умумтуркий адабиётга дадиллик билан олиб кирган, бу анъаналарнинг нафақат қирғиз, балки бутун туркий адабиётда синтезлашишига улкан ҳисса қўшган, асарларида ўртага ташланган масалалар қанчалик миллий бўлса, шунчалик умуминсоний эканлиги, умуман, адиб Ер сайёрасига, банибашарга тааллуқли энг оғрикли, энг изтиробли, энг долзарб муаммоларни бадиий ва фалсафий мушоҳадага айлантира олган, мазкур муаммоларга ўша пайтнинг ўзидаёқ олтига қитъанинг ҳам эътиборини қаратган, адабиётнинг замон билан уйғун келадиган нуқталарини топа олган улкан ва бетакрор истеъдод эканлиги–ноёб адабий ҳодисалиги билан алоҳида ажралиб туради.<sup>1</sup>

Хулоса қилганда:

Биринчидан, адиб асарларида анимистик тимсоллар ва образлар орқали ҳар бир инсон мушоҳадасига ҳайвонот ва наботот олами ҳақидаги чуқур билимларни сингдиради, ўсимлик ва ҳайвонот оламисиз инсон яшай олмаслигини кўрсатиб беради;

• иккинчидан, болалиқдан табиатга муҳаббат сингдирилмаса, ундаги ҳар бир ҳодисанинг гўзаллиги ва бетакрорлигини ҳис қилишга ўргатилмас экан, келажакда у табиат ҳимоячиси эмас, аксинча, уни вайрон қилувчига айланиши адиб асарларида ҳаққоний ифодасини топади;

• учинчидан, Чингиз Айтматов асарлари инсонга ҳайрат, завқ уйғотибгина қолмайди, қалбни тўлқинлантиради, киши маънавий оламини бойитади, табиатни севишга ундайди, унга ҳамдард бўлишни маънавий мезонга айлантиради;

• тўртинчидан, халқнинг удумлари, яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналари, қадриятларининг табиат билан уйғунлиги илк диний тасаввурлар билан боғлиқликда тасвирланади;

• бешинчидан, адиб асарларида Марказий Осиё халқларининг илк диний қарашлари тарихи, тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқлиги, инсон ва табиатнинг узвийлиги халқона фалсафа ва умуминсоний қадриятлар воситасида ўзини ифодасини топганида акс этади.

<sup>1</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/chingiz-ajtmator-saboqlari>

Эрназарова Манзура Сапарбоевна (филология фанлари доктори,  
Навий Давлат Педагогика институти Бошланғич таълим кафедраси мудири)  
НУТҚИЙ СИСТЕМАДА ЛИСОНИЙ ВА НОЛИСОНИЙ ОМИЛЛАР

**Аннотация.** Мақолада нутқий системадаги лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги жаҳон тилишунослиги, ўзбек тилишунослигида ўрганилиши, грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишида шахслараро муносабатнинг коммуникантлар ёши хусусиятига кўра хосланиши сопиопрагматик омил сифатида ўзига хос аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, функционал-семантик имкониятга эга бўлган грамматик шаклларнинг маънолари лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги асосида таҳлил қилинган.

**Аннотация.** В статье обсуждается вопрос об исследовании взаимодействия лингвистических и неязыковых факторов в речевой системе в мировой и узбекской лингвистике, а также в работе утверждается мысль о том, что приспособление межличностных отношений коммуникантов в зависимости от возраста имеет важное значение как социопрагматический фактор в вербальном возникновении грамматических форм. Значения грамматических форм с функционально-семантическими возможностями анализируются на основе сочетания лингвистических и нелингвистических факторов.

**Annotation.** The article discusses the study of the interaction of linguistic and non-linguistic factors in the speech system in world linguistics, Uzbek linguistics, the role of interpersonal relations in the speech of grammatical forms according to the age of communicants as a sociopragmatic factor. Also, the meanings of grammatical forms with functional-semantic possibilities were analyzed on the basis of a combination of linguistic and non-linguistic factors.

**Калим сўзлар:** лисоний ва нолисоний омиллар, грамматик шакл, грамматик маъно, флукутуация, пресуппозиция, компетенция, коммуникант.

**Ключевые слова:** лингвистические и нелингвистические факторы, грамматическая форма, грамматическое значение, флукутуация, пресуппозиция, компетенция, коммуникант.

**Key words:** linguistic and non-linguistic factors, grammatical form, grammatical meaning, fluctuation, presupposition, competence, communicant.

Нутқий системада лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масаласи жаҳон тилишунослигида П.Грайс, Ж.Р.Серль, Д.Франк, Т.А.Дейк ван, И.М.Кобозева, С.Д.Кацнельсон, А.А.Леонтьев, Л.В.Щерба, Н.Д.Арутюнова, В.В.Богданов, Н.И.Формановская, С.Каган, Л.П.Крисин, А.М.Бушуй, ўзбек тилишунослигида С.Иброҳимов, Р.Қўнгулов, И.Қўчқортоев, Ғ.Абдурахмонов, Т.А.Бушуй, Ш.Сафаров, Ш.Искандарова, С.Мўминов, Б.Раҳматуллаева, М.Камолова, Р.М.Авезджанова, Д.Тешабоева, З.Ҳ.Утешева, З.Акбарова каби лингвистларнинг ишларида учрайди. Улар нутқий системадаги турли омилларнинг ҳамкорлигини бевосита ёки билвосита қайд этишган.<sup>1</sup>

Нутқнинг уч ўлчамли таҳлилида лисоний далилларни ўрганишнинг соф лингвистик тадқиқи доирасидан чиқиб, прагматик омиллар билан ҳам иш кўрилади. Бу, айниқса, субстанциал табиати бошқа (лисоний ва нолисоний) воситаларнинг ҳамкорлигига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолган, ўз ҳолича маъно ифодалай олмайдиган ва имкониятларини намоен қилолмайдиган, функционал-семантик табиатининг ўта мавҳумлиги билан характерланадиган грамматик шаклларда яққол кўзга ташланади. Хусусан, грамматик кўрсаткич грамматик маъно ифодалайдими ёки ўзи бирикаётган мустақил лексемаларнинг субстанциал табиатида мавжуд тегишли маъноларни рўёбга чиқарадиган, катализатор вазифасини ўтайдиган ёрдамчи воситами деган муаммо, гарчи ечимини топиши номуқаррар бўлса-да, мавжуд эканлиги фикримизнинг далилидир. Чунки, масалан, сўз туркумларининг таснифловчи категорияларига<sup>2</sup> мансуб луғавий шакл ясовчиларнинг фақат муайян сўз тур-кумлари доирасидагина шакл ясаши ва муайян бир маъноларни ифодалаши уларда ушбу маъ-

<sup>1</sup>Нутқ лингвистикаси ва нутқ маданияти бўйича асосий илмий адабиётлар проф. А.Э.Маматовнинг махсус ишида йиғилган (қаранг: Маматов А.Э. Библиографический указатель работ по культуре речи и языковой норме. Часть I, Ташкент, 1990).

<sup>2</sup>Баҳриддинова Б.М. Фейл луғавий шакллари тизими (тур категорияси). Филол. фан. номз... дисс. автореф., Самарқанд, 2002, 18-бет.



ноларнинг мавжудлигига маълум даражада шубҳа уйғонишига сабаб бўлади. Шунингдек, алокамуносабат категорияларининг луғавий маънога дахлдор моҳиятга эга эмаслиги ва шу боисдан барча сўз туркумлари учун умумийлиги кабилар ҳам фикримизга далил бўла олади. Демак, грамматик шакл маъноларининг анъанавий талқинларда бошқа сатх бирликларига боғлиқ қилиб қўйиши умумий лисоний субстанцияларнинг воқеланиши учун ҳамкорликнинг зарурлигига, ҳамкорлик эса лисоний ва нолисоний омиллар муштараклигида бўлишига олиб келади. Ҳар қандай ҳамкорлик боғлиқлик ва мустақиллик қарама-қаршилиги асосида мавжуд бўлади. Мутлақ боғлиқлик ҳамкорлик бўлмаганидек, мутлақ мустақиллик ҳам синергик фаолиятга зид. «Система термодинамик мувозанатда бўлиб турганида унинг унсурлари ўзларини мустақил тутиб, гўё гипноз қилингандай уйқуда бўладилар (масалан, газнинг молекулалари ўзларини бир-бирларига боғлиқ тутишмайди). Бундай ҳолатда мазкур элементлар тартибланишган, яхлитланган структураларни юзага келтира олмайдилар. Ушбу система уни ўраган муҳит билан ўзаро таъсирга киришганида энергия алмашиниб, гўё «уйғониб», номувозанат ҳолатга келади, ҳолат ўзгаришга учрайди. Бу уйғонган элементлар мувофиқлашиб таъсир кўрсата бошлайди, улар орасида ўзаро корреляция вужудга келиб, когерентлашиб, ўзаро таъсирлашади. Системанинг шу ҳолатдаги структураси диссипатив структурадир».<sup>1</sup> Диссипатив структураларда ташқи муҳит билан боғлиқлик кучайиб, улардан таъсирланиш ва ўз моҳиятини намоён қилишда уларга «суяниш» имконияти кенгайди. «Бундай структура юзага келгач, ўзининг резонанс уйғонишини йўқотмайди. Бундай структура ташқи муҳитга нисбатан таъсирчан бўлади. Ҳар қандай ташқи муҳитдаги ўзгариш турли структуравий тузилмаларнинг яратилишига ва танланишига олиб келади. Бундай моддий система структураланиш ва ўз-ўзидан ташкилланиш жараёнига киришиб кетади. Ўз таркибий қисмларини янгилаб, тиклаб, барқарорлаштиради, динамик номувозанат ҳолатларини сақлайди, ўз структураси ва функциясини мукамаллаштириб боради, эволюция юзага келади. Ўз-ўзидан ташкилланиш эволюцион жараёни таъминлайди, унга манба бўлади».<sup>2</sup>

Нутқий система таркибига қираётган лисоний унсурнинг ўз мудроқ ҳолатидан чиқиб, мавжуд лисоний систем мувозанатни бузиши ва янги динамик система таркибига кириб, янги мувозанат ва муроса «тўри»га тушиши муҳит билан боғлиқ равишда рўй берар экан, бунда муҳит лисоний ва нолисоний қатламларнинг бир-бирига ўзаро сингиб кетишидан ташкил топади. Грамматик воситаларнинг умумий грамматик маъносини шу йўсинда қараб, прагматик омиллар фаол флукуатор бўлган ҳолатларга эътибор берамиз.

Прагматик муҳит ташкил этувчилари миқдоран ранг-баранлиги ва кенг қамровлилиги билан характерланади. Шахс, вазият, шароит орасида шахс омили, коммуникантларнинг табиати ва мавқеи, ўзаро муносабати кабилар муҳим аҳамиятга эга. Биргина шахснинг нутқий ҳолати жинсий тафовут, феъл, савия, ижтимоий мавқе, ёш, маълумот, мутахассислик, соғлиқ, кайфият каби кўринишлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири лисоний бирликлар, хусусан, грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишига маълум даражада таъсир кўрсатади – баъзан флукуация даражасида, баъзан ундан қўйи мақомда туради. Айрим мисолларга мурожаат қиламиз. «Ўткан кунлар» романида шундай эпизод мавжуд:

*Ҳомид қўлини бўшатишга тиришар экан, Отабек салмоққина қилиб деди:*

*– Ортиқча ошиқмангиз, Ҳомидбой, мен сизнинг ханжарлик қўлингизни бўшатаман ҳозир, аммо шунгача сиз билан икки оғиз сўзим бор!*

*Ҳомид хануз қўлини бўшатишга кучанар эди.*

*– Кучанмангиз, Ҳомидбой!*

*– Мард йигит бўлсанг, қўлимни қўй!*

*– Ошиқма, қўяман! – деди Отабек... Ханжарли қўли билан туйнукка ишорат қилиб, Отабек сўз бошлади: – Сиз мenden ҳам яхшироқ биласизки, шу уйда сизни алақанча машаққатларга солган, чексиз жониворликлар ишлаткан ва ҳисобсиз тиллалар тўқдирган, ниҳоят, шу дақиқага келтириб тўхтаткан бирав ухлайдир. Агарда сизнинг маним тилимдан ёзиб берган талоқ хатингиз дуруст ҳисобланмаса, бу ухлагувчи менинг ҳалол рафиқам бўлиб, икки йилдан бери мен ҳам унинг қўйида саргардонман. Демак, сиз билан менинг орамизда шу бирав учун кураш борадир. Лекин сиз шу чоққача маним устимдан муваффақият қозониб келдингиз: қора чопончи деб дор остларигача олиб бордингиз, Мусулмонқул қўлига топширдингиз, бу ишларингиз фойдасиз чиқгач, исми-*

<sup>1</sup> Пригожин И., Стенгерс М. Порядок из хаоса. Новый диалог человека с природой. М., 2000, с. 127.

<sup>2</sup> Шу манба. С. 139.

дан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айириб туришка муваффақ бўлдингиз... Энди менга жавоб берингиз-чи: бу ёмонликларингизда сиз ҳақлими эдингиз?

–Ҳақли эдим! – деди Ҳомид ва силтаб ханжарлик қўлини бўшатиб чалқанча йиқилди...<sup>1</sup>

Эътибор қилинса, Отабек нутқида Ҳомидга нисбатан бир грамматик шакл икки хил кўринишда, номутаносиб қўлланган: бир ўринда *ошиқмангиз*, *кучанмангиз* шаклида, иккинчи бир ўринда *ошиқма* кўринишида. *Ошиқмангиз*, *кучанмангиз* феъл шаклларида шахс-сон шакли қаватланган, бунда у «тарихийлик», «китобийлик», «кўтаринкилик», «сарой муҳитига хослик», «расмийлик», «сунъийлик», «хурмат» каби маъно хусусиятлари билан характерланади.

Отабек билан Ҳомиднинг муносабати маълум, бу муносабатнинг шаклланишига, Отабек таъкидлаганидек, Ҳомиднинг унга қарши «чексиз жониворликлар ишлаткан»и, «ҳисобсиз тиллар тўқдирган»и, қора чопончи деб дор остигача олиб боргани, Мусулмонқул қўлига топширгани, номидан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқасидан айириб турганлиги каби хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган. Қолаверса, Отабекнинг Ҳомидни Кумушнинг ётоғига қараб лаҳм қовлаётган ҳолатида учратиб туриши унинг нутқида «китобийлик», «кўтаринкилик», «сарой муҳитига хослик», «расмийлик», «хурмат» маънолари бўлишини тақозо қилмайди ва юз бериши муқаррар аёвсиз олишув ҳар қандай мулозаматни четга суриб қўйиб, ҳар бир сониядан унумли фойдаланишни талаб қилади. Тўғри, Отабек аслзодалар муҳитида ўсган. Лекин ҳозирги қалтис вазиятда Ҳомидга муносабатида бу ҳолати панд бериши ҳам мумкин, шунинг учун, худди жангдаги ёки овдаги сингари, ўзининг тадбиркорлик ва чапдастлик хислатларини намоён қилиши шарт. Шунинг учун грамматик шаклда зикр этилган маъноларнинг бўлиши прагматик нуқтаи назардан ўринли эмас. Бунга Ҳомиднинг гапига (*Мард йигит бўлсанг қўлимни қўй!*) жавобан айтган гапида (*Ошиқма, қўяман!*) қўлланган грамматик шакл ҳам қўшимча асос бўлади.

Маълумки, (-нг) грамматик шаклининг (-нгиз) шаклида қўлланишида «пичинг» маъноси ҳам ифодаланади. Айниқса, одатда, «сен»ланадиган кишиларга нисбатан киноявий маъно ифодалашда ушбу усул кенг ишлатилади. Ҳатто учинчи шахс шакли ҳам иккинчи шахсга нисбатан қўлланаверади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида бунинг ёрқин намунасини кўрамыз.

Отабекнинг Ҳомидга нафратли муносабати натижасида туғилган киноявий кайфият шахс-сон шаклининг «пичинг, кесатик» маъносини намоён қилувчи фаол прагматик омил сифатида баҳоланишга лойиқ. Аммо бу омил ва унга мувофиқ воқеланган маъно бошқа омиллар ҳамда уларга мос маъноларнинг воқеланишини йўққа чиқармайди. Масалан, Ҳомид шахс-сон шаклининг (-нгиз) вариантыни ҳеч қачон нутқида қўлламайди ва бу тафовут коммуникантларнинг қайси муҳитда вояга етганлари билан белгиланади. Шу билан бирга, Отабек киноя учун учинчи шахс кўрсаткичини ҳам қўлламайди: *ошиқмасинлар*, *кучанмасинлар* тарзида. Бунда киноя-кесатик даражасига етган ҳамда «хурмат» маъноси ўта кучсизлашган, ҳатто бутунлай сўнган бўлиши ҳам мумкин эди. *Ошиқмангиз*, *кучанмангиз* сўзшакллари *ошиқмасинлар*, *кучанмасинлар* сўзшакллари билан қиёсланса, улар орасидаги фарқ ва тафовут «хурмат» маъносининг у ёки бу даражаси билан белгиланади. Отабекнинг ўша пайтдаги оний кайфияти ҳам грамматик шаклни қўллашдаги икки хилликни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Киноянинг сабаби эса, албатта, аламзадалик, қасос олиш каби мақсадлар билан белгиланади. Чунончи, Н.Д.Арутюнованинг фикрича «ҳар қандай нутқий ҳодиса маълум бир мақсад асосида намоён бўлади. Одамлар нимадир ҳақидаги ўз муҳокамаларини баён қилиш ниятида маслаҳат бериш, ваъда бериш ёки таклиф этиш каби тингловчини бирон-бир нарсага ишонтириш мақсадида сўзлайди».<sup>2</sup>

Демак, коммуникантнинг муносабати ва ҳолати мазкур грамматик шаклнинг ўзига хос маънода қўлланишига сабаб бўлган асосий прагматик омилдир. Шунингдек, нутқий вазият омилнинг ҳам ушбу ўринда маълум даражада ўз ўрни бор.

Прагматик ёндашувда фикр ифодалашнинг қулай ва унумдор шаклларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Нутқий вазият, аввало, эркин ва эркин бўлмаган вазиятларга бўлинади.

Эркин нутқий вазиятда, мулоқотда сўзловчи эркин ҳаракат қилади ва лисоний имкониятлардан унумли фойдаланади. Масалан, Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида Ботир қўшчи ва деҳқонлар ўртасидаги илк мулоқотда Ботир қўшчининг ўзини тутишида эркинлик мавжуд, тил бирликларини қўллашда ўзини «қўйиб юборади». Чунки у ўзини «хукмфармо»

<sup>1</sup>Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент, «Шарқ», 2007, 248 – 249-бетлар.

<sup>2</sup>Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М., «Наука», 1976, с. 47.

хис қилади ва дунёқараши тор бўлганлиги боис нафақат ўзининг юриш-туришида, балки сўз қўлашида ҳам бу кайфиятини очиқ-ойдин намоён қилади:

*Кўшчи томдан тушиди. Ҳовуз бўйлаб юрди. Ҳовуз супада тик турди. Қўлларини орқа этди. Йўқ қоринни олға сурди. Йўқ қоринни олға сураман дея... кетига чалқайиб қолди. Йўқ қорин олдинда қолди... Кети ичкари кириб йўқолди. Ўзи кетига чалқайиб қолди!*

*Кўшчи деҳқонларга бармоқ ниши этди.*

*– Шундай туринглар! – деди.*

*Деҳқонлар супа пойига тўп бўлди.*

*Кўшчи супага бармоқ бигиз этди.*

*– Утиринглар! – деди.*

*Деҳқонлар чўк тушиди. Чордана қуриб ўтирди.*

*Кўшчи белқарсдан билак ўтказди. Белқарс тутамлади. Йўқ қоринни тагин-да олға сурди.*

*Кети тагин-да ичкари кириб йўқолди.*

*– Аммо-лекин! – деди. – Айтинглар, қани, мен кимман?*

*Деҳқонлар ўзаро қарашиб олди. Биламиз демшидай бош ирғади. Ҳазил демшидай мийиқлариди кулди.*

*– Ким бўлардингиз, ўзимизни Ботир кўшчи-да, – деди.*

*Кўшчи йўқ қоринни олға силтади.*

*– Йўқ! – деди. – Аммо-лекин тополмадиларинг!<sup>1</sup>*

Бу биргина **аммо-лекин** бирлигининг қўлланишида кўзга яққол ташланади. Сўзловчининг социал роли ва мавқеи, қулай прагматик вазият ҳамда кайфият каби омиллар муштаракликда лисоний бирликнинг қўлланишига сабаб бўлган. Кўп ҳолларда савия ва социал мавқе ҳамда муносабат учлиги нутқнинг характер ва хусусиятини белгилашда фаоллик кўрсатишига ушбу далил асосида амин бўлиш мумкин. Ўзбек мулоқот маданияти тизимида кўпчилик бўлган иккинчи шахсга мурожаат қилишда «хурмат» маъносида шахс-сон категориясининг (*-ингизлар*) шаклини қўллаш меъёрий. Бу миллий менталитет ва миллий мулоқот одобининг ўзига хос белгиларидан биридир. Кўплик сондаги шаклнинг ҳурмат ифодаланиши озчиликка нисбатан кўпчиликнинг ўрни ва мавқеи баланд бўлиши, озчиликнинг кўпчиликка ҳурмат билан қараши каби миллий ментал-мантиқий омиллар билан белгиланади.<sup>2</sup> Шу боисдан сўзловчининг бирдан ортиқ кишидан иборат иккинчи шахсга муносабатида унинг савияси ва социал мавқеидан келиб чиққан ҳолда «менсимаслик» кайфиятини намоён қилиши учун грамматик шаклнинг (*-инглар*) варианты қўлланиши мумкин. Бунда энди «кўплик» ва «хурмат» маъноси ўрнида «кўплик» ва «менсимаслик» маънолари муштарак ҳолда намоён бўлади.

Баъзан бу шаклнинг «менсимаслик» эмас, балки «хурмат» маъносини ҳам ифодаланиши бошқа прагматик омиллар – грамматик шакллар қўлланишининг худудий хосланиши, этник-ментал хусусиятлар билан ҳам боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади. Аммо келтирилган матндаги қўлланиш юз берган воқелик Сурхон воҳасига хос бўлганлиги ва бу худудда мазкур ҳолат айнан «менсимаслик» оҳангини бериши сабабли ҳам Ботир кўшчининг деҳқонларга муносабатини ҳурмат доирасида деб бўлмайди. Ёки ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида табиб Комил буванинг, ҳатто ўз сигирига ҳам «чу» эмас, балки «чуинг» деб мурожаат қилишида миллий-ментал белгининг шахсий бўрттирилган ҳолда намоён бўлишини кўрамиз ва бу омил ҳам лисоний бирлик қўлланишини прагматик жихатдан бойитган деб баҳолаш мумкин. Бунда прагматик пресуппозиция ҳодисаси ҳам ушбу ҳолатни оқловчи сабаблардан бири бўлади. «Онгошти» назариясига кўра, сўзловчининг зохирий интенцияси бошқа бўлса ҳам, у зимдан бошқа бир таг интенциясини ҳам намоён қилади. Ботир кўшчининг деҳқонларга ўзининг фирқа ва кишлок шўросининг раиси бўлиб келганлигини кўрсатиш асосий интенцияси замирида «мен сизлардан ақл жихатидан устунман ва мавқе жихатидан юқориман» деган уқдириши зимдан сезилиб туради. «Прагматик пресуппозиция ҳодисаси лисоний мулоқотнинг рамзий, маросимий, анъанага айланадиган расмий томонлари билан боғлиқ. Масалан, *ҳазрат*, *ҳазрати олийлари* ибораларининг қўлланиши бажарилаётган мулоқот фаолиятининг расмийлиги пресуппозициясидан дарак беради. Бунда мулоқот адресати худди шу турдаги мурожаатни талаб қилувчи лавозим, даража соҳиби бўлмоғи даркор

<sup>1</sup> Тоғай Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди. Тошкент, «Шарқ», 2001, 6-бет.

<sup>2</sup> Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида. Филол. фан. номз... дисс. автореф., Самарқанд, 1994, 15-бет.

(Бинобарин, «ҳазрат» юқори диний лавозимдаги шахс бўлиши мумкин). Мулоқот жараёнида бундай талаб ва қоидаларга риоя қилинишини ўрганиш натижасида *риторик прагматика* йўналиши шаклланди. ...Буларнинг барчаси «нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва унинг воқеланиши бевосита сўзловчининг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқдир»<sup>1</sup> деган умумий фикрни тасдиқловчи далилдир.

Грамматик шаклларнинг нутқий воқеланишида шахслараро муносабатнинг коммуникантлар ёш хусусиятига кўра хосланиши ҳам социопрагматик омил сифатида ўзига хос аҳамиятга эга. Қуйида аффиксал юкламаларнинг умумий маънолари воқеланиши – парчаланиши ва фарқланишида социал омиллар роли – флукуативлик хусусиятини кўриб чиқамиз:

*Абрам пешанасини тириштириб, қидираётган нарсасининг отини эслолмай, унга тикилиб қолди.*

- *Нимаиди-а? Галя, айта қолсанг-чи.*
- *Нимани-е?..*
- *Анув-чи, ойим қовоқни сўярдилар-ку.*
- *Пичоқми? Қўлингда турибди-ку.*
- *Йўқ. Анув каттаси бор-ку.*
- *Ошпичоқми?*
- *Ҳа. Ошпичоқ. Биласан-у, айтмайсан-а.*
- *Ўзинг нималигини айтмасанг, қаёқдан билай.*
- *Айтдим-ку.*
- *Айтганинг йўқ, билдингми?*
- *Айтдим.*
- *Айтганинг йўқ дедим. Айтганинг йўқ.*
- *Айтдим.*
- *Айтганинг йўқ.*
- *Айтдим.*
- *Айтганинг йўқ.*
- *Бор-э. Қиз боласан-да, бўлмасам...*
- *Нима қилардинг?*
- *Ўзим билардим.*
- *Билмайсан!*
- *Биламан!*
- *Билмайсан!*
- *Биламан.*
- *Билмайсан дедим, билмайсан!*
- *Бор-э...<sup>2</sup>*

Биринчидан, кичик ёшдаги коммуникантлар нутқида сунъийлик ва мулозаматнинг йўқлиги лисоний бирликлар воқеланишида объективликнинг мавжудлигини кўрсатади. Матнда қўлланган юкламаларнинг ҳар бири ўз умумийлигидан фарқли, шу билан бирга, бир юкламанинг ўзи ҳам турлича маъноларини воқелантирган, бунда прагматик омилларнинг роли ўзига хосдир. Хусусан:

– *Анув-чи, ойим қовоқни сўярдилар-ку.*

– *Пичоқми? Қўлингда турибди-ку* диалогдаги *-ку* юкламасининг ҳар бири ким томонидан ва нима мақсадда айтилаётганига боғлиқ равишда турлича маъно ифодалайди. Биринчи гапда тушунтириш мақсадида айтилган юклама «таъкид» маъносини воқелантирган. Лисоний компетенция мулоқотда катта аҳамиятга эга. Бу юкламанинг қўлланишида ҳам мазкур омил кучайган ҳолда флукуация содир қилган дейиш мумкин. Чунки Абрам пичоқ ҳақида зарур билимга эга. Ушбу концептуал омил унинг мазкур юкламани «ажабланиш» маъносида қўллаши учун зарур бўлган. Лекин Галя ошпичоқ пичоқнинг бир тури эканлигини ҳали англаб етгани йўқ ва ошпичоқни ҳам пичоқ деявериш мумкинлигини, улар орасида «тур-жинс» муносабати борлигини онгида «ўрнаштириб» улгурмаган. Шу боисдан унинг мақсади тушунтириш бўлганлиги учун юклама таъкид функциясини бажарган. Лекин тегишли компетенцияга эга бўлган Абрам учун бу ҳолат ажаблаларли ва грамматик маъно унинг ана шу ҳолатини намоён этиш учун хизмат қилмоқда. «Сўзсиз,

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, ЎзМЭ, 2008, 122; 73-бет.

<sup>2</sup> Файзий Раҳмат. Ҳазрати инсон. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984, 247 – 248-бетлар.

хар қандай лисоний қурилма ҳосил бўлишининг дастлабки босқичи идрок этилаётган воқеликнинг онгдаги инъикоси, юзага келиши ва унинг тафаккурда ҳазму таҳлил қилиниши натижасида ҳосил бўладиган концептнинг туғилишидир».<sup>1</sup>

Коммуникантларнинг турлича билим савияси белгиловчилик вазифасини турли аспектда бажаради. Тушунчага эга коммуникант билан ҳам тушунча, ҳам унинг атамаси ҳақидаги билимга эга коммуникантларнинг ўзаро тил топишишларида маълум даражада муаммолар пайдо бўлади ва бунда мазкур мақсад-вазифаларда қўлланган юкламаларнинг грамматик маънолари турли манфаатларга йўналтирилган интенцияларни қондириш учун хизмат қилади.

Умун олганда, шахс омили прагматик омилларнинг марказида уларни уюштирувчи куч сифатида юқори мавқега эга бўлади. Грамматик сатҳда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлигининг нисбатан устуворлиги ва алоқасининг зичлиги ўта мавҳум функционал-семантик имкониётга эга бўлган грамматик шаклларнинг маъноларини воқелантиришда бошқа сатҳ бирликларига нисбатан прагматик «қувват»га кўпроқ «ташна»лиги билан белгиланади.

Душаева Умида (ЎзДЖТУ тадқиқотчиси)

### КОМПАРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИСПАН ТИЛИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ҚўЛЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада гап қиёсий фразеологик бирликлар ҳақида боради. Испан тили фразеологиясида қиёсий фразеологик бирликлар ўзининг семантик хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Улар ҳозирги замон испан тилининг фразеологик фондида катта аҳамият касб этади ва уларнинг қўлланиш частотаси юқори, айниқса, лингвистик лугатда. Бундан ташқари, қиёсий фразеологик бирликларнинг грамматик ва семантик тузилиши уларни бошқа фразеологик бирлик турларидан сезиларли фарқ қиладиган бир қатор хусусиятларга эга. Буларнинг барчасини лингвистик лугатда алоҳида қайта кўриб чиқиш зарурияти белгилайди.

**Аннотация.** В данной статье речь идет о сравнительных устойчивых сочетаниях. В фразеологии испанского языка особо выделяются устойчивые сравнительные обороты, называемые компаративными фразеологическими единицами. Они имеют большой удельный вес в фразеологическом фонде современного языка и обладают высокой частотностью употребления, особенно в лингвистическом словаре. Кроме того, грамматическая и семантическая структура этих единиц обладает рядом особенностей, которые значительно отличают их от фразеологизмов других типов. Все это определяет необходимость специального рассмотрения данных фразеологических единиц в лингвистическом словаре.

**Annotation.** This article deals with sustained comparisons. In Spanish phraseology, stable comparative expressions called comparative phraseological units stand out. They have a large share in the phraseological stock of the modern language and have a high frequency of use, especially in the linguistic vocabulary. In addition, the grammatical and semantic structure of these units has a number of features which significantly distinguish them from phraseological units of other types. All this determines the need for a special consideration of these phraseological units in a linguistic dictionary.

**Калим сўзлар:** тургун ўхшатмалар, интенсивлик, семантик категория, кучайтириш, равиш, детерминация, интенсификация, ички структура.

**Ключевые слова:** устойчивые сравнения, интенсивность, семантическая категория, усилительность, наречия, детерминация, интенсификация, внутренняя структура.

**Key words:** stable comparisons, intensity, semantic category, amplification, adverbs, determination, intensification, deep structure.

Тилшуносликда фразеологик бирликларни ўрганиш тилшунос олимларни қадимдан қизиқтириб келган. XIX асргача тилимиздаги иборалар луғатшунослик таркибида ўрганилиб, бунда фақат уларнинг маънолари ва этимологияси ёритилган. “Фразеология” атамаси юнонча “фраза” (phrasis – ифода, нутқ ўрами деб талқин қилинса-да, тил илмида *фразеологизм, фразеологик бир-*

<sup>1</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент, ЎзМЭ, 2008, 26-бет.

лик, фразеологик бирикма, фразеологик чатишма фразема, ибора, идиома каби терминлар остида ўрганилиб келади.<sup>1</sup>

Фразеологизмларнинг лисоний ва нолисоний омиллари, сўз компонентлари, маъно шаклланиш кирралари, неологик фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини, уларни семантик-прагматик ва компаратив фразеологик бирлакларни ўрганишни талаб этади. Бу эса ҳозирги тилшуносликнинг долзарб муаммолари ҳисобланади.

Испан тилининг **компаратив фразеологик бирик КФБ (мақолада компаратив фразеологик бирикмалар КФБ қисқартмасида ёзилади)лар**, на испан тилшунослигида, на миллий роман тилшунослигида махсус тадқиқотнинг предмети бўлмаганлиги сабабли, ҳозирги кунгача улар турли типдаги луғатларда ҳар томонлама ва мукамал тавсифланмаган. Шунга қарамасдан, тилнинг бошқа турғун бириклари каби, анъанавий ўхшатмалар, қандай бўлмасин, луғатларда ва маълумот берадиган қўлланмаларда қайд қилинади.<sup>2</sup> Испан тили **компаратив фразеологик бирикларининг энг кўп сони** Р.Кабальеро (**R.Caballero. Dice, cit.**) луғатида қайд қилинган. Маълумки, лексикографик амалиёт тилшунослик назарияси учун тажриба майдони ҳисобланади ва “луғат, худди лакмус қоғози каби у ёки бу умумназарий муаммонинг ишлаб чиқилган ҳолатини жуда ишончли кўрсатади”.<sup>3</sup> Кўрсатилган луғат бу маънода “бахтли” истисно ҳисобланмайди.

Ҳақиқатан ҳам, КФБлар умумназарий муаммоларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, хусусан, таянч сўз ва КФБларнинг компонент таркиби ҳақидаги масаланинг талабга жавоб берадиган даражада ҳал қилинмаганлиги сабабли, Р.Кабальеро луғатида битта ўхшатманинг ўзи бир неча марта келтирилади. Масалан, бир қисм КФБлар бир неча бор (такрор-такрор) бир компонентли шаклда қайд қилинадилар (битта ўхшатманинг ўзи турли луғат мақолаларида артиклининг шаклига қараб берилган: ноаник, аник, нолли), ҳам сифат билан икки компонентли шаклда (оддий ва қиёсий даража), ҳам феъл билан биринчи компонент сифатида берилган: *Como espata-las (DM, 337) – Fam. y met., las personas muy delgadas. Como una espata (DM, 373) – Se dice, fam. y met., de la persona que esta muy delgada. Como la espata (DM, 344) – Dicese de la persona muy delgada. Seco como una espata (DM, 988) – Fam. y met., se dice de la persona muy delgada. Como una ciguena (DM, 373) – Se dice de la persona que tiene el cuello muy largo. Alto como la ciguena (DM, 102) – Dicese de la persona que es muy alta, estableciendo esta comparacion vulgari-sima. Mas alto que una ciguena (DM, 760) – No significa mas que lo que la misma frase dice, pero se recarga la expresion con la comparacion que se le agrega, y refiriendose a las personas altas. Como la calandria (DM, 373) – La persona que canta bien. Canto como una calandria (DM, 227) – Dicese de la persona que canta con buena voz, con estilo, con gracia, en una palabra que canta bien, etc.*

Бундан ташқари, Р.Кабальеро ўз луғатида битта ўхшатманинг ўзини жуда хилма-хил морфологик шакллари беради, уларда феълнинг замони, ўзаро боғланишли бўлган сўзлар, кўрсатиш ва эгалик олмошлари ўзгаради, масалан: *Caen como chinches (DM, 214) – Dicese con relacion al lugar en que mueren muchas personas.*

*Caian como chinches (DM, 218) – Dicese de la mucha mortalidad en las personas, ya por una epidemia, ya en una guerra, ya por otra circunstancia cualquiera. Es mas malo que Cain (DM, 586) – Fam. y met., se dise de la persona traviesa, revoltosa y de malas inclinaciones. Ese es mas malo que Cain (DM, 582) – Dicese, fam. y met., de la persona traviesa y revoltosa. Atrae como el iman (DM, 167) – Dicese de lo que tiene atraccion. Le atrae como el iman (DM, 721) – Dicese, met. y fam., por la persona que conquista y domina la valuntad de otra, que le sigue y obedese en todo, etc.*

Айнан бир хил ўхшатмаларнинг луғатда такрор-такрор бундай қайд қилинишларини тўғри деб бўлмайдигандек туюлади, чунки улар ҳажми (**Ҳа, Р.Кабальеронинг кўрсатилган луғатида фа-қат битта структур тип: como+N билан компаратив фразеологик бирикмали 1928 та мақола мав-жуд**) сезиларли даражада кенгайтириб юборадилар ва ишни қийинлаштирадилар. Шубҳасиз, КФБларни луғатларда беришнинг ягона усули муаммоси маълум қийинчиликлар

<sup>1</sup> Абдуғафур Маматов, Барно Болтаева. Фразеологик бирикларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. Тошкент, 2018, 10-бет.

<sup>2</sup> R.Caballero. Diccionario de modismos de la lengua castellana. Buenos Aires, 1947, p. 65.

<sup>3</sup> Л.И.Ройзензон. Заметки по русской компаративной фразеологии. В связи с завершением работы над «Словарем совр. рус.лит. языка». В сб.: Труды СамГУ им. А.Навои. Новая серия, с. 217; Вопросы фразеологии. Самарканд, 1971, с. 13.

келтириб чиқаради ва махсус кўриб чиқишга арзийди. У маълум даражада КФБларнинг компонент таркиби ҳақидаги ма-салани ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Компаратив фразеология тадқиқотчилари ўртасида ушбу тил бирликларининг компонент таркиби ҳақида фикрларнинг бирлиги мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (В.И.Орлова, Э.Х.Ротт, З.З.Гатятуллина ва Е.И.Рахлин) фақат ўхшатиш компонентидан ташкил топган бир элементли бирликларнинг мавжудлигини тан оладилар. Тадқиқотчиларнинг аксарият кўпчилиги эса ўз ичига ўхшашлик белгиси ва қиёслаш компонентини олган компаратив фразеологик бирликнинг икки бўлакли структурасидан келиб чиқадилар (И.И.Чернишева, А.В.Кунин, Н.М.Сидякова, К.М.Гюлумянц, Р.А.Глазирин, Л.И.Ройзенсон ва б.).

Иккинчи нуктаи назар бизга анча тўғрига ўхшаб туюлади, чунки компаратив фразеологик бирликнинг таркибидан биринчи компонентни, у иккинчига қараганда анча ҳаракатчан элемент деган асосда чиқариб ташлаш, у айрим матнларда мавжуд бўлмаслиги, битта қиёслаш бўлаги ўхшатманинг бир неча ўзакларига хизмат қилиши мумкинлиги, масалан:

**blanco**  
**como la cera**                      **amarillo**  
**blando**

кейингиларнинг бир таркибли эканлигининг исботи бўла олмайди, деб ўйлаймиз. Ҳам индивидуал, ҳам турғун ҳар қандай ўхшатманинг моҳияти битта предметнинг, шахснинг ёки ҳодисанинг бошқасига унга хос бўлган белги асосида ўхшаб кетиши, компаратив фразеологик бирликнинг юзаки структурасида биринчи компонент ифода қилинганми ёки йўқми, шу сабабдан у ҳар доим “теранликда” мавжуд бўлади. КФБларда айнан бир хил ассоциацияларнинг мунтазамлиги ўхшашлик белгисини тушириб қолдиришга имкон яратади. Унинг факультатив ифодаланиши шунга боғлиқки, қиёслаш бўлаги биринчи компонент берадиган ўша маълумотни беради.

Компаратив фразеологик бирликнинг қиёслаш бўлагининг семантик керагидан ортиқлиги шунга олиб келадики, у ўзининг вазифасини/белгини аташни/ўзгартиради ва экспрессив (стилистик) вазифани бажара бошлайди.<sup>1</sup> Айнан шунинг учун “адъектив” типдаги КФБларнинг иккинчи компоненти биринчи компонент билан ифодаланган белгининг энг юқори даражасини билдириб, биринчи компонентнинг кучайтирувчиси сифатида чиқади. КФБларнинг нутқда ишлатиш шароитларида, кўпинча сўзловчининг оғзаки нутқдаги коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб, ўхшатиш белгиси тушиб қолиши мумкин ва у ҳолда сифат мазмуни биринчи планга чиқади.

Битта тушунча билан хилма-хил ассоциациялар боғлиқ бўлган ҳолларда, яъни битта ўхшатиш бўлагининг ўзи турли хилдаги КФБларнинг иккинчи компоненти сифатида келиши мумкин бўлганида, контекст ушбу тил бирлигининг маъносини бир хилда аниқлаш имконини беради. Ўхшашлик белгисининг факультатив ифодаланиши КФБларнинг теран структурасининг икки бўлаклилиги ҳақидаги умумий хулосага қарама-қарши чиқа олмайдиган кўринади. Қиёслаш жумлаларида ўхшашлик белгисининг йўқлигини тадқиқотчиларнинг бир қисми (Л.Г.Кочедиков, Р.А.Глазирин) сўзлашув синтаксиси учун типик бўлган эллипс ҳодисаси деб тушунтирадилар. Бироқ КФБларнинг ўзига хос хусусияти айнан шундан иборатки, бу белги сўзловчиларнинг коллектив онгида иштирок этади.

Компаратив фразеологик бирликнинг қиёслаш қисми хусусиятнинг юқори даражасини ифодалаш учун мустақил қўлланилишга қодир бўлганлиги сабабли, гапнинг лексик структураси звеносининг йўқлиги ҳақида гапириш мумкин эмас.<sup>2</sup> Тадқиқ қилинаётган бирликларда ўхшашлик белгисининг ифодаси факультатив, аммо мажбурий эмас, балки шунинг учун, эҳтимол, бу ҳолда эллипс ҳақида сўз юритишнинг аҳамияти йўқ.

Тадқиқ қилинаётган материалнинг таҳлили кўрсатадики, ҳозирги испан тилининг КФБларида мутлақо ўхшашлик белгисисиз қўлланиладиган бирликлар мавжуд/қиёсланг: **cabeza como un bombo**. Бошқалари учун унинг мажбурий иштироки норматив ҳисобланади/қиёсланг: **mas sabio que Merlin**. **Учинчилари ўхшашлик белгисини ифодалашда эркин ўзгаришларга йўл қўядилар/қиёсланг: blanco como la nieve ва como la nieve.**

Ҳар доим ўхшашлик белгисисиз ишлатиладиган КФБларни аниқлаш долзарб ва зарур туюлади. Мисол учун, характерланаётган предмет ва компаратив билан жуда қалин алоқа мавжуд бўл-

<sup>1</sup> В.Г.Гак. Повторная номинация и ее стилистическое использование. В сб.: “Вопросы французской филологии”, М., 1972, с. 134.

<sup>2</sup> Н.Д.Арутюнова. О синтаксической сочетаемости слова в испанском языке. НДВШ ФН, 1962, №2, с. 36.

ган ва улар учун характерли бўлган камдан-кам учрайдиган бирга қўшиб ишлатиш мумкин бўлган **verdad como un temple** типдаги ўхшатмага ўзбошимчалик билан ўхшатиш белгисини киритиш ёки **como una casa, como un río** типдаги ўхшатмаларда сифатни ишлатиш ушбу тил бирликларини ҳозирги испан тилида ишлатиш нормаларига зид келиши мумкин эди.

А.В.Куниннинг фикрига кўра, компаратив характердаги бир компонентли ҳосилалар “кучайтирувчилар”<sup>1</sup> бўлиб, улар жуда кенг бирга қўшиб ишлатиш мумкинлигига эга, шу сабабли ҳам уларнинг биринчи компонентларининг ўзгариши қатъий белгилаб қўйилган лексик таркиб ҳақида гапириш имконини бермайди.

Ҳозирги замон испан тилида сифатларнинг, феълларнинг ва равишларнинг кучайтирувчилари сифатида ишлайдиган анча-мунча сонли оборотлар мавжуд. Бундай кучайтирувчилар кўп маъноли ҳисобланмайдилар, улар учун маънонинг кенг ҳажмлилиги ва деярли чекланмаган бирга қўшиб ишлатиш учун мумкинлик характерлидир. А.В.Куниннинг таъкидлашича, “кучайтирувчиларнинг бирга қўшиб ишлатиш учун мумкинлиги кенгайиш мойиллигига эга”.<sup>2</sup> Мисол учун, испан тилида жуда кенг тарқалган **como un loco** каби кучайтирувчини оламиз. **Бизнинг қайд-нома**мизда шу ўхшатма билан 80 та мисолнинг мавжудлиги унинг қуйидаги феъллар билан кенг бирга қўшиб ишлатиш учун мумкинлигини аниқлаш имконини берди (Феълларнинг жойлашуви уларнинг матнларда қўлланилиш частоталигига мос келади): **estar, reirse, corer, ponerse, gritar, chillar, andar, ir, salir, vagar, huir, venir, seguir, cantar, vociferar, buscar, escapar, echarse, preparar, disparar, besar, enamorarse, abrazar, jurar, etc.**

Ҳозирги испан тилида юқори частоталикка (85) эга бўлган бошқа кучайтирувчи компаратив характердаги оборот ***como Dios manda*** ҳисобланади. Бу КФБ нафақат феълли ва адъективли компонентларнинг маъносини кучайтиради, балки кейингисига (адъективлига) сифатий характеристика ҳам беради. Ижобий хусусиятни унинг юқори даражасида характерлаб, ***como Dios manda*** ўхшатмаси турли испан ёзувчиларининг асарларида кенг қўлланилади.

Феъллар: ***funcionar, vivir, trabajar, casarse, torear, alimentarse, empezar, servir, querer, dormir, ir, arreglarse, entrar, portarse, navegar, vestirse, calzar, hablar, soplar, enterrar, volver, callar, rascar, afeitarse, comportarse, mirar, cocinarse, besar, guisar, pagar, comprar, pecar, atender, apoyar, administrar, сўз бирикмалари: hacer las cosas, hablar de la caridad, irse de este mundo, llevar una vida, hacer un entierro, ganarse el pan, echarse un novio, rendir cuentas, estirar las sabanas, decir la verdad, pagar el trabajo, criar los hijos, formar un hogar, отлар: casa, matrimonio, hombre, lapiz, tortilla, cocido, venta, piernas, novelista, servicio, sujetador, caballeros, hijo – como Dios manda*** оборотининг бирга қўшиб ишлатиш мумкинлик диапозони мана шундан иборат.

***...aquel cerebro no funcionaba como Dios manda. (Galdos. Tristna. 17).***

***–Y todo se ha arreglado como Dios manda. (Lera. Boda. 19).***

***–Matrimonio mas tranquilo, mas como Dios manda, mas feliz.. (Izcaray. Ruinas. 155).***

Айтиш керакки, КФБларнинг компонент таркиби муаммоси шуниси билан мураккабки, нутқда ишлатиладиган ўхшатмалар ҳам семантик, ҳам функционал жиҳатдан ҳеч бир хил эмас.

Жуда қатъий чекланган феъллар ва сифатлар: **temblar como un azogado, venir como anillo al dedo, dormir como un liron, sano como una manzana, fuerte como un roble, etc.** билан қўл-ланиладиганлар энг содда ҳолни ифодалайдилар. Бундай ўхшатмаларни луғатда икки компонент-ли шаклда бериш шубҳа уйғотмайди.

Шундай қилиб, санаб ўтилган луғатлардан ва справочник характердаги қўлланмалардан алоҳида эътиборга сазоворлари: а) испан тилининг ўхшатма-клишеларини энг тўлиқ акс эттирувчи ва функционал-стилистик ҳамда экспрессив-баҳолаш жиҳати белгиларини ўз ичига олган Р.Кабальеро луғати; б) КФБларнинг бирга қўшиб ишлатиш мумкинлигини тасвирлашга уриниш қилинган М.Молинер луғати; в) этимологик характердаги қимматли ва қизиқарли маълумотларни ўз ичига олган Х.М.Ирибарреннинг справочник-қўлланмаси ҳисобланади.

2. КФБларни луғатларда беришнинг ягона усулини ишлаб чиқиш зарурияти сабабли қуйидагилар мақсадга мувофиқ туюлади:

<sup>1</sup> А.В.Кунин. Фразеологические интенсификаторы в современном английском языке. ИЯШ, 1966, №1, с. 12.

<sup>2</sup> Ўша асар. 15-бет.



а) ушбу компонент ўхшатманинг константаси дегандан келиб чиқиб, (КФБ)ларнинг таянч сўзи сифатида компаративни ажратиб кўрсатиш/*saltar como una cabra, temblar como una hoja*/, “мураккаблаштирилган” компаративлар холида эса улардаги биринчи сўзни таянч сўз деб ҳисоблаш;

б) биринчи компонент сифатида сифатларни ва феълларни ажратиб кўрсатиб, КФБларни икки компонентли шаклда қайд қилиш/*borracho como una cuba, trabajar como un negro*. Истиснони фақат нутқда ўхшашлик белгисиз ўхшашликлар учун/*como una casa*/ва ягона бирга қўшила олиш ўхшатмаларига/*verdades como templos*/қилиш мумкин;

в) феълларнинг кенг доирасини, шунингдек, синонимик бирликларни ҳам характерловчи ўхшатмаларнинг рўйхатини келтириш/*(ir, salir, casarse) como una bala, negro (moreno) como el azabache*/;

г) битта компаративли хилма-хил ўхшатмаларни алоҳида луғат мақолаларида қайд қилиш/*loco como una cabra, serio como una cabra*/.

Демак, луғатларда КФБларнинг тўлиқ ёритилмаганлиги ва уларни лексикографик қайта ишлашнинг камчиликларига қарамасдан, юқорида таҳлил қилинган манбалар ҳам тадқиқотчи ҳам оммавий китобхон учун қимматли маълумотлар қўлланмаси ҳисобланади, чунки улар айрим ўхшатмаларнинг маъносини ва нутқда ишлашининг ўзига хос хусусиятларини тўғри тушуниш учун зарур маълумотларни беради.

Отамуродова Дилафруз (ЎзДЖТУ)

### ДИАЛОГЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АНДРЕ МОРУА НОВЕЛЛАРИДАГИ ИФОДАСИ

**Аннотация.** *Мазкур мақолада диалогларнинг машҳур француз ёзувчиси Андре Моруа новеллаларидаги айрим хусусиятлари таҳлил қилинади. Адибнинг ўз асарларида кўпроқ диалогларга муносабат қилиши, гоёни очиб беришида ушбу сўзлардан моҳирона фойдаланиши унинг асарларининг таъсирчанлигини ошириб, кенг китобхонлар орасида севилиб ўқишига сабаб бўлади. Шунингдек, мақолада диалоглар ва уларнинг қўлланилиши таҳлил қилинади.*

**Аннотация.** *В данной статье даётся анализ некоторых особенностей диалогов на примере новелл французского писателя Андре Моруа. Автор в своих произведениях уделяет большое внимание использованию диалогов в целях повышения эмоционального фона произведений. Этим объясняется огромная популярность его произведений среди читателей. Также в статье анализируются диалоги и их применения.*

**Annotation.** *In this article, there is discussed the peculiarities of the dialogues of short stories of French writer Andre Mauro. The author in the products pays a great attention to the dialogues and uses art details to rise in the short stories sensitivity. Therefore its products have huge popularity among readers/ Besides, in the article the characteristics of short stories of Andre Mauro is studied. Furthermore, different sorts of dialogues and their implementations are analyzed in the article.*

**Калим сўзлар:** *новелла, диалоглар, қаҳрамон, адабиёт, воқеа, мазмун, давр.*

**Ключевые слова:** *новелла, диалоги, герой, литература, событие, содержание, эпоха.*

**Key words:** *novel, dialogues, hero, literature, event, content, epoch.*

Ҳозирги замон ривожланиш босқичида тил тадқиқи “тил ва ҳаракат” (прагматик жиҳат)ни ўрганишга, айниқса, коммуникатив фаолият сифатида мулоқот назариясини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани билан изоҳланади. Бу соҳада билан рус олимлари И.Р.Гальперин, Л.П.Якубинский, В.И.Максимов, Л.И.Тимофеев, Т.Г.Винокур, В.Д.Девкин қаторида Ш.Сафаров илмий изланиш олиб борган.

Тилшуносларнинг ушбу соҳага қизиқиши диалог нутқнинг ўзаро мулоқот жараёни сифатида инсоният мулоқотининг энг кенг тарқалган ва энг мураккаб шакли эканлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, диалог тилшунос учун битмас-туганмас илҳом манбаи эканлигига қарамасдан, нутқ бу ўзига хос ҳодисасининг мураккаб тавсифлаш ҳолати жуда кам учрайди.

Адабий асар нутқ ҳодисаси бўлиб, қисмлардан ташкил топган бутунлик, ўзида муайян ижодий ҳолатни акс эттирган бетакрор ҳодиса ҳисобланади. Бадиий асардаги ҳар бир унсур муаллифнинг ижодий-руҳий ҳолат маҳсули бўлганлиги сабабли асарда бирорта ҳам ортикча унсур мавжуд эмас. Зеро, асардаги барча унсурлар, ҳатто китобхон томонидан ортикчадек туюлганлари ҳам муаллифнинг ижод онларидаги асарнинг руҳий ҳолатини, демак, асарнинг мазмун-моҳиятини англ-

лашга хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, бадиий асар бутунлик, бу бутунликдаги бирор-бир унсурни асар мазмун-моҳиятига путур етказмаган ҳолда олиб ташлаш мумкин эмас. Сабаби бадиий асарни ташкил қилаётган унсурларнинг бари бир-бири билан мустаҳкам алоқада, айти шу алоқалар асосида бутунлик юзага келади. Демак, бадиий асарни ўқиётган одам, биринчидан, асардаги ҳар бир қисмини бошқа қисмлар билан алоқада, иккинчидан, асарни бутун ҳолича тасаввур эта билмоғи лозим.

Ўқишнинг ижодий жараён деб аталиши ҳам, аслида, шундан, яъни асар қисмларини ўзаро боғлаган ҳолда яхлит бутунликни ҳосил қилишнинг ўзи ижоддир. Конкрет асарнинг турли ўқувчилар томонидан турлича тушунилишининг боиси ҳам бир томони шунда – қисмлар орасидаги кўринмас алоқаларни тиклай олиш имконияти барча ўқувчиларда ҳам бирдек эмас.

Диалог (юнонча диалогос – суҳбат) – нутқ тури; икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир-бирига қаратилган нутқидир.<sup>1</sup> Драмада характерлар ва воқеалар ривожини ифодалашнинг асосий воситаси; насрда (баъзан назмда) бадиий ифода усули. Масалан, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Хисрав билан Фарҳоднинг тўқнашувини диалог воситасида таъсирли қилиб тасвирлайди. Диалог мустақил публицистик ва фалсафий жанр ҳамдир.

Диалог нутқ шаклларида бири бўлиб, унда ҳар бир фикр тўғридан-тўғри суҳбатдошга қаратилган бўлади. Диалогик нутқнинг синтактик қурилиши монологик нутққа қараганда содда тузилади. Диалог фикрларнинг қисқалиги билан ажралиб туради. Унда суҳбатни давом эттириш учун зарур нарсаларгина ифодаланади. Воқеалар кенг изоҳланади. Шу жиҳатдан ҳам диалог монологга ўхшайди. Диалог буйруқ, сўроқ ва дарак гаплардан ташкил топади.

Ўзаро мулоқот назарияси нуқтаи назаридан, диалогни ҳар томонлама таркибий ва коммуникатив тузилиши Андре Моруа новеллалари мисолида диалог намуналари таҳлил қилинади.

Андре Моруа новеллаларининг машҳурлиги ёзувчининг ижодий усули асарлар тузилишида етакчи ўринни эгаллаши билан изоҳланади. Бу услуб эса, ўз навбатида, диалогларга ажойиб функционал вазифа юклайди. А.Моруа асарларида диалоглар устунлик қилиб, баъзан, муаллифлик қиссасини бутунлай йўқ қилади. Шунинг учун асарнинг концепцияси, энг муҳим ғояси персонажларнинг нутқи ва ниятларини таҳлил қилиш, яъни диалогларнинг инфорацион ва коммуникатив тузилишини идрок этиш орқали ифодаланади.

Воқеалар тақдимотида холисликка интилган Андре Моруа намоёиш услубини афзал кўради. Муаллифлик жиҳатдан дахлсизлик Андре Моруанинг ёзувчи сифатида ижодий усулининг моҳиятидир.<sup>2</sup>

Андре Моруа новеллаларида диалогнинг композицион-семантик ва коммуникатив-прагматик тузилмаси сараланган бўлиб, унинг таркибий қисмлари ва диалогнинг моделлари қурилганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, новеллалардаги икки киши ўртасидаги диалогик нутқ, савол-жавоб, буйруқ-жавоб, хабар-эътироз каби мазмунларни ифодалаб, фикр хусусидаги тасдиқ ёки инкорни, зиддият ёки мунозарани билдиради. Айрим новеллалардаги кўп кишилиқ диалогларда суҳбат мавзуси савол-жавобдан иборат бўлмай, ўртага ташланган савол, таклиф, даъват, хабар, далиллар билан хулосаланади. Бунда кўпроқ диалогик матн таркибида сўроқ олмошлари, муомала одобида оид сўз ва иборалар, юкламалар, ундовлар, кириш сўзлар кенг қўлланади. Бундай матндаги гаплар, асосан, содда гаплардан ташкил топади, содда гапларнинг бир таркиби турлари, тўлиқсиз гаплар, сўз-гаплар фаол ишлатилади.

Кенг китобхонлар оммаси орасида маълум ва машҳур XX аср француз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири саналган Андре Моруа асарларининг адабиёт ихлосмандлари томонидан ардоқланиб, севиб ўқишлигининг сабаби ушбу адибнинг ҳаётни бадиий идрок этишни жудаям эрта бошлаганида бўлса, ажаб эмас.<sup>3</sup> Моруа новелларида диалогнинг коммуникатив фаолият сифатида намоён бўлиши ҳамда асардаги вазифаларини аниқ кўрсатилади. Шу билан бирга, новеллаларда мулоқотнинг композицион-семантик ва коммуникатив-прагматик таркибий қисмларини кўриш мумкин. Новеллаларда қўлланилган диалогларда боғлиқлик категориясининг вазифалари боғлиқлик категорияси вазифаларининг хусусиятлари аниқ кўринади.

Диалог иштирокчиларининг барчалари мазмун яратувчи субъект экан, у ҳолда сўзловчи етказмоқчи бўлган (ўз наздида етказган) мазмун билан тингловчи англаган мазмун айнан бир нарса

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007, 162-бет.

<sup>2</sup> Maurois A. «Nouvelles», Москва, 1966, р. 7.

<sup>3</sup> Ўша асар. 5-бет.

бўлолмайди. Диалогларда суҳбат жараёнида модал сўзлардан кўп ишлатилганини кузатиш мумкин, лекин бундай сўзлар борлиқдаги нарса-ходисалар, белги-хусусиятларини номламайди. Шу билан биргалликда, ёрдамчи сўзларга ўхшаб соф грамматик маъно ҳам ифодаланмайди. Бундай сўзлар билдиралаётган ахборотга сўзловчининг тасдиқ, ишонч, гумон каби муносабатларини билдиради.

Диалоглар динамикаси ва ахборот манбаи жиҳатдан характери уларнинг таркибий қисмларининг коммуникатив узлуксизлик кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади. Бунда кириш сўзлар ҳам услубий хосланиш хусусиятига эга. Шунинг учун сўзловчи ўзи қўллаётган нутқ услубига мувофиқ келадиганини танлаб қўллайди. Масалан, *oui, absolument, donc, je compte que, également, c'est important que..* каби кириш сўзлар услубий хосланган сўзлардир. Улардан, шак-шубҳасиз, *donc, je compte que, également* Моруа услубига хосдир. Китобий услубга хос бу ўзлар ўз ички хосланишга эга: *je compte que, également* – бадий услубга хос, *absolument, donc* – публицистик услубга хосдир. Шунинг учун ҳам муаллиф томонидан ишлатилган ҳар қайси кириш сўз ўз ўрнида қўллай билингани, бу Моруанинг маданий нутқ белгиси саналади.

Диалогларнинг турлари мулоқот жараёни ва унинг иштирокчиларининг ўзаро таъсирининг хусусиятларига қараб бўлингани. Прагматик нуқтаи назаридан, диалог жараёнида иштирок этувчи персонажларнинг нутқи ходисасини таҳлил қилиш.

Новеллалардаги диалог – бу, биринчи навбатда, иштирокчилар сонини эмас, балки (*dia – through, logos* – нутқ) нутқ орқали мулоқот қилувчиларнинг ўзаро муносабатларини, уларнинг роллари алмашинувини кўрсатадиган атамаси бўлиб ҳисобланади.<sup>1</sup> Шунга кўра, биз диалог тузилишини икки турга ажратамиз:

- композицион-семантик (маъно, мазмун, семантик) тузилма, диалогнинг семантик қисмларини (тушунча, ядро, хотима) ўз ичига олади;
- нутқ акти, нутқ оқими, нутқнинг ўзаро таъсири, нутқ трансакцияси, нутқ воқеаси, интерфаол бирликларни ўз ичига оладиган, диалог бирликларининг функцияларини акс эттирувчи коммуникатив-прагматик тузилма.

Бадий асарда мулоқот бўйича шерикларнинг оғзаки тавсифлари таништиришнинг коммуникатив функциясини бажаради, қаҳрамонларнинг характеристикалари репликаларда очиб берилди. Диалогда коммуникатив ҳамкорликнинг кенгайиши асардаги коммуникатив ҳолатларнинг ривожланишига таъсир қилувчи ўзаро мулоқот қилаётганларнинг тегишли белгиларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Мана шу ўринда ўзининг дурдона асарлари билан ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган, машҳур ўзбек ёзувчиларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг қуйидаги фикрларини таъкидлаб ўтиш лозимдир: “Ёзувчи ўзи ҳис қилмаган нарса тўғрисида ёзса, буни ўқиган ўқувчи ҳам ҳеч нарсани ҳис қилолмайди. Демак, куйдириш учун куйиш, ардоқлаш учун ардоқланиш шарт. Ҳис қилинмасдан ёзилган нарса қоғоздан қилинган гулга ўхшайди.

Ҳис, ички дард кишининг қалбини емириб юборади. Бундай вақтда киши ўзини қаерга қўйишини билмайди, ўзининг дардига бошқаларни шерик қилиш, юрагини бўшатиш хоҳиши кишига азоб бериш даражасига етади. Шу вақтда қўл қаламга боради”.<sup>2</sup> Мулоқотнинг таркибий занжиридаги коммуникатив узлуксизлик кўрсаткичлари – бу суҳбатнинг тематик ва ахборот базаси ёки репликаларнинг ахборот маркази бўлиб, улар орқали диалог динамикаси таъминланади, прагматик томондан нутқнинг ўзаро таъсири операторлари (мулоқотдагиларнинг ўзаро таъсирлари) намоён бўлади.

Андре Моруа асарларида диалогнинг ўзига хос роль хусусиятлари унинг жойлашган жойига нисбатан, яъни новелланинг бошида ёки охирида бўлишига қараб шартли равишда нейтрал ёки актив функциялар деб номланадиган бошланғич ёки якуний репликаларда ўз аксини топади.

Новеллалардаги диалогларда шу нарса кўзга ташланадигани, муаллиф томонидан диалогик шовқиннинг таркибий элементлари, унинг ҳолати ва чегаралари, диалогнинг таксономияси тавсифланиб, бадий асарда диалог динамикаси ва роли моҳирона тавсифланади; диалогнинг коммуникатив-прагматик ва композицион семантик хусусиятлари, диалогнинг турлари коммуникатив муносабат ва иштирокчилар ўзаро таъсирининг моҳияти жиҳатдан белгиланади, шерикнинг оғзаки белгиланишининг функционал юки бадий образни яратиш воситаси сифатида таҳлил қилинади,

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Энг яхши хйла – тўғриликдир. Филология масалалари. Тошкент, 2007, 15-сон, 125-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 18-бет.

новеллалар диалогларида уланиш тоифаларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаб, ахборот марказининг табиати ва диалогларнинг динамикаси ёритилади.

Моруа новеллалари композицион-семантик ва коммуникатив-прагматик тузилмалар элементларининг функционал корреляцияси ва бадиий асарда мулоқотнинг ролини коммуникатив фаолият сифатида, унинг таркибий қисмларининг семантик-прагматик узлуксизлиги нуқтаи назаридан ўзига хослик касб этади.

**Якубова Нодирахон Давлатбой қизи (Кўкон Давлат Педагогика институти докторанти;  
begimoy@mail.ru)**

## **ТИЛШУНОСЛИҚДА ЭНИГМАТИК МАТНЛАРНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

***Аннотация.** Ушбу мақола энигматик матнларни матннинг махсус тури сифатида ўрганишга бағишланади. Унда жумбоқли матнларнинг келиб чиқиши, турли мамлакатларда турли кўринишларда тарқалиши, “топишмоқшунослик”даги илк тўпламлар ва уларнинг тузувчилари ҳақида сўз боради. Мақолада жумбоқларни нафақат фольклор, балки лингвистик объект сифатида тадқиқ этишга бўлган уринишлар акс этган.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена изучению энигматических текстов как особого типа текста. Это касается происхождения загадочных текстов, их распространения в разных формах в разных странах, первых сборников «загадок» и их авторов. В статье отражены попытки исследовать головоломки не только как фольклор, но и как лингвистический объект.*

***Annotation.** This article is dedicated to the study of enigmatic texts as a special type of text. It deals with the origin of enigmatic texts, their distribution in different forms in different countries, the first collections of “riddles” and their authors. The article reflects attempts to explore puzzles not only as a folk-lore but also as a linguistic object.*

***Калит сўзлар:** энигматик матн, энигма, энигмат, энигматор, жумбоқли матн, топшмоқ, кроссворд.*

***Ключевые слова:** энигматический текст, энигма, энигмат, энигматор, загадочный текст, загадка, кроссворд.*

***Key words:** enigmatic text, enigma, enigmat, enigmator, puzzle text, riddle, crossword.*

Бугунги кунда тилшунослик инсоннинг лисоний тафаккури ва унинг коммуникация фаолияти билан боғлиқ бўлган ходисаларни тадқиқ этиш билан шуғулланмоқда. Инсонларнинг нутқий мулоқоти ходисасида тилнинг яратувчанлик, ижодкорлик имкониятлари кўзга яққол ташланади. Бу яратувчанлик ва ижодкорлик нутқий мулоқот ходисасининг маҳсули бўлган матнда ўз аксини топади. Бутун дунёда илмий ғояларнинг яхлитланиши натижасида турли илмий соҳалар чегарасида янги йўналишлар пайдо бўлиб, шаклланиб бормоқда. Шу жумладан, матн тилшунослиги йўналиши ҳам ўзининг бир қатор ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Бу соҳада матн лингвистик тадқиқот объекти сифатида эътироф этилмоқда.

Матннинг турли муаллифлар томонидан таъкидланган энг характерли хусусиятлари шундан иборатки, унда алоқадорлик ва мақсадга йўналтирилганлик асосида умумий мавзу остидаги фикрлар ахборот бериш билан бирга, мазмуний кетма-кетликка ҳам эга бўлади. Матннинг мазмуний тугаллиги муайян чегараларга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлар баҳсталаб бўлганлиги учун ҳамма муаллифлар ҳам матннинг бу хусусиятига тўхталиб ўтишмайди.

Сўнгги пайтларда матнни таҳлил қилиш жараёнида коммуникатив характер биринчи планга олиб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда тилимизда мавжуд бўлган барча хилма-хилликлар фақат хотирамизда сақланадиган ва инсон онгида акс эттириш мумкин бўлган образлар ва образлар системаларининг намоён бўлишидан юзага келади. Кўшимча этик ёки эстетик мазмунни ўзида сақлаган образлар тил ташувчилари, яъни шу тилда сўзлашувчилар онгида рамзий маънога эга бўлади. Шунинг учун ҳам матнга социокommunikатив бирлик сифатида қаралади.

Матн тилшунослиги соҳаси тараққиёти тадқиқотчилар эътиборини кам ўрганилган йўналишлар, хусусан, матнларнинг турли ўйинлар билан боғлиқ турларини ўрганишга қаратишни тақозо этади. Гарчи, дастлаб, адабиётшунослик, хусусан, фольклористиканинг ўрганиш объекти бўлиб улгурган бўлса-да, топшмоқлар ҳамда унга ёндаш бўлган бошқа жанрлар – чистон ва кроссвордларни жумбоқли матнларнинг тури сифатида мурожаат қилиш мулоқот шаклида коммуникатив ҳамкорликнинг махсус режимини яратиш, иштирокчилардан бири қайсидир жумбоқни айтса,

бошқаси уни топиши, тахминлар ва халқ тилининг турли шаклларини янги позициялардан англашга имкон берибгина қолмай, эстетик дунёқарашни шакллантириш, ўзига хос мулоҳазалар ва фикрларни ёритиб бериш ва оғзаки ижодкорликнинг битмас-туганмас салоҳиятидан далолат беради.

Шу маънода жаҳон тилшунослигида энигматик матнлар деб юритиладиган жумбоқли матнлар – топишмоқ, кроссворд ва мантикий саволларни матннинг махсус типи сифатида ўрганилишини зарур, деб топдик. Филологик жиҳатдан топишмоқларнинг илк бора ўрганилишини Аристотель номи билан ҳам боғлаш мумкин. Унингча, “Амалда топишмоқнинг моҳияти ҳақиқатан мавжуд бўлган нарса тўғрисида сўзлаш, шу билан бирга, бутунлай мумкин бўлмаган нарсаларни бирлаштиришдир. Бунга кўп қўлланиладиган сўзлар воситасида эришиб бўлмаса, метафоралар орқали мумкин, масалан, Қалқон билан инсонни олов-ла бириктирган, эрни кўрдим мен” ва шу кабилар.<sup>1</sup>

Тилшунослик фанлари негизида топишмоқларнинг ўрганилиши даври, асосан, XIX аср билан боғланади. Бу жанр ўрганилган давр бирмунча қисқа бўлса-да, биз уни иккита асосий: филологик (XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг 1-ярми) ва этнолингвистик ёки антропологик (XX асрнинг 2-ярмидан ҳозирги кунга қадар) босқичларга ажратишимиз мумкин.<sup>2</sup>

Энигматик матнлар ўрганилиш жараёнининг филологик босқичи, хусусан, “топишмоқшунослик” соҳаси тараққиётини иккита асосий йўналишда таҳлил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчиси – топишмоқларни халқ вакилларининг турли қатламлари орасидан айнан оғзаки йўлда айттириб, йиғиб, тўплам ҳолига келтириш жараёни, яъни, амалий босқич ҳамда иккинчиси – ана шу тўпланган материалларни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этишни мақсад қилувчи назарий жараёндир.

Биринчи босқичда энигматик матнларнинг энг кўп тарқалган кўриниши топишмоқларнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шуни гувоҳи бўламлики, энг қадимги топишмоқларда афсонавий рамзлар акс этган, поэтик матнлар бу ерда қисман тасвирлаш ва қисман табиат ҳамда атроф-муҳит ҳодисаларини тушунтириш учун хизмат қилган. Вақтлар ўтиши билан жумбоқларнинг бу маъноси йўқолиб, фақат мажозий – аллегорик тавсифи сақланиб қолди ва одамлар жумбоқларга ақлнинг оддий машқлари сифатида қарай бошлашди. Қадимги даврлардан жумбоқлар алоҳида сирли маънога эга бўлган, халқ эпосларида ўзгача илоҳийлик ҳам касб этган. Яъни, жумбоқларни тахмин қилиш истакларнинг ижобат бўлишига, хавфдан халос бўлишга ёрдам беради, деб ҳисобловчи эътиқодлар ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, жумбоқларни сеҳрли ва ва саргузашт эртакларга сюжет элементи сифатида киритиш мумкин, бу қахрамонни синаш шаклларида бири сифатида хизмат қилган.<sup>3</sup> Топишмоқ айтиш ва унинг жавобини топиш, жумбоқли мусобақалар бу халқ эпосининг ва унинг таъсири остида яратилган бадий адабиётнинг жуда кенг тарқалган мотивидир. “Савол-жавоб” шаклидаги ушбу махсус тур барча халқлар ва даврларни камраб олади, жумладан, қадимий герман ва скандинав мифологиясини тасвирловчи “Эдда”да, қадимий фин кўшиқларида иборат “Калевала”да ва ҳинд поэзиясида ҳам ана шу мотивларнинг такрор-такрор қўлланганлигини кўришимиз мумкин.<sup>4</sup>

Жумбоқлардан иборат қадимги рус ва славян кўшиқлари, одатда, “доно қиз” ҳақидаги афсоналар циклига риоя қилади.<sup>5</sup> Уларнинг мазмунига кўра, келин ва куёв муқояса қилинганда, келин ҳам унчалик аҳмоқ бўлмаслиги ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Қадимги юнонлар орасида эса топишмоқлар сўзлар билан боғлиқ бўлиб, асосан, гексаметрлар (шеърый ўлчов) билан ифодаланган. Шунингдек, юнонларда топишмоқларга дидактик мақсадларда ҳам мурожаат қилинган. Шоирлар эса ўзларининг асарларига жумбоқ шаклидаги сўзларни кўшиб тўқишган.

Греклардан фарқли равишда, қадимги римликлар ақл машқининг ушбу турига камроқ мойил бўлишса-да, Вергилий ва Цицерон каби файласуфлар бўш вақтларини жумбоқ тузишга сарфлаганлар.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1990, 45-бет.

<sup>2</sup> Сендерович С.Я. Морфология загадки. Языки славянской культуры. Москва, 2008, с. 40.

<sup>3</sup> Загадка. Казахстан. Национальная энциклопедия. Алматы, “Қазак энциклопедиясы”, II т., 2005.

<sup>4</sup> Интернет материаллари. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>5</sup> Потебня А. Объяснение малорусских и сродных народных песен. Т. II, XLVIII и L, 188.

<sup>6</sup> Интернет материаллари. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

Христианликнинг кейинги даврларида Муқаддас Битик китобларини ўқиш таъсири остида жумбоқлар аҳамиятли ҳисобланган жойларда мазмуни Инжил мавзуларига ёки мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг келиб чиқишига оид кўплаб топишмоқлар вужудга кела бошлади.

XVII асрда топишмоқларга бўлган қизиқиш қайта жонланди: Францияда Фенелон, Буало, Жан-Жак Руссо кабилар топишмоқ тузувчилар сифатида танилган бўлса, Германияда Шиллер ўзининг поэтик жумбоқлари билан тилга тушган. Рус адабиётида эса В.А.Жуковский томонидан шеърӣ топишмоқларнинг ажойиб намуналари яратилган.

Бундай матнлар, барча халқларда мавжуд, шу маънода ҳам, авваламбор, топишмоқлар асосида тузилган тўпламларга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Жумладан, Фарбий Европада немис топишмоқларининг илк тўплами 1505 йили Страсбургда (кейинги нашр 1875 йил), Францияда аббат Котен томонидан 1646 йил «Recueil des énigmes de ce temps» тўплами нашр этилди.<sup>1</sup> Инглиз адабиётидан А.Тейлорнинг 1951 йили нашр қилинган “Оғзаки нутқдаги инглиз топишмоқлари” (English riddles from Oral tradition), 1961 йил чоп тилган “Эксетер кодекси” (Exeter book). Шунингдек, Ф.Ж.Чайлд томонидан тўплаб нашрга тайёрланган “Инглиз ва шотланд балладалари” (English and Scottish ballads) каби тўпламлар энг қадимги англо-саксон топишмоқларини ҳам ўз ичига олган ноёб манбалардир.

Рус халқ топишмоқларини йиғиш ва илмий асосда ўрганиш XIX асрнинг 60-йилларидан бошланганини кўрамиз. И.Колесницкаянинг ёзишича, рус халқ топишмоқларининг илмий тўплами, дастлаб, И.А.Худяков томонидан тузилган ва қисқача сўз боши билан 1861 йилда чоп этилган.<sup>2</sup> Шунингдек, рус адабиётидан Д.Н.Садовниковнинг “Рус халқ топишмоқлари” (“Загадки русского народа”. 1876), М.А.Рыбникованинг “Топишмоқлар” (“Загадки”. 1931) ҳамда В.В.Митрофанованинг “Топишмоқлар” (“Загадки”. 1968) каби тўпламлари шу йўналишдаги манбаларнинг илк намуналари ҳисобланади. Ушбу тўпламларнинг аксарияти ўзига хос тематик тузилишга эга.

Ўзбек халқ топишмоқларини тўплаш ва қисман бўлса ҳам, текшириш ишлари ҳам XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган.<sup>3</sup> “Codex comanicus”га<sup>4</sup> кириб қолган бир нечагина туркий топишмоқ, баъзи кўлёмаларда учрайдиган бир неча муаммо, савол-жавоб шаклидаги топишмоқ ва чистонларни мустасно тутсак, XIX асрга қадар ўзбек топишмоқларининг бирорта тўплами бўлгани маълум эмас.<sup>5</sup> Лекин вақтлар ўтиши билан ўзбек топишмоқларининг, гарчи рус тилига таржима қилинган бўлса-да, дастлабки тўпламлари чоп этилди. 1895 йил Н.Остроумов томонидан “Пословицы и загадки сартов”<sup>6</sup> тўплами, 1909 йил А.Васильев муаллифлигида “Сартовские загадки”<sup>7</sup> мақомақо-ласи нашрга тайёрланди. Шу тариқа, ўзбек фольклорининг ушбу намуналарини тўплашга қизиқувчилар сони ортиб борган. Бироқ уларнинг барчаси ҳам илмий талабларга жавоб бермаганлиги учун таҳлилга тортилмади.

Халқ донишмандлигининг бир неча йиллик дурдоналари бўлмиш топишмоқлар инсон идрок, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилятини ўстирувчи ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, аждодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда қалит вазифасини ҳам ўтайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо хужжатларидир. Шу муносабат билан, А.Н.Толстой ёзган эди: “Оғзаки адабиётни халқ кўнгилхушлигининг мевасигина деб ўйлаш хато. У халқнинг собит маънавий қиёфаси ва тарихий хотироти, ота-боболарининг фаолияти, табиати ва урф-одатлар ҳамда уларга мувофиқ оқаётган бутун умрни чуқур мазмунга тўлдирди”.<sup>8</sup> Ҳақиқатан ҳам, қадимда халқ топишмоқлари ҳозиргидан ўзгача аҳамиятга эга бўлган. Биз топишмоқларнинг яратилиши, унинг образлари кўпгина ҳолларда мифология, қадимий ҳаёт тарзи билан боғлиқлигига ишонамиз.

Такрорланмас метафоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, фольклор асарлар силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққи-

<sup>1</sup> Интернет материаллари. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>2</sup> Колесницкая И.М. Загадка в сказке. “Ученые записки ЛГУ”, серия филологических наук, Л., 1941, вып.12, с. 100.

<sup>3</sup> Хусаинова Зубайда. Ўзбек халқ топишмоқлари. “Фан”, Тошкент, 1966.

<sup>4</sup> Codex Cumanicus, baksimile, Copenhagen, 1936.

<sup>5</sup> Хусаинова Зубайда. Ўзбек халқ топишмоқлари. “Фан”, Тошкент, 1966.

<sup>6</sup> Остроумов Н.П. Пословицы и загадки сартов, этнографические материалы, вып. III, 1895.

<sup>7</sup> Васильев А. Сартовские загадки. “Туркестанские ведомости” газетаси. 1909, 113-сон.

<sup>8</sup> Толстой А.Н. Родина. Собр. соч. в 10 т., М., 1986, т. 10, публицистика, с. 66.

ётининг хазинаси сифатида бизнинг кунларимизда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда.

Ўзбек заминиди қадимий ва истеъдодли халқнинг маданияти яна-да гуллаб яшнади. Аҳолининг барча табақалари фольклор асарларини тўплашга жалб қилинди. Б.Каримов, М.Афзалов, З.Хусаинова каби олимлар ўзбек топишмоқларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институти архиви фондида ўзбек топишмоқлари бўйича улкан материал тўпланди.<sup>1</sup> Айнан ана шу материаллар орасида ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида миллий поэтика қонунлари асосида яратилган бир қанча топишмоқларни учратиш мумкин. Ўзга халқларда бўлгани каби ўзбек халқ ижодида ҳам бадиий нутқнинг қиёслаш, истиора, жонлантириш, сифатлаш каби асосий кўринишлари бир мақсадга – поэтик идрок қилишга, воқеликни поэтик тавсифлашга бўйсундирилган. Ўзбек топишмоқларида ўзбек воқеилиги, ўзбек табиати ифодаланган. Шунинг учун ҳам халқ топишмоқлари халқ бадиий асарларининг жажжи намуналари ҳисобланади.

Шундай экан, яширишга, сир тутишга асосланган бу каби поэтик асарлар, яъни жумбоқли матнларнинг тили, структураси, семантик ва прагматик хусусиятлари ҳақида сўз юритиш ҳозирги ўзбек назарий тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

**Умурзоқова Мархабо Эгамбердиевна (PhD, Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти)**  
**МАТНДА ВЕРТИКАЛ МУНОСАБАТ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ХУСУСИДА**

***Аннотация.** мақолада вертикал муносабат, унинг юзага чиқиши, вертикал муносабатнинг юзага чиқарувчи бирликлар ҳақида сўз юритилади. Тил бирликларининг контекстдаги эстетик вазифаси, ижодкорнинг коммуникатив ниятини аниқлашда вертикал алоқанинг роли очиқ берилади.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вертикальные отношения, их возникновение и составляющие единицы. Раскрываются эстетические функции языковых единиц в контексте, роль вертикальной коммуникации в определении коммуникативного замысла автора.*

***Annotation.** The article discusses vertical relationship, its emergence and the units that make it up. The aesthetic functions of language units in context, the role of vertical communication in determining the communicative intent of the creator are revealed.*

***Калим сўзлар:** вертикал муносабат, горизонтал муносабат, эстетик вазифа, коммуникатив вазифа, контекст, матннинг структурал яхлитлиги, вертикал контекст, вертикал бўлақлашни.*

***Ключевые слова:** вертикальное отношение, горизонтальное отношение, эстетическая функция, коммуникативная задача, контекст, структурная целостность текста, вертикальный контекст, вертикальная фрагментация.*

***Key words:** vertical attitude, horizontal attitude, aesthetic function, communication task, context, structural integrity of the text, vertical context, vertical fragmentation.*

Бадиий матн, унинг турлари, қисмлараро муносабат масалалари тилшунослиқда етарлича тадқиқ қилинган. Бадиий матнларни санъат асари намунаси сифатида ўрганиш, унга баҳо бериш умуминсоний тушунчалар, жамиятда қабул қилинган баҳо мезонлари асосида амалга ошади. Кўп ҳолларда ахборот берувчи ва уни қабул қилувчи ўртасидаги баҳо уйғун ҳолда бўлмаслиги мумкин. Матн яратувчисининг назарда тутган мақсадини уни қабул қилувчи ҳар доим ҳам тўғри англамаслиги мумкин. Бадиий асар матннинг тўғри англанишида, эстетик завқ беришида унинг таркибланишида иштирок этган сўзларнинг семантик хусусиятлари, бадиий тасвир воситаларининг тўғри қўлланилиши муҳим. Тадқиқотларда матн уйғунлигини таъминлашда, асосан, лексик ва синтактик воситаларнинг ўрни масаласига эътибор қаратилган, матннинг бир бутунлигини таъминловчи бирликларнинг вертикал муносабати эътибордан четда қолган.

Матн таркибида муаллифнинг яширинган ниятини етарлича англаш учун сўзларнинг маъносини англашнинг ўзи етарли эмаслигига М.Йўлдошев қуйидагича муносабат билдиради: "...Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, сўз ёки бошқа бирликнинг бадиий матндаги поэтик, эстетик

<sup>1</sup> Абдурахимов М. Ўзбек халқ топишмоқлари. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси, 3-бет.



қимматини баҳолаш учун матндан узиб олинган кичик бир парча етарли эмаслиги яна-да ойдин бўлади. Эстетик белгининг моҳияти синтагматик ёки кенгроқ горизонтал муносабатларда тўла намоён бўла олмас экан, вертикал муносабатлар ифодаси учун етарли бўлган яхлит бадиий матн ёки матннинг йирикроқ парчаси билан иш кўриш зарурийдир”.<sup>1</sup>

Тилшуносликда матн қисмлари ўртасидаги алоқа икки турга бўлинади: горизонтал ва вертикал алоқа. Матн бирликларининг синтагматик муносабати горизонтал (тилшуносликда “линеар” чизиқли) муносабат ҳисобланиб, бу муносабат кенг тадқиқ қилинган. Бадиий матнда эстетик вазифа бирламчи ҳисобланса-да, коммуникатив вазифа ҳам эътибордан четда қолиши мумкин эмас. Баъзан тил бирликларига юкланган вазифани тўғри англаш учун уларнинг вертикал (кўндаланг) алоқасига ҳам эътибор қаратиш зарур бўлади. Ўзбек тилшунослигида парантез бирликларни тадқиқ қилган Д.Жамолиддинова парантез бирликларнинг матндаги вертикал алоқалари олдинги контекст билан ҳам кейинги контекст билан ҳам бўлавериши мумкинлигини мисоллар асосида далиллайди. Парантез бирликларнинг олдинги контекст билан ва айни пайтда ўзидан кейин келган бир неча абзац билан боғлиқлиги масалаларига эътибор қаратади. Парантеза бир нуқтаи назардаги фикрни, асосий гап эса бошқа нуқтаи назардаги фикрни ифодалайди, ана шундай икки фарқли коммуникатив йўналишдаги фикр ифодаси бир гап ёки матн доирасида бирлашиши, жамланиши парантезаларнинг матн шакллантирувчилик хусусиятидан далолат беради.<sup>2</sup>

Ижодкор матн яратишда унинг қабул қилувчисининг имкониятларини ҳисобга олади, сўз қўллашда ҳам ўзининг, ҳам ўқувчининг англашини эътиборга олади, матнни ўқиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан ҳис қилади. Ўқувчи ҳам матннинг ҳажмидан келиб чиқиб, унга сарфланадиган вақтни олдиндан режалаштиради. Матннинг горизонтал тузилиши кетма-кетликда, қўлланилган бирликлар воситасида англашиб боради. Гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац матннинг структурал яхлитлигини таъминлашда асосий восита сифатида намоён бўлади.

Муаллиф ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот нафақат матн мазмунини етарли даражада тушунишга, балки ёзувчининг ўқувчи-суҳбатдошининг руҳиятига таъсир этиш режасини амалга оширишда муҳим восита саналади. Бу таъсирнинг амалга ошиши учун нафақат тил бирликларининг қўлланилиши, балки улар орасидаги алоқа, матннинг таркибий тузилиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Матн макроструктура сифатида нарратив, дескриптив, аргументли қисмлардан ташкил топади, яъни булар унинг горизонтал бўлакранишини ташкил этади.<sup>3</sup> Вертикал бўлакраниш эса шу макроструктура қисмлари орасидаги бир-бирга занжирсимон бўлмаган алоқадир. Вертикал бўлакраниш эса В.А.Кухаренконинг таъбири билан айтганда, горизонтал бўлакранишни ўз нуқтаи назари билан қабул қилишдир.

Матндаги вертикал алоқа унинг таркибидаги бирликнинг ўзидан олдинги ёки кейинги контекстлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

*Ҳали мўртсиз. Пайт келар*

*Тўлин ойдаи тўласиз.*

*Ишонинглар, ҳаммангиз*

*Катта шоир бўласиз (У.Азим).*

Келтирилган шеъринг парчадаги *катта шоир бўласиз* гапи 72 мисрали шеърда 3 марта айнан, шеър охирида хулоса сифатида *катта шоир бўласан* ундов гап сифатида қўлланилган ва шеър мисралари орасида вертикал алоқани юзага келтириб, матн шакллантирувчи асосий восита сифатида қўлланган. Шоирнинг айнан бир гапни такрор қўллаши тингловчига нисбатан сўзловчидаги кучли ишончни кўчириш, уларда ўзига нисбатан ишонч туйғусини шакллантириш учун хизмат қилган.

Бадиий матнларда ёзувчи бир сўзни қайта-қайта қўллаш орқали унинг қисмлари орасидаги боғлиқликни таъминлашга эришади. Қуйидаги мисолни матндан узиб олиб таҳлил қилайлик.

*Мактаб дарсларида қайта-қайта ўтилган “Фикр соҳибжамоли юзидан пардасини очди” деган гапнинг мазмуну моҳияти энди ақлимга етиб келаётган, ҳақиқатан ҳам, у сулувнинг хусну*

<sup>1</sup> Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Тошкент, “Фан”, 2008, 101–102-бетлар.

<sup>2</sup> Жамолиддинова Д. Бадиий нутқда парантез бирликларнинг семантик-грамматик, лингвопоэтик хусусиятлари. Филология фан.номз.дисс., Тошкент, 2009, 43–48-бетлар.

<sup>3</sup> Сергеева Ю. Интраперсональная коммуникация. Психологический и лингвистический аспекты. 43-бет <https://avidreaders.ru/book/intrapersonalnaya-kommunikaciya-psihologicheskij-i-lingvisticheskij-aspekty.html>



*жамоли шунчалар мафтункор, инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб, ўзига тамомила маҳлиё қилар даражада жодугар, минглаб асаларилар тўплаган тоза бол каби хуштаъму шифобахи эканига ишонардим* (Исажон Султон. Генетик).

Бу ўринда ёзувчи қўллаган *сулув* ва *тоза бол* сўзларига эътиборни қаратиш талаб қилинади. Қахрамоннинг бундай хулосага келиши учун қандай сабаб борлигини билиш учун олдинги воқеаларни ёдга олишга тўғри келади. Асар қахрамонининг болалигида қўшни боғдан топиб олган асалари уяси ва асал, уни олисдан келган узок қариндош қизга тортиқ этиши билан боғлиқ воқеалар орасида вертикал алоқани таъминлайди. Китобхон асал, асаларининг яшаш тарзи уларнинг бол йиғиш жараёни ҳақида билимга эга бўлгандагина, қахрамоннинг ҳаётий фалсафасини англаб етади. Билимга эга бўлмаса, яширин мазмун, яъни вертикал контекст (кўндаланг, хаёлий дейиш тўғрироқ бўлар эди) юзага келмайди, яъни ўқувчи олдинги ва кейинги матн қисмларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

Матндаги вертикал алоқага ишора қилувчи бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга *энди*, *бошқача айтганда* кириш бўлаклари, *бу*, *ўша*, *ўшанда* каби олоқаларни киритишимиз мумкин.

*Калласида яна галагул ўйлар. Бу сафар улар хотинининг қулоқда шангилаган овози тарзида етиб келди* (А.Мухтор).

Келтирилган мисолдаги *яна* сўзи қахрамоннинг аввал ҳам шундай ҳолатга тушганлиги ҳақидаги ахборотга ишора қилади. Китобхон воқеликни тўла англаш учун ишора қилинаётган контекстга яна қайта муносабат қилиши мумкин.

Биз ўзбек тилидаги сегмент қурилмали гапларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг матн билан фақат чизиқли (горизонтал) эмас, вертикал алоқасини ҳам назарда тутиш лозим эканлигига эътибор қаратган эдик. Сегмент қурилмали гапларда сегмент бўлак таркибида *мана*, *ўша* сўзлари қўлланганда, аввал, баён қилинган воқеа-ҳодиса ҳақида эслатилади. Бундай дейктик бирликлар “нутқ парчаларининг ёки тузилма таркибининг узвий боғлиқлигини, унинг мазмунан яхлитлигини таъминловчи занжир вазифасини бажаради”.<sup>1</sup>

*Мана ўша, кўчага қараган очиқ айвон. Мана ўша қизғини тувакдаги шапалоқ гул. Софья Борисовна эрининг ёнига келган кунлари посёлка бозорчасидан биринчи харид қилган нарсаси гул бўлган* (А.Мухтор).

Келтирилган мисолдаги *мана ўша, кўчага қараган очиқ айвон* ёйиқ ҳолдаги сегмент бўлакдаги макон ифодаловчи дейкис сўзловчи ва тингловчи учун олдиндан маълум бўлган предметга ишора қилиб, яширин пропозиция ифодаланиши учун хизмат қилган. Бу ўринда сўзловчининг бу маконда олдин ҳам бўлганлиги, қахрамон билан уни боғлаб турувчи қандайдир муносабат, алоқа борлигига ишора қилинади.

Бу ҳолатни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. *Мана, ўша тақир тепалик!... Дадаали акаларнинг куз аёзида дийдираган ертўласидан билинар-билимас чуқурча қолибди, холос* (А. Мухтор). *Мана, ўша тақир тепалик!..* мисолидаги *тақир тепалик* бирикмаси айнан шу матн бўлагини аввалги матн қисмлари билан вертикал алоқасини таъминлашга хизмат қилган.

Матн қисмларини боғлашда асосий воситалардан бири такрорлар бўлиб, улар ўз ўрнида горизонтал ва вертикал такрорларга бўлинади. Горизонтал такрор бир гап доирасида бўлиб, гап таркибидаги бирор бирликнинг такрор қўлланилиши бўлиб, у гап таркибида чизиқли алоқани юзага келтиради. Вертикал такрор эса ҳар бир гап бошидаги такрор бўлиб, шеърый асарларда у ҳам вертикал алоқани таъминлашга хизмат қилади.

*Ватан, Ватан, нима ўзи кўксин ўқ тилган,*

*Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр.*

*Ватан, Ватан Маираб асли Балхда осилган,*

*Ватан – кетиб, ватанига қайтолмаган зўр* (Х.Худойбердиева).

“Бугун тунда” деб номланган шеърдан олинган ушбу парчада *Ватан* сўзи вертикал такрор бўлиб, мисралараро боғлиқликни таъминлаган. *Кўксин ўқ тилган, ўз юртидан айру, адо бўлган зўр, ватанига қайтолмаган зўр* бирикмалари эса шеърда қаламга олинган *қаландарлар, дорини судраб келатган Дукчи Эшон, совуқда қон тупурган Усмон Носир* каби бирликлар билан вертикал алоқададир.

Умуман, бадий матндаги бирликларнинг бажараётган вазифасини англаш, ижодкор кўзда тутган мақсадни илғаш учун тил бирликларининг горизонтал алоқаси билан бирга вертикал алоқа-

<sup>1</sup> Давлатова Р. Матн таркибида ишора бирликлари. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Т., 2015, 2-сон, 101-бет.

сини ҳам тадқиқ қилиш долзарб саналади. Тил бирликларининг контекстдаги эстетик вазифаси, ижодкорнинг коммуникатив мақсади матндан узиб олиниб таҳлил қилганда англо-рус қилиши мумкин, шундай ҳолларда абзацлар, боблар бўйича таҳлилни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

**Sharipova Aziza Abdumanarovna (PhD, доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети)**

**КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СТИЛИСТИК ДАРАЖАЛАНИШ ВА СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАРНИ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада стилистик синонимлар ва уларнинг тилдаги хусусиятлари ўрганилган. Келажакда корпус лингвистикасини ривожлантиришида стилистик даражаланиши ҳамда стилистик синонимлар ўрни ва аҳамияти таҳлили кўрсатилган.

**Аннотация.** В статье исследуются стилистические синонимы и их языковые особенности. Представлен анализ роли и значения стилистической иерархии и стилистических синонимов в будущем развитии корпусной лингвистики.

**Annotation.** The article examines stylistic synonyms and their linguistic features. The analysis of the role and significance of stylistic hierarchy and stylistic synonyms in the future development of corpus linguistics is presented.

**Калим сўзлар:** синоним, стилистик синонимлар, даражаланиши, стилистика, корпус лингвистикаси.

**Ключевые слова:** синоним, стилистические синонимы, иерархия, стилистика, корпусная лингвистика.

**Key words:** synonym, stylistic synonyms, hierarchy, stylistics, corpus linguistics.

Сўнги йилларда стилистика ҳодисаларига яна катта қизиқиш пайдо бўлди, чунки стилистика фани барча тил сатҳларини камраб олиши билан ажралиб туради. Фонетика нутқ товушлари, суперсегмент унсурлар (урғу, интонация), грамматика сўз бирикмалари ва гаплар, лексика сўз, сўз маънолари, уларнинг келиб чиқиши, фразеологик бирликлар, лексикография ҳодисалари билан шуғулланса, стилистика шуларнинг барчаси билан иш кўра олади.

Стилистик синонимларнинг тилдаги хусусиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, биз, биринчи навбатда, синонимларнинг вазифасига кўра семантик ва стилистик синонимларга, шунингдек, аралаш (семантик-стилистик) синонимларга ажратилишига, уларнинг тилдаги бажарадиган вазифасига эътиборимизни қаратишимиз керак бўлади.

Семантик синонимлар тушунча маъносининг турли томонларини ифодалайди ва ишлатилишида фарқ қилади:

◆иш-ҳаракатни ифодалашда (*ёпмоқ-беркичмоқ, югурмоқ-чопмоқ; get-take, close-shut*); белгилни ифодалаш даражаси (*янги-замонавий, ҳид-ифор, эски-қадимий; new-modern, big-huge*). Семантик-стилистик синонимлар семантик ҳамда стилистик синонимларга хос хусусиятларга эга (*embrace-hug-cuddle-squeeze-clasp*). Стилистик синонимлар турли эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга ҳамда ҳар хил маъно нозикликларини ифодалайди. Шунингдек, улар турли вазифавий услубларга мансуб (*афт-баишара-юз-чехра; face-guise-physiognomy-snout-view-visage*).<sup>1</sup>

Ҳозирги инглиз тилида аксарият синонимлар стилистик қатламларга бўлинган бўлиб, улар сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилади. Синонимлар турли сўз туркумига мансуб бўлиши билан бир қаторда, улар оғзаки, нейтрал ва адабий қатламларга оид сўзларга бўлинади (1.1-жадвалга қarang).

1.1-жадвал

**Синонимларнинг қатламларга бўлиниши<sup>2</sup>**

NOUN (от)		
Colloquial (оғзаки)	Neutral (нейтрал)	Literary (адабий)

<sup>1</sup>Мисоллар А.Ҳожиёвнинг Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати <http://www.thesaurus.com/>лардан олинган.

<sup>2</sup> Мисоллар Collins. English Dictionary. Complete and unabridged. Sixth edition, 2003; Ҳожиёв А. “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”дан олинган.

<i>daddy</i> (ада) <i>tiyg/ deadpan</i> (турқ, башара)	<i>Father</i> (ота) <i>face</i> (юз)	<i>Parent</i> (надари бузруквор) <i>visage</i> (чехра)
<b>VERB (фeъл)</b>		
<i>get out</i> (кетмоқ) <i>hook up/bail out</i> (қарашимоқ)	<i>go away</i> (чиқиб кетмоқ) <i>to help</i> (ёрдам бермоқ)	<i>retire</i> (тарк этмоқ) <i>to assist</i> (қўмаклашимоқ)
<b>ADJECTIVE (сифат)</b>		
<i>splendid, awesome</i> (ажойиб)	<i>wonderful</i> (ҳайратли)	<i>marvelous</i> (мўъжизақор)

Синоним сўзларнинг барчасида мана шу 3 та қатламга тегишли сўзлар бўлмаслиги мумкин, чунки уларнинг аксарият қисмини нейтрал сўзлар ташкил этади. Бундан ташқари, инглиз тилида аксарият адабий қатламга тегишли синонимлар хорижий тиллардан, хусусан, француз тилидан ўзлашган сўзлардан ташкил топган. Нейтрал ва оғзаки нутққа хос бўлган сўзлар эса соф инглиз сўзлари сирасига киради. Аксарият соф инглиз тили синонимлари маъно жиҳатидан чекланган ёки уларни хорижий сўзлар, терминлар сиқиб чиқарган бўлади. Бу ҳол инглиз тилининг ўзига хос энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Стилистик синонимлар эмоционал-экспрессив маъносининг мавжудлиги, стилистик бўёқдорлиги билан ажралиб туради, бу, одатда, маъно нозикликлари деб номланади. Масалан: *тез, илдам, жадал, шитоб, шахт, зуд* (Меъерий ҳолатдан юқори темп (суръат) билан ҳаракат ҳақида). *Тез* кенг тушунчага эга, жуда кенг қўлланади. *Илдам*, асосан, юриш ва қўл ҳаракатига нисбатан қўлланади. *Жадал* сўзи *тез* сўзига нисбатан кам қўлланади, маънони *тез, илдам* сўзларига нисбатан кучли даражада ифодалайди. *Шитоб* оддий сўзлашувда кам қўлланади. *Шахт* кам қўлланади.<sup>1</sup>

В.Кузнецованинг таъкидлашича, инглиз тилининг ҳар бир соф синонимлар гуруҳи француз тилидан ўзлашган сўзлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қиларди. Жумладан, соф инглиз тилидаги синонимлар, одатда, эмоционаллик даражаси кучли, ижобий маънони кўпроқ англатиб, қўлланиш даражаси фаол, француз тилидан ўзлашган сўзлар эса аксарият ҳолларда расмий услубга хослиги ҳамда нисбатан камроқ эмоционаллиги билан ажралиб туради. Герман тилларидан ўзлашган сўзларнинг маънолари роман тилларидан кириб келган сўзларга нисбатан аниқроқдир. Бундан ташқари, роман тилларидаги герман тилларига синоним ҳисобланган сўзлар аксарият ҳолларда мавҳумроқ ва кўчма маънога эга.<sup>2</sup>

Стилистик синонимлар қатламларидаги сўзлар нейтрал сўзлар атрофида йиғилади. И.Р. Гальперин раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Большой англо-русский словарь”да инглиз тили лексикасининг қатламлари ва гуруҳлари қуйидаги диаграмма кўринишида ифодаланган.<sup>3</sup>

#### Стилистик қатламлар



Масалан, *Шу пайт таниқли шоирнинг оддий, самимий, қалби очиқ, беғубор инсон эканлигини сездик* (“Хуррият”). Ушбу мисолда *оддий, самимий, қалби очиқ, беғубор* сўзлари синонимик қаторни ташкил қилиб, услубий жиҳатдан фарқланувчи нейтрал *самимий* сўзи, *қалби очиқ* турғун бирикмаси ҳамда адабий сўзлар қаторига кирувчи *беғубор* сўзлари берилган. Ушбу сўзлар гапда коннотатив бўёқдор сўзлар бўлиб, мақола қаҳрамонига нисбатан ижобий баҳо ифодалаган.

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1974, 189-бет.

<sup>2</sup> Кузнецова Э.В. Части речи и лексико-семантические группы слов. “Вопросы языкознания”, М., 1975, № 5, с. 68.

<sup>3</sup> Гальперин И.Р. Большой англо-русский словарь. М., “Советская энциклопедия”, т. 1,2, М., 1972; 16 с.

Тилшунос олим Ю.А.Инагамова стилистик синонимлар таснифини (функционал-стилистик параметрлар бўйича) келтирган.

СП “интеллектуальной ущербности”						
ФСО-1 Функционально не ограниченные синонимы	ФСО-2 Функционально-ограниченные синонимы					
ФСГ-1 Общепотребительная разговорная лексика	ФСГ-2 Разговорная лексика			ФСГ-3 Книжная лексика		
СР <sub>ф</sub> -I Синонимический ряд функционально стиливых синонимов	СР <sub>ф</sub> - 2	СР <sub>ф</sub> - 3	СР <sub>ф</sub> - 4	СР <sub>ф</sub> - 5	СР <sub>ф</sub> - 6	СР <sub>ф</sub> - 7
Standard colloquial Words	Jargon words	Colloquial words	Dialectal words	Barbarisms	Bookish words	Terms (medicine)

СП-семантик майдон.

Ушбу келтирилган стилистик синонимлар таснифини такомиллаштириш ва уни яна-да аниқ-лантириш мақсадида бирмунча ўзгартиришлар киритилиши синонимик сўз семантикасида турли эмоционал, экспрессив баҳоловчи хусусиятлар яширинган ва фақат муайян вазифавий услубга хос матн ва жанрда рўёбга чиқадиган сўзларни яна-да мукамалроқ ўрганишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Таржимада адекватликни таъминлаш учун назарий жиҳатдан синоним сўз: оғзакидан – оғзакига, нейтралдан – нейтралга, адабийдан – адабийга мос келиши талаб этилади. Шу боис семантик майдонда ҳосил бўладиган функционал чегараланган ва функционал чегараланмаган синонимлар функционал-стилистик гуруҳларининг синонимик қаторларини мукамал билиб олишимизни тақозо этади. Ю.А.Инагамова келтирган таснифдаги функционал-стилистик гуруҳларда 1-гуруҳ “умумий ишлатиладиган оғзаки лексика” (общепотребительная разговорная лексика) деб таснифланган, биз уни “нейтрал лексика” билан алмаштирдик. Функционал-стилистик синонимлар қаторида келтирилган 7 та рукн (Standart Colloquial Words, Jargon Words, Colloquial Words, Dialectal Words, Barbarism, Bookish Words, Terms (Medicine)) кенгайтирилиб, 11 тагача етказилиши мумкин.<sup>1</sup>

Стилистик синонимларнинг функционал услублари ҳақида сўз юритганда, албатта, синоним сўзларда даражаланиш ҳодисасига эътибор қаратилиши лозим. Бизнинг фикримизча, таржима амалиётида стилистик синонимларни танлашда унинг даражаланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни таржимада сўзни тўғри танлаш ва пировардида сўзнинг эквивалентини топишда ҳамда таржиманинг муқобил бўлишини таъминлашда мезон бўлиб хизмат қилади.

Сўзларнинг даражаланиши инглиз тилшунос олими Д.А.Круз, рус тилшунослари С.А.Тихомиров, С.М.Колесникова, Г.В.Киреева, ўзбек тилшунослари О.Бозоров, Ш.Орифжонова, Ж.Жумабоевалар томонидан ўрганилган. Бироқ стилистик синонимлар деб аталадиган лексик қатламнинг даражаланиши тадқиқот объекти бўлмаган. Ўзбек тилшуноси Ж.Жумабоева стилистик градуонимларни ўрганиш муносабати билан стилистик даражаланиш ҳақида фикр юритган. Ж.Жумабоевнинг диссертацион ишида градуонимия (даражаланиш) ва синонимия ҳодисалари ҳақида фикр юритилар экан, синонимик қаторлар градуонимик қаторларнинг бир қисми бўла олиши мисоллар орқали далилланган. Тадқиқот натижалари яна шуни кўрсатганки, инглиз олимлари киритган ва *near-synonym* деб номланган, бошқа тилларда эса *квазисинонимлар* деб юритилаётган маънодош лексемалар ҳам градуонимик қатор ҳосил қила олиши ҳақида фикр юритилган. Квазисинонимлар оддий синонимларга нисбатан стилистик бўёқдорлиги нуқтаи назаридан бир-бирига яқин маънодош сўзлар эканлиги айtilган. Масалан, *қизганчиқ*, *хасис*, *қурумсоқ*.

<sup>1</sup> Шарипова А.А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида). Диссертация, Тошкент, 2018, 43-бет.

Семантик майдон										
Функционал чегараланмаган синонимлар	Функционал чегараланган синонимлар									
Нейтрал лексика	Оғзаки лексика					Бадий лексика				
Функционал-услубий синоним катор (ФУСК)-1	ФУСК-2	ФУСК-3	ФУСК-4	ФУСК-5	ФУСК-6	ФУСК-7	ФУСК-8	ФУСК-9	ФУСК-10	ФУСК-11
стандарт сўзлар	Жаргон сўзлар	шева сўзлари	Вульгаризм	Тасоддий яратилган сўзлар	Профессионализм	Варваризм	Китобий сўзлар	Терминлар	Муаллиф яратган сўзлар	Архаик ва тарихий сўзлар
money	bucks	dollar	bread	dough	currency	lolly	capital	bank notes	greenbacks	shekels
пул	якан	сўм	карам	сокка	муомала бирлиги	акча	маблаг	банкнота	бир тийин	бир пул, минг пул

Ж.Жумабоева градуонимия ходисасининг синонимиядан фаркли томонларини кўрсатиб: луғатда маънодош сўзларнинг, баъзан, кўпроқ қўлланиладиган вариантлари берилиб, сўнг камроқ учрайдиган синонимлари келтирилиши, градуонимик каторлар луғатида эса лексемалар маъносида ҳажмнинг ортиши, ишлатилиш кўлами, тезликнинг ошиши, ҳашамнинг ортишига кўра каби қатор белгилари асосида келтирилиши лозим эканлиги ҳақида хулоса берилган.<sup>1</sup>

Матндаги сўзларнинг даражаланиши ушбу матнни таржима қилганда стилистик жиҳатдан аҳамиятга эга сўзларнинг тўғри синонимини аниқлаш баробарида, таржимада сўз танлашнинг объективлигини ҳам таъминлайди. Масалан, инглиз тилида *to weep*, ўзбек тилида эса *ийгламоқ* феълларининг бир неча тури мавжуд. Сўзларнинг, хусусан, стилистик синонимларнинг даражаланиши ёки стилистик синонимларнинг маъно жиҳатидан бир-биридан фарқланиши бир қатор омиллар билан изоҳланиши мумкин. Биринчидан, сўз маъноси (қайси сўз туркумига мансублигига қараб) интенсивлиги, узоқ давом этиши, ҳаракатнинг давомийлиги, ҳолатнинг белгиси, аломати, оғиренгиллиги, ижобий-салбийликни ифодалаш ва бир қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Юқорида олган мисолимиз феъл сўз туркумига мансуб бўлиб, мазкур *ийгламоқ* сўзи даражаланиши *узоқ, қисқа, узоқ, ўқиниб, ҳўнграб, овоз чиқариб* ва шу каби ҳолатни билдирадиган сўзлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг турли даражаси кўрсатилади. Стилистик жиҳатдан эса унинг қайси сўз қатламига тегишлилиги (оғзаки, нейтрал, адабий) ва ундан кейингина даражаси инобатга олинади. Масалан, инглиз тилида: сифат – *popular* (оғзаки), *famous* (нейтрал), *well-known* (адабий), феъл – *go on* (оғзаки), *continue* (нейтрал), *proceed* (адабий); ўзбек тилида: сифат *бақалоқ* (оғзаки), *семиз* (нейтрал), *тўла* (адабий), феъл – *тушунмоқ* (оғзаки), *англамоқ* (нейтрал), *фаҳлмоқ* (адабий).

Лекин бу икки ҳолат сўзнинг стилистик жиҳатдан, аниқроғи, лингвостилистик жиҳатдан бирор қўшимча маънога эгалиги ва унинг иш-ҳаракатнинг муайян даражасини белгилаши билан эътиборга молик бўлади.

Стилистик даражаланиш ва стилистик синонимларни илмий ўрганиш келажакда корпус лингвистикасини ривожлантиришга (корпус лингвистикаси – тилшуносликнинг матн корпусларини яратиш ва фойдаланиш ҳақидаги бир бўлимидир. Лингвистик корпус муайян меъёрларга мувофиқ тўпланган, муайян стандартга мос тарзда ҳамда махсус кидирув тизими билан таъминланган матнлар тўпланидир. Баъзан. “корпус” умумий белгилар (тил, жанр, муаллиф, матн яратиш даврлари) билан бирлашган матнлар деб аталади) муайян даражада ўз хиссасини қўшади. Маълумки, инглиз тилининг бир қатор корпуслари мавжуд. Улардан энг кенг тарқалганлари: *Corpus of Contemporary American English*, *The Bank of English*, *The American National Corpus*, *The British National Corpus*, *Time Magazine Corpus*. Ишимизда стилистик синоним қатламларига мансуб таҳлилга тортилган сўзларнинг фаоллиги ҳамда фоизини аниқлашда Британия миллий корпуси (*British National Cor-*

<sup>1</sup> Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фан. д-ри...дис. автореф., Тошкент, 2016, 15 – 16-бетлар.

pus) ва замонавий Америка инглиз тили Корпуслари (Corpus of Contemporary American English)дан фойдаландик.

“British National Corpus” XX асрнинг 1980–1990 йилларида яратилган, умумий ҳажми 100 млн. Британия матнлардаги сўзлардан иборат ёпиқ маълумотлар базасидан ташкил топган. “Corpus of Contemporary American English”нинг эса маълумотлар базаси очик (яъни, ҳозирги вақтгача маълумотлар билан тўлдирилаётган) ҳамда ҳажми 534 млн. сўзни ташкил этади.

### 1.2-жадвал

Лексема	ВНС (сўз-нинг фаоллиги)	Корпуснинг умумий лексик фондидан, %	СОСА (сўзнинг фаоллиги)	Корпуснинг умумий лексик фондидан, %
<i>awesome (оғзаки)</i>	366	0,00036	5561	0,00104
<i>wonderful (нейтрал)</i>	4626	0,0046	33652	0,0063
<i>marvelous (адабий)</i>	6	0,000006	3331	0,00062

Корпусдан фойдаланиш сўзнинг қўлланилишида фаоллик даражасини ҳамда фоизини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, корпусда бизни қизиқтирган лексема ҳамда сўз бирикмалари препозиция ва постпозицияларининг ҳам фаоллиги ҳақидаги маълумотларни кўришимиз мумкин. Масалан, “Corpus of Contemporary American English”да *wonderful* сўзи препозицияларининг фаоллик кўрсаткичи куйидагича акс этган (1.3-жадвалга қаранг).

### 1.3-жадвал

#### *Wonderful* сўзи препозицияларининг фаоллик кўрсаткичи

№	Лексема	Сўзнинг фаоллик кўрсаткичи
1	A	10718
2	The	1772
3	How	623
4	So	613
5	Most	556

Айнан шундай тартибда сўзнинг постпозицияси ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. Ушбу маълумотларнинг берилиши сўзнинг бирикмалар билан ишлатилиши ҳамда фаоллигини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

### 1.4-жадвал

#### *Wonderful* сўзи постпозицияларининг фаоллик кўрсаткичи

№	Лексема	Сўзнинг фаоллик кўрсаткичи
1	Thing	833
2	Time	488
3	people	349
4	place	310
5	Man	285

Бундан ташқари, стилистик даражаланиш ҳамда стилистик синонимларни илмий ўрганиш изоҳли луғатларни тузишда асқотади, таржима таҳлилини объектив ўтказиш имконини беради.

Стилистик синонимларни универсал тил ҳодисаси деб аташга бир қатор асослар мавжуд. Стилистик синонимлар жаҳоннинг барча тилларига хос. Стилистик синонимлар универсал характерга эга бўлишига қарамай, уларни таржима қилиш жараёнида муайян муаммолар юзага келади. Лингвистик типология қонуниятлари асосида улар универсалия ҳисобланса-да, ўзига хос хусусиятга ҳам эга.

**Eshchanova Gavhar, Yo'ldoshev Ro'zimboy (UrDU dotsentlari)  
“ASAV BARAQ” – QOZOQ XALQINING SEVIMLI DOSTONI**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada qozoq xalqining Idil qalmoqlari bilan kurashi davrida jasorat ko'rsatgan sevimli qahramoni Baraq botir haqida yaratilgani “Asav Baraq” dostonining variantlari qiyosiy tahlilga tortiladi. Baraq botirning Avaz Inoq taklifi bilan Xiva xonligiga tahdid soluvchilarga qarshi kurashib, xivaliklarga yordam bergani va uning dostonida o'z badiiy ifodasini topganligi, oqinlarning badiiy mahorati masalalari yoritiladi.

**Аннотация.** В данной статье дается сравнительный анализ вариантов эпоса «Асав Барак» о подвиге героя казачьего народа Барака-батыра в борьбе с Идильскими калмыками. В статье раскрываются задачи художественного мастерства акынов, а также нашло своё художественное выражение в эпосе стремление Барака-батыра по предложению Аваза Инака помочь хивинцам бороться с угрозами Хивинскому ханству.

**Annotation.** This article provides a comparative analysis of the variants of the dastan “Asav Barak” about the hero of the cossack people during the struggle against the Idil kalmyks Barak Batyr. At the suggestion of Avaz Inok the issues of artistic mastery of okins are covered.

**Kalit so'zlar:** qozoq, variant, doston, folklorshunos, Xo'jayli, Baraq botir, Xiva xonligi, Avaz Inoq, Omonjo' o'g'li, O'yrot davlati, kichik juz, Idil daryosi.

**Ключевые слова:** казак, вариант, эпос, фольклорист, Ходжейли, Барак батыр, Хивинское ханство, Аваз Инак, сын Омонжо, государство Ойрат, маленький жуз, река Идил.

**Key words:** Kazakh, poem, variation, folklore, Khujayli, Barak hero, Khiva khanate, Avaz Inoq, Omonjo's son, Uyrot state, small juz, Idil river.

Tarixdan ma'lumki, qozoq xalqi orasida millatining jipsligi, birligini saqlash va mustahkamlash maqsadida jon-jahdi bilan kurashgan qahramonlar ko'p bo'lgan. Xalq bunday o'g'lonlarini hech qachon unutmagan va ularni asrlar osha ardoqlagan, e'zozlab kelishgan. Bu an'ana avloddan avlodga o'tib kelgan. Darvoqe, ularning faoliyati yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mana shunday ardoqlangan qahramonlardan biri Baraq botir Sotiboldi o'g'lidir (1743 – 1840). Qozoq xalqining bu qahramoni to'g'risida oqin Tilevmag'ambet Omonjo' o'g'li (1865 – 1935) “Asav Baraq” dostoni (jir)ni yaratdi.

1965-yilda qoraqalpoq folklorshunosi Xolboy Mambetnazarov T.Omonjo' o'g'li asarlarini to'plab, xattotlik mahorati bilan ko'chirgan. Mustejen esa daftarni undan olib, O'zFA Qoraqalpog'iston bo'limining N.Davqorayev nomidagi Tarix, til va adabiyot institutining qo'lyozmalar xazinasiga topshirgan. Qo'lyozma daftarda “Baraq botir” 32 sahifadan kamroq joyni egallagan.

Darvoqe, oqinlar tomonidan kuylanib kegan “Baraq botir”, “Asov botir” nomlari bilan xalq orasida keng tarqalgan dostonlar, aslida bir asar – “Asav Baraq”dir.

Jirchi – oqin Allabergan Tasqinboyev “Asav Baraq” dostonini (jirni) 1990-yilda Toshkentda yozdirgan. Ushbu dostonni Erejep jirchi ham kuylab yurgan. Ayniqsa, uni Qo'ng'iro't atrofida yashovchi xalq juda sevib tinglab kelishgan.

Tilevmug'ammot Omonjo' o'g'li “Asav Baraq” dostonini Mustejen o'g'li Boqitjonga kirill alifbosida yozdirgan. Folklorshunos Qorjov Jumajonov ushbu matnni qo'lga kiritgan. Shuningdek, u O'zFA Qoraqalpog'iston bo'limining N.Davqorayev nomidagi Til va adabiyot instituti qo'lyozmalar fondida saqlanayotgan arab alifbosida yozilgan qo'lyozmani ko'chirib olishga muvaffaq bo'lganligini ta'kidlaydi.

Qozog'iston Fanlar akademiyasining qo'lyozmalar fondida saqlanayotgan “Asav Bатыр” dostoni 1991-yil 6–20-may oralig'ida Oqtepa viloyati Bayg'alim tumani gazetasida e'lon qilingan. Ammo bunda dostonning boshlanmasi, tugallanmasi va ayrim o'rinlari tushurib qoldirilgan. O'sha nusxani folklorshunos M.Kiyeyevdan kseronusxa tarzida olgan.”Shunday qilib, barcha “Asav Baraq”ni birma-bir qiyoslab ko'rsam, birini-biri to'ldirishini payqadim. Shu sababli adabiyotning jo'yali tahlil nazariyasi negizida va qo'limdan kelganicha, “Asav Baraq”qa “xiyonat qilmaslik”ka harakat qildim. Gazeta materiallari bilan Mustajon yozmalari “Asav Baraq”ning yalpi doston shakliga kelishida asos, qolganlari esa unga tayanch bo'lgan”, deya yozadi Q.Jumajonov.

Ma'lumotlarga ko'ra, Omonjo' o'g'li 1923 – 1925-yillar oralig'ida To'rtko'lda chiqqan gazetalarda o'z o'lanlarini e'lon qilib borgan. 1926-yili Xivada chiqadigan “Inqilob quyoshi” gazetasida adabiy xodim vazifasida faoliyat ko'rsatgan. 1927-yili salomatligi to'g'ri kelmaganligi sababli, gazetadagi adabiy xodimlik vazifasidan ozod bo'lgan va shundan so'ng ishlamagan.

1993-yili qozoq xalqi Baraq botirning 250 yillik yubileyini o'tkazib, uning ruhini shod etdi. Ana shu yubileyga tayyorgarlik ancha oldin boshlangan bo'lib, 1992-yili “Asav Baraq” dostoni birinchi marta alohida kitob shaklida nashr qilinib, to'yga to'yona qilingandi.

“Asav Baraq” dostoni bosh qahramoni Baraq haqida Jangaboy Saparov, Nurdavlat Kuzenboyev, Navbat Ko'shinboyev, Mag'ul Eluboyevlarning maqolalarida ham so'z yuritiladi. Ular botir yashagan davr, uning mardligi to'g'risidagi ma'lumotlarga aniqliklar kiritishga harakat qilganlar. Ular to'plagan manbalar bilan folklorshunos Q.Jumajonov to'plagan materiallar negizida Ota va uning avlodlari to'g'risida to'liqroq ma'lumot olishga imkoniyat tug'iladi, ammo bu ma'lumotlar hali to'ldirilishi, boyitilishi lozim, albatta.

Kuzatishlardan ma'lumki, 1627-yilda O'yrot davlati tarqatilgan. O'yrotlar tarqatilgan paytda ularning bir urug'i – to'rg'avutlar qozoq xonligini oralab o'tib, Idil va Yoyiq daryolarining dengizga quaydigan joyiga, ya'ni Kaspiy dengiziga yetib kelib, kichik juz yeri orqali Idil va Yoyiq oralig'ida o'rnashadi va kichik juz yerlariga intila boshlaydilar. Bu intilish o'yrotlarning shars urug'i negizida qurilgan jo'ng'arliklar xonligi (1635 – 1758) qulagandan keyin kuchaygan. Baraq botir qozoqlarning Idil qalmoqlari bilan kurashi davrida tanilgan. Darvoqe, u shars urug'i asosida qurilgan jo'ng'arliklar bilan kurashmagan, albatta. Dostonda Baraqning qahramonligi Qabanboy, Bo'g'imboy, Eset olamdan o'tgandan keyin yuzaga chiqdi, degan ma'lumotlar ham uchraydi. Eset (1667–1749), Abilboy (1711–1781), O'ljaboy botir (1709–1785) Baraq tug'ilib, qahramon bo'lib yetishganidan so'ng olamdan o'tganlar. Fikrimizcha, oqin qozoqlarning mudofaa qilinishi, elni saqlab qolishi jarayonidagi botirlar haqidagi ma'lumotni qo'lga kiritma olmagan ko'rinadi.

Tarixiy manbalarda yozilishicha, 1785-yil boshida Baraq botir otryadida 2000, Tilenshi botir otryadida 1500, Sirimning otryadida 2700 nafar kishi bo'lgan. Tilenshi, Sirim va Baraq dostonning qahramonlaridir. Asavning mardligi jang paytida namoyon bo'lgan.

Ma'lumki, Avaz Inoq 1790 – 1804-yillarda Xiva xonligini boshqargan. Avaz Inoq taklifi bilan Baraq botir Xiva xonligiga tahdid soluvchilarga qarshi kurashib, xivaliklarga yordam bergan. Dostonda bu o'z badiiy ifodasini topgan. Zero, turkiy tilli, negizi bir bo'lgan xalqlarni tashqi dushmanlardan himoyalashda Baraq qardoshlik burchini bajargan, shubhasiz.

Demak, Baraq elning elligini, xalqning xalqligini saqlagan, do'st, qardosh xalqning osoyishtaligini himoya qilgan mamlakat g'amxo'ri bo'lgan qahramondir.

Turkiy xalqlar orasida keng tarqalgan “Asav Baraq” dostonining Xo'jaylida nashr etilgan varianti o'zbek xalq dostonlariga xos: “Элкісса, бурынғы откен заманда Сарыарканын даласын қазақ пен қалмақ мекен эткен экен. Соңынан жерге таласып еки жақ бір-біріне жау болып кетіпті...”. tarzidagi an'anaviy boshlama bilan, M.Axmetov nusxasida: “Элкісса, бурынғы откен заманда Сарыарканын жерінде, қазақ-қалмақ жау болып, қазақ қалмақты қонысынан аударыпты...” tarzidagi, E.Bileulov variantida: “Қазақ арасында қазақты билеген хан туқымы, аксуйек Султан Шонжарлардын бақталасық пен аузы бірікпеген ...”, deb ma'lumot berish bilan boshlangan.

Yuqorida keltirganimiz parchalardan ko'rinadiki, dostonning tahlil qilayotganimiz nusxalari qalmoqlarning Alakobik boshchiligida qozoqlar ustiga yurishi tasviri bilan boshlanadi.

Dostonning Xo'jaylida nashr etilgan variantida tavirlanishicha, olti ming askardan iborat qalmoqning qozoqlar ustiga bostirib kelayotganini qozoq oqsoqoli Tugel qart tushida ko'radi va tushini o'z xalqiga ma'lum qiladi. Tush motivi o'zbek xalq dostonlarida alohida o'rin egallagan qadimiy motivlardan sanaladi. Tush tasviriga ko'ra, qalmoqlarga qarshi kurashga otlangan Baraq 18 yoshli navqiron yigit bo'lib, unga Olloh tomonidan ilohiy kuch ato etilib, xalq dostonlaridagi qahramonlardek g'ayritabiiy kuch-qudratli pahlavon bo'lgan.

Qozoq folklorshunosi S.Sekenovning yozishicha, “Baraq botir” jirining Y.Bileulov variantidan tashqari, barcha nusxalarida qalmoqlarning qozoqlar ustiga bostirib kelayotgani Tugel qartning tushida ayon boladi. Ushbu tush tasvirining tarixiy haqiqatga to'g'ri kelmasligini anglab yetgan jirchi bu motivni boshqacharoq tasvirlagan. Ya'ni, “Qozoq ustiga yov bostirib kelayotgani haqidagi xabar” Abilay xon tomonidan tarqatiladi. U qozoq eliga xat yo'llab, “Қалмоқ: “Қазаққа аттанамын”, деп эскер жинап жатір. Ертелі – кеш елге жау келеді”, deb ularni ogohlantiradi.



Dostonning barcha nusxalarida Baraqning o‘zini tanishtiruvchi epizodi bir-biriga o‘xshash ishlangan. Ammo Xojaylida nashr etilgan variantdagi farq Baraq o‘zini onasining, Yerejep Bileulov variantida chechasining oti Qarqara deb tanishtirishida ko‘rinadi:

*Мен айтайын жонимди,  
Тындан қара созимди.  
Сатыпалды баласы,  
Барақ деп қойған отимды.  
Кіші жүздін ішінде,  
Табын депті затымды.  
Нағашым Серке батыр - ды,  
Анамның аты Қарқара.*

Ko‘rinadiki, bu variantda Barak Serke Botirning jiyani, tabin urug‘idan ekanligiga alohida urg‘u berilyapti. Zero, epik qahramon biografiyasining asosiy mazmunini bahodirlik faoliyati tashkil etadi. Aynan o‘sha faoliyatda eposning asosiy mohiyati, uning pafosi mujassamlashgan bo‘ladi.

“Baraq botir” dostonini tahlil etar ekanmiz, Baraq obrazining yaratilishida ham barcha xalqlar eposlarida bo‘ladigan jarayonlar kechganligini ko‘ramiz. Xalq qahramonining hayotdagi qiyofasi, ijtimoiy-siyosiy faoliyati umumlashtirilgan prototipga xos xususiyatlar xalq ideali asosida qayta idrok etilgan. Negaki, “Real hayot epik sujetga aniq taqvimga asoslangan ma’lum voqealar – kurash, qamal, harbiy yurish, hokimiyat almashishi kabi hodisalarni o‘zida jamlaydigan yilnoma kabi emas, balki tipik muntazam voqealar, hayotiy jihatlar, vaziyatlar, o‘sha davr turmushini belgilaydigan, umumxalq ahamiyatiga ega bo‘lgan hodisalarni ifodalagan holda kirib keladi. Shu bilan birga, turmushdagi reallik epik jihatdan qayta idrok etilib, badiiy ishlov beriladi, qayta shakllanadi. Eposdagi qadimiy an‘analarga moslab, voqealar umumlashtiriladi, ideallashtirish, shartlilik kabi epik estetika tamoyillari unda o‘z aksini topadi.

Buni dostonning mavjud barcha nusxalaridagi jang tasvirida yaqqol ko‘rish mumkin:

*Суырды белден алмасын,  
Қиялай тартып қылышпен.  
Еки болді кеудесін,  
Тастады кесип келлесін.  
Барақ қырғын салады,  
Оліп жатқан қалмақтың,  
Қаны судай ағады.  
Қалмақ қашып қазақтан,  
Сай – салаға бугады (E.Qulpi bayev nusxasi. 93-bet)  
Батырлар кірді урысқа,  
Болмайды ерлар турысқа.  
Отмеген сон найзасы,  
Баланы салды соғысқа.  
Суырды бул да алмасын,  
Қия тартып қалмақтың.  
Екі болді кеудесін,  
Тастады кесип келлесін,  
Оһ – деп аттан қулады,  
Бойтеректей қулады. (T.Omonjo‘ o‘g‘li nusxasi. 83-bet)*

Keltirganimiz parchalardan ko‘rinadiki, jang tasviri mavjud nusxalarning barchasida bir-biridan farq qilmaydigan tarzda tasvirlangan.

Dostonning qariyb barcha nusxalarida Alako‘bik bilan jangda Baraqning qirq yigiti va uning maslahatchisining hissasi kattaligi yorqin ifodalangan. Ushbu obraz Xo‘jayli varianti va A.Taskinboyev kuylagan nusxada “Do‘sy”, E.Qulpi boyev variantida “Do‘s”, G.Sariboyev nusxasida “Do‘psi”, Q.Imangaliyev variantida “Do‘sybay” tarzida nomlangan.

Dostonning M.Axmetov va E.Bileulov variantlarida bu obraz haqida hech qanday ma’lumot berilmagan.

Xo‘jaylida chop qilingan “Asav Baraq” va yuqorida qayd qilingan doston variantlarida biy Baraqning og‘asi, inisi tarzida bir xilda talqin qilingan.

Ma’lumotlarga ko‘ra, Sirim xanni Erasi Sultonning tutqunidan ozod qilishini talab etib xat yozgan yo‘lboshchilarning ichida tabin urug‘idan Baraq botir bilan Do‘si biy ham bo‘lgan.

“Baraq batir” eposining Xo‘jaylidagi nashr etilgan variantida Baraq botir qalmoqlar ustidan g‘alabaga erishgach, Eron hukmdori Nodirshohning O‘rta Osiyoga, jumladan, Xiva xonligi ustiga yurishida unga qarshi kurashda Avaz Inoqqa yordamga kelgani tasvirlangan:

*Қызылбастын патшасы,  
Надырша келіп әскермен.  
Хиуа шаҳарын қамады,  
Қырдағы жатған Бараққа,  
Келді мунын хабары.  
“Келсін, деген, аттанып,  
Әуз Инағы қагазы.  
Досыны ертін қасына,  
Аттанып Барақ барады.  
Надыршани қашырып.  
Аламанын қырады.* (Т.Омонжо‘ о‘g‘li variant. 75-bet)

Darhaqiqat, yuqorida ta’kidlanganidek, epos real hayotning badiiy in’ikosidir. Manbalarda yozilishicha, 1688–1747-yillarda yashab, 1736–1747-yillarda Eron hukmdori bo‘lgan Nodirshoh Buxoro amirligi va Xiva xonligi ustiga yurish qilgan, o‘z hukmronligi davrida xalq boshiga ko‘plab kulfatlar yog‘dirgan, ammo ko‘p o‘tmay, mag‘lub bo‘lib, Eronga qaytgan.

Tarixchi olim A.I.Levshin o‘z tadqiqotida Baraq bilan Xiva xoni Qayipning orasida do‘stlik bo‘lganligini ta’kidlaydi. Ushbu tarixiy haqiqat dostonida quyidagicha bayon qilinadi:

*Надыршани қырған сон,  
Хиуа ханы сыйлады.  
Досы биді би қойып,  
Барақ жарлық алады.  
Ургеніштін байлары,  
Бау-бақшалы жайлары,  
Ала шапан, ақ мақта.  
Қырға шыққан жайдары.  
Бес мата мен бир шапан  
Бажыі толеп тұрганы.  
“Берсін, деган Бараққа”*

*Хиуа ханнын парманы.* (Т.Омонжо‘ о‘g‘li varianti. 75-bet)

Qozoq folklorshunosi S.Sakenovning fikricha, XVIII asrning 40-yillarida qozoq sultonlarining hurmatiga sazovor bo‘lgan Baraq botir Xiva xoni Qayipning kuyovi bo‘lgan va shuning uchun u xon tomonidan taqdirlangan.

Bizning fikrimizcha, Baraq botir Nodirshohga qarshi kurashda Xiva xoniga yordam bergani, uning mardligi haqida qahramonlik qo‘shig‘i to‘qilishiga – bu qo‘shiq “Baraq batir” jirining yaratilishiga asos bo‘lgan, albatta.

Ushbu epizod dostonning boshqa nusxalarida uchramaydi. Doston variantlarida qozoq botirlarining rus podshosi askarlari bilan to‘qnashuvi, yuqorida qayd qilib o‘tilganidek, qozoq urug‘larini birlashtirgan kichik juz hukmronligining o‘rnatilishi tasviri berilgan:

*Эбілқайыр ханнын,  
Бес баласы бар еди.  
Айшуақ пенен Нуралы,  
Едл, Есим, Ерали,  
Эбілқайыг олген сін,  
Хан болып халыққа тарады.  
Хан болам, деп Ерали  
Бесқалаға барады.* (Erg‘oja Qulpiboyev varianti. 120-bet)

Yoki:

*Эбілқайыр торенын,  
Торт баласы бар екен.  
Айшуақ пен Нуралы,  
Эділ менен Ералы,  
Эбілқайыр олген сон,*

*Ен улкени Нуралы,  
Кіші жуздин ішіне,  
Жайықтан Бергі қазаққа,  
Нуралы хан болады... (Т.Омонжо' о'g'li varianti. 178-bet)*

Keltirilgan ushbu parchalardan ko'rinadiki, dostonning E.Kulpibayev nusxasida Abulqayirning farzandlari 5 nafar deb berilgan. Shuningdek, bu nusxada Nuralining kuch-qudrati o'zidan oshib borayotgan Ayshuakni rus podshosining vakili Oqsoq mayorga:

*Айшуақтың бұғинде,  
Қазақ деген ели бар.  
Елек, Қобда жери бар,  
Барақ деген еру бар.*

tarzida chaqqani, keyin Oqsoq mayorning Ayshuqaqni, Orenburgda qo'lga olib, tutqunda saqlagani, Ayshuqaqning inisi Edil sulton orqali Baraqaqa xat yo'llab, o'zini qutqarib olishini undan o'tinib so'ragani, Baraqaqning "kichik juzga jar solib", lashkar to'plab, Oqsoq mayor hukmronlik qilayotgan o'lkani bosib olishga otlangani batafsil bayon qilingani – bularning barchasi jirchining mahoratidan darak beradi.

Xo'jaylida nashr qilingan variantda Eralining qaysi hududga hukmdor etib tayinlangani bayon qilinmagan. Ammo Nuralining Ayshuqaq ustidan Aqsaq mayorga arz qilishi motivi ham bu nusxada nisbatan qisqaroq bo'lsa-da, ishlangan.

Mustejep Axmetov nusxasida esa faqat bir o'rindagina "uch onaning bolasi, uch mingga bosh bo'lganligi" qayd qilib o'tilgan-u, ammo ularning ismlari, keyingi faoliyati haqida hech qanday ma'lumot berilmagan.

Kuzatishlardan ma'lum bo'ladiki, Ebilqayir farzandlarining barchasi bir vaqtning o'zida turli hududlarga xon etib tayinlanmagan. Darvoqe, Ebilqayir vafot etgach, uning o'rniga taxtga Nurali o'tiradi. U vafot etgach, 1791–1795-yillar oralig'ida, Erali, 1795–1797-yillarda Esim xonlik qiladi.

Tarixiy manbalarga ko'ra, kichik juz urug'laridan tuzilgan qo'zg'olonchilar rus podshosi askarlari ustiga bir necha bor yurishlar qilganar. Qo'zgonlarni uyushtirishda Tasbolat, Eybolat, Qodir hamda Sadir ismli starshinalar, Baraq, Tilenish va Sirim kabi botirlar ham qatnashib, ular so'nggi qo'zg'olonlarga kichik juzdan tashqari urug'larni ham qatnashtirishga erishdilar. Fikrimizcha, bunday qo'zg'olonlarning asosiy sababi, o'ris-qozoq askarlarining, Chaganov otryatlarining hech qanday sababsiz bosqinchilik qilib, qozoqlarning ko'plab mol-mulklarini, otlarini tortib olganliklaridadir.

Tarixchi M.P.Vyatkinning ta'kidlashicha, qo'zg'olonchilarga qarshi maxsus jazo o'triyadlari tuzilib, ular hech qanday gunohi bo'lmagan qozoq ovullariga bostirib borib, ularni jazolash bilan shug'ullana boshladilar.

Haqiqatan ham, o'sha paytda Ayshuqaq xonning tutqunlikda saqlanishiga qarshi kichik juz qozoqlari Sirim boshchiligida milliy qo'zg'oloni boshladilar. Mana shu tarixiy voqealar dostonida o'z badiiy ifodasini topgan, shubhasiz, Oqsoq mayirga qarshi kurashda Baraq botirning o'n ikki yashar o'g'li Asavning qatnashuvi tasviri Xo'jaylida nashr qilingan nusxada ancha mukammal ishlangan. Ammo dostonning boshqa nusxalarida bu epizod juda qisqa tasvirlangan.

Kuzatishlardan ma'lum bo'ladiki, haqiqatdan ham, Sirim boshchiligida 1791-yilda olib borilgan ozodlik harakatlarida tabin urug'idan Elkaboy, Barmoq, Do'si, Baraqlar bilan Asav ismli starshina bo'lgan.

Doston variantlari tahlili shuni ko'rsatadiki, Erejep Bileulov nusxasigina Alako'bek vafot qilganidan so'ng qozoqlar bilan qalmoqlar o'rtasidagi nizolar barham topib, qozoq va qalmoq xalqlari do'stlik bitimi tuzganliklari bayon qilinadi.

Demak, Erejep Bileulov nusxasida asrlar osha sher yurakli azamatlarning yuragida saqlangan, ammo amalga oshmagan ezgu o'ylari, orzulari bayon qilingan. Zero, folklorshunos S.Sakenov ushbu doston nusxasini xalq dostonlari an'analari o'zida mujassamlashtirgan badiiy barkamol variant sifatida baholaganki, bunga qo'shilish mumkin. Shuningdek, u turkiy xalqlar orasida tarqalgan "Baraq botir" dostoni yagona sujet asosida qurilgani, buni har bir variantning syujetdagi asosiy motivlari, obrazlar tizimi va badiiyatini chog'ishtirganda yaqqol ko'rish mumkinligini ta'kidlaydi. Darvoqe, bunga doston nusxalari matnida qo'llanilgan epik klishelar, stereotiplarning o'xshash kelishidan to'la ishonch hosil qilish mumkin.

Ammo tadqiqotchining Xo'jaylida chop qilingan. "Asav Baraq" dostonining Nukus Pedagogika instituti dotsenti Q.Jumajonov tomonidan T.Omonjo' o'g'li ismiga bog'lashi noto'g'ri ekanligi fikriga ma'lum darajada qo'shilish mumkin. Negaki, "Asav Baraq" nashr qilinmasdan oldin ham qo'llanib kelingan. Demak, folklorshunos Q.Jumajonov dostonning M.Axmetov, N.Ramaqulovning jir so'ngida:

“Муни жазып шыгарган,  
Аманжолов шаырды” –

deya yozganlari satrlariga tayangan ko‘rinadi. Ammo T.Omonjo‘ o‘g‘li matnga ijodiy yondashib, an‘ana doirasida sujetga ayrim epizodlarni kiritib, o‘zining kuchli badehago‘y jirchi ekanligini isbotlaganligini, badiiyati mukammal ishlanganligi bilan ajralib turishini yuqorida ko‘rib o‘tgan edik.

Binobarin, yillar osha xalqimizning ma‘naviy ozuqa manbayi bo‘lib kelgan “Asav Baraq” dostonini maxsus ilmiy tadqiq etish galdagi vazifalardan sanaladi.

**Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна (СамДУ доценти; muxitdinovanazmiya@gmail.com)**  
**МИРХАСАН САДОИЙ МУХАММАСЛАРИДА САЛАФЛАР АНЪАНАЛАРИ**

**Аннотация.** Мақола XVIII асрнинг охири –XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек адабиётининг етук намояндалари Мирҳасан Садоий ижодидида мухаммаслар ва уларда салафлар аъёналарининг бадийи тақомили тадқиқига бағишланган. Шунингдек, шоир мухаммасларининг жанр хусусиятлари бадийи маҳорат, мавзулар кўлами таҳлили асосида ёритилади. Шоир ижодининг бадийи тимсоллари ва зоявий йўналишларининг ифодаланиши йўллари аниқланади. Шоирлар шеърятининг моҳияти ва юксак бадийи маҳорати, ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни девонлари асосида таҳлилга тортилган.

**Аннотация.** Статья посвящена исследованию мухаммаса и художественному совершенствованию традиций наставников в творчестве видного деятеля узбекской литературы конца XVIII – первой половины XIX веков Мирхасана Садои. Также на основе художественного мастерства, анализа тематики раскрываются жанровые особенности мухаммасов поэта. Определены способы выражения художественных символов и мировоззренческие направления творчества поэта. На основе девонов анализируются сущность и высокое художественное мастерство поэтов, их роль в развитии узбекской литературы.

**Annotation.** The article is dedicated to the study of mukhammas and the artistic improvement of the traditions of mentors in the work of a prominent figure of Uzbek literature of the late 18<sup>th</sup>-first half of the 19<sup>th</sup> centuries, Mirkhasan Sadoi. Also, on the basis of artistic skill, analysis of topics, the genre features of the poet’s Muhammads are revealed. The ways of expression of artistic symbols and ideological directions of the poet’s work are determined. The essence and high artistic skill of poets, their role in the development of Uzbek literature are analyzed on the basis of the Divans.

**Калим сўзлар:** ижодкорлик, адабий муҳит, мухаммас, адабий аъёналар, мавзу, зоя, шеърӣй услуб, бадийи маҳорат, тимсол.

**Ключевые слова:** творчество, литературная среда, мухаммасы, литературные традиции, тема, идея, поэтический стиль, художественное мастерство, эмблема.

**Key words:** creativity, literary environment, muhammas, literary traditions, theme, idea, poetic style, artistic skill, emblem.

Шарқ мумтоз поэтикаси жанрлари ранг-баранглиги ва бадийи мукамаллиги, Навоий таъбири билан айтганда, шеърят бўстонида булбуллари ижод этиш имкониятининг кўп қирралигини ўзига хос таъби асосида гавадлантиради. Мана шундай жанрлардан бири мусаммат туркумидаги жанрлар бўлиб, маълумки, мусаммат араб тилида тасмит – (تسمط) сўздан олинган бўлиб, марварид доналарини ипга тизмоқ, тасмитламоқ демакдир.<sup>1</sup> Рашидиддин Вотвот, Қайс Розий, Воҳид Табризий, Қабул Муҳаммад, Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний асарларидаги маълумотларда мусаммат ва унинг шакллари хусусида маълумотлар келтирилган. Хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифий “Бадоеъ ул-афкор” асарида мусаммат ва унинг шакллари мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман, муашшар каби бир қанча шаклларда кўринишини таъкидлаб ўтади.<sup>2</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний эса Рашидиддин Вотвот ва Қабул Муҳаммад фикларига таянган ҳолда, “Бадоеъ ус-саноеъ” асарида мусамматнинг шакллари бир неча хилда, яъни мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, тасниъ, машруъ каби шаклларда бўлиши тавсифланади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърят жанрлари. Тошкент, “Фан”, 2006, 69-бет.

<sup>2</sup> Кошифи Ҳусайн Воиз. Бадоеъ ул-афкор. Душанбе, “Ҳумо”, 2006, 61-бет.

<sup>3</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. “Бадоеъ ус-саноеъ”. Душанбе, “Ирфон”, 1974, 47–49-бетлар.

Адабиётшунос олима Д.Юсупова таъкидлаганидек, “Маълумки, мухаммас арабча “бешлик” маъносини билдириб, ҳар банди беш мисрадан иборат шеър шакли ҳисобланади. Мухаммаслар яратилиш хусусиятига кўра 2 хил бўлади:

1) таъби худ, яъни мустақил мухаммас; 2) тахмис – ғазални бешлантириш асосида яратила-диган мухаммас.

Таъби худ мухаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб, бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тахмис боғлаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади”.<sup>1</sup>

Кўкон адабий муҳити шоирларида ижодий пайравлик ҳодисаси баёзчилик, назира ва татаб-буънавислик анъаналари қаторида мухаммаснавислик мисолида ҳам салафлар, ҳатто замондош шоирлар шеърятини анъаналарининг бадиий такомилда намоён бўлди. Садоий девонида<sup>2</sup> ҳам икки наъв мухаммас ҳам мавжуд.

Садоий девонида 9 та мухаммас мавжуд бўлиб, 1 та наът, 3 та ижтимоӣ мавзуда, 1 та пир мадҳида, 1 та фарзандига бағишланган мувашшаҳ мухаммас ва 3 таси марсия-мухаммасни қамраб олган.

Туркийгўй шоирнинг радиф қўллашдаги маҳорати намунаси ўларок, шоир девонидаги илк мухаммас “Салом” радифи билан битилган.

*Эй сабо, борсанг агар ул ёри жонимга салом,  
Ой юзи, гул қомати сарви равонимга салом.  
Халқ ичиди ошкора шаҳсуворимга салом,  
Зулмати оламда қолдим, моҳнигоримга салом.  
Кўзларим қон йиғлатиб, чашми хуморимга салом.*

Ушбу тахмис Ҳазрат Алишер Навоӣ анъаналари равиясида Шарқ мумтоз адабиётида анъанага айланган сабога мурожаат билан бошланган. Буюк шоирнинг «Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт, Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт» матлаъи билан бошланувчи ғазалига тақлидан ёзилган 10 банддан иборат мухаммас тимсолу ташбиҳларда ҳам салафининг ирфоний ғояларини бардавом этган ҳолда ўзига хос новаторлик билан битилган. Ошиқнинг дилу розларини Ёрга етказувчи элчи байтда қўлланилган радифдан ҳам маълумки пайғамбаримиз с.а.в.га мурожаат сифатида гавдаланган.

Мутасаввуф олим Нажмиддин Комилов таъкидлаганларидек, поклик сўфиёна адабиётда «сафо», «сидқу сафо», «руҳи қудсий», «малоҳат», «нури раҳмон», «субҳ» (тонг), «сабо» каби ташбеҳлар билан тасвирлангани бежиз эмас. Чунки комил инсон қалби мусаффо, нурланиб, порлаб турувчи ҳаёлий бир тимсолдай тасаввур этилган. Комил инсоннинг чехрасидан нур ёғилиб туради.<sup>3</sup>

*Ўлтуруб тахти тажаллида рафоъат қилмаса,  
Авлиёлар янглиг ул ҳаргиз каромат қилмаса,  
Пардадин юзни очиб бир йўл зиёфат қилмаса,  
Додхоҳдурман, қиёматда шафоъат қилмаса,  
Олмагон кўнглумни ул доим арозимга салом.*

Кўнгил жилвагоҳи тахтида ўлтирган Ҳақнинг элчисидан лутфу мартаба истаган девонаю мажнун ошиқ, гўё бир каромат ила дунё пардаларини кўтариб шафоати соясида ҳайрат жилвасини кўришга муштоклигини билдиради. Шу йўсинда мухаммас рўйи зард ошиқнинг куну тун Ҳабибга минг салому юз салом йўллаши билан тугалланади.

Давр ва даврон аҳли жафосидан шикоят, жамият дардларига даво излаш кайфияти ҳукмрон бўлган байт шоирнинг ишқий лирикаси қат-қатига сингдириб юборилган. Ижтимоӣ мавзудаги мухаммаслар мисолида шоир шеърятни фақат кишига бадиий завқ берувчи, киши ҳис-туйғуларини

<sup>1</sup> Юсупова Д. Алишер Навоӣ тахмислари. “Шарқ юлдузи”, Тошкент, 2013, № 2, 143-бет.

<sup>2</sup> Садоий Мирҳасан. Девон. Нашрга тайёрловчи Н.Мухитдинова. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2010, 168-бет. Монографияда шоир шеърларининг рақамланишида муаллиф томонидан нашрга тайёрланган Мирҳасан Садоий “Девон”идаги тартиб асос қилиб олинди.

<sup>3</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2010, 188-бет.

ни ифода этувчи санъат туригина деб тушунмасдан, балки унга буюк салафи анъаналарида содик қолиб ижтимоий ҳаёт муаммоларига ҳам фаол муносабат билдирувчи восита сифатида қарайди:

*Қолиб зулмат аро ўлдум, жаҳолат кўрмадим ҳаргиз,  
Ки бу нафси ямонимдин қаноат кўрмадим ҳаргиз,  
Замона подшоосидин адолат кўрмадим ҳаргиз,  
Вазири мўътабарлардин далолат кўрмадим ҳаргиз,  
Алам тортиб, жафо чекиб, ҳаловат кўрмаган жоним.*

Ушбу тахмис ўткир ижтимоий-сатирик руҳияти билан Қўқон адабий муҳитининг етук шоири Муқимийни ҳам илҳомлангирган. Муқимийда бу мухаммас тадбиғини “Ҳаловат кўрмаган жоним” сарлавҳасидаги мухаммасида кўришимиз мумкин.<sup>1</sup> Демак, Садоий кейинги давр ижодкорлари учун ҳам илҳом манбаи бўлиб келган.

Садоий ҳам маиший ҳаётнинг асосий мавзуларидан бири бўлмиш, бу мавзуга безътибор қолмаган ва “амирлар, подшолар мақсади, шоҳу гадо нондур” мисраси ҳар бандда такрорланиб келадиган ўн банддан иборат мухаммас битган. Бу мухаммасни нон неъматига қасида деса ҳам бўлади. Унда шоир ноннинг бандаларига Мавлонинг лутфи марҳамати, нур экани, барча неъматлардан аълолиги, ранги куёш рангида, ой шаклидалиги ҳар киши нондан юз ўгирса, албатта, йўлини йўқотишини баён этади. Садоий мухаммасидаги қуйидаги фикрлар Махмур шеърининг давомидек тасаввур уйғотади:

*Агар бўлса уйингда, эй жўро, дурри бу неъмат нон,  
Бўлуб аҳлу аёлингни бариси шод, ҳам хандон,  
Ўтар эр бирла хотин ўртасида айшлар чандон,  
Худойим айласун бечораларга нонни арзон,  
Амирлар, подшолар мақсади, шоҳу гадо нондур.*

Шоир девонидаги марсия-мухаммаслар соҳибкамол, пиру муршид дея таърифланган отасига, меҳрибон ва мушфиқ дея таърифланган онасига, ҳамда бевақт оламдан ўтган ўғлига бағишланган. “Тули наврастан садбарги хандонимдан айрилдим”, деган қайтариқ мисра билан ёзилган каттагина мухаммас шоирнинг бевақт оламдан ўтган ўғли ҳажрида ёзилган. Бу уч марсия – шоирнинг ҳасбу ҳол шеърятини ёритишда хизмат қилади.

Шоирнинг отаси ҳақида унинг бир марсия-мухаммасида анча батафсил маълумотлар келтирилди. Унга кўра, бу аълонасаб қария ғоят диндор, ҳамиша худою Мустафо ёдида, “хожа”, “мулло”, “вали” насабларига эга киши. Унинг катта боғу роғлари, мулку ашёлари бор эди, у кўп ғарибу хасталар дилини шод айлар эди. У шунчалар яхши инсон эдики, ҳар қандай одамни фарзанд ўрнида кўрар, кимда ранжу меҳнат бўлса, у ҳамкор, ҳамдард ва балоғардон эди. Тарикатпеша ёки тарикатгоҳ эди. Шоир таърифлашича, отаси шайх Шиблий ва шайх Бистомийдан кейинги “шайхи соний” эди. У ваҳдат майдан баҳраманд бўлган, бир қатра неъматга ҳам қаноатли эди. У суннату одобни сира тарк этмаган, шариатдан ташқари бир қадам ҳам қўймаган боқарам зот эди. Хуллас, у нур, нурдан иборат бир хилқат эди:

*Мисли бир хуриед, сар то по ғарқи нур эди,  
Гарди исёндин ани дилҳои поки дур эди,  
Орифи ҳақ, носирин, жумладин мансур эди,  
Ул Сулаймон, ман каби фарзандлари муздур эди,  
Жон отам, Каъбам, азизим, меҳрибоним ал-видо.*

Шоир отасининг соҳиби сулук, муршид эканини: “Ҳам сулуки илми ҳолни айласак, хатми кутуб...”, “Хизмати пирларни қилгон муршиди комил отам”, дея таъкидларкан, падари бузрукворни замонасининг етук олими бўлганлиги билан ҳам ифтихор қилади:

*Доимо оят, ҳадис эрди ҳама гуфторингиз,  
Амри маъруф айламак эрди бу касбу корингиз...*

Аммо шунча илм ва донишмандликдан ташқари, унинг яна бир фазилати бор эди. Бу кекса донишманд ҳалол меҳнати орқасидан рўзғор ўтқарар эди. Унинг боғбонлиги ҳақида шоир: “Кўп дарахтларни кўкартириб нозу неъматлик отам, Қайси ерга борсалар бисёр иззатлик отам...”, деб ёзади. У ўзининг топган даромадидан барчага хайру эҳсон қилар эди: “хайр этарда оламда соҳибҳиммат эди”, дунё молини оёғи остида хор қилган эди: “Хайр эшикин аввалидин то бу дам во

<sup>1</sup> Муқимий. Асарлар. Тошкент, “Ғафур Ғуло номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1974, 305-бет.

айлаган, Мехри дунёни саропо ул таги по айлаган”. Шайхда бу камолот ислом неъматидан юзага келган эди:

*Ҳақ таоло ёди бирла доимо гирён эди,  
Беваю бечораларни дардига дармон эди.  
Соҳиби илму амал ҳам қориш Куръон эди,  
Жомеъ ул эрди фазоил, хосият чандон эди,  
Жон отам, Каъбам, азизим, меҳрибоним ал-видо.*

Шоир ана шундай фозил инсон тарбиясини олганини баён этади:

*Бул мани асли кичикдин жон ичига жо қилгон,  
Тарбият айлаб тилимни булбули гўё қилгон.  
Таълим айлаб ўнгу сўлни, на ажаб огоҳ қилгон,  
Ўқутуб мактаб ичинда ҳам яна мулло қилгон,  
Жон отам, Каъбам, азизим, меҳрибоним ал-видо.*

Соҳиби сулук, тариқатпеша инсон кўлида тарбия топган шоир ҳам ақлан, ҳам илман камолга етгач, тариқатга кириб, ўз даврининг йирик муршидларидан бири – Хўжаназар Хувайдога мурид тушадди. Бу воқеа шоирнинг отаси тириклигида ёки ундан кейинги даврда содир бўлгани ҳақида бирор-бир маълумот топа олмадик. Фикримизча, Садой отасининг вафотидан кейин тариқатга кирган. Агар отаси ҳаёт бўлганда, у тариқатнинг отаси мансуб бўлган оқимидан кетган бўлар эди.

Садойнинг отаси мўътабар, соҳибкамол деб таърифланган бўлса ҳам, унинг исми ҳеч ерда қайд этилмаган. Девондаги ягона марсиядан ташқари, биз бу муршиди тариқат ҳақида, унинг тариқати, халифалари, муридлари ҳақида ҳам бирор маълумотга эга бўла олмадик. Аммо марсия – мухаммасда бу покиза зотнинг тўлиқ васфи ва тасвири анча мукамал берилган бўлиб, унинг бадий тимсоли яратилган. Шоир биргина бадий лавҳа орқали отасининг ўз ҳаётида қанчалик катта мавқе эгаллаганини ифодалаб беради, яъни “отам менинг ғамларимни қатл этувчи соҳибқироним эдилар”, деб поэтик образлар яратади. Шоир онаси вафотига бағишланган марсиясида эрта етим қолгани ва волидаси унга ўта меҳрибон бўлганини баён этади.

Шоирнинг онаси ҳақида ҳам девондан ўрин олган марсия-мухаммасдан маълумот олишимиз мумкин. Шоир ҳасрат билан онасининг ғоят дилбар, меҳрибон, мушфиқ аёл экани, унга жуда ҳам сўянганини сўзлайди:

*Эй ано, меҳрубоним, бизга кўб ғамхор эдинг,  
Марҳаматлик волидам, ҳар мушқил ишида ёр эдинг,  
Ҳамнишин, ҳам улфату, ҳар маслаҳатга бор эдинг,  
Меҳнату ранжу аламда бизга кўб даркор эдинг,  
Жон аном, эй қиблагоҳим, меҳрубоним, қайдасан?*

Шоир азиз онасининг ҳам фазилатда отасидан кам эмаслигини қайд этади. Бу оқила аёл ҳам тириклигида “дили уйғоклар”, “дили огоҳлар” билан бирга бўлди, умри тоату такво билан ўтди, “Фи сабилллаҳ хайру эҳсонлар қилди”.

Девондан жой олган яна бир ҳасби ҳол мазмунидаги ғазалда шоир оилали, фарзандлари кўп бўлгани бир ўғлининг касалланиб вафот этгани тарихини баён этади. Бу каттагина мухаммас “Тули наврастаи садбарги хандонимдан айрилдим”, деган қайтарик мисра билан ёзилган. Шоирнинг ўғли нозанин, малаксиймо, қамартальят, Эрам боғида битган хиромон, Юсуфи соний. У ҳамма фарзандларидан кўра шоирга меҳрибонроқ, “ажаб ширинзабонроқ” эди. Унинг алоҳида бир фазилати шундан иборат эдики, у худди машхур шайх бобоси, такводор сўфий отаси, муслима онаси сингари “хослар ишқи” вакили, ориф “Худо йўлида йиғлабким, ҳамиша бағри қон бўлгон” эди. Шундай оқилу порсо фарзандидан айрилган ота “қон ютиб”, 21 банддан иборат марсия-мухаммасни унинг хотирасига бағишлайди ва Яратгандан ўзига сабр-матонат тилайди.

Шу қаторда шоир девонида мувашшаҳ-мухаммаси ҳам мавжуд бўлиб, бунда ушбу фарзандининг исми “Мансур” эканини келтириб ўтган:

*Раҳм қил манга сан, эй ёри бебок,  
Фироқинг ханжари қилди юрак чок,  
Садой айтадур эй гавҳари пок,  
Олинг ҳар бандидин бир ҳарф чолок,  
Бўлур пайдо отингдин ном «Мансур».*

Садой бу беш банддан иборат мухаммасида мувашшаҳ санъатини ишлатган. Мувашшаҳ санъати шундайки мухаммасни ҳар бандини биринчи мисрасини, биринчи сўзини, биринчи хар-

фини олиб ўқулса, бир кишини номи ҳосил бўлади. Масалан, 1- م, 2-ن, 3-ص, 4-و. ва 5-ر ҳарфлари олиниб ўқилса, منصور «Мансур» номи келиб чиқади.

Садой шерьията ўзининг услубига эга бўлса ҳам, бадий баркамолликка эришиш йўлида Машраб лирикасидан ўзига хос бир мактаб сифатида фойдаланган. У бошқа жанрлардаги асарларида ҳам Машраб шерьиятига мурожаат қилади. Хусусан, Машрабнинг “Сани шоҳим бул тун шаҳаншоҳига шоҳ, деб келдим” мисраси билан бошланувчи ғазали асосида пири мадҳида бир мухаммас яратади. Етти байтдан иборат ушбу мухаммаснинг ҳар бандида пир таъриф тавсиф этилади, унинг камолу тальати, ҳаётбахшилиги, саховатпешалиги, толибнинг унинг даргоҳига бош қўйиб қилган зору таваллолари ўзига хос бир тарзда акс этади. Машраб ғазали Садой илҳомини жўшурдиради. Фикру мушоҳадасини бойитади. Санъаткорлигига сайқал бахш этади. Шоир буюк Машраб овозига овозини қўшиб, унинг илмидан, руҳидан куч, озик олади:

*Карам даргоҳида дўстлар, бугун Аллоҳ деб, келдим,  
Кечиб ул молу мулқумдин яна сад оҳ деб, келдим,  
Қоронғу зулмат ичра қолдим бир моҳ деб, келдим,  
Сани шоҳим бу тун шоҳанишаҳига шоҳ деб, келдим.  
Тамоми осийлар аҳволидин огоҳ деб, келдим...*

Шуни таъкидлаш лозимки, Садой Шарқ мумтоз адабиётида илк бора ўз ғазалларига тахмис боғлаган Алишер Навоий аънаналарига ҳавасмандлик билан ўз ғазалларидаги моҳиятни тахмисларида давом эттиради, чуқурлаштиради.<sup>1</sup> Юқоридаги тахмисида девонидан жой олган пир остонаси тавсифига бағишланган 146-ғазалига пайравлик оҳангини кузатишимиз мумкин:

*Даргоҳингга бир ожизу бемор келибман,  
Узрум кима айтмаклик учун зор, келибман...  
Лутфу караминг айладим, дардимга даво қил,  
Бир зору заиф, хастау бемор келибман...  
Зорию таваллоий Садойники булдур,  
Оч пардани деб, толиби дийдор келибман.*

Шоир нақлий илмларни (илми қол) яхши эгаллагач, илми ҳолни чуқур ўзлаштиришга ҳам рағбат қилади. Ҳол илми устоддан таълим олиш воситаси билан эмас, балки бир пири комил қошида ҳосил қилинади. Бу билим орқали инсон қалби дардига даво топади. Дил ойнаси турли нопок нарсалардан тозаланиб, сайқалланиб жилоланади. Шу боис Садой ҳам қалб дардига дармон бўладиган ҳозик табиб – пир ахтаради. Ғазалда маълумки, соҳиби сулук, тариқатпеша инсон қўлида тарбия топган шоир ҳам ақлан, ҳам илман камолга етгач, тариқатга кириб, ўз даврининг йирик муршидларидан бири – Хўжаназар Хувайдога мурид тушади. Бу воқеа шоирнинг отаси тириклигида ёки ундан кейинги даврда содир бўлгани ҳақида бирор-бир маълумот топа олмадик. Фикримизча, Садой отасининг вафотидан кейин тариқатга кирган. Агар отаси ҳаёт бўлганда, у отаси тариқидан кетган бўлар эди. Отасига бағишланган марсия-мухаммасда қиблагоҳини нисбатда Шайхи соний деб таърифлар экан, демак, шоир отасининг вафотидан кейингина пир қошига интилган. Садой девонида пири билан боғлиқ мавзуга бир неча бор мурожаат қилади. Хувайдонинг вафоти саналарини ҳам аниқ шеърларида келтириб ўтади. Жумладан, пирининг ҳам бевақт ўлими билан боғлиқ кечинмалари эса қуйидаги девондаги ягона еттилик-мусаббаъда гавдаланади:

*Жустужўи пири комил айлайин,  
Ҳасбу ҳолимдин фазоил айлайин,  
Май ичиб ақлимни зойил айлайин,  
Қатл этар қонимга қойил айлайин,  
Шояд ул дилбарни мойил айлайин,  
Ул париваи манга мойил бўлмади,  
Ал-ғараз мақсуд ҳосил бўлмади.*

Мусаббаъ мусамматнинг кам учрайдиган тури бўлиб, еттилик бандларнинг ҳар сўнгги байтида такрорланиб келган мисраларда кўриниб турибдики, Хувайдо ва Садойнинг пир-муридлик, устоз-шоғирдлик муносабатлари кўпга чўзилмайди. Хувайдо ҳаётдан кўз юмади ва муриднинг мақсуди ҳосил бўлмади.

<sup>1</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари. “Шарқ юлдузи”, Тошкент, 2013, 2-сон, 443–449-бетлар.



Муҳаммад Ғозий девонида 11 та мухаммас мавжуд бўлиб, 4 таси форс тилида, 6 таси ўзбек тилида ва биттаси ширу шакар услубида ёзилган. Тўртта форс-тожик тилидаги таъби худ мухам-масдан биринчиси наът мухаммасдир:

*Ассалом, эй рухат оинаи анвори сифот,  
Остони ту бувад қиблаи аҳли Ҳожот,  
Дастгири ҳамаи халқ ба рӯзи арасот,  
Бе рӯи ту нест улувви дараҷат,  
Марҳабо Саййиди кавнайн, алайка-с-салот.*

Пайғамбаримиз с.а.в. сиймоси сифатланган ушбу мухаммасда Қиёмат кунида Исрофил фа-ришта а/с иккинчи сурни чалгандан сўнг ҳамма халоиқ тирилиб, ялангоч ҳолда, қабрлардан чиқиб, Аллохни буйруғини кутадиган ҳолат, яъни ҳали ҳеч кимга бирор томонга (на жаннат на дўзах) бо-ришга буйруқ бўлмаган соатда инсониятга шафоъат билан юзланадиган улуғ зотга салавот ва са-ломлар йўлланади. Шоирнинг форс-тожий тилида битилган мухаммас ва мусаддаси наът мавзуси-га бағишланган бўлиб, буни кейинги бобнинг биринчи фаслида (4.1-фасл) махсус тадқиқ этишни мақсад қилдик.

Шоир девонидаги 5-тахмисидаги “Ҳай, ҳай на ажаб, санами сарви равонсан, Не сарви равон, бошдин аёқ офати жонсан” қайтариқ байтлари эса оташнафас Машраб анъаналарига пайравлик на-мунаси сифатидп кўзга ташланади.

Кўкон адабий муҳитининг маърифатпарвар шоири Мирҳасан Садоий девонида мавжуд му-хаммаслар жанр нуқтаи назаридан мукамал битилган бўлиб, ўша даврда яратилган баёзлардан ҳам Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бедил каби шоирлар шеърлари қаторида ўрин олган. Жумладан, Са-доийнинг “Салом” радибли мухаммаси, ғазалларини баёзларда киритилганини гувоҳи бўлдик. Ай-никса, Мирҳасан Садоий шарқ мумтоз анъаналари таъбида камолга етгани билан кейинги давр ижодкорлари учун ҳам илҳом манбаи бўлган. Бу эса ижодкор шеърятининг давр адабий муҳити-даги юксак қиймати билан эътироф этилади.

Шоирлар ижодида давр шеърятининг анъанавий ҳодисаларидан бири бўлган мухаммасна-висликнинг юксак намуналари ҳам салафлар ижодига издошлик, адабий таъсир ва ўзига хослик масалаларини очиб беради. Садоий тахмислари ғоявий-бадий жихатдан ирфоний, ижтимоий, ав-тобиографик аҳамиятга эгаллиги билан, Алишер Навоий, Хувайдо, Машраб ижодига пайравлик-нинг гўзал намуналарининг мавжудлиги билан шоир ижодхонасининг манбаларини асослайди. Шоир ижодининг Шарқ мумтоз шеърятини таъсирида шаклланган юксак бадиияти, ўз навбатида, улардан кейинги шоирлар учун ижод мактаби вазифасини ўтаганлигида ҳам кўринади.

#### **Qarshiyev Komil Abdikarimovich (SamDU tadqiqotchisi) G‘AZALNING TEMATIK TADRIJI HAQIDA BA‘ZI MULOHAZALAR**

***Annotatsiya.** Maqolada g‘azal janrining tarixiy tadriji davomidagi tematik rivoji, tasviridagi mar-казий mavzu va uning zamonaviy lirikadagi, xususan, Jamol Kamol ijodidagi o‘rni, mohiyati haqida fikr yuritilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматривается тематическое развитие жанра газели в процессе исторического развития, основная тема газели, ее место и сущность в современной лирике, в час-тности в творчестве Джамала Камала.*

***Annotation.** The article discusses the thematic development of the gazelle genre in the course of its historical development, the central theme of its description and its place and significance in modern ly-rics, in particular, in the works of Jamal Kamal.*

***Kalit so‘zlar:** g‘azal, mavzu, mazmun, shakl, ishq, lirika, qolip, obraz.*

***Ключевые слова:** газель, тема, содержание, фигура, любовь, лирика, форма, образ.*

***Key words:** gazelle, theme, content, form, love, lyrics, pattern, image.*

Ma’lumki, har bir badiiy janr adabiy turlar miqyosida o‘zining muayyan poetik qonuniyatlariga ega bo‘lib, umuminsoniy qadriyatlar va milliy ruhni badiiy jilolangan so‘zlar vositasida namoyon etadi. Xusu- san, lirik turdagi har bir janr nimani qanday kuylashi nuqtayi nazaridan o‘z poetik mezonlariga ega. Ma- salan, g‘azal kuy va maqom jo‘rligida asrlar davomida xalq qalbidan chuqur joy olib, muayyan voqelikka asoslangan fikrni dard, tuyg‘u, kechinma, vash, madh, firoq va faxr kabi lirik emotsiyalarning birida ja- rangdor, mahzun yoki hajviy yo‘sinda aks ettirib kelgan.

“Gʻazal (arabcha – ayollarga sevgi va munosabat izhor qilish), asosan, ishq-muhabbatni kuylovchi, muhabbat kabi judayam qadimiy, doimo yangi boʻlgan lirik sheʻrdir. Gʻazal mavlono Fuzuliy tabiricha, “shoir qudratini bildiruvchi, hunarning guli-gulistonidir. Mavlono Vohid Abdullayev nazdida, “Qalb qonidan ochilgan loladir”.<sup>1</sup> Gʻazalning qadimiyligi unda “eski, eskirmaydigan dard-muhabbat” kuylanishida boʻlsa, “doimo yangiligi”ni esa Xodi Toʻhtosh taʼkidlaganidek, “uni (muhabbatni) har bir qalb yangilashi” hamda muhabbat mavzusining badiiy adabiyotdagi abadiy kuylanuvchi mavzu ekanligi bilan izohlash mumkin. Gʻazal XX asrgacha boʻlgan tarixiy tadriji davomida lirikaning bosh janriga aylandi. Ayniqsa, Alisher Navoiy oʻzbek sheʻriyatida gʻazalni eng yuksak choʻqqiga koʻtardi. Shuning uchun Navoiy hazratlari yashagan davrni gʻazal janri taraqqiyotining oltin asri deyish mumkin. XIV–XV asrlarning turkiy adabiyotida Atoy, Lutfiy, Gadoiy va Navoiy ijodida gʻazal janrining monumental namunalari yaratilgan boʻlib, ular zamonaviy adabiyotgacha boʻlgan davrda ijodiy ilhomlantirish va badiiy mezon vazifalarini oʻtadi. XVIII–XIX asrlar maʼrifatparvarlari: Turdi Farogʻiy, Maxmur, Zavqiy va Muqumiy kabi shoirlarning satirik gʻazallarida mavzu va tasvir obyekt ilohiy dard-u gʻam ifodasidan yerdagi tashvishlar tomon tushib, hajviy yoʻsinda xalq dardi kuylangan.

XX asrda zamonaviy oʻzbek adabiyotida yuz bergan janriy evrilishlar bu janrning shakliy qoidalari: hajm, vazn, qofiya, radif, kompazitsiyasi kabilariga taʼsir koʻrsatib, uning sezilarli kamayishiga olib keldi, ammo gʻazal XX asr oʻzbek adabiyotini milliy va anʼanaviy ruh, ohang bilan sugʻorib, oʻzining mazmun va gʻoyasini, badiiy jarangini va poetik ifodasini saqlab qoldi. Jumladan, Jamol Kamolning 1989-yilda yozilgan “Navolar istar” nomli sheʻri toʻrt band oʻn olti misradan iborat boʻlib, shaklan murabbaqa, mazmunan gʻazalga oʻxshaydi:

*Yuzingga oy tugul quyosh ham banda,  
Sehrlar sendadir savdolar senda.  
Lutf ayla yangrasin ajib bir xanda,  
Shoir lablaringdan sadolar istar.*<sup>2</sup>

Ushbu universal sheʻrda gʻazaldagi doimiy ikki obraz–oshiq va maʼshuqning mavjudligi, goʻzalning Layliga talmeh orqali tashbeh qilinishi, labining “laʼl” deya istioraviy ifodalanishi, “*Yuzingga oy tugul quyosh ham banda*” kabi mubolagʻaviy jonlantirish va kontrast tasvir, soʻzlardagi mumtoz anʼanaviy oʻynoqi ohang va jarang mazmunan ishq lirikasining bosh janri boʻlgan gʻazalni esga soladi. Sheʻrning “*Sehrlar sendadir, savdolar senda*” misrasidagi “s” undoshi bilan bogʻliq alliteratsiya oʻz vazifasini har qanday janrda bajaraveradi, ammo “*lutf ayla*”, “*banda*”, “*xanda*”, “*laʼl*” kabi soʻzlar mumtoz lirikadan toʻyingan qalbdan sizib chiqqan intim tuygʻularni gʻazal ohangida ifoda etayotgani tayin. Anglashiladiki, gʻazalda muqaddas tuygʻu – ishqning asosiy mavzu sifatida kuylanishi uni umrboqiylikka eltgan, negaki zamonaviy lirikada ham gʻazalning mazmuniy elementlaridan professional shoirlar hanuz ijodiy foydalanib keladi. Buni sevgi lirikasidagi doimiy uchlik: oshiq, maʼshuq va raqib timsollarining munosabotlari tasdiqlaydi va zamonaviy uslubdagi lirikada namoyon etadi.

Gʻazal vatani boʻlgan arab adabiyotida shaklan gʻazalga aynan oʻxshash, sevgidan boshqa mavzular kuylangan sheʻrlar gʻazal deb nomlanmagan. “Xan-al Faxuriy arab lirikasidagi shunday sheʻrlarning quyidagi turlarini keltiradi:

1. Faxr – bunda avtor oʻzini, oʻz shaxsiy sifatlarini, urugʻi sifatlarini va urugʻdoshlarini maqtaydi.
2. Madh – qahramon va uning urugʻi xizmatlari sifatlarini sanash, maqtash.
3. Riso – marsiya, oʻlgan kishining xotirasini eslash, uning sifatleri va xizmatlarini sanash.
4. Hijo – hajviy sheʻr, biror kishi yoki uning urugʻdoshlari toʻgʻrisida satira yozish, undan sarkastik kulish va insoniy gʻururi, qobilyatini kamsitish.
5. Zuhd – diniy gʻoyalarni olgʻa surish, asketik mulohazalarni bayon etish, ollohga murojaat qilish, oʻlimni yaqinlashtirishga chaqirish.
6. Hikma (hikam) – filosofik-aforistik gʻoyalarini bayon qilish, axloq-odobga doir maslahatlar berish.
7. Vashf – biron voqea-hodisani tasvirlash yoki tekshirish”.<sup>3</sup> Oydinlashadiki, arab sheʻriyatida faqat ishq-muhabbat mazminidagi sheʻrlar gʻazal deb nomlangan, shakliy meʼyorlar ikkilamchi xususiyatga ega boʻlgan, negaki yuqorida sanalgan sheʻrlarning hajmi, vazni, qofiyalanishi va kompazitsiyasi gʻazaldan farq qilmagan. Bu janr fors-tojik, ozarbayjon, turkman va oʻzbek adabiyotida tematik rang-baranglik kasb

<sup>1</sup> Umurov H. Adabiyot qoidalari. Toshkent, “Oʻqituvchi”, 2003, 201-bet.

<sup>2</sup> Камол Ж. Ёнаётган дала. II жилд, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2018, 22-бет.

<sup>3</sup> Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Тошкент, “Фан”, 1976, 18-бет.

etgan, ammo ishq o‘zak mavzu bo‘lib qolavergan. “Tadqiqodchilar klassik lirikada “oshiqona g‘azallar”, “orifona g‘azallar”, “qalandarona g‘azallar” mavjudligini ta’kidlaydilar. Oshiqona g‘azallarga oshiq va ma’shuq, orifona g‘azallarga vahdat va vujud (Tangri va inson), qalandarona g‘azallarga may va darvesh munosabatlari asos qilib olinadi. Ularning barchasini umumiy mavzu – ishq birlashtirib turadi.<sup>1</sup> Zamona-viy she’riyatda g‘azalning shakliy belgilari saqlanib, ishq markaziy mavzudan uzoqlashgan. Sayyor janr sifatida Sharq xalqlari adabiyotiga ko‘chib o‘tgan g‘azalning hajmi, kompazitsiya (matla’, maqta’, begona bayt kabi)si, qofiyalanishi, vazni kabi shakliy unsurlariga qat’iy rioya qilingan bo‘lsa-da, unga ijtimoiy-siyosiy, diniy-ma’rifiy, falsafiy, hajviy va peyzaj singari yondosh mavzular tarixiy taraqqiyoti davomida qo‘shilgan.

Bizningcha, g‘azal arab poeziyasida VI–VII asrlarda paydo bolib, turkiy adabiyotda XIV asrning birinchi yarmi (Rabg‘uziy va Xorazmiy ijodi)da mustaqil janr sifatida namoyon bo‘lgunga qadar ham tematik va g‘oyaviy rang-baranglikka erishgan, chunki o‘zbek lirikasidagi ilk g‘azal – Nosiriddin Rabg‘uziyning ramali musammani mahzuf vaznidagi Navro‘z va bahor madhiga oid “*Kun hamalg‘a kirdi ersa keldi olam navruzi*” misrasi bilan boshlanuvchi g‘azali mavzusiga ko‘ra peyzaj g‘azal bo‘lib, unda musulmon taqvimi bo‘yicha hut oyi tugab, hamal oyining birinchi kuni (21-mart)da sharqona yangi yil, yangi kun – Navro‘z kirib kelishi, tabiatning qayta uyg‘onishi, bahor tarovati tasvirlangan. Qolaversa, g‘azalning turkiy adabiyotda XIV arsdan ilgariroq paydo bo‘lganligini ko‘rsatuvchi badiiy manbalar mavjud bo‘lib, ular aniq ilmiy-metodologik yechimga ega emas. Masalan, turk dunyosining mashhur mutasavvufi Ahmad Yassaviyning “*Beshak biling, bu dunyo barcha eldan o‘taro*” misrasi bilan boshlanuvchi hikmat she’ri hajmi, qofiyalanishi va kompazitsiyasi nuqtayi nazaridan g‘azalga to‘la mos yoki xalq og‘zaki poetik ijodidagi “Kuntug‘mish” dostonida cho‘pon tilidan aytilgan “*qaydan kelasan, ayg‘il*” radifli g‘azalning mavjudligi ham buni ko‘rsatib turibdi. Bu esa g‘azalning xalq og‘zaki ijodida mislsiz darajada ommalashganidan dalolatdir. Xalq og‘zaki ijodidagi yoki xalq og‘zaki ijodi orqali bizgacha yetib kelgan asarlarda ham g‘azal tematik rang-baranglikka ega bo‘lgan. G‘azal janrining tadrijiy taraqqiyoti davomida ham undagi bosh mavzu ishq-muhabbat bo‘lib qolavergan, ammo ijtimoiy muammo va fikrlar unga yondash mazu bo‘lib qo‘shilib borgan, chunki g‘azalning xalqona janrligi bunga zamin hozirlagan, kuylangan xalq dardini ommalashishida o‘ziga xos badiiy-publiksistik funksiyani bajargan. Jumladan, g‘azal janrini XX asrdan XXI asrga mumtoz poetik me’ros sifatida olib o‘tgan hassos shoir Jamol Kamol ijodidagi ikki yuzdan ortiq g‘azallar tematikasida ham ishq-muhabbat bosh mavzu bo‘lishi bilan birga, ularda ijtimoiy-siyosiy, ekologik muammolar mavzusi ham yondash tarzda tarannum etilgan. Masalan, shoirning hazaji musammani solim vaznidagi

*Ucharlar bu nafas daryoyi Jayhun ortida o‘qlar,*

*U yoqda beomon janglar mening jonimda og‘riqlar.*

matlali g‘azalida Afg‘on tuprog‘idagi jang qoralanishi fonida umumturklarning madaniy markazida Alisher Navoiy, Bobur Mirzo, Husayin Boyqaro va Mashrab kabi millat faxri bo‘lgan buyuk ajdodlarimizning hoki toptalishi bugungi turk dunyosining ijtimoiy-siyosiy qusiri ekanligi mumtoz ohangdagi badiiy bo‘yoqlarda aks ettirilgan.

Xullas, olti asrlik tarixiga ega g‘azal janri tematik taraqqiyoti asrlar osha o‘zining bosh mavzusi – ishqni badiiy tasvir vositalarda kuylashi bilan birga, tasvir ko‘lamini kengaytirib borgan. Hayotning in’kosi bo‘lgan adabiyotda insonning tasvir obyekt o‘zagini tashkil qilishi jamiyat va shaxs munosabatlarini mavzu ko‘lamiga olib kirgan. Buni Jamol Kamol g‘azaliyoti misolida ko‘rish mumkin.

<sup>1</sup> Камол Ж. Шеър санъати. IV жилд, Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2018, 145-бет.

**Байджанов Бекзод Хантбоевич (Фарғона Давлат университети таянч докторанти; baybekzod@gmail.com)**

**ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАР – ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА**

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўқувчи-ёшларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли ахборотлар, ўқувчиларда мафкуравий иммунитетини шакллантириши ҳамда уларни зарарли ахборотлар тахдидидан ҳимоя қилишнинг самарали йўллари тадқиқ қилинган.*

***Аннотация.** В статье исследуется негативное влияние вредной информации на физическое и умственное развитие молодёжи, формирование у учащейся молодежи идеологического иммунитета и эффективные способы защиты её от угроз вредоносной информации.*

***Annotation.** This article examines harmful information that negatively affects the physical and mental development of students, the formation of ideological immunity in students and effective ways to protect them from the threat of harmful information.*

***Калим сўзлар:** ахборот, ахборот хавфсизлиги, “оммавий маданият”, ўқувчи, ахборот психологик хавфсизлик, интернет.*

***Ключевые слова:** информация, информационная безопасность, “массовая культура”, ученик, информационная психологическая безопасность, интернет.*

***Key words:** information, data security, “mass culture”, student, information psychological security, internet.*

Глобаллашув жараёнларининг асосий тенденцияларидан бири ахборот алмашинувининг интенсификашуви, ахборот майдонлари ва маконларининг ўзига хос мафкуравий полигонларга айланиб бориши билан тавсифланади. Бу омил, айниқса, таълим тизимида муайян хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ахборотларни зарарсизлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси юқорида таъкидлаганимиздек, миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, ахборот ҳимояси эса давлатнинг бирламчи масалаларига айланмоқда. Ахборот оқими тезлик билан тарқалаётган ҳозирги даврда инсонлараро мулоқот ва ахборот алмашинувида ҳар бир инсон учун ўзга юртлардаги воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумот олишда бу манбаларнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, фақат ахборот манбалари орқалигина қисқа муддатларда ҳар қандай маълумотлар ва янгиликлардан хабардор бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда ахборот манбаларининг турлари ҳамда инсон ҳаётидаги ўрни кенгайиб бормоқда, натижада бу таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир билан биргаликда ўз тахдидини ўтказмоқда. Бундай ҳолат ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътиборни ва маъсулиятни янада оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони<sup>1</sup> ҳамда ахборот ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилаётган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларимиз, айниқса, ёшлар олдига ахборот тахдидларига қарши курашиш борасида бир қатор вазифаларни кўяди.

Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёевнинг “Бугун ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини ҳазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламай чиқаман. Ахир, кечагина бу ёшлар ўзимизнинг қорақўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл кўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналар кўлига ўтиб кетди? Нима жин

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараккиёт ва янгилашни сари. Т., Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017, 92-бет.

урди-ю, улар ўз ота-онаси, ўз юртининг душманига айланиб қолди?” деган хитоблари ҳаммамизни чуқур мулоҳаза қилишга даъват этади.<sup>1</sup>

Ахборот хуружи аввало, талабаларга қаратилар экан, бу хуружнинг салбий сиёсий қарашларни шакллантирувчи омилларини кескин равишда педагогик-психологик жиҳатдан бартараф этиш шарт.

Маълумки, замонавий жамият сифат жиҳатидан ўзгача ривожланиш шакли – ахборотлашган жамият ёки яна-да кенг маънода – ахборот цивилизациясига ўтиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Ахборот тарқалиши тезлиги ва жараёнларининг кескин ортиши, хусусан, ахборотни шакллантириш ва уни тарқатиш технологиясини яратилиши билан ифодаланади.

Инсон бевосита тажриба, шахсий мулоқот, шунингдек, турли-туман ахборот манбалари (китоблар, радио, телевидение, журналлар, газеталар ва белги-рамз кўринишидаги бошқа манбалар) орқали зарур ахборотга эга бўлади. Бинобарин, ижтимоий ривожланиш қонунияти ахборот манбалари, шу билан бирга, бевосита тажриба ва шахсий мулоқотдан олинган ахборот улушининг кескин ортиши ва устунлиги билан белгиланади.

Бизнинг ушбу фикримиз тадқиқотчи олимлар Г.В.Грачев, И.И.Мельниклар томонидан ҳам эътироф этилган: “Жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг мураккаблашуви ва инсоннинг кундалик турмушига ижтимоий ўзгаришларнинг бевосита таъсири уни оммавий коммуникация воситалари хабарлари оқимида яна-да боғлиқ қилиб қўяди. Инсон жамиятдаги ижтимоий хатти-ҳаракати ва ҳаёти учун зарур баъзи маълумотларни кундалик тажрибасига асосланган ҳолда олади. Ижтимоийлашувга таъсир этувчи маълумотларни эса теле ва радиодастурлар ҳамда даврий нашрлардан олиш мумкин.”<sup>2</sup>

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, инсон ва унинг кундалик ҳаёти оммавий коммуникацияга боғлиқ бўлиб, у ўзига хос “иккинчи воқелик” – “субъектив воқелик”ни ҳосил қилади, унинг таъсири объектив воқеликнинг таъсири сингари бирмунча муҳимроқдир.

Бугуни кунда Ўзбекистонда юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жамият ахборот муҳитининг кескин сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгаришига сабаб бўлди. Бу ҳодисалар телекоммуникация воситалари ҳамда ахборот технологиялари тизимларининг жадал ривожланиши шароитида юз бериб, бу жамиятдаги ижтимоий бошқарув соҳасида ахборот-телекоммуникация жараёнлари ва турли даражадаги ахборот омиллари йиғиндисини таянч нуктага чиқаради.

Мураккаб тизимга эга ахборот муҳитида жараёнли таркибий қисм унинг динамик ва ўзгарувчан қисми – ахборот-коммуникация жараёнлари сифатида фарқланиб, улар яқка тартибли, гуруҳли ва ижтимоий психологияга (хусусан, индивидуал, гуруҳ ва омма онгига) фаол таъсир этади. Ушбу фикримизнинг тасдиғи сифатида рус олими Г.В.Грачевнинг фикрини келтириб ўтамиз: “Жамиятнинг маънавий соҳаси маълум даражада ахборот муҳитининг бевосита таъсирига учраб, унинг деформацияси ва деструктив ўзгаришлари руҳий-эмоционал ва ижтимоий зўриқиш, бузилган ахлоқий меъёр ва мезонлар, нотўғри ижтимоий стереотип ва йўл-йўриқлар, ёлғон мўлжал ва қадриятларлар шаклида, ўз навбатида, ижтимоий, жумладан сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг асосий соҳаларидаги жараён ва ҳолатларга таъсир этади”.<sup>3</sup>

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг замонавий педагогик муҳитида устувор миллий таълим лойиҳаси доирасида ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришни амалга ошириш вазифаси белгиланган.

Бугунги кунга келиб, юртимизнинг барча таълим муассасалари компьютер базасига эга бўлиб, улар интернет тармоғига чиқиш имкониятига эгадир. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларга ахборот технологиялари бўйича таълим бериш соҳасида маълум тажриба тўпланган

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларга кўра, мазкур вазиятда педагогика фанида ахборот-коммуникацион технологиялари бўйича назарий асослар ишлаб чиқилганлигини қайд этиш мумкин. Аммо, шу билан бирга, замонавий ўқувчи ахборотларга нисбатан танқидий фикр билан ён-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анижуманда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 17 июнь.

<sup>2</sup> Грачев Г.В., Мельник И.И. Манипулирование личностью: организация, способы и технологии информационно-психологического воздействия. М., “Алгоритм”, 1999, 41 с.

<sup>3</sup> Шу манба. 43-бет.

дашиш ёки бирор-бир хабарнинг яширин маъносини тушуниш, онгнинг оммавий ахборот воситалари томонидан бошқарилишидан ҳимояланишга ўргатиш методикаси ишлаб чиқилмаган.

Г.Г.Грачев, И.Мельник, Г.Г.Почепцов, Х.Домозетов, А.В.Шариков ва бошқаларнинг ахборот хавфсизлигига бағишланган илмий тадқиқотларида ахборотнинг инсонга таъсири турлича йўналишга эга бўлиши, шу жумладан, маълум мақсадларга (масалан, сиёсий сайловлар, реклама, умуммиллий, умуминсоний кадрятларни ўзгартириш ва ҳоказога) эришиш учун ахборот ёрдамида шахснинг онги ва руҳиятига таъсир этиш мумкинлиги кўрсатилган.

Сўнгги йиллардаги илмий психологик-педагогик тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган мавзу йўналишининг муҳимлигига қарамай, ҳозирги кунда ушбу мавзудаги илмий ва амалий ишларга оид манбалар етишмайди. Зеро, Н.И.Саттарова томонидан бажарилган тадқиқот ишида боланинг интернет тармоғида ишлаш хавфсизлигига эътибор қаратишга урғу берилди.<sup>1</sup>

Муаллиф педагог, ўқувчилар ва ота-оналар учун бир қанча тавсиялар бериб ўтган. Лекин тадқиқотда айнан таълим муассасаси ҳамда информатика дарсида ўқувчиларнинг ахборот хавфсизлигига эътибор қаратилган, холос.

А.Д.Урсул эса ахборот хавфсизлигини хавфли ахборот таъсирларига нисбатан ҳаётий фаолиятнинг асосий соҳаларидаги ҳимояланиш ҳолати сифатида кўрсатади.<sup>2</sup>

Ш.Т.Халилованинг “Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари” номли диссертация ишида ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда радиоэшиттиришларнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари ва улардан фойдаланиш тизими ҳамда уларнинг педагогик хусусиятлари очиб берилган.<sup>3</sup>

К.А.Фарфиева томонидан бажарилган “Оммавий ахборот воситалари таъсирида талабаларда ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг ўзига хослиги” тадқиқотида телевидениенинг талаба ёшлар онгига етказилувчи таъсирчан ахборотнинг улар ижтимоий тасаввурлари тизими таркибидаги ижтимоий мослашувларда акс этиши муаммоси тадқиқ этилган.<sup>4</sup>

Н.М.Далимованинг “Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари” номли диссертация тадқиқотида ўсмирларни оммалашган компьютер ўйинларига тобеликдан ҳимоя қилиш борасида қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.<sup>5</sup>

Ушбу тадқиқот ишида ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланган компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психик диагностикаси ва коррекцияси ишлаб чиқилган. Аммо ушбу муаммога ёндаш масалалардан бири бўлган ахборот манбаларининг ахборий таҳдиди муаммоси очиб берилмаган. Дарҳақиқат, ушбу ҳаётий фикрга кўра, ўқувчи онгини ўраб-чирмаш, атрофини темир девор билан ўраб олиш мутлақо нотўғридир. Балки, ёш авлодни ҳар қандай зарарли ахборотларга қарши тура олиш ва ҳимояланиш кўникмасини шакллантириш лозимдир.

Демак, ёш авлодни зарарли ахборот таҳдидларидан ҳимоялашни бугунги кунга келиб, дунёда мавжуд бўлган глобал муаммолар қаторига киритишимиз мумкин экан. Негаки, юқорида таъкидланганимиздек, ҳамон фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи турли таҳдидлар ва уларнинг салбий оқибатлари мавжуд экан, ахборотлар таҳдиди глобал муаммолигича қолаверади.

Биз ушбу муаммони тадқиқ этар эканмиз, ўқувчининг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи зарарли ахборотлар қаторига қуйидагиларни киритдик:

1. Интернет, телефон, дисклар орқали тарқалаётган оммавий маданият таҳдиди.
2. Турли миллий ва умуммиллий маънавиятга зид бўлган ғоялар таҳдиди.
3. Компьютер ўйинлари таҳдиди.
4. Одам савдоси таҳдиди.

<sup>1</sup> Саттарова Н.И. Учитель информатики рекомендует. Компьютерные инструменты в образовании. Сб. науч. тр. СПб., 2000, № 3 – 4, с. 28.

<sup>2</sup> Урсул А.Д. Информационная стратегия и безопасность в концепции устойчивого развития. Научно-техническая информация. Серия 1. Организация и методика информационной работы. 1996, №1, с. 7.

<sup>3</sup> Халилова Ш.Т. Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари (Ўзбекистон радиои эшиттиришлари мисолида). Пед. фан. ном. дисс., Т., 2001, с. 58.

<sup>4</sup> Фарфиева К.А. Оммавий ахборот воситалари таъсирида талабаларда ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг ўзига хослиги (Телевидения мисолида). Пси. фан. ном. дисс., Т., 2005, с. 35.

<sup>5</sup> Далимова Н.М. Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари. Псих. фан. ном. дисс., Т., 2010, 56-бет.

5. Жангарилик, кашандалик, гиёхвандликни тарғиб этувчи фильмлар таҳдиди ва бошқалар. Юқорида санаб ўтган салбий омиллар таъсирига берилиш бир қатор сабаблар натижасида рўй бериши мумкин, булар:

1. Ўқувчи фаолиятининг мақсадли ташкил этилмаганлиги.
2. Ўқувчиларда зарарли ахборотлар ҳақида билимларнинг етишмаслиги.
3. Оила, таълим муассаси ва маҳаллаларда болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилмаганлиги.
4. Ўқувчида юқоридаги салбий омилларга нисбатан иммунитет шакллантирилмаганлиги ва бошқалар.

Биз, педагоглар фарзандларимизни ушбу салбий омиллардан ҳимоялай олиш учун улар фаолиятини мақсадли ташкил этишимиз; оила мактаб, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни самарали ташкил этишимиз; мунтазам уларни матбуот, театр, телевидение, радио, адабиёт ва санъат, мусиқа, спорт янгиликларидан хабардор этиб боришимиз лозим бўлади.

Мазкур муаммо ечимида биз диққатимизни қуйидагиларга қаратишни лозим деб билдик:

- ўқувчиларга зарарли ахборотлар ва уларнинг турлари ҳамда шахс дунёқарашига салбий таъсир доираси ҳақида билимлар бериш;
- бугунги давр ўқувчисининг қизиқиш ва истакларини ўрганиш, шунга мувофиқ, улар фаолиятини йўналтириш ишларини ташкил этиш;
- зарарли ахборотлар таъсири тушиб қолган ўқувчиларнинг оила ва маҳаллаларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш орқали муаммонинг асл сабабини очиб бериш;
- ўқувчиларни зарарли ахборотлардан ҳимоялашда ўқитувчи ва ота-оналарга педагогик билим беришнинг самарали шакллари ишлаб чиқишдан иборат.

Сўнгги пайтда кўпчилик тадқиқотчи ва амалиётчилар шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги муаммосини ишлаб чиқиш заруратига эътибор қаратмоқдалар.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, иқтисодиёт, фалсафа, ижтимоий психология, журналистика соҳаларида ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружи, ахборот таҳдиди муаммолари таҳлил қилинган. Аммо, ушбу муаммолар педагогик тадқиқотларда яхлит тарзда ўрганилганлигини учратмадик. Шу сабабли фанлараро тадқиқотларга мурожаат этганимизда, адабиётларда бу тушунчаларга бир хил ёндашувлар мавжудлиги аниқланди.

Ахборот хавфсизлиги, зарарли ахборот таҳдиди муаммоси тадқиқотида айрим ноаниқликлар мавжуд. Улар, бир томондан, ахборот хавфсизлигига қўшимча талқин ва муайянлаштиришни талаб этувчи ноаниқ ва кенг таърифлар берилганлиги ифодаланса, бошқа томондан, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг алоҳида жиҳатлари ҳисобга олинмаганлиги, шу билан бирга, кўриб чиқилган таърифлар муҳим маъноли юклама ва кўриб чиқилаётган тушунчага нисбатан асосий ҳолатларга эгаллиги билан тавсифланади. Аввало, ҳимоя объекти, зарарли ахборотдан ҳимояланишни таъминлаш бўйича муайян фаолият кўрсатилади.<sup>1</sup>

Демак, илмий тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчиларда зарарли ахборотлар таҳдиди тўғрисидаги билимлар тарбиявий-рухий ва ахлоқий-маънавий таъсир оқибатларини камайтириш, унга қарши тура олиш кўникмаларини ривожлантириш бўлиб, у бўйича модернизациялаштирилган тизимни, бошқача айтадиган бўлсак, педагогик йўналтирилган жараёни яратиш зарурати мавжуд.

Юқоридаги фикрларга кўра, ушбу долзарб муаммони ҳал этишнинг бир неча йўллари келтириш лозим:

1. Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоялаш усули сифатида ОАВнинг барча турлари фаолиятини қонунчилик орқали асослаш йўли.
2. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дастурларига медиатаълим курсини киритиш.
3. Барча ўқув фанлари жараёнида ўқувчиларда мустақил ва танқидий фикрлашни мунтазам шакллантириб бориш.
4. Ўқувчиларни турли ахборий таҳдидларга қарши тура олишга ўргатиш ҳамда ғоявий иммунитетни шакллантириш.

---

<sup>1</sup> Ёзиева У.Л. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг тақомиллаштирилган технологияси (бошланғич таълим мисолида). Пед. фан. бўй. фал. док. дисс., Т., 2018, 17-бет.

Оммавий ахборот воситаларини ҳукукий тартибга солмай, фуқаролар, айниқса, ўқувчиларда зарарли ахборотлар таҳдиди, уни баратараф этиш бўйича муаммони ҳал этиш мушкул. Лекин, бунинг учун таклиф этилаётган ахборотни баҳолаш ва тушуниш зарур. Бунда таълим тизими ва оиланинг ўрни аҳамиятлидир. Жумладан, махсус фан соҳаси – медиатаълим, яъни турли оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, телевидение, радио, матбуот, интернетнинг ўзига хос тилини ўрганишга эътибор қаратиш, яъни таклиф этилган ахборотга объектив баҳо бера олишга рефлексия, иммунитет ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ахборотга боғлиқ қолмаслик учун, аввало, ахборот манбаига эътибор қаратиш лозим. Таклиф этилаётган ахборотнинг ишончлилиги (илмий, маънавий, маданийлиги), тўғрилиги (шу жумладан, тарихийлиги)га ишонч ҳосил қилиш зарурдир. Бунинг учун билимларни эгаллаш, таклиф этилган ахборотни аввалдан маълум бўлган ахборотлар билан қиёслаш олишга, ахборотларни танлаб қабул қилишга ўргатиш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг мотивацион, муҳитга мослашиш, рефлексивлик педагогик-психологик хусусиятлари онг-идрок-ҳиссиётнинг рационаллик билан уйғунлигини таъминлаш, яқин катталар ва социум омиллари тизимлаштириш асосида аниқланди.

Муталов Саидакбар Хамидулло ўғли (Наманган Давлат университети таянч докторанти;  
e-mail: [saidakbarmutalov@gmail.com](mailto:saidakbarmutalov@gmail.com))

## ТАЛАБАЛАРДА ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришининг ўзига хос хусусиятлари, муҳим методологик жиҳатлари, илмий-назарий асослари ва методик таъминоти, таълим жараёнларида ижодий ҳамкорлик муҳитини яратишдаги хорижий тажриба, талабалар ўртасидаги лидерлик жараёнларининг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлилига эътибор қаратилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются особенности развития лидерских качеств студентов, важные методологические аспекты, научно-теоретические основы и методическое обеспечение, зарубежный опыт создания среды творческого сотрудничества в учебном процессе, анализ научно-исследовательской работы по совершенствованию педагогических механизмов обучения. лидерские процессы среди студентов.

**Annotation.** This article focuses on the specifics of the development of leadership skills of students, important methodological aspects, scientific-theoretical bases and methodological support, international experience in creating an environment of creative cooperation in the educational process, analysis of research work to improve pedagogical mechanisms of leadership processes among students.

**Калит сўзлар:** олий таълим, талаба, лидер, лидерлик қобилияти, касбий компетенция, ижтимоий фаоллик, таълим технологияси, интерфаол методлар, тарбия, жамоа, мотивация, илмий тадқиқот, хорижий тажриба, назария, тренинг, мақсадли тадбирлар.

**Ключевые слова:** высшее образование, студент, лидер, лидерские качества, профессиональная компетентность, социальная активность, образовательные технологии, интерактивные методы, образование, сообщество, мотивация, исследования, зарубежный опыт, теория, обучение, целевая деятельность.

**Key words:** higher education, student, leader, leadership ability, professional competence, social activism, educational technology, interactive methods, education, community, motivation, research, foreign experience, theory, training, targeted activities.

Барча даврларда жамиятнинг таракқиёти, уни мамлакатни ҳар томонлама ривож топишига хизмат қилиши, биринчи навбатда илм-фанга бўлган эътибор, ёшларнинг таълим-тарбияси, интеллектуал салоҳияти ва ўз соҳасида рақобатбардош кадр сифатида намоён бўлишига боғлиқ бўлган. Ҳозирги шиддатли ривожланиш шароитида ҳам дунё ҳамжамияти ҳаётида иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий муносабатларнинг кескинлашуви ёшларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, илмий, маънавий ҳаётига интеграциялашувини таъминлашни тақозо этмоқда. Бу борада давлат ва жамият барқарорлигига эришишнинг асосий омили эса олий таълимда чинакам лидер бўлган ёшларни тарбиялашдан иборат.



Республикаимизда ёшларни маданият, театр, саънатга қизиқтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш, китобхонликни тарғиб қилиш, қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш мақсадида бешта муҳим ташаббус ишлаб чиқилган бўлиб, у ўз навбатида, талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу эса педагогик жараёнларда талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари, асосий жиҳатлари ва функцияларини аниқлаштиришнинг муҳим эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтгача жаҳон миқёсида талабаларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, социологик ва психологик йўналишлари бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, америкалик олимлар У.Беннис ва Б.Нанусларнинг узоқ йиллик илмий таҳлиллари натижасига кўра, лидерликнинг 850 дан ортиқ таърифи ҳамда ушбу мавзу доирасида минглаб эмпирик изланишлар олиб борилгани таъкидлаб ўтилган.<sup>1</sup> Нью-Йоркнинг Бингемтон давлат университети профессори, Б.М.Басснинг қайд этишича, лидер ва лидерлик хусусида ўтган асрнинг ўзида 11000 дан ортиқ китоб ва мақолалар чоп этирилган.<sup>2</sup>

Канаданинг Йорк университети тадқиқотчиси Ж.Грингберг олий таълим муассасалари талабаларида етакчиликни қуйидаги асосларга таяниб, таҳлил қилган: талабаларда лидер шахсини шакллантириш, лидерликни ривожлантириш назарияси, моделлари ва тарбиявий жараёнлар, лидерлардаги ижтимоий ўзгаришларни кузатиш, айниқса йигит ва қизлар лидерлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратган.<sup>3</sup>

Тадқиқотда келтирилишича лидер назариясига доир 4 хил нуқтаи назар мавжуд:

–лидерлар туғилади, яъни туғма қобилият бўлиб, у шакллантирилмайди;

–лидерлик қобилияти бу ўқув тажрибасининг табиий натижаси саналади;

–лидерлик – бу педагогик жараёнлар асосида йўналтирилган қобилиятларнинг самараси;

–стратегик тажрибалар асосида талабаларнинг қобилиятидан келиб чиқиб муайян хизматга жалб қилиш аҳамиятлидир.

Россиялик тадқиқотчи А.В.Зорина томонидан “лидерлик” – шахснинг жамоада муваффақиятли фаолиятни йўлга қўя олиши, ижобий муҳит яратиши, умумий мақсадларга эришишига ҳисса қўшиши билан боғлиқ жараён сифатида тушунтирилган.<sup>4</sup>

Лидерлик компетенцияси – бу кишиларни, жамоа аъзоларининг хайрхоҳлиги асосида иш фаолиятини фойдали ҳамкорлик учун ташкил этиш қобилияти, муайян раҳбарнинг низоларни самарали ҳал этиш ва унга эришиш жараёни сифатида изоҳланади.

Исталган ёш даврида ташкилотчилик сифатларни таркиб топтириш, мавжуд лидерлик лаёқатини намоён этиши учун шароит яратиш педагогдан ўзига хос тайёргарликни талаб этади. Лос-Анжелес Олий таълим илмий тадқиқот институти профессори А.Астиннинг таъкидлашича, “Олий ўқув юргларида талабаларда лидерликни ривожлантириш жуда муҳим ва фойдалидир. Чунки бакалавр даражасида уларнинг тажрибасини бойитиб бориш, уларга келгусида ўз ҳаётларини назорат қилиш имконини беради”.<sup>5</sup>

А.Астин ўз тадқиқотларида педагогик жараёнларда талабалар ўз вақтларининг катта қисмини ўқув режадаги фанларни ўзлаштиришга қаратиб, фақат аудитория машғулотларига катта эътибор қаратиб қолинганлигини муаммо сифатида қарайди. Ҳақиқатан, талабаларнинг аудиториядан ташқари машғулотларга кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг мақбул ечимларини ҳисобга олиш лозим. Мазкур жараёнларни тўғри ташкил этиш учун қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш зарур:

1. Талабанинг ижтимоий (оилавий) аҳволи.

2. Ёши ва яшаш ҳудудининг хусусиятлари.

3. Молиявий ресурслардан фойдаланиши.

<sup>1</sup> Greenberg J.D. Leadership development for students at York University. Dissertation master of arts in leadership. Royal Roads university, 2008.

<sup>2</sup> Hamdan Said. The effectiveness of student leadership training programs in public universities of Malaysia. Dissertation doctor of educational leadership. Idaho state university, 2006.

<sup>3</sup> Greenberg J.D.

<sup>4</sup> Зорина А. В. Педагогические условия формирования лидерских качеств у студентов вуза. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук, Нижний Новгород, 2009, с. 6.

<sup>5</sup> Astin A.W., Astin H.S. Leadership reconsidered: Engaging higher education in social change. Los Angeles. Higher education research institute. 2000.

4. Вақтни тўғри тақсимлаши.
5. Кўнгиллилик (волонтёрлик) фаолиятига бўлган майли.
6. Жамоа билан ишлаш лаёқати.
7. Ёшлар ташкилотларидаги фаоллиги.

Айнан ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш талабалардаги мавжуд, “яширин” лидерлик қобилиятини юзага чиқариш, ташкилотчилик сифатларини намоён этиш имкониятини беради.

Қозоғистонлик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, талабалардаги лидерлик кўп ўлчовли педагогик ҳодисадир. Лидерлик қобилияти мураккаб мажмуавий тизим сифатида барча шахсий сифатлар ва хатти-ҳаракатлар асосида шаклланади. Уларнинг фикрига мувофиқ, талабанинг лидерлик қобилиятини ривожлантириш учун энг муҳим нарса бу – педагогик рақобат муҳитидир. Шунингдек, қобилиятлар тизими, мулоқот кўникмалари ва шахсий сифатлар мазкур жараёнда муҳим ўрин тутади.<sup>1</sup>

Республикамизда талабаларнинг ташаббускорлик сифатларини ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борган олима Н.Н.Джамилова, лидерлик қобилияти билан боғлиқ қуйидаги сифатларни аниқлаштирган:

◆интизомлилик – ўзини-ўзи ташкиллаштириш, жавобгарликни ҳис қилиш, шахсий мақсадлар ва ижтимоий кўрсатмаларга бўйсунушга тайёрлик;

◆мустақиллик – шахснинг ички позицияси, ўзгаларнинг ёрдамсиз фаолиятни такомиллаштириш учун зарур билим, кўникма ва малака ҳамда компетенциялар тизими;

◆ишчанлик – ўқув, меҳнат ва ижтимоий фаолиятда аниқ мақсад асосида ҳаракат қилиш, ўзининг куч ва ғайратини сафарбар этиш;

◆ташаббускорлик – ўқув ва касбий фаолиятда муваффақиятга эришиш учун янги ғоя ва таклифларни илгари суриш ҳамда амалий фаолиятда намоён этишга қодирлик;

◆мақсадга йўналганлик – ҳаётий позициясини аниқ белгилай олиш ва ўз мақсадига эришиш усуллари моделилаштириш қобилияти;

◆масъулиятлилик – жамият томонидан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига мувофиқ ўз хатти-ҳаракатлари натижаларининг тўлиқ англаниши, берилган топшириқ ва вазифаларни ўз вақтида ҳамда бекаму-кўст бажариш истаги;

◆меҳнатсеварлик – шахснинг меҳнат фаолияти жараёнига ижобий муносабатининг намоён бўлиш шакли бўлиб, хоҳиш-истак, ирода ва фаоллик каби хусусиятларнинг интеграллашуви;

◆мулоқотчанлик – биргаликдаги, ҳамкорликдаги фаолиятга тайёрлик, шахслараро муносабатга очиқлик, ўзаро ҳурмат ва самимийлик асосида ички ҳиссиёт ва интилишларини намоён этиш;

◆олижаноблик – доимий ёрдамга, мурувват ва саховат кўрсатишга шайлик, бошқаларнинг ютуқлари ва қайғуларига ҳамдард бўлиш;

◆қатъийлик – аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш асосида масаланинг ечимини топишда жонбозлик кўрсатишга доир шахснинг иродавий сифати;

◆толерантлик – ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-кўйда бунга риоя этиш.

Жаҳон ва миллий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, лидер қайси йўналишда намоён бўлишидан қатъий назар унинг шахсига доир ўзига хос қобилият ва сифатлар таркиб топиши зарур:

◆биринчидан, барча руҳий таъсир этиш билимларини жамлаган эмоционал интеллект (EQ)-нинг мавжуд бўлиши;

◆иккинчидан, гуруҳ ёки жамоа аъзолари орасида ўзининг билими ва кўникмаларини биргаликда баҳам кўриши, тарғиб қилиши ва муайян мақсадга йўналтиришда фойдалана олиши;

◆учинчидан, коммуникативлик ва самарали мулоқотни амалга оширишни уddалай олиши;

◆тўртинчидан, маълум бир вазифани амалга оширишда унга тегишли тажрибани эгаллаганлиги ва бажариш жараёнида шахсий намуна бўла олиши;

<sup>1</sup> Alimbekova A.A., Asylbekova M., Karimova R. Development of leadership potential in students with in an education space of a Pedagogical university. International journal of environmental & science education. 2016, vol. 11, no. 11, p. 4610–4616.

- ◆бешинчидан, жамоа аъзолари орасида адолатни таъминлай олиши ва умумий манфаатга эришиш орқали жамоанинг ҳар бир аъзоси манфаатини ифода эта олиши;
- ◆олтинчидан, жамоа олдидаги умумий эзгу мақсадга йўналтирилган вазифаларни тўғри тақсимлаш ва бажарилишини назорат қила олиш санъатини эгаллаганлиги;
- ◆еттинчидан, “time management”га қатъий риоя этиши, яъни вақтни тўғри тақсимлай олиши;
- ◆саккизинчидан, ўзини-ўзи доим таҳлил қила олиш кўникмаларини ўз ичига олади.<sup>1</sup>

А.В.Артамонованинг тадқиқотида асосан, педагогик жараёни ташкил этишда расмий ўқув шаклига нисбатан қатъий таълим назоратидан ҳоли бўлган индивидуал ўқув курслари талабани лидер сифатида тарбиялайди. Шахсга йўналтирилган прагматик ўқитиш усули талабанинг ички қобилиятларини намоён қилиш имконини беради ва ўқитувчи ёки тренер билан талаба ўртасидаги мазмунли алоқани таъминлайди. Энг муҳими, ижтимоий-гуманитар фанлар воситасида интерфаол ўқув курсларини йўлга қўйиш кўзланган мақсадга эришишни осонлаштиради. Курс методикасида талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг 5 босқичли комбинациясини ифода этган модел тақдим этилган. Унга биноан, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, мотивация, ижтимоий кўникма учун шароит яратиш ўқув курсларининг натижадорлигини оширади.<sup>2</sup>

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг лидерлик қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари россиялик профессор Н.П.Пучковнинг тадқиқотларида ҳам алоҳида ўрганилган. Тадқиқотда келтирилишича, педагогик шарт-шароитлар асосида талабада лидерлик компетенцияларини ривожлантириш орқали унинг бошқа сифатларини интеграциялаш ва умуммаданий салоҳиятини ошириш мумкин. Унинг назарияси талаба шахсидаги лидерлик қобилиятлари 3 та муҳим шартлар асосида ривожланишига эришишни ўзида акс эттиради:

- педагогика ва психология фанлари доирасида махсус ўқув-машғулотлари орқали режалаштирилган муаммоларни бартараф этиш асосида лидерлик компетенцияларини ривожлантириш;
- талабаларни махсус касбий жараёнларга жалб этиш ва бевосита бошқарувга доир саъй-ҳаракатларини амалга ошириш имконини бериш;
- талабаларни аудиториядан ташқари машғулотларда турли тадбирлар ва конференцияларда иштирокини таъминлаш орқали тажрибасини бойитиб бориш.<sup>3</sup>

Мазкур тадқиқот талабанинг лидер бўлиш истагига туртки беради, уни ўз-ўзини кашф қилишига имкон яратишига урғу қаратади. Яъни, талабалар ўз хатти-ҳаракатларини педагогик муносабатларнинг бевосита марказидан бошлайди, муаммоли вазиятдан чиқишнинг имконини қидиради. Кейинги босқичда ўзини раҳбардек ҳис қилиш имконига эга бўлгани ҳолда, олдиндан қутилмаган касбий салоҳиятини юзага чиқаришга уринади. Натижада эгаллаган интеллектуал ва касбий кўникмалари асосида аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирларда янада фаоллашади, тажрибаси ортади.

Тадқиқот натижалари ҳар бир давлатнинг талабаларни лидерлик қобилиятини шакллантириш ва уни ривожлантириб бориш бўйича ўз тажрибаси ҳамда технологияси мавжудлигини кўрсатади. Талабаларда лидерлик ҳодисаси ўзгарувчан интеллектуал ва ҳиссий компонентларга эга, мураккаб тузилишга эга бўлиб, ҳудудий жиҳатдан ўзига хосликларни ўз ичига олади. Лидерларни тарбиялашга ҳар бир давлатнинг миллий масаласи сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг лидерлик кўникмаларини шакллантиришга бўлган педагогик эҳтиёж, ўша давлатнинг миллий менталитети ва кадрлар тайёрлаш миллий стратегиясига хосдир. Бинобарин, мамлакатнинг таълим сиёсати ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш бўйича ўзининг иктисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий барқарорлиги илм-фан тараққиётини таъминловчи талабалар асосида шакллантириб борилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, хорижий давлатларнинг олий таълим тизимида талабаларни лидерлик қобилиятларини ривожлантириб бориш узлуксиз равишда кечади. Бу йўналишдаги асосий саъй-ҳаракатлар ўқув жараёнидан ташқари, махсус дастурлар ва турли даражадаги тадбирлар

<sup>1</sup> Джамилова Н.Н. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ташаббускорликни ривожлантиришнинг механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фан доктори. ... дисс. автореф., Тошкент, 2019, 60-бет.

<sup>2</sup> Artamonova A., Tarasova A., Blaginin V. Development of leadership skills of university students in the educational process. <https://www.researchgate.net/publication/332661007>. 2020.

<sup>3</sup> Artamonova A., Tarasova A., Blaginin V. Development of leadership skills of university students in the educational process. <https://www.researchgate.net/publication/332661007>. 2020.

воситасида амалга оширилади. Энг муҳими, таълим олувчиларни ўз қобилиятларини тўлақонли юзага чиқариши, касбий ҳаётий кўникмаларини эгаллашлари учун эркин ижодий муҳит яратилади. Этикет қоидаларига зид бўлмаган ҳолда ҳар қандай расмийлик ва қатъий чекловдан ҳоли педагогик муҳитнинг мавжудлиги самарали лидер тайёрлашнинг муҳим омилидир.

**Usmonova Lola Mallayevna (Navoiy davlat pedagogika instituti)**  
**OLIIY TA'LIM MUASSASALARIDA "ANORGANIK KIMYO" FANIDAN O'QUV**  
**TESTLARIDAN FOYDALANGAN HOLDA O'QITISH USLUBLARINI**  
**TAKOMILLASHTIRISH**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalarida "Anorganik kimyo" fanidan o'quv testlaridan foydalangan holda o'qitish uslublarini takomillashtirish usullari to'g'risida so'z boradi. Maxsus prinsip asosida tuzilgan o'quv test dasturi o'quvchilarning bilim faolligini rag'batlantirishi, xotira, diqqat, mantiqiy fikrlash, o'quv materialini tahlil qilish, tasniflash, tizimlashtirish va umumlashtirish kabi bilim qobiliyatlarini rivojlantirishi aytib o'tiladi.*

***Аннотация.** В статье обсуждаются пути совершенствования методов обучения в высших учебных заведениях с использованием обучающих тестов по "Неорганической химии". Учебная программа, основанная на особом принципе, призвана стимулировать познавательную активность студентов и развивать такие познавательные навыки, как память, внимание, логическое мышление, анализ, классификацию, систематизацию и обобщение учебного материала.*

***Annotation.** This article discusses ways to improve teaching methods in higher education using inorganic chemistry teaching tests. The curriculum, based on a special principle, is said to stimulate students' cognitive activity and develop cognitive skills such as memory, attention, logical thinking, analysis, classification, systematization and generalization of learning material.*

***Kalit so'zlar:** didaktik, axborotlashtirish, o'quv testlari, avtomatlashtirilgan o'qitish tizimi.*

***Ключевые слова:** дидактические, информационные, учебные тесты, автоматизированная система обучения.*

***Key words:** didactic, informational, educational tests, automated learning system.*

Hozirgi kunda Respublikamizda oliy ta'limni rivojlantirishning asosiy vazifalaridan biri uzluksiz ta'lim tizimini takomillashtirish yo'lida olib borilayotgan islohotning muhim yo'nalishi sifatida ta'lim jarayonini texnologiyalashtirishdan iboratdir. Bu jarayonning samaradorligi esa o'qituvchilar tomonidan zamonaviy ta'lim texnologiyalarini ta'lim amaliyotida faol qo'llanilishi, shuningdek, rivojlangan xorijiy mamlakatlar ta'limi amaliyotida qo'llanilayotgan zamonaviy texnologiyalardan xabardor bo'lish uchun, birinchi navbatda, loyihani yaratish, talabalar faoliyatini tashxislash, pedagogik jarayonni tashkil etish va ushbu jarayonni samarali kechishini ta'minlash hamda talabalar faoliyatini nazorat qilish kabi shartlar asosida ta'minlanishini ko'zda tutadi.

So'nggi yillarda ta'lim tizimida sezilarli o'zgarishlar yuz berdi, ularning mazmunini quyidagicha aniqlash mumkin: buning uchun jahon andozalariga mos keladigan yangi ta'lim tizimini yaratish hamda darslarni o'tkazishning yangi shakllari va uslublariga o'tish ishlari olib borilmoqda. Zamonaviy o'qitish texnologiyalari kuchli, samarali vosita bo'lib, uning didaktik imkoniyatlari boshqa o'qitish usullaridan ustundir.

Hozirgi vaqtda ta'lim jarayonida o'qitishning zamonaviy metodlari keng qo'llanilmoqda. O'qitishning zamonaviy metodlarini qo'llash o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikka erishishga olib keladi. Ta'lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi.

An'anaviy dars shaklini saqlab qolgan holda, unga turli-tuman ta'lim oluvchilar faoliyatini faollashtiradigan metodlar bilan boyitish ta'lim oluvchilarning o'zlashtirish darajasining ko'tarilishiga olib keladi. Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil qilinishi, ta'lim beruvchi tomonidan ta'lim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ularning ta'lim jarayonida faolligi muttasil rag'batlantirilib turilishi, o'quv materialini kichik-kichik bo'laklarga bo'lib, ularning mazmunini ochishda aqliy hujum, klaster, pinbord, insert, venn diagrammasi, atamalar zanjiri, nostandart test topshiriqlari, muammoli vaziyat, yo'naltiruvchi matn kabi metodlarni qo'llash va ta'lim oluvchilarni laboratoriya mashg'uloti bajarishga undash hozirgi kunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi.

Axborotlashtirish jarayoni ta'siri ostida hozirgi paytda yangi ijtimoiy tuzilma – axborot jamiyati shakllanmoqda. Axborot jamiyati yuqori darajadagi axborot texnologiyalari, axborot resurslarini ishlab chiqarishni ta'minlaydigan rivojlangan infratuzilmalar, ishlab chiqarish va boshqaruvning barcha tarmoqlarini tezlashtirilgan avtomatlashtirish va robotlashtirish jarayonlari, ijtimoiy tuzilmalardagi tub o'zgarishlar bilan tavsiflanadi. Jamiyatni axborotlashtirishni “axborotni ishlab chiqarish, qayta ishlash, saqlash va tarqatish uchun axborot texnologiyalaridan ilg'or va tobora ko'proq foydalanish jarayoni” deb tushunish odatda qabul qilinadi.

Mamlakatimizda ta'lim tizimi ta'limning maqsadlari va qadriyatlarini anglash, umrbod ta'limga o'tish zarurligini anglash, ta'lim texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanishga yangi konseptual yondashuvlar va boshqalar bilan tavsiflangan o'zgarishlar davriga qadam qo'ydi. Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida ta'lim tizimi oldida turgan vazifalarni amalga oshirish uchun axborotlashtirishning yangi va ilg'or usullari va vositalaridan foydalanish zarur.

Respublikamiz ta'lim muassasalarida kimyo o'qitishning innovatsion va interfaol texnologiyalari asosida kasbiy tayyorgarlikni, kompetensiyalarini orttirish muammosi quyidagi yo'nalishlarda tadqiq etilgan: A.Azimov, T.Gulboyev, A.Mamajonov, M.Umarov, Sh.Quvvatovlar kimyoviy tajribalar, ekskursiyalarni tashkil etish, H.Omonov, N.Rahmatullayev, Sh.Mirkomilov, H.Azixodjayeva, E.Eshjanovlar kimyo ta'limi jarayoniga zamonaviy o'qitish texnologiyalari va metodikasini joriy etish va takomillashtirish sohasida ilmiy izlanishlar olib borganlar.

Kimyo jamiyat hayotida muhim o'rin tutadi. Tabiatga, yashash muhitiga va inson salomatligiga jiddiy zarar yetkazadigan ekologik ofatlar ham ma'lum miqdordagi kimyoviy bilimlarni o'zlashtirish zarurligini ko'rsatadi. Kimyoviy bilimlar insoniyatning xom ashyo, energiya, oziq-ovqat, tibbiy muammolarini hal qilishda kimyoning o'rni to'g'risida tushuncha berishga imkon beradi, ekologik jihatdan xavfsiz xatti-harakatlarning rivojlanishiga hissa qo'shadi.

Pedagogika oliy o'quv yurtlari talabalarini o'qitish sifatini oshirish masalasini hal qilishda kimyo o'qitish metodikasini takomillashtirish muhimdir. Zero, anorganik kimyoning chuqur o'zlashtirilishi bo'lajak kimyo o'qituvchisining mutaxassislik bo'yicha tayyorgarligini deyarlik belgilaydi. Chunki noorganik kimyo ta'lim muassasalarida kimyo kursining asosiy qismini tashkil qiladi. O'zbekiston Respublikasida anorganik moddalar tabiiy zahiralarning mo'l-ko'lligi, ulardan zamonaviy texnologiyalar asosida mahsulotlar ishlab chiqarila boshlanganligi fanni o'qitishning ta'lim-tarbiyaviy tomonini boyitadi.

Hozirgi kunda eng samarali takomillashtirish o'qitishning yangi texnologiyalarini joriy etish bilan bog'liq. O'qitish texnologiyasi o'quv jarayonini optimallashtirishni va uning yaxlitligini, o'quv jarayonining boshqaruvchanligini, takrorlanuvchanligini, o'quv jarayonini faollashtiradigan turli xil texnik vositalardan, didaktik materiallardan, usullardan foydalanishni va ta'lim ishining sifatini baholashni o'z ichiga oladi.

Anorganik kimyo fan sifatida umuman kimyo boshlanishining tarkibiy qismlaridan biridir, chunki u “atom”, “molekula”, “moddaning tuzilishi” va boshqalar kabi fundamental tushunchalarni ko'rib chiqadi.

Ushbu kurs kimyoviy ishlab chiqarish bilan bevosita aloqador bo'lib, anorganik kimyoda o'qitiladigan metallar, metallmaslar, ularning birikmalari ishlab chiqarilib, turmush va sanoatning turli sohaslarida keng qo'llaniladi. Shuningdek, davriy sistema asosiy va yonaki guruhchalari elementlarining umumiy tavsifi, tabiatda uchrashi, oddiy va murakkab moddalarining olinish usullari, fizikaviy va kimyoviy xossalari, ishlatilish sohalari keltiriladi. Unda o'qitiladigan mavzularga oid kimyoviy elementlarning Respublikadagi tabiiy zahiralari va ulardan mahsulot ishlab chiqarish masalalari amalga oshirishda zarur bo'lgan bilimlar bilan qurollantiradi.

Kimyo yo'nalishidagi talabalar uchun anorganik kimyo bo'yicha an'anaviy ta'lim kursida Davlat ta'lim standarti bo'yicha 240 soat ajratilgan bo'lib, o'qituvchi oldida talabalarni maksimal darajada bilim olishga va ularni kasbiy faoliyatda qo'llashga o'rgatish vazifasi turibdi.

Pedagogika oliy o'quv yurtlari talabalar uchun oliy ta'lim standartlariga muvofiq anorganik kimyo bo'yicha asosiy tarkibiy bo'limlar kimyoviy termodinamika, kinetika va kataliz, elektrokimyo, eritmalar va kompleks birikmalarning kimyoviy xossalari, organizmning bufer tizimlari, oksidlanish-qaytarilish jarayonlari haqidagi eng muhim nazariy qoidalar bo'yicha quyidagi bilimlarni o'zlashtirmoqda.

Bizga ma'lumki, anorganik kimyo fani eksperimental fan bo'lganligi uchun uni o'qitishda kimyoviy laboratoriyalarda ishlash paytida xavfsizlik qoidalarini qo'llash, fizik va kimyoviy o'lchovlarning asosiy asboblari va usullarini bilish, eritmalar konsentrasiyasini, eritilgan moddaning massa ulushini, kim-

yoviy reaksiyalarning issiqlik ta'sirini, kimyoviy idishlar, reaktivlar, o'qitishning texnik vositalari, kompyuter darslari, elektron hujjatlar, mavzuga oid internetdan olingan didaktik vositalardan foydalaniladi.

Yuqoridagi bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish, anorganik kimyo atom-molekular ta'limotning asosiy tushunchalari: atom, molekula, kimyoviy element, kimyoviy elementlarning yer yuzida va koinotda tarqalishi. oddiy va murakkab moddalar, allotropiya, atom va molekularning o'lchamlari va massalari, Gey-Lyussakning oddiy hajmiy nisbatlar qonuni, Avogadro qonuni, gazning molyar hajmi, gaz holatidagi moddalarning molekular massalarini aniqlash usullarini o'zlashtirish kimyo ta'lim yo'nalishi talabalarining yuqori umumiy nazariy saviyasini belgilaydi. Talabalarining anorganik kimyoni o'rganishga bo'lgan qiziqishini oshirish uchun biz mashg'ulotlarni tashkil qilishning samarali usullarini izladik. Ilmiy-uslubiy adabiyotlarni tahlil qilish hamda pedagogika institutlaridagi ko'p yillik tajribalar shuni ko'rsatdiki, o'quv testlari talabalarining o'quv faoliyatini faollashtiradi, natijada ularning mantiqiy tafakkuri rivojlanadi. Bu nafaqat bilimlarni nazorat qilish, balki o'qitish usuli sifatida ham sinovdan o'tkazishga imkon beradi. Eng to'liq javobni test sinovlari maqsadi talabalarining bilimlarini baholash yoki ularning intellektual rivojlanish darajasini aniqlash bilan cheklanmasligini ta'kidlab o'tish lozim. Testlar test natijalarini hisobga olgan holda o'quv jarayoniga uni takomillashtirish yo'nalishida ta'sir qilishi mumkin va ta'sir qilishi kerak.

Pedagogik nazorat va o'qitish usuli sifatida test sinovlarini o'rganish bo'yicha statistik tadqiqotlar o'tkazilgandan so'ng testda 15–20 ta topshiriq bo'lishi kerakligi aniqlandi. Ular talabada asosiy tushunchalar, fikrlar mavjudligini, formulalarni to'g'ri yozishga qodirligini, shuningdek, amaliy muammolarni hal qilishda yordam beradi.

Shuni ta'kidlash kerakki, kompyuter texnologiyalari yordamida yaratilgan testlar talabalarining test savollarini yechish vaqtida foydalanishi osonroq bo'lsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Sinovlar shakliga ko'ra ular individual va guruhli, og'zaki va yozma, predmetli, kompyuterli bo'lishi mumkin. Agar test bitta mavzu bilan o'tkazilsa, bunday testlar individual, agar bir nechta bo'lsa, guruh deb nomlanadi.

Zamonaviy o'quv amaliyotida testdan, asosan, o'quvchilarning ta'lim yutuqlarini o'lchash, ularning o'quv-bilish faoliyati natijalarini sifatli va miqdoriy tahlilini o'tkazish uchun foydalaniladi. Ko'pincha, o'quv jarayonida testlardan foydalanish ko'p darajali tarkib, ulardan foydalanish qulayligi va natijalarini talqin qilish, shuningdek ularni kompyuterlashtirish imkoniyati bilan bog'liq.

Tekshirish nazorat funksiyasidan tashqari trening vazifalarini ham bajara oladi. O'quv testlari nazorat testlaridan farq qiladi, chunki ular o'quv ma'lumotlarini o'z ichiga oladi. Ta'lim testlaridan foydalanish, avvalo, talabani nazorat sinovlariga tayyorlash uchun zarurdir, talabaga o'z bilimlari darajasini yaxshiroq baholash va qanday savollarga qo'shimcha o'rganish kerakligini aniqlashga imkon beradi.

Kompyuterni o'qitish testlari tuzilishi jihatidan o'quv jarayonidagi maqsad va vazifalariga muvofiq ravishda nazorat testlaridan farq qiladi. Oddiy bilimlarni baholashdan qochish o'quv jarayonida test topshiriqlarini doimiy ravishda ishlatish bilan talabalarining stressini kamaytiradi.

Avtomatlashtirilgan o'qitish tizimi bu kompyuterga asoslangan o'quv dasturidir:

- yangi ma'lumotlarni taqdim etish, oraliq va yakuniy testlarni o'qitish uchun mo'ljallangan;
- o'quv dasturining o'zida va o'rganilayotgan mavzuda ham teng yordam tizimiga ega;
- talabaga moslashish qobiliyati bilan tavsiflanadi (uning bilim darajasi, o'rganilgan materialda tezligi va o'sish yo'li va boshqalar);
- individual talaba, guruh va talabalar oqimi to'g'risida statik ma'lumotlarni yig'ish va qayta ishlash uchun ishlab chiqilgan tizimga ega;
- o'rganilayotgan mavzu bo'yicha o'quv tizimi bilan ishlashda yuzaga keladigan xatolar chastotasi to'g'risida ma'lumot to'playdi.

Biz kompyuter o'quv dasturidan foydalanish sharoitida o'quvchilarning kimyoviy bilimlarini takomillashtirishning metodologik asoslari bo'yicha ilmiy tadqiqotlar o'tkazdik, bu kompyuter texnologiyalari yordamida o'quvchiga ma'lumot berish va o'qitish jarayoni sifatida talqin etiladi. Ta'lim jarayonida test sinovlaridan foydalanish ta'limni individualizatsiyalashning amaliy amalga oshirilishiga hissa qo'shadi, o'rganilayotgan mavzuga aqliy faollik va qiziqishni oshiradi, talabaga o'zini anglash yo'llarini topishga imkon beradi, o'z-o'zini takomillashtirish, o'z-o'zini o'rganish va o'z-o'zini tarbiyalash ko'nikmalarini shakllantiradi.

Biz "Anorganik kimyo" fanini o'qitish jarayonida mustaqillikni oshirishga hissa qo'shadigan test topshiriqlari bilan o'quv dasturini yaratdik. Avtomatlashtirilgan o'quv dasturlarida test topshiriqlaridan foydalanish talabalarga bilimlaridagi bo'shliqlarni mustaqil ravishda aniqlash va ularni yo'q qilish choralari ko'rish imkoniyatini berdi.

Tadqiqotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, o'qitish samaradorligini oshirish uchun yangi pedagogik o'qitish texnologiyasini joriy etish yanada takomillashtirilgan o'quv vositalaridan foydalanishni talab qiladi. Shu munosabat bilan, biz tuzgan o'quv test topshiriqlari kompyuter o'quv dasturi yordamida o'quv jarayoniga kiritildi. O'quv test dasturini tuzishning asosiy prinsiplari quyidagilardir:

- to'plangan ballar soni o'quv materialini o'zlashtirish darajasini ifodalaydi;
- vaqt chegaralarini rad etish;
- sinf dan tashqarida mustaqil ishlash imkoniyati tug'iladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ushbu prinsip asosida tuzilgan o'quv test dasturi o'quvchilarning bilim faolligini rag'batlantiradi, xotira, diqqat, mantiqiy fikrlash, o'quv materialini tahlil qilish, tasniflash, tizimlashtirish va umumlashtirish kabi bilim qobiliyatlarini rivojlantiradi.

An'anaviy o'qitish usullari bilan taqqoslaganda, kompyuter yordamida o'quv testini o'tkazish uslubini individual bo'lib qoladi va har tomonlama talablarga javob beradi. Ya'ni, trening o'rganilayotgan mavzuning barcha mavzularini qamrab oladi, anorganik kimyo bo'yicha talabalarning nazariy bilimlari, amaliy ko'nikmalari va qobiliyatlarini tekshirishni ta'minlaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ishmuhammedov R., Abduqodirov A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. T., 2008, 23–27-betlar.
2. N.Sayidahmedov. Yangi pedagogik texnologiyalarni amaliyotda qo'llash. T., 2000, 18–20-betlar.
4. Begimkulov U.Sh. Pedagogik ta'lim zamonoviy axborot texnologiyalarni joriy etishining ilmiy-nazariy asoslari. Toshkent, "Fan", 2007, 143-bet.
5. Usmonova L.M. Improving traditional methods of teaching chemistry. International Journal on Integrated Education Volume 3, Issue XI, November 2020, p. 90 – 92.
6. Usmonova L.M. Optimization Of Inorganic Chemistry Teaching Methods Using Training Tests In Higher Education. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 1, ISSUE 3, 2020, p. 703–707.

#### **Abduraxmonova Mehribon Do'stmurodovna (Jahon Iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti) ARALASH TA'LIM-TA'LIM SIFATINI OSHIRISH VOSITASI SIFATIDA**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada MOODLE masofaviy platformasida aralash ta'limni tashkil etish jarayoni, uning elementlarini o'rganib, ta'lim jarayoniga keng tatbiq etishda eng maqbul resurslar to'plamiga ega bo'lgan masofaviy o'qitish muhiti MOODLE tizimining afzal jihatlari ilmiy-amaliy tahlil qilib chiqiladi. Maqola oliy o'quv yurtida aralash ta'limni tashkil etish jarayoni, uning elementlarini o'rganish, til ta'limida undan maqsadli foydalanib, ta'lim sifati va samaradorligini oshirish masalalariga bag'ishlangan. Shu bilan birga, aralash ta'lim elementlari, darsni to'g'ri tashkillashtirish strategiyasi, resurslar bilan ta'minlash masalalari o'rganilib, aralash ta'limga bo'lgan yondashuvlar taqqoslanadi, uni tashkil etish muammolari yoritib beriladi. Til o'qitishda aralash ta'limni tashkil etish bo'yicha misollar keltirilib, tavsiyalar beriladi. Shu bilan birga, mazkur an'anaviy ta'lim modelidan elektron muhit va resurslardan foydalangan holda integratsiyalashgan shaklga o'tishni amalga oshirishning didaktik vositasi sifatida aralash ta'lim shaklining salohiyati va imkoniyatlari tahlil qilinadi. Moodle muhitida kunduzgi bo'lim talabalari uchun aralash ta'limdan foydalanish imkoniyat va tajribasi yoritib beriladi va natijalar kursning muvaffaqiyatli tashkillashtirishga yordam beruvchi eng maqbul mezonlar sifatida tavsiya qilinadi. Aralash ta'lim talabalarga ta'lim berish sifatini oshirishga yo'naltirilgan samarali o'qitish shakli sifatida tatbiq etilishi hamda Moodle tizimidan foydalanishda yangi yondashuvlar orqali barcha bilim va ko'nikmalarni shakllantirish maqsadga muvofiqligi qayd etiladi.*

***Аннотация.** В статье рассматривается процесс организации смешанного вида обучения на дистанционной платформе MOODLE, изучение его элементов и наиболее подходящий набор ресурсов для широкого применения в образовательном процессе MOODLE. Статья посвящена процессу организации смешанного образования в вузе, изучению его элементов, целенаправленно используемых в языковом образовании для повышения качества и эффективности обучения. В статье также изучаются элементы смешанного вида обучения, разработка стратегии организации занятий, вопросы управления ресурсами, сравниваются современные подходы к смешанному виду обучения, выделяются проблемы его организации. Приведены примеры организации смешан-*

ного вида обучения, а также размещены рекомендации. При этом использование смешанного обучения для студентов очной формы обучения в системе Moodle помогает сформировать смешанный вид образования для реализации перехода от представленной образовательной модели к интегрированной форме с использованием электронных ресурсов. Подчеркивается, что смешанное образование следует внедрять как эффективную форму обучения, направленную на повышение качества образования, целесообразно формировать знания и навыки с помощью использования системы Moodle.

**Annotation.** The article discusses the process of organizing a mixed type of learning on the MOODLE distance platform, the study of its elements and the most suitable set of resources for wide application in the MOODLE educational process. The article is dedicated to the process of organizing mixed education in the higher education institution, studying its elements, which are purposefully used in language education to improve the quality and efficiency of it. The article also examines the elements of mixed learning, the development of a strategy for organizing classes, resource management issues, compares modern approaches to mixed learning, and highlights the problems of its organization. The article provides examples of the organization of a mixed type of education, as well as recommendations. At the same time, the use of mixed learning for full-time students in the MOODLE system helps to form a mixed type of education for the implementation of the transition from the presented educational model to an integrated form using electronic resources. It is emphasized that the mixed type of learning should be implemented as an effective form of education aimed at improving the quality of it, also it is advisable to form knowledge and skills through the use of the Moodle system.

**Kalit so‘zlar:** elektron ta’lim, aralash ta’lim, til ta’limida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT), LMS, kurs elementi, aralash ta’lim texnologiyalari, MOODLE tizimida talaba bilimini nazorat qilish metodlari, MOODLE tizimida mustaqil ishlarni tashkillashtirish, interaktiv ma’ruza, mustaqil ta’lim shakli va usullari.

**Ключевые слова:** электронное обучение, смешанное образование, информационно-коммуникационные технологии (ИКТ) в языковом обучении, LMS, элемент курса, технологии смешанного образования, методы мониторинга знаний учащихся в системе MOODLE, организация самостоятельной работы в системе MOODLE, интерактивная лекция, формы и методы самостоятельного образования.

**Key words:** e-learning, mixed education, information and communication technology (ICT) in language learning, LMS, course element, mixed education technologies, methods of monitoring students' knowledge in the MOODLE system, organization of independent work in the MOODLE system, interactive lecture, forms and methods of independent education.

Bugungi kunda talabalarga sifatli ta’lim berishni tashkil qilishda ilmiy-texnika taraqqiyoti mahsuli bo‘lgan zamonaviy axborot texnologiyalar va uning moddiy asosi kompyuterlar xizmatidan keng foydalanib, elektron darslik va qo‘llanmalar tashkil etish va internet manbalaridan hamda masofadan o‘qitishning dasturiy vositalaridan foydalanish davr talabi bo‘lib qolmoqda.

Masofaviy ta’limning afzalliklari allaqachon o‘z tasdig‘ini topgan; darslarning onlayn tizimda tashkil etilishi o‘zining ijobiy samaralarini berdi: talabalar ko‘proq mustaqil ishlash ko‘nikmalarini shakllantirish zarurligini his qila boshladilar, o‘qituvchi hamda talabaning o‘rni va roliga munosabat o‘zgardi. O‘qituvchi uchun ham yangi raqamli ta’lim muhiti darsni zamonaviy usulda tashkil etish, ijodkorona yondashuv borasida sinov va tajriba maktabi bo‘ldi.

Axborot texnologiyalaridan foydalanish, ularni o‘quv jarayoniga joriy etish, ta’lim sifatini oshirishda va xalqaro standartlarga javob beradigan mutaxassislarni kasbiy tayyorlashda muhim rol o‘ynashi sir emas. Bu zamon talabi va har qanday o‘qituvchi u yoki bu darajada o‘z kundalik ishida zamonaviy aloqa vositalaridan foydalanishga majbur.

Aynan shu maqsadda axborot texnologiyalaridan foydalanish, mutaxassislarning umumiy ma’lumoti va kasbiy tayyorgarligining sifatini oshirish uchun jahon andozalariga javob beruvchi axborot texnologiyalarini ta’lim jarayoniga tatbiq etish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Shu o‘rinda, aralash ta’limning talabalarga ta’lim berish sifatini oshirishga yo‘naltirilgan samarali o‘qitish shakli sifatida tatbiq etilishi hamda Moodle tizimidan foydalanishda yangi yondashuvlar orqali barcha bilim va ko‘nikmalarni shakllantirish o‘zining ijobiy natijalarini bermoqda. Ma’lumki, aralash ta’lim – bu o‘qituvchi tomonidan olib boriladigan (yuzma-yuz) ta’limni onlayn ta’lim bilan birlashtirgan shaklidagi ta’limiy yondashuvdir. Aralash ta’lim o‘quvchilarning ta’lim yo‘nalishi, o‘qish vaqti, joyi va



sur'atini nazorat qilish elementlarini, shuningdek, o'qituvchi bilan ta'lim olish va onlayn ta'lim integratsiyasini o'z ichiga oladi. Onlayn ta'lim va o'qituvchi yordami bilan ta'lim aralash ta'limda bir xil ahamiyatga ega.

Aralash ta'lim o'zida o'qitishning masofaviy va an'anaviy metodlari yutuqlarini uyg'unlashtiradi va ko'plab afzalliklarga ega:

– yuzma-yuz ta'lim talaba va o'qituvchi o'rtasida, shuningdek, talabalarning o'zaro hamkorligi uchun imkoniyat yaratadi. Birgalikdagi ta'lim jarayonida maqbul bilim olish muhiti, natijaga erishish kayfiyati, o'qishga rag'bat yuzaga keladi. Ta'lim jarayoni ishtirokchilari bir zumda aloqaga kirishadilar, materialni muhokama qiladilar, savollar beradilar;

– talabalarning birgalikdagi ta'limi va o'zaro aloqalari nafaqat kognitiv qobiliyatlarni oshiradi, balki ta'lim oluvchilarning hissiy aqliy salohiyatlarini rivojlantiradi;

– onlayn ta'lim nuqtayi nazaridan aralash model ta'lim oluvchilarga katta erkinlik beradi: ular o'z-lari ta'lim materialini, sur'ati, vaqti va joyini tanlay oladilar;

– o'qituvchi o'quv materialini taqdim qilish, nazorat va baholashda katta erkinlikka ega. Test sinovini onlayn bajarish mumkin bo'lgani bois, o'zlashtirishni tekshirish uchun vaqt qisqaradi.

Amerikalik professorlar Grexem va Bonk aralash ta'limning uch tarkibiy qismini ajratib ko'rsatadilar:

♦ talabalar va o'qituvchi orasida shaxsan aloqa mavjud bo'lgan an'anaviy auditoriyadagi mashg'ulotlar shaklidagi bevosita ta'lim;

♦ talabalarning o'qituvchining yordamisiz faoliyatning turli ko'rinishlarini o'z ichiga oluvchi mustaqil ta'lim;

♦ tarmoqda turli vazifalarni bajarish, vebinarlarda, onlayn konferensiyalar viki va h.k.da ishtirok etishdan iborat bo'lgan qo'shma elektron ta'lim.

Ushbu metoddan til o'qitishda foydalanganda, qanday afzalliklar ko'zga tashlanishini ko'rib chiqaylik. Umuman olganda, ushbu metodning ustunliklari quyidagilardan iborat:

♦ o'quv materialini berish va o'zlashtirishning eng maqbul shakli va sur'atini tanlash mumkinligi;

♦ ta'lim sifatining yaxshilanishi (ta'limning samaraliroq modelini qo'llash, zero, u o'zida an'anaviy va innovatsion shakllarning eng yaxshi tomonlarini uyg'unlashtiradi);

♦ ta'limni tashkillashtirish shakliga rang-baranglik (elektron resurslardan foydalangan holda) kiritish imkoniyati mavjudligi;

♦ taklif qilingan fanlarni o'rganishga talabalarning motivatsiyasini (ish turlarining qiziqarliroq shakllarini tatbiq etgan holda) oshirish imkoniyati;

♦ mustaqil o'rganish uchun muayyan mavzular kiritish yoki auditoriyadan tashqari bajarish uchun ba'zi vazifalar berish yo'li bilan mashg'ulot vaqtlarini qisqartirish;

♦ o'qituvchi tomonidan nazorat va talaba tomonidan o'zini nazorat qilishni tashkil qilish (masalan, vazifalarni bajarishning aniq sanasini qayd etish);

♦ talabalarda qo'yilgan maqsad va kutilayotgan natijalarga asoslanib, o'z faoliyatini rejalashtirish va tashkillashtirish ko'nikmasini shakllantirish;

♦ ta'lim oluvchilarning axborotni qabul qilish imkoniyatini hisobga olish (masalan, agar biror talabaga yangi materialni o'zlashtirish uchun ko'proq vaqt talab qilinsa, u mustaqil ravishda batafsil va samarali o'rganib chiqish imkoniyatiga ega bo'ladi);

♦ mustaqil ta'lim va o'z ustida ishlash, shuningdek, axborotni izlash va tanlash ko'nikmalari hosil qilish imkoniyatining mavjudligi, bu esa, o'z navbatida, talabalar o'zlashtirish ko'rsatkichlarining ortishiga xizmat qiladi.

Mustaqil ta'limni to'g'ri tashkillashtirish hozirgi kunda ham dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Talaba mustaqil ishlash ko'nikmasiga ega emas. Shu maqsadda o'qituvchidan malaka va usluban to'g'ri metodlarni tanlagan holda tizimli tashkilotchilik talab etiladi. Moodle tizimida talabaning mustaqil ta'lim olish imkoniyati katta. Bunda qo'shimcha materiallar, manbalar, video va audiomateriallar barchasi taqdim etiladi. Lekin bu o'rinda mustaqil ta'lim nazorati e'tibordan chetda qolishi mumkin emas. Shu maqsadda materialni to'g'ri taqdim etish katta ahamiyatga ega. Masalan, taqdimot, qisqartirilgan ma'ruza matni, video dars yoki interaktiv ma'ruza shaklida berish maqsadga muvofiqdir. Interaktiv-ma'ruza elementi nazariy materialni test topshiriqlari bilan birga taqdim etish imkonini beradi. Demak, talaba mustaqil ravishda yangi materialni o'zlashtirishi bilan bir qatorda, olgan bilimni tekshirish imkoniga ham ega bo'ladi. Birinchidan, o'qituvchi material rejasi bilan tanishishni taklif qiladi. So'ngra, birinchi sahifaga o'tib, talaba yangi ma'lumot matni bilan tanishib chiqadi.

Bunday notalarning o'ziga xos belgilari mavjud bo'lib ularga amal qilish lozim. Jumladan:

- nota birinchi shaxs tilidan nota blankasida yoziladi;

-chap tepa burchagida nota yo'llayotgan mussasa nomi;

- o'ng tepa burchagida u qaysi shahradan (poytaxtdan) yuborilayotgani va yuborish sanasi ko'rsatiladi;

(ba'zan muassasa va sana chap burchakda bo'lgan shakllar ham kuzatiladi)

**Shaxsiy nota** matni murojaatdan boshlanadi, masalan: **"Janob Elchi", "Janob Vazir", "Janob Ishonchli vakil"**.

Davlat rahbari yoki harbiy, diplomatik maqomga, diniy unvonga ega bo'lgan shaxslarga murojaat qilganda, odatda, ismlari tilga olinmaydi. "Janob Prezident", "Janob General". Agar xat fan arbobiga yozilayotgan bo'lsa "Doktor (Laurens)", "Professor (Keller)" deya murojaat qilinadi. (Lekin hozirgi kunda istisnolar mavjud, ya'ni ismi sharifi bilan murojaat qilish ham kuzatiladi). Diplomatik etiket lavozimini biroz ko'tarib aytishni taqozo qiladi. Masalan, vazir o'rinbosariga "Janob Vazir", podpolkovnikka "Janob Polkovnik", vakilga "Janob Elchi" deyiladi. Ayol kishiga erining familiyasi bilan murojaat qilish afzal deb topiladi. Agar ismining talaffuzi qiyin bo'lsa "xonim" bilan cheklanish mumkin. Dvoryanlik unvoni saqlanib kelayotgan mamlakatlarda ayol va erkaklarga murojaatda e'tibori bo'lish lozim.

**Odatda ushbu sanab o'tilgan murojaatlardan oldin "Hurmatli (Muhtaram)" so'zi qo'llanadi.**

Ta'ziya va norozilik mazmunida bo'lgan xatlardan tashqari, boshqa hollarda keyingi jumla, hurmat ifodasi bilan boshlanadi va ".....sharafiga noil yoki sharafiga muyassar" (bildiradi, ma'lum qiladi shakllari ham mavjud) bilan tugaydi. Bu rasmiyatchilik uchun bo'lsa ham juda muhim qism. Agar hurmat ifodasi noto'g'ri, kamsitish mazmunini tashisa, bu atayin qilingan deb tushunilishi mumkin.

Hurmat shaxsning mansabi yoki unvonini hisobga olgan holda bildiriladi. Bosh vazir, parlament raisi, tashqi ishlar vaziri va boshqa vazirlar, elchilarga **"Siz (mansabi ko'rsatiladi)ga bo'lgan yuksak ehtiromimni qabul etgaysiz"** deya hurmat bildiriladi. **"Yuksak ehtirom (hurmat-ehitrom)"** va **"Janobi oliylari"** hozir iste'foda, lekin ilgari shunday murojaatga haqli bo'lgan shaxslarga nisbatan qo'llanishi mumkin.

Ba'zi mamlakatlarning protokol amaliyoti umume'tirofdagi andozalardan farq qilishi mumkin.

Xulosa qismi ham do'stona yozilgan notalarda hurmatni ifodalovchi so'zlar bilan yakunlanadi: **"Fursatdan foydalanib, yana bir bor Sizga bo'lgan hurmat va**

Ushbu manzil **shaxsiy nota** yuboriladigan konvert ustiga ham yoziladi.

Notalarda muloyimlik, xushmuomalalik ifodasi uchun qo'llanadigan shakllar ko'p. Bu notadagi keskinlikni yumshatadi. Hatto norozilik notasi yozganda ham, u ortiqcha keskin qabul qilinmasligi lozimligi hisobga olinadi. Hozirgi kunda shaxsiy va **verbal nota** teng darjada deb qabul qilinadi.

### **Ishonch yorlig'i**

Ishonch yorlig'i bu **shaxsiy nota** turi hisoblanadi. Yangi diplomatik missiya boshlig'i o'z hukumati tomonidan ishonch yorlig'i deb ataluvchi rasmiy xat hamrohligida taqdim qilinishi lozim. Bunday xat xatjildga (konvertga) solib muhrlanadi. Uni davlat boshlig'i vakilini taqdim qilayotganida ochishi lozim. Bunday xatlar uslubi ko'tarinki bo'ladi.

### **Chaqiruv yorlig'i**

Elchi diplomatik vakil o'rniga almashish uchun borganda, ishonch yorlig'i bilan birga, oldingi diplomatni qayta chaqirib olish yorlig'ini ham olib boradi.

Chaqiruv yorlig'i bu davlat boshlig'i tomonidan diplomatik vakilini boshqa mamlakatga yuborayotganda yoziladigan xat. Chaqiruv yorlig'i qabul qiluvchi davlat boshlig'iga yo'llanadi. Unda diplomatik vakil o'z vataniga qayta chaqirib olinayotgani ma'lum qilinadi va uning har ikki davlat o'rtasidagi diplomatik munosabatlar rivojiga hissa qo'shganligiga umid bildiriladi. Bunday hujjatga davlat boshliqlari va tashqi ishlar vazirlari imzo chekadi.

Amaliyotga chaqiruv yorlig'ini ketayotgan diplomatik vakilning o'zi berishi holati kuzatilmagan, uni albatta yangi kelgan elchi o'z ishonch yorlig'ini topshrayotganida beradi. Bunday xatga javob talab qilinmaydi.

## **2-QISM**

O'qib bo'lgach, "2-qism" tugmachasini bosish orqali keyingi sahifaga, ya'ni ma'ruza mavzusidagi test topshiriqlarini yechishga o'tadi. Talaba savollarga javob bera olmagan holatlarda dastur uni birinchi sahifaga, ya'ni ma'lumot matniga qaytaradi, talaba ma'ruza matnini yana bir bor o'qiydi va yana bir bor minitestga tayyorlanadi. Minitestdan muvaffaqiyatli o'tgan taqdirda talaba uchinchi sahifaga o'tadi. Bunda o'qituvchi materialni aniq, qisqa, lo'nda qilib berishi yoki internet saytga ilova, taqdimot, tayyor video dars ilovasini ham qo'yishi mumkin. Interaktiv-ma'ruza elementi talabaniing mustaqil ishini tashkil etishda juda samarali usullardan bo'lib, yaxshi natija beradi. Berilayotgan materiallar qismlarga bo'lib joylash-tirilsa, o'zlashtirish darajasi oshadi. Talaba matnni bir necha marta o'qib chiqish imkoniga ega. So'ngra shu qism bo'yicha topshiriqlarni bajarib ko'radi.

**Shaxsiy notanig asosiy qismi boshida qo'llanadigan andozani ko'rsating.**

- Sizga bo'lgan chuqur hurmat va ehtiromimni izhor etaman ba shuni bildirish sharafiga noilmanki,
- Mening hurmat va ehtiromimga yana bir bor ishonch bildirgaysiz....
- Fursatdan foydalanib, yana bir bor Sizga hurmat va ehtiromimni izhor etaman.
- ....Sizga bo'lgan chuqur hurmat va ehtiromini izhor etadi va..... bildirish sharafiga noil

ОТПРАВИТЬ

**Xavfsizlik kengashi amaliyotida ziddiyatda bo'lgan tomonlardan birining chiqishi paytida delegatsiya namoyishkorona majlislar zalini tark etayotganida qo'llanadi.**

**Ushbu hujjatning nomini yozing. Hujjat nomini bosh harf bilan yozing**

Ваш ответ

ОТПРАВИТЬ

**Yarimrasmiy xatlarda hozirgi kunda diplomatik yozishmalarda qabul qilingan jumlar, leksik qurilmalar va grammatik shakllardan umuman foydalanilmaydi.**

- To'g'ri
- Noto'g'ri

ОТПРАВИТЬ

Ushbu yuborilgan javoblar to'g'ri bo'lgan taqdirda, talabaga yangi ma'lumotga o'tish imkoni beriladi. Talaba shu mavzu yuzasidan taqdimot yoki videodars ko'rib yana shu tartibda o'z bilimlarini tekshirib ketaveradi. Bunday topshiriqlarni tuzishda o'qituvchining mantiqiy izchillikda yondashishi taqozo etiladi. Topshiriqlar osondan murakkabga qarab joylashtirilishi, shuningdek, mazmunan rang-barang bo'lishi lozim: grammatik topshiriqlar, imlo ustida ishlash, uslub va uslubiy xatolarga qaratilgan testlar, leksik topshiriqlar va h.k.

Bunda interaktiv ma'ruza 5–6 qismdan iborat bo'lishi maqsadga muvofiq bo'ladi. Juda katta hajmdagi materialni o'zlashtirish qiyinchilik tug'dirishi yoki ishtiyoqni yo'qotishi mumkin.

Shunday qilib, zamonaviy jamiyatning eng muhim muammolaridan biri bu shaxsning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishdir. Bu intellektual va ijodiy salohiyatni to'plashdagi ijtimoiy ehtiyojlar bilan bog'liq bo'lib, uning yordamida jamiyat rivojlanishning yangi chegaralariga erisha oladi, chunki faqat yorqin ijodiy yechimlar mavjud iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy muammolarning o'zaro to'qnashuvidan chiqish yo'lini topishga yordam beradi.

Yuqorida aytilgan fikrlar xulosasi aralash ta'lim shaklida tashkillashtirilgan o'quv jarayoni quyidagi masalalar yechimini berishini e'tirof etadi:

1. Aralash ta'lim o'quv materialni berish va o'zlashtirishning eng maqbul sur'atini tanlash mumkinligi imkonini beradi, shuningdek, ta'lim sifatining yaxshilanishi, ya'ni ta'limning samaraliroq modelini qo'llash hisobiga u o'zida an'anaviy va innovasion shakllarining eng yaxshi jabhalarini uyg'unlashtiradi.

2. Aynan til o'qitish jarayonida aralash ta'lim o'zida elektron va an'anaviy ta'limning eng yaxshi tomonlarini mujassamlantirgani aniq ko'zga tashlanadi. Elektron ta'limning qulayligi va moslashuvchanligi auditoriyada guruh va o'qituvchi o'rtasidagi bevosita jonli aloqa bilan to'ldiriladi. Aralash ta'limda elektron va an'anaviy ta'lim parallel ravishda borishi kerak: mashg'ulotda o'tilgan har bir bo'limga tarqoqdagi vazifalar bloki mos kelishi lozim. Elektron kurs asosiy mashg'ulot o'rnini bosmaydi, uni to'l-

diradi, shu sababli fan bo'yicha darslikni hajm cheklanganligi bois u yerga joylashtirishning hojati yo'q. Leksika va grammatikani mustahkamlash uchun avtomatlashtirilgan tekshiruvli test topshiriqlari mashg'ulot vaqtini tejaydi, bevosita og'zaki aloqa bilan mashg'ul bo'lish imkonini beradi. Individual ko'rib chiqish rejimida videomaterial bilan ishlash ishning alohida sur'ati tufayli til hodisalari ustida batafsil ishlashga ko'maklashadi, holbuki bu auditoriya mashg'uloti doirasida juda mushkuldir. Bundan tashqari, elektron kurs odatdagi mashg'ulotda imkoni bo'lmagan asinxron formulalar, chatlar, pochta, slaydlar, video va audio konferensiya, viki, so'rovlar va h.k. turlariga ega bo'lishi mumkin.

3. Talabalarining o'qituvchining yordamisiz faoliyatning turli ko'rinishlarini o'z ichiga oluvchi internet tarmog'idagi qidiruv topshiriqlari, vebkvestlar va h.k. yordamida mustaqil ta'limni tashkil etishning eng samarali yo'llarini ochib beradi. Loyihalar taqdimotini tayyorlash, ijodiy ishlar miqdorini ko'paytirish imkonini beradi, bu esa, o'z navbatida, ta'lim oluvchilarda ushbu ko'nikmalarni shakllantirishga yordam beradi.

4. Aralash ta'limning imkoniyatlari kattaligiga va rivojlanish istiqbollari porloq ekanligiga shubha yo'q. Aralash ta'lim talabalarining individual uslublari va manfaatlariga yo'naltirilgan yangi muhit yaratadi. Elektron muhit o'qitishning an'anaviy modeliga nisbatan qator maxsus imkoniyat va afzalliklarga ega. Aralash kursning elektron tarkibiy qismi talabalarining individual salohiyatlarini ro'yobga chiqarish uchun eng maqbul shart-sharoit taklif qiladi. Moodle platformasida joylashtirilgan vazifalar xilma-xil bo'lishi mumkin va shu tariqa talabalarining individual iste'dodlari va qobiliyatlariga mos keladi. Ular murakkabligi darajasiga ko'ra farqlanishi, ayni paytda ta'lim oluvchilarning eslab qolish qobiliyatlariga ham bog'liq bo'lishi ham mumkin. Bunday xilma-xillik kuchsiz talabalarni birgalikda ishlashga jalb qilishga ko'maklashadi, shu bilan birga, kuchli talabalarga yuqoriroq talablar qo'yishga yordam beradi.

5. Talabaning bilim va ko'nikmalarini muntazam individual ravishda nazorat qilish imkonini beradi, shuningdek, talabada axborotni izlash va tanlash ko'nikmalari hosil qilinadi, bu esa, o'z navbatida, sifatning ortishiga xizmat qiladi;

Shunday qilib, aralash ta'lim an'anaviy ta'limning hamda internet tarmog'ida interaktiv hamkorlikning eng yaxshi tajribalarini o'zida uyg'unlashtiradi va muntazam o'zaro bog'liqlikda ishlaydi hamda yaxlit butunlikni yuzga keltiradi.

#### **Foydalangan adabiyotlar:**

1. Розанова Я.В. Технология ротационной модели метода смешанного обучения в неязыковом вузе.
2. Фомина А.С. Смешанное обучение в вузе: институциональный, организационно-технологический и педагогический аспекты. Теория и практика общественного развития. 2014, №21, 272 с.
3. Щукина И.В. Смешанное обучение в методике преподавания английского языка для оптимизации самостоятельной работы студентов. Научно-методический электронный журнал «Концепт», 2019, № 6 (июнь).
4. Костина Е.В. Модель смешанного обучения (blended learning) и ее использование в преподавании иностранных языков. Известия вузов. "Гуманитарные науки", 2010, № 1, с. 141 –144.
5. Баженов Р.И. Использование системы Moodle для организации самостоятельной работы студентов. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. 2014, № 3, с. 174 –175.
6. Уринцов А.И., Староверова О.В., Свиридова Е.С. Смешанное образование студентов – перспективный вектор развития традиционного обучения. Вестник экономической безопасности. 2018, № 4, с. 334 – 336.
7. Иваницкая Е.В. Трансформация научного стиля в условиях меняющейся коммуникативной среды. Особенности современной научной статьи. Язык и текст. 2016, Т.3, № 2, с. 62–75.

**Eshchanova Gulbahor Husanboevna (Urganch davlat universiteti Xorijiy filologiya fakulteti  
Ingliz tili va adabiyoti kafedrasida stajor-tadqiqodchisi; [gulbagoreshchanova@gmail.com](mailto:gulbagoreshchanova@gmail.com))  
TA'LIMDA YANGI INNOVATSION MODELNI TATBIQ QILISHNING AHAMIYATI**

*Annotatsiya. Jahon ta'lim standartlariga javob beradigan va axborotlashgan jamiyatda o'qitishning zamonaviy didaktik vositalarini kengroq joriy etish va ularning samaradorligini yanada oshirishning dolzarbligini ko'rsatmoqda. Shuningdek, oliy ta'limda talabalarda mustaqil izlanishga, kasbiy va fanga bo'lgan motivatsiyani kuchaytirish uchun pedagogik va axborot texnologiyalari integratsiyasidan foydalanib darslarning yangicha usullarni tatbiq qilishni taqozo etmoqda.*

**Аннотация.** Статья раскрывает актуальность повсеместного внедрения современных дидактических инструментов, отвечающих требованиям мировых образовательных стандартов, в процесс обучения в информатизированном обществе и пути повышения их эффективности. Это, в свою очередь, требует внедрения новых методов обучения с использованием интеграции педагогических и информационных технологий для усиления мотивации студентов к самостоятельным исследованиям, профессиональной деятельности и науке в высшем образовании.

**Annotation.** The article shows the urgency of the widespread introduction of modern didactic tools of teaching in a society that meets international educational standards and is more informed, and to further increase their effectiveness. It also requires the introduction of new teaching methods using the integration of pedagogical and information technologies to strengthen the motivation of students to independent research, professional and science in higher education.

**Kalit so'zlar:** "Flipped classroom" modeli, video ma'ruzalar, Onlayn darsliklar, virtual auditoriyalar, axborot texnologiya vositalar.

**Ключевые слова:** модель перевернутого класса, видеолекции, онлайн-учебники, виртуальные классы, инструменты информационных технологий.

**Key words:** Flipped classroom model, video lectures, online textbooks, virtual classrooms, information technology tools.

Yurtimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlarning eng zarur qismi bu, albatta, ta'lim tarbiyaga borib taqaladi. Ma'lumki, mamlakatimiz rivojlanishi va kelajagi ta'lim-tarbiya sohasidagi sifat o'zgarishlari qilib yuqori samaradorlikka erishishga, ularning jahon ta'limi talablariga mosligi va amaliy hayotdagi o'rnini qay darajada topayotganligiga bog'liq. Bugungi kunda chet tillarini o'qitish sohasiga qaratilayotgan e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarildi va Respublikamizning dunyo hamjamiyatiga integratsiyalashuvi chet tillarni mukammal va puxta egallagan yetuk mutaxassis kadrlarni tayyorlashni muhim vazifalardan biriga aylantirdi. Buning yaqqol misoli sifatida ta'lim tarbiya sohasida Respublikamizda qator tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, «Mamlakatimizda bir necha xorijiy tillarni biluvchi zamonaviy kadrlar tayyorlash, xorijiy tillar bo'yicha ilmiy ishlar olib borish, til o'rgatish metodologiyasini takomillashtirish» ustuvor vazifalardan biri sifatida tilga olingan. Bunda pedagog kadrlar oldida umr bo'yi izlanish, egallangan bilim va malakalarni takomillashtirish, tanqidiy fikr yuritish ko'nikmalariga hamda doimiy o'zini rivojlantirish motivatsiyasiga ega bo'lgan mutaxassislarni tarbiyalash kabi vazifalar belgilandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-iyundagi «Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 3775-son qarori,<sup>1</sup> 2018-yil 10-oktabrdagi «Oliy ta'lim muassasalarini o'quv adabiyotlari bilan ta'minlash to'g'risida»gi 816-son qarori,<sup>2</sup> 2017-yil 20-apreldagi «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2909-son qarori,<sup>3</sup> Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 11-avgustdagi «Ta'lim muassasalarida chet tillarini o'qitishning sifatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 610-sonli qarori<sup>4</sup> hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda biz pedagog kadrlar oldiga ulkan vazifalar yulandi. Bu islohotlarga qo'shimcha sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2021-yil 6-mayda "Xorijiy tillarni o'rgatish bo'yicha kelajak uchun mustahkam poydevor bo'ladigan yangi tizimni yo'lga qo'yish vaqti-soati keldi."<sup>5</sup>

Jahon tajribasida qo'llanilib kelayotgan yangi Flipped classroom modelini oliy ta'lim sohasiga tatbiq qilsak o'z samarasini beradi dep hisoblaymiz. Flipped classroom bu o'rganish strategiyasidir. Flipped classroom modeliga ta'rif beradigan bo'lsak, bu sinfni "ag'darish", ya'ni uning yordamida talabalar yangi

<sup>1</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-iyundagi «Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 3775-sonli qarori.

<sup>2</sup> [www.lex.uz](http://www.lex.uz). 2018-yil 10-oktabrdagi «Oliy ta'lim muassasalarini o'quv adabiyotlari bilan ta'minlash to'g'risida»gi 816-sonli qarori.

<sup>3</sup> 2017-yil 20-apreldagi «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 2909-sonli qarori.

<sup>4</sup> Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 11-avgustdagi «Ta'lim muassasalarida chet tillarini o'qitishning sifatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 610-sonli qarori.

<sup>5</sup> Prezident Shavkat Mirziyoyev raisligida 6-may kuni chet tillarini o'qitish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari yuzasidan videosektor yig'ilishi nutqidan.

bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladilar. Bunda asosan yangi o'tiladigan mavzu yuzasidan materiallarni oldindan o'qituvchi talabalarga turli xil shakllarda yetkazadi (videodars, mavzu yuzasidan materiallar, ko'rgazmali vositalar) va talaba mustaqil ravishda o'qiydilar, so'ngra dars jarayonida shu mavzuga doir munozara, bahs, fikr almashish va muammolarni yechish usullarini muhokama qiladiki, bu talabalarga yangi bilimlarni dars jarayonida yaxshi o'zlashtirishga va o'rganishga yordam beradi. Bunda an'anaviy dars berish va Flipped classroom modelini mazkur jadvalda farqini yaqqol ko'rishimiz mumkin (jadval). Buni baholashda va farqini namoyish qilishda Bloom taksonomiyasidan foydalanamiz. Bloom taksonomiyasi – bu o'rganishda ishlatiladigan bilim ko'nikma va qobiliyatlari uchun tasniflash tizimi bo'lib, o'qituvchilar darslarni rejalashtirish va vazifalarni berish uchun ushbu taksonomiyadan foydalanadilar. Bu taksonomiyani 1956-yilda ta'lim psixologi Benjamin Bloom yaratdi.

Bilim bosqichlari	An'anaviy o'qitish vositalari	Flipped classroom vositalari
Eslab qolish	Ma'ruza darsi	Video ma'ruza dars, o'quv materiallari, veb saytlar.
Tushunish	Savol va javob	Bahs munozara darsi va davra suhbat mashg'uloti
Tahlil qilish	Uyga vazifa	Yangi bilimlar ustida guruh va yakka tartibda mashq o'tkazish, diagrammalar, xaritalar va hokazo
Qo'llash	Uyga vazifa beriladi yoki hech narsa	Yangi bilimlarga bog'liq holda uyga vazifalarni taqdimotlar va loyihalar orqali topshirish
Baholash		
Yaratish		

Ushbu jadvaldan xulosa qiladigan bo'lsak, an'anaviy dars – bu muayyan muddatga mo'ljallangan, ta'lim jarayonini ko'proq o'qituvchiga shaxsiga qaratilgan, ma'lum bir qolipda qotib qolgan ya'ni mavzuga kirish, yoritish, mustahkamlash va yakunlash bosqichlaridan iborat ta'lim modelidir. Bu model markazida o'qituvchi turadi. Shu bois ba'zida ta'lim jarayonida ko'proq talaba rolidan ko'ra o'qituvchi katta rol o'ynaydi. An'anaviy dars o'tish modelida ko'proq ma'ruza, savol-javob, amaliy mashq kabi metodlardan foydalaniladi va bu esa, o'z navbatida, dars samaradorligi past bo'lishiga shuningdek o'quvchilar ta'lim jarayonida passiv ishtirokchiga aylanib qoladilar.

“Flipped classroom” an'anaviy sinfdan, asosan, ikki xususiyatdan farq qiladi: birinchidan, u aniq standart ma'ruzalarni va bilimlarni faol va talabalarga yo'naltirilgan o'quv faoliyati bilan almashtiradi. Ikkinchidan, talabalarga o'zlarini mustaqil bilim olishga undaydigan, darsdan tashqari taqdim qilingan manbalar yordamida va shuningdek oldindan yozilgan ma'ruzalarni takror tomosha qilish yoki qisqa audiolarni tinglash orqali yangi tushunchalarni o'rganish imkoniyatini beradi.

Flipped classroom modelini ta'lim jarayoniga tatbiq qilishdan oldin bir qancha axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini o'zlashtirib olishlari lozim. Dars mashg'ulotlarini yozib olishda Screen-cast-o-matic, Camtasia PC, TechSmith Relay va Office Mix kabi vositalardan foydalansak maqsadga muvofiq bo'ladi. Yozib olingan dars mashg'ulotlarni talabalarga yetkazishda qo'l keladigan online vositalardan Youtube, TeacherTube, GoogleDrive saytlarga joylashtirilsa talabalar dars mashg'ulotlarini o'zlariga qulay vaqtda va joyda ko'rishlari mumkin. Shuningdek LMS dasturi orqali o'qituvchi o'z talabalariga elektron o'quv kurslarini yuklashi va elektron ta'lim platformasi bilan bevosita aloqada bo'lishi va nazorat qilish imkoniyatini yaratadi. Shu qatorda ko'plab olimlar Flipped classroom modelidan foydalanishning avfzal tomonlarini sanab o'tishgan. Jumladan Milmaning (2012) fikriga ko'ra, Flipped classroom modelidan foydalanishning eng foydali jihati – bu talabalarni guruh bo'lib ishlashga undashidir.<sup>1</sup>

Fulton (2012) esa bu model orqali talabalar berilgan materiallarni o'zlari xohlagan usulda va xohlagan paytda takror ko'rishi va sinfdan tashqarida fikrlash qobiliyatini oshirishga yordam beradi dep ta'

<sup>1</sup>Milman N. (2012). The flipped classroom strategy: what is it and how can it be used? Distance Learning, 9, p. 85–87.



kidlagan.<sup>1</sup> Bu fikrlarga qo‘shimcha sifatida Herried va Schiller (2013) flipped classroom modeli talabalarni ko‘proq bo‘sh vaqtlarida ixtirochilik tadqiqodlarini ishlashga yordam beradi.<sup>2</sup>

Xulosa qilib aytganda, XXI asr ta‘lim talablarini qoplashda, ta‘limda innovatsion yondashuvlardan foydalanishda va zamonaviy ta‘limda pedagogik va axborot texnologiyalari integratsiyasidan foydalanib darslarni tashkil etish yangidan-yangi pedagogik tafakkurlashni, fikr yuritishni taqozo etadi. Zamonaviy o‘qituvchi o‘zida metodologik, nazariy, uslubiy bilimlarni egallashi va zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etiladigan bilish faoliyatini amalga oshirishda samarali usullardan doimiy ravishda zamon bilan hamnafas foydalanib va amaliyotda qo‘llab borishi zarur.

### **Babayev Otabek Abdikarimovich (BuxDU Tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrası o‘qituvchisi) BOSHQARUV SOHASI MUTAXASSISLARINING MALAKA OSHIRISHIDA TA‘LIMNING ROLI**

**Annotatsiya.** *Kasbiy mahorat darajasini baholash, xodimlarning bilim va ko‘nikmalarini aniqlash uchun turli usullar qo‘llaniladi, bu esa xodimlarning qobiliyatlari haqida batafsil, obyektiv va tuzilgan ma‘lumotlarga ega bo‘lish imkonini beradi. Kasb-hunar malakasi darajasini baholash va menejerlar, shu bilan birga, foydalanadigan mezonlar xodimlarning motivatsiyasiga juda katta ta‘sir ko‘rsatadi, shuning uchun vakolatni to‘g‘ri baholash juda muhimdir.*

**Аннотация.** *Для оценки уровня профессионализма применяются различные методы с целью выявить знания и навыки работников, что позволяет получить детальную, объективную и структурированную информацию о способностях персонала. Оценка уровня профессиональной компетентности и критерии, которые руководители используют при этом, очень сильно влияют на мотивацию сотрудников. Поэтому правильная оценка компетентности очень важна.*

**Annotation.** *To assess the level of professionalism, various methods are used to identify the knowledge and skills of employees, which allows you to obtain detailed, objective and structured information about the abilities of staff. The assessment of the level of professional competence and the criteria that managers use in this process have a very strong influence on the motivation of employees. Therefore, the correct assessment of competence is very important.*

**Kalit so‘zlar:** *standart darajasi, bilim va ko‘nikmalar, refleksiv tahlil, nazariy tushunchalar, tajriba, anglaui.*

**Ключевые слова:** *уровень стандарта, знания и навыки, рефлексивный анализ, теоретические концепции, экспериментирование, осмысление.*

**Key words:** *the level of standard of knowledge and skills of reflective analysis, theoretical concepts, experimentation. comprehension.*

Dunyo mehnat bozori doim o‘zgarishlarga boy, bu esa menejerlarning muntazam ravishda malaka oshirishlari va qo‘l ostidagilarni o‘rgatishni talab qiladi. Trenerlarga bugungi kunda nafaqat tashkilotlarning ish yurituvchilariga, balki barcha boshqaruvchilarning ehtiyoji bor. Yoshi kattalarni o‘qitishning o‘ziga xos qator omillari mavjud.

Kasb-hunar ta‘limi (trening) – kasbiy vazifalarni etarlicha bajarish uchun boshqalar bilan bilimlarni, ko‘nikmalarni, baholashni va munosabatlarni rivojlantirishni takomillashtirish maqsadida uzluksiz ta‘limning dastlabki siklini tugatgan odamlar tomonidan amalga oshiriladigan har qanday tizimli harakatlar. Ta‘lim jarayoni texnologik va ijtimoiy o‘zgarishlarga yetarlicha javob berishga, uning potensialini to‘liq amalga oshirishga yordam berish uchun inson hayoti davomida (lifelong education) davom etishi kerak.

Katta yoshdagi talabalar va bolalar o‘rtasidagi farqlar asta-sekin ilm-fan tomonidan amalga oshiriladi. Pedagogikada Andragogika deb ataladigan didaktikaning maxsus bo‘limi ham bor edi. Treningni tashkil etishning andragogik modeli ham taklif qilindi, unda talaba o‘z ta‘lim sohasini aniqlash, texnikani tanlash, vaqtni rejalashtirish va natijalarni baholash uchun javobgardir. U o‘qitishning asosiy “Harakatlantiruvchi kuchi” bo‘lib xizmat qiladi, o‘qituvchi esa jarayonning muvofiqlashtiruvchisi, yangi shakllar, usullar va imkoniyatlarni yaratadigan “me‘mor” rolini o‘ynaydi.

<sup>1</sup> Fulton K. (2012). Upside down and inside out. Flip your classroom to improve student learning. Learning & Leading with Technology, 39, p. 12 – 17.

<sup>2</sup> Herried C.F.,&Schiller N.A. (2013). Case Studies and the Flipped Classroom. Journal of College Science Teaching, 42, p. 62 – 66.

So'nggi paytlarda kattalar ta'limining faol usullari tobora ommalashib bormoqda: prezentatsiyalar, seminarlar, biznes va rol o'yinlari, biznes-treninglar, amaliy mashg'ulotlar, kichik guruhlardagi munoza-ralar, modellashtirish va loyihalarni amalga oshirish va boshqalar. Faqatgina mashqlar mazmuni yoki kat-talardagi o'zlarining amaliy tajribalari bormi? Yo'q, albatta. Talabalar bilan o'zaro yondashuvlar tashkil etish, va aloqa usullari, natijalar uchun javobgarlik his qilish va o'rganish uchun turtki bo'ladi.

Biznes – o'qitishni tashkil qilishda mutaxassislar kattalarning quyidagi xususiyatlarini hisobga olishni maslahat berishadi:

- ta'lim jarayoniga ongli munosabat;
- mustaqillikka bo'lgan ehtiyoj;
- motivatsiyani ta'minlaydigan o'qitishning mazmuni (muhim muammolarni hal qilish va muayyan maqsadga erishish uchun);
- ta'limga amaliy yo'nalish, olingan bilim, ko'nikma va ularni qo'llash istagi;
- hayot tajribasiga ega bo'lish-o'rganishning muhim manbai;
- kasb-hunar, ijtimoiy, maishiy va vaqt omillarini o'qitish jarayoniga ta'siri.

Odatda, kattalar o'rganish zarurligini va natijalarini o'z faoliyatini yaxshilash uchun qo'llash qobiliyatini ko'rsalar, o'rganishni xohlashadi. Bundan tashqari, ular jarayonda faol ishtirok etishga, o'quv vaziyatlariga o'z tajribalari va hayotiy qadriyatlarini olib kelishga, ta'lim holatini o'z maqsadlari va vazifalari bilan bog'lashga harakat qilishadi. Yaxshi namunalardagi odam ko'plab oilaviy va ijtimoiy mas'uliyatlarga ega, shuning uchun u ishdan ajralmasdan o'rganadi. Kattalar turli xil tezlik bilan yangi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishadi, shuning uchun ular ta'limni individuallashtirish, o'z-o'zini hurmat qilish va o'z-o'zini hurmat qilish kerak.

Mashhur amerikalik psixolog Karl Rogers kattalar psixologik xususiyatlarini shakllantirib, muvaffaqiyatli ta'lim olish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratdi:

- tabiatdan odamlar o'rganish uchun katta salohiyatga ega;
- ta'lim, uning mavzusi inson uchun ahamiyatli bo'lganda va shaxs (uning "men") hech narsa tahdid qilmasa, samarali bo'ladi;
- ta'lim butun shaxsni o'z ichiga oladi, natijada o'z-o'zini anglashda o'zgarishlarga olib keladi;
- tajribaning ochiqligini saqlab qolish bilan mashg'ulotning katta qismi amalga oshiriladi;
- o'z-o'zini tanqid qilish va yuksak hurmat-ehtirom ijodiy jarayonni faollashtiradi, mustaqillik va o'ziga ishonch kabi fazilatlarini mustahkamlaydi.

Shubhasiz, Rodgers kattalarni o'z jarayonining tashabbuskori bo'lgan jarayonning mas'ul ishtirokchisi sifatida ko'radi. "O'rganish" – tom ma'noda – "o'zingizni o'rgating" degan ma'noni anglatadi. Shunga qaramay, o'qituvchi hali ham ta'lim maqsadlarini aniqlash uchun mas'uldir.

**Аннотация.** Мақолада Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқишига ихтисослаштирилган мактабларнинг 5-синфига ўқувчилар қабули учун “Математика” фанидан ўтказилган тест синови натижаларининг таҳлили келтирилади.

**Аннотация.** В статье приводится анализ результатов тестовых испытаний по математике, при поступлении учеников в 5 класс специализированных школ с углубленным изучением Информатики и информационных технологий.

**Annotation.** This article analyzes the results of tests in mathematics for the admission to the 5<sup>th</sup> grade of specialized schools on Informatics and information technologies is given.

**Калит сўзлар:** тест топшириқлари, Раиш модели, қийинлик даражаси.

**Ключевые слова:** тестовые задания, модель Раиш, степень трудности.

**Key words:** test items, Rush model, degree of difficulty.

Ўқувчиларнинг математика фанидан билимларини аниқлаш ва фанни билиш кўникмаларини баҳолашда қандай услубларни танлаш муҳим омиллардан бири саналади. Фан бўйича синов натижаларини таҳлил қилиш орқали ҳам ўқувчининг билимини аниқлаш имконияти мавжуд бўлади. Бунда тест топшириқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Тест топшириқларини тузишда ўқувчиларнинг турли қобилиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, тест топшириқлар вариантини шакллантириш талаб этилади. Бу ўринда тест вариантыдаги тест топшириқларининг қийинлик даражасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг тўғри тақсимланиши тест тузувчи фан мутахассисларининг масъулиятли вазифасидир.

Ҳозирги кунда педагогик ўлчовлар соҳасида тест топшириқларининг қийинлик даражани аниқлашнинг бир қатор статистик усуллари мавжуд бўлиб, шулардан бири замонавий тест назарияси ҳисобланади.

Мақолада математика фани тест синови натижаларини замонавий тест назарияси статистик тадқиқот усули орқали математикага ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар қабули тест синовида фойдаланилган тест топшириқларининг таҳлили мисолида таҳлил қилинган.

Педагогик ўлчовларда тест топшириқларини сифатини замонавий тест назарияси асосида математик-статистик тадқиқот усули ҳозирда кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Россия Федерацияси, ривожланган шарқ мамлакатлари таълим тизимида самарали фойдаланиб келаётган усуллар бири ҳисобланади.

Замонавий тест назарияси – инглиз тилида *item response theory* (IRT) деб номланади. Бу элементларга жавоб назарияси ёки элементларга реакция деган маънони англатади. IRT фақатгина тест топшириқлари (саволлар)га берилган жавобларнигина баҳоламасдан, балки турли хилдаги сўровномаларни баҳолашда ҳам кенг ишлатилади. Шунинг учун бу назарияда *тест топшириги* ўрнида *элемент* – (*item*) сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Математика фанининг статистик таҳлилида *тест топшириги* тушунчаси ва *элемент тушунчаси* бир хил маънода ишлатилади.

IRT бу математик модель бўлиб, яширин характеристикалар (билим, стресс, муносабат) ва уни намоён қилувчилари (кузатилган натижа, жавоблар) билан боғлиқлигини ифодалайди. У педагогик ўлчов инструменти, яъни тестнинг, бу саволларга жавоб бераётган шахсларнинг ва у асосида яширин характеристика хусусиятлари орасидаги боғлиқликни ўрнатади. IRT яширин характеристика ва ўлчов саволларини кузатиб бўлмайдиган континуумда тартибланиш деб ҳисоблайди. Шунинг учун унинг асосий вазифаси шахсларнинг мазкур континуумдаги жойини аниқлашдан иборатдир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Hambleton R.K., Swaminathan, H. and Rogers H.J. (1991), Fundamentals of item response theory. Newbury Park, CA, Sage.

Ҳозирги кунда IRT модели кўп мамлакатларда, жумладан, АКШда GRE, GMAT каби юқори даражали тестлар натажасини таҳлил қилишда ҳамда бу модель билан аниқланган тест топшириқларининг характеристика натижалари асосида тест топшириқлари базасини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

IRT параметрлари тажриба (эксперимент) ва моделларни мослаштириш орқали топилади. Буни амалга ошириш учун бир нечта усуллар ишлаб чиқилган. IRT моделларида модель параметрларини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Бу Раш моделида [1–3] яширин қобилият ва элементлар қийинлиги параметрларидир. Бу иккита катталикдан биринчиси ўзгарувчи сифатида, иккинчиси эса параметр сифатида қаралиши мумкин. Тест натижаларини таҳлил қилишда элементлар қийинлик даражасини параметр сифатида қараш қулай, чунки қобилият (билим) бу моделда элементларга берилган жавобларга қараб белгиланади.

Раш моделига кўра, дихотомик элементларга индивидуал жавоблар шахснинг қобилият даражаси ва элемент қийинлиги билан аниқланади. Маълум бир қобилиятга эга бўлган шахснинг маълум бир қийинликдаги элементга тўғри жавоб бериш эҳтимоллигини аниқлайди. Бу қуйидаги математик формула орқали ифодаланади:

$$P(X_{is} = 1 | \theta_s, b_i) = \frac{e^{\theta_s - b_i}}{1 + e^{\theta_s - b_i}} ;$$

бу ерда:  $X_{is} = 1$  s-ўқувчининг i элементга тўғри жавоб бериш эҳтимоллиги;  $\theta_s$ –қобилият ўзгарувчиси;  $b_i$ –топшириқ қийинлик даражаси; e – натурал логарифм асоси (e=2,7182818...).

Юқорида таъкидлаганимиздек, IRT параметрлари тажриба ва моделларни мослаштириш орқали топилади. Биз тажриба сифатида Математика фанидан тест синовлари натижаларини тадқиқ қиламиз. Махсус дастур асосида буни амалга ошириш учун турли хил дастурий пакетлар ишлаб чиқилган. Қийинлик даражаси b ни аниқлашда биз *ltm* дастурий пакетидан фойдаланамиз,<sup>1</sup> чунки Раш модели учун бу дастурий пакет ёрдамида тажрибанинг (тест натижалари) моделга қанчалик мослигини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Қуйида Хоразм вилоятида ўтказилган тест синовларида иштирок этган ўқувчиларнинг математика фанидан тест натижалари бўйича бир параметрли Раш модели билан аниқланган тест топшириқларининг қийинлик даражалари таҳлилини кўриб чиқамиз.

1-жадвалда Раш модели асосида аниқланган тест топшириқларининг қийинлик даражалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

*1-жадвал*

**Раш модели билан аниқланган қийинлик даражалари**

Тартиб рақами бўйича сараланган		Қийинлик даражаси бўйича сараланган	
Тест топшириқлари тартиб рақами	Қийинлик даражаси (b)	Тест топшириқлари тартиб рақами	Қийинлик даражаси (b)
1	-0.070	8	-2.195
2	-0.481	19	-2.099
3	0.393	18	-1.538
4	0.947	20	-0.639
5	0.341	16	-0.586
6	1.129	7	-0.586
7	-0.586	13	-0.534
8	-2.195	2	-0.481
9	-0.070	1	-0.070
10	0.499	9	-0.070
11	1.323	17	0.134
12	0.553	5	0.341
13	-0.534	3	0.393
14	1.192	10	0.499
15	1.067	12	0.553
16	-0.586	4	0.947


<sup>1</sup> Dimitris Rizopoulos (2006). ltm: An R package for Latent Variable Modelling and Item Response Theory Analyses, Journal of Statistical Software, 17 (5), p. 1–25.

17	0.134	15	1.067
18	-1.538	6	1.129
19	-2.099	14	1.192
20	-0.639	11	1.323


Раш модели билан аниқланган қийинлик даражалари -1 дан 1 гача бўлса, тест топшириғининг қийинлик даражаси, шартли равишда, ўртача қийинлик, 1 дан 3 гача бўлса, ўртача қийинликдан юқори, -1 дан -3 гача бўлса, ўртача қийинликдан паст деб ҳисоблаш мумкин, лекин замонавий тест назарияларида қийинлик узлуксиз ўзгарувчи бўлади.

Келтирилган 1-жадвалдан кўриниб турибдики, 20, 16, 7, 13, 2, 1, 9, 17, 5, 3, 10, 12 ва 4-тест топшириқларининг қийинлик даражаси ўртача қийинлик даражаси атрофида, 8, 19 ва 18-рақамли тест топшириғининг қийинлик даражаси ўртача қийинлик даражасидан паст. Мазкур вариантда 15, 6, 14 ва 11-рақамли тест топшириқларининг қийинлик даражаси нисбатан юқори даражада эканлиги аниқланди.

Раш модели бўйича (1-жадвал) 11-тест топшириғи энг қийин даражада, 8-тест топшириғи эса энг осон эканлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатларнинг исботи сифатида 1-расмда келтирилган элемент характеристикаси чизикларининг (ЭХЧ) ўзаро жойлашувидан ҳам кўриш мумкин (1-расм, 11-тест пастдан биринчи узук-узук чизик, 8-тест юқоридан биринчи узук-узук чизик). Шу билан бирга, келтирилган ўзаро боғлиқликдан шу ҳолат кўриниб турибдики, ҳар хил қобилиятли тест топширувчиларни қобилиятини баҳолаш учун, албатта, турли қийинлик даражасидаги тест топшириқлари бўлиши асосий шартлардан биридир.



1-расм. Элемент тавсифи чизиклари.




2-расм. Элемент маълумоти чизиклари.

Келтирилган 2-расмда ҳар бир элементнинг (тест топшириғи) маълумот чизиклари (ЭМЧ)ни таҳлил қилиб, бу тўғрисида кўпроқ маълумотларни олишга мувофиқ бўлинди. Натижада ЭМЧ кенглиги ҳар бир элемент ҳар хил қобилиятли тест топширувчилар ҳақида кўп маълумот бериши мумкинлигини кўрсатди ва бу ерда ЭХЧ баландлиги маълумот миқдорини кўрсатмоқда.

Замонавий тест назариясининг статистик тадқиқотининг Раш моделида элементнинг турли қобилиятларни ажратиш хусусияти (дискриминативлиги) бир хил деб қаралади. Демак, барча тест топшириқларининг турли қобилиятларни ажратиш хусусияти бир хил деб қаралганда, тест топшириқлари тест топширувчилар ҳақида берадиган маълумот миқдори бир хил, лекин улар турли хил қобилият оралиғидаги маълумотлардир. Масалан, 11-тест топшириғи қобилиятли тест топширувчилар ҳақида кўп маълумот берса, 8-тест топшириғи эса қобилияти нисбатан паст тест топширувчилар ҳақида етарлича маълумот беради.

Тадқиқотда умумий маълумот миқдорини “1” бирлик деб олсак (100 фоиз), 11-тест топшириғидан (0:3) қобилият оралиғидагилар учун берадиган маълумот миқдори 0,63 бирлик (63,23 фоиз), 8-тест топшириғининг маълумот миқдори эса бу оралиқда 0,09 бирлик (9,47 фоиз)га тенгдир. Аксинча, (-3:0) оралиқда эса 8-тест топшириғи берадиган маълумот миқдори 0,59 бирлик (59,11 фоиз), 11-тест топшириғиники эса 0,2 бирлик (19,73 фоиз)га тенг.



ни- **3-расм. Тест маълумоти чизиғи.**

–тест топшириқларининг қийинлик даражаси баҳоланганда ўртача қийинликдаги тест топшириқларидан қийин бўлган тест топшириқлари сони ниқарли тақсимлангани аниқланди (1-жадвал);

–тест топшириқлари вариантида ўртача қийинликдаги тест топшириқлари салмоғини ошириш орқали тест топширувчилар билимини яна-да аниқроқ баҳолаш мумкинлиги статистик таҳлил натижаларида яна бир бор исботланди.

**Ўролова Дилшодабону Олимжон қизи (Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети 1-босқич таянч докторанти; [dilshodabonu6@gmail.com](mailto:dilshodabonu6@gmail.com))**

### **ЁШЛАР СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ –ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

**Аннотация.** *Мазкур мақолада ёшларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарурияти, аجدодларимизнинг бу борадаги фикрлари ҳақида баён этилган. Ёшлар, ёшлар сиёсати, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти тушунчаларига таъриф берилган.*

**Аннотация.** *В данной статье говорится о необходимости повышения политической и правовой культуры молодежи, о мнениях наших предков в этом направлении. Дано определение понятиям молодежь, молодежная политика, политико-правовая культура молодежи.*

**Annotation.** *This article describes the need to raise the political and legal culture of young people, the views of our ancestors in this regard. The concepts of youth, youth policy, political and legal culture of youth are defined.*

**Калим сўзлар:** *ёшлар, ёшлар сиёсати, сиёсий-ҳуқуқий маданият, ювентология, ёшлар сиёсий-ҳуқуқий маданияти.*

**Ключевые слова:** *молодежь, молодежная политика, политико-правовая культура, ювентология, молодежная политико-правовая культура.*

**Key words:** *youth, youth policy, political and legal culture, youth political and legal culture.*

Жамиятнинг истиқболи, унинг келгусидаги ривожини ёш авлодга боғлиқ. Уларнинг маънавий етуклиги жамият таракқиётини ишончли кафолатловчи асосий омиллардандир. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “Мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш,” ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилангани диққатга сазовор.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, муҳитнинг ўзгариши натижасида авлодлар ўртасида муайян ривожланиш рўй беради. Ёшлар ҳақида алоҳида фан ҳам мавжуд бўлиб, у “Ювентология” деб юритилади (лотинча “ювентус” – ёшлик, ўсмирлик; ўспиринлик, ёш инсонлар ва юнончада “логос” – сўз, фикр, ўқиш деган маъноларни англатади). Фанда ёшлик даври – болаликдан улғайишгача бўлган жараён бир неча босқичларга ажратиб кўрсатилади. Ёшлик даврининг қуйи чегараси 14 – 16, юқори чегараси 25 – 30 ёшни ўз ичига олади. Ювентология бўйича мутахассис В.В.Павловский ушбу гуруҳнинг ёш доираларини ўсмирлик ва балоғатга етганлик умумийлиги ўртасида ўтиш ҳолатини эгалловчи 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр деб белгилайди.<sup>1</sup>

2016 йил 12 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилади.<sup>2</sup>

Юртимизда 2020 йилга келиб, 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бу кўрсаткичлар эса Ўзбекистоннинг келажаги униб-ўсиб келаётган ёшлар қўлида эканлигини билдиради.<sup>3</sup> Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда”. Бу кўрсаткич катта интеллектуал имкониятларга эгаликни намоён қилади.<sup>4</sup>

Республикамизда ёшларга эътибор ва ғамхўрлик масаласи мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатидаги муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди.

Ёшлар сиёсати – бу давлатнинг демократик тараккиёт йўлида ёшларни муҳим стратегик куч сифатида тан олиши, ёшларга нисбатан бошқарув ва ижтимоий функцияларини демократик сиёсий тизим, халқаро ёхуд миллий ҳуқуқ нормалари талаби даражасида тўлиқ бажаришидир.

Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: 1. Маънавий-маърифий тадбирлар йўналиши. 2. Соғлом турмуш тарзи йўналиши. 3. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича йўналиш. 4. Ижтимоий ҳимоя ва иш билан таъминлаш йўналиши. 5. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш бўйича йўналиш. 6. Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи юқорида қайд этилган йўналишларнинг бир эмас, бир нечасига тўғри келади. Бу эса мақсадга эришиш йўлида барча самарали чоралар қўллашни кечиктирмаслик кераклигидан далолат бермоқда.

Ёшлар сиёсатига оид ислохотлар бошлаб юборилган. Хусусан, истиқлол йилларида мамлакатимизда 500 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлса, шундан 100 га яқини ёшларга доир қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонуни бунинг яққол мисолидир. Ёшларга эътибор берилишини яна-да кучайтириш мақсадида 2008 йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили”, 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият ишларига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишга замин яратди.

2018 йил 30 июнда юртимизда биринчи мартаба “Ёшлар куни” байрам сифатида нишонланди ва анъанавий тарзда ҳар йили нишонланиб келмоқда. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришда, уларнинг ижтимоий-сиёсий билимлари, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармони билан “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастурининг қабул қилинганлиги ҳам унутилмас воқеа бўлди. У ёшларнинг касб-хунар эгаллаши, эркин тадбиркорлик билан шуғулланишига мислсиз имкониятлар яратиб берди.<sup>5</sup>

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “...биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни

<sup>1</sup> Павловский В.В. Ювентология: проект интегративной науки о молодежи. М., 2001, с. 74.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2016, 37-сон, 3-модда.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етуқ ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Available at: <http://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq>

<sup>4</sup> <http://uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyev-bmt-bosh-assambley-20-09-2017>

<sup>5</sup> Шу манба.



устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустақкам ўрнингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.<sup>1</sup>

Табиийки, мазкур фикрлар ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган фаолиятда ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зеро, мазкур тарбия ва ахлоқий, маданий савия баркамол ёшлар маънавиятининг узвий таркибий қисми саналади.

Фикримизча, *ёшлар сиёсий-ҳуқуқий маданияти* – бу 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларнинг атрофидаги ижтимоий институтлар таъсирида давлат, сиёсий тизим, сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар, шунингдек, юридик ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида олган билимлари ҳамда уларни амалиётда қўллаш қўникмалари йиғиндисиدير.

Мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ стратегик мақсад ва вазифаларнинг самарали амалга ошиши кўп жиҳатдан ёшларнинг ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданияти даражасига боғлиқдир. Бинобарин, қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорларини фуқароларга етказиш, сиёсий жараёнлардан уларни хабардор қилиш, халқимизнинг иқтисодиёт, сиёсат ва давлат қурилиши соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини теран тушуниб етишларига ҳамда жамиятда қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва унга қатъий риоя этишни таъминлашга эришиш сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа” эканлиги таъкидланган. “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”, – дейди Президентимиз мазкур нутқ давомида.<sup>2</sup>

Қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб етиш ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий фазилати. Бу адолатли, демократик, ҳуқуқ устуворлигига асосланган янги жамият қуришнинг ҳам кафолатидир.<sup>3</sup> Худди шу маънода ёшларимиз ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришлари ва сиёсий онглари ривожлантиришлари бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Умуман жамиятда қонун устуворлиги шу жамият аъзоларининг тенглиги, ҳақ-ҳуқуқда бараварлиги ҳамда уларнинг кундалик турмуши тинч-осойишта ва барқарорлиги мезонидир. Мана шундай асосларни эътиборга олиб, донишманд Цицерон: “Фуқаролари қонунларга қулдай итоат қилиб яшайдиган давлат дунёдаги энг қудратли давлатдир”,<sup>4</sup> – деган эди. Демак, фуқаро қабул қилинаётган қонунларнинг чинакам моҳиятини тўла тушуниб етганда эркин бўлади.

Тарихда ҳам сиёсий-ҳуқуқий билимлар эрта ёшдан чуқур ўргатилган. Масалан, қадимги Римда қонунларни ўргатиш, уни тарғиб қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган. Рим давлатида 14 ёшдан кичик болалар “XII жадвал” қонунларини ёд олишган. Россияда Пётр I “Россиялик болаларни ёшлик пайтидан баркамолликка эриштириш учун ўқитиш ва меҳнат орқали тарбиялаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси доирасида барча юридик адабиётларни таржима қилиб ўқитиш ҳақида қарор қабул қилган.

Шарқ халқларида ҳам қадим-қадимдан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тафаккур тарбияси масаласига жиддий эътибор қаратиб келинади. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, улуғ ватандошимиз, фикшшунос олим Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя”, соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарларида қонун ва қоидалар, ҳуқуқ, давлат ва жамият бошқаруви оид билимларнинг аҳамияти юксаклигига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, ёшлар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга оид концепциялар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида илмий жиҳатдан асослаб берилган. Мутафаккир жамият аъзоларининг онги юқори бўлишига интилиш ҳам эртага жамоанинг ўзига наф келтиришини асосли исботлайди. Муаллиф ушбу илмий манбада қонунларнинг моҳияти ва афзалликларини халққа мантиқ ўқитиш ва ўргатиш орқали тушунтиришни таъкидлайди. Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> Шу манба.

<sup>3</sup> Отамуродов С.О. ва б. Маънавият асослари. Тошкент, “Маънавият”, 2000, 192-бет.

<sup>4</sup> Цицерон. О государстве. М., “Прогресс”, 2000, с. 28.

холда, қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Одам ёшлигидан бошлаб давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юришга, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритиши фойдалилигини тушунтиради.<sup>1</sup> Ушбу фикрни жамиятда ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг замини сифатида қабул қилиш тўғри бўлади.

Форобий ҳар бир шахснинг камолотида унга муайян касб-ҳунарни ёшлигиданок ўргатиш ижобий самара беришини қайд этган. Давлат ва жамият томонидан ёшлар тарбиясига эътиборсизликнинг натижасини қуйидагича изоҳлайди: "...улар ўзларига эргашиб, таълим оладиган болалар ва ўсмирларнинг ишларидан беҳабар қоладилар. Агар ёшлар маишатга ўрганиб, қонунга зид равишда дилхушлик қилиб ва роҳатланиб юрсалар, соҳиби қонунлар уларни тузатишлари қийин, аммо роҳатланишларини қонунга бўйсундиришлари зарур, балоғатга етган ёш йигитлар эса бу шарт-шароитларга кўникишлари ва ундан фойдаланишлари керак".<sup>2</sup>

Демак, ёшлар тарбияси тарихдан ўта масъулиятли вазифа саналиб келинган. Ахлоқий томондан тўғри тарбияланган шахс ҳуқуқий етук бўлиб, у жамиятда ижтимоий адолат мезонларига амал қилиб, унинг равақига ўз ҳиссасини қўша олган.

Бугунги глобаллашув даври, ахборот технологияларининг ривожланиб бораётгани ёшларнинг илми, дунёқарашини кенгайтириш билан биргаликда, уларни турли бузғунчи ғоялар ортидан эргаштиришнинг ҳам осон усуллари юзага келтирмоқда. Ахборот кучидан фойдаланиб, ёшларни ғариз мақсадлари йўлида сафарбар қилмоқчи бўлган ҳаракатлар мавжуд. Бундай ҳаракатларнинг нишони аксарият ҳолларда ёшларга йўналтирилган бўлади. Сабаби, биринчидан, ёшлар сони бошқа ёш қатламлари билан солиштирганда кўпчиликни ташкил этади; иккинчидан, ёш авлоднинг ҳали ҳаётий тажрибаси кам бўлгани туфайли, уларни маълум бир ғояга ишонтириш осон бўлади; шунингдек, улар куч-ғайрати, шижоатининг кўплиги билан, қизикқонлиги билан мақсадга эришишлари йўлида кўпроқ фойда келтира олади. Айниқса, ёвуз кучлар ёки оқимлар сиёсий-ҳуқуқий маданияти шаклланмаган ёшларни оммавий тарзда ўз мақсадлари йўлида сиёсий жараёнларга жалб қилишининг тобора кучаяётгани хавфлидир.

Ёшларда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали уларнинг ёт ғояларга қарши иммунитетини шакллантириш қанчалик зарурлиги кундек аён бўлиб қолмоқда. Сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак даражада бўлган ёшлар дарҳол бундай ҳаракатларнинг нотўғри, ноқонуний эканлигини, келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларини англайди ҳамда ҳеч қандай ёлғонларга ишониб қолмайди.

Бунинг учун "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" шиори остида бирлашиб, барча ижтимоий институтлар ёшларга керакли сиёсий ҳамда ҳуқуқий ахборотларни уларнинг ёш хусусиятларига, қизиқишлари ва дунёқарашларига мослаб ўз вақтида етказиб бера олишлари талаб этилади. Ёвуз кучлар ахборотни қурол сифатида ишлатаётган экан, биз ҳам уларга қарши ахборотни қалқон ва қурол қилиб олишимиз керак. Фақат бунда биз тайёрлайдиган ахборот ғализ мақсадли оқимлар тарқатаётган ахборотлардан кучлироқ бўлиши керак.

Ёшлар шундай ижтимоий қатламки, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмасдан муайян натижага эришиш мушкул. Ёшлар турмуш тажрибаси кам, дунёқарашини ўзига хос тарзда бўлса-да, ўз идеалларига мос келмаган ҳар қандай мажбурий йўсиндаги қадриятларни қабул қилавермайди. Демак, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ошириш учун ёшлар тафаккури билан бевосита боғлиқ ҳолда ижтимоийлашувдан сиёсийлашув томон динамик тарзда шакллантирилиб бориши зарур. Негаки, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дастлаб, назарий, шунингдек, ҳам амалий ходисадир.

Ёшларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, улар ўз тенгдошлари орасида урфга айланган тушунчалар ортидан эргашишади. Шу туфайли ёшларни сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларни ўрганишга, уларга амал қилишга ундаш учун ёш авлод вакиллари билан бирма-бир ишлаш ўрнига, уларни ўз ортидан эргаштира оладиган лидер ёшлар билан алоҳида шуғулланиш кифоя. Бошқа ёшлар эса уларга қизиқиб, хавас қилиб эргаша бошлайдилар. Демак, олдимизда турган мураккаб масала – бу сиёсий ҳамда ҳуқуқий мавзуларни ёшларимиз орасида трендга айлантира олиш масаласидир. Трендга айлантириш учун ҳам ёшлар ижтимоий қатламининг ёш хусусиятларини, ўй-фикр ва қизиқишларини чуқур ўрганиб чиқиш талаб этилади.

<sup>1</sup> Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистоннинг тарихи. Давлат ва жамият тараққиёти. Т., "Академия", 2000, 31-бет.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 24-бет.

Мухаммадиева Олия Нарзуллаевна (Денов Тадбиркорлик ва педагогика институти Тарих ва фалсафа кафедраси мудири), Рашидов Камрон Камолиддинович (ДТПИ ўқитувчиси)  
**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИ–ГЕНДЕР ТЕНГЛИК  
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА**

**Аннотация.** Бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида аёллар ҳуқуқлари, эркак ва аёл ўртасидаги ижтимоий ва ҳуқуқий тенглик масаласи мавзунинг долзарблигини кўрсатмоқда. Чунки ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб минтақалари аёлларнинг жамиятдаги мавқеи, улар ҳуқуқларининг поймол этилаётганлиги билан боғлиқ жиддий муаммолар юзага келмоқда.

**Аннотация.** Сегодня проблема прав женщин, как неотъемлемой части прав человека, социального и юридического равенства мужчин и женщин показывает актуальность этой темы. Также актуальность темы обоснована тем, что сегодня во многих регионах мира существуют серьезные проблемы, связанные с положением женщин в обществе, нарушении их прав.

**Annotation.** Today, the problem of women's rights as an integral part of human rights, social and legal equality between men and women shows the urgency of the issue. Because in many parts of the world, today there are serious problems with the status of women in society, the violation of their rights.

**Калим сўзлар:** аёллар ҳуқуқлари, замонавий ўзбеклар, гендер тенглиги, ЮНЕСКО, ижтимоий жинс, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқ, гендер статистикаси, аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари, барқарор тараққиёт дастури, БМТ конвенцияси, ижтимоий тенглик.

**Ключевые слова:** права женщин, современные узбеки, гендерное равенство, ЮНЕСКО, социальный гендер, речь на 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН, гендерная статистика, права и возможности женщин, повестка дня в области устойчивого развития, конвенция ООН, социальное равенство.

**Key words:** Women's Rights, Modern Uzbeks, Gender Equality, UNESCO, Social Gender, Gender Statistics, Women's Rights and Opportunities, Sustainable Development Agenda, UN Convention, Social Equality.

Тарихда турли тузум ва жамият структураси вужудга келди. Баъзилари тез орада инкирозга юз тутган бўлса, бошқалари ўша халқ ва фуқароларнинг талабига мослаштирилди. Патриархал тузумлар чуқур илдиз отган жамиятларда аёллар ҳуқуқи ҳақидаги гапларнинг ҳар бир кишига етиб бориши учун, бу ҳақда, кўпинча, эркаклар гапириши керак бўлади. Бунга тарихдан аниқ мисоллар бор. Эдварт Оллворт “Замонавий ўзбеклар” китобида ёзганидек, XX асрнинг 50 – 60-йилларида Ўзбекистоннинг асосий адабий журнали бўлган “Шарқ юлдузи” саҳифаларида жамоатчиликка янги ёзувчилар таништирилди эди. Аёлларнинг ҳам саҳнага чиқишини рағбатлантириш мақсадида журналлар “Қизлар овози” ёки “Қизлар гулдастаси” деган рукнлар ташкил этган эди. “Бу ишни”, деб ёзади Оллворт, “Асқад Мухтор ва бошқа таникли шоирлар, айрим муҳаррирлар ва ўқитувчилар бирга бажаришди”.

Гендер тенглиги ЮНЕСКОнинг 2008–2013 йилларга мўлжалланган Ўрта муддат Стратегиясида икки глобал устувор мақсаддан бири сифатида белгилангач, мазкур долзарб масала ташкилот стратегик фаолиятининг энг қизгин жабҳасига айланди. Мазкур устувор мақсадга эришиш учун икки жиҳатга: гендер бўйича дастурлар ва ЮНЕСКО ваколатига кирувчи таълим, фан, маданият, коммуникация ва ахборот каби барча соҳаларга стратегик тараққиёт, хабардорликни ошириш, химоя ва тадқиқотлардан тортиб, илмий салоҳиятни ўстириш ва таълим жабҳаларига қадар гендер тенглиги стратегиясини татбиқ этишга эътибор қаратилади.

ЮНЕСКО ушбу долзарб мақсадга содиқ қолиб, ўрта муддат Стратегиясига илова сифатида ўзининг гендер тенглиги бўйича 2008–2013 йилларга мўлжалланган устувор Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди. Мазкур режа ўрта муддат Стратегиясида кўзда тутилган олти йил давомида ЮНЕСКОнинг гендер тенглиги бўйича эзгу ғояларини рўёбга чиқаришда амалий ва самарали фаолиятда йўл харитаси вазифасини ўтайди. ЮНЕСКО одамларни жинсий мансублигига кўра камситишнинг ҳар қандай шакллариини инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳамда тинчлик, барқарор тараққиёт ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ривожланиш марраларига етиш йўлида улкан ғов, деб билади. БМТнинг Аёллар аҳволи бўйича IV умумжаҳон анжуманида (1995 йил 4–15 сентябрь) бир овоздан маъқулланган Пекин Декларацияси ҳамда Ҳаракат платформаси ҳамisha эътиборимизда. Декларацияда муаммоли бошқа жабҳалар қатори оммавий ахборот воситалари (ОАВ)

ҳам хотин-қизларнинг кадр-қимматини оширишга муносиб ҳисса қўшиши мумкинлиги очиқ эътироф этилган. Ушбу ҳужжатда ҳукуматлар ҳамда халқаро тараққиёт ташкилотлари хотин-қизларга нисбатан нописанд ва нотенг муносабатга барҳам бериш, уларнинг коммуникация тизимлари, хусусан, ОАВдаги иштирокини кучайтириш бўйича амалий чораларга даъват этилган.<sup>1</sup>

АҚШ тарихчиси ёзишича, “Шоирларни жинсига қараб ажратиш, Ўзбекистонда ҳали ҳам аёллар ҳуқуқидан устозлари ёки ҳомийларисиз бемалол фойдаланиш ҳолати йўқлиги мамлакатда маданий ривожланиш керакли босқичига кўтарилмаганини кўрсатади”. Шўролар аёлларни тўлиқ озод қилди, деган қарашга зид ўлароқ, ушбу кузатув 60-йилларда коммунистларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, ўзбек қизлари ва аёллари бирор нарсага эришиш учун эркаклар ёрдамига муҳтож бўлганидан далолат беради. Бу каби ҳолатларга барҳам беришнинг асосий механизми сифатида янги стратегик атаманинг пайдо бўлгани муаммога объектив ёндашувни таъминлаб бермоқда. Гендер тенглик – аёллар ва эркаклар ҳаётининг турли соҳаларида тенг имконият ва масъулият бор демократик Ғарб мамлакатларида ҳаётнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Нима бўлишидан қатъий назар, жинси, фуқароларнинг улар муваффақиятли оила ҳаётини ва фаолиятини бирлаштириш, иш билан тенг ҳуқуқларга эга. “Гендер тенглик” тушунчаси БМТ экспертлари туфайли пайдо бўлди.

Гендер, ёки ижтимоий жинс – аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзгарувчан ижтимоий-маданий фарқларни, ролларни, ахлоқ андозаларини, “табиий” (“туғма”) бўлмаган, яъни жамоат тасаввуридаги меъёрлар ва анъаналар асносида улар томонидан ўзлаштирилган сифат ва бошқа таърифларни ифодаловчи тушунчадир. Аёллар ва эркакларга хос бўлган тушунчалар тўғрисидаги аёл ва эркакларнинг тасаввури, турли соҳаларда вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин (ўзгармоқда ҳам).

Гендер тенглик – эркаклар ва аёллар ижтимоий соҳада тенг тарзда аҳамиятга, тенг ҳуқуқ ва масъулиятга ҳамда тенг шароитларга (манба ва имкониятларга тенг тарзда эришиш) эга бўлишларидир ва улардан қонунда белгиланган тарзда расмий тенглик (“ҳужжат асосидаги тенглик”) асосида фойдалана олсаларгина, тенглик ўз аксини топади. Шу ўринда бу сўзнинг луғавий мазмунига ҳам тўхталсак. Жинс – аёллар ва эркакларнинг ўзгартириб бўлмайдиган нисбий биологик фарқларини ифодаловчи терминдир. Жинс олдиндан тўла белгиланган, универсал ва вақт ўтиши билан ўзгармайди. Гендер еса бу (жинс) ижтимоий жинсий тенгликнинг ҳаёт тарзи ва барча соҳалардаги акси.

Юқорида БМТ томонидан бу атама кириб келган деб айтган эдик. Жорий йилнинг 23 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги бўлиб ўтди ва унда мамлакатимиз раҳбари тарихий нутқ сўзлади. Тарихийликнинг ўзига хос жиҳати унинг ўзбек тилида гапирилгани бўлди. Билдирилган қатъий фикрлар орасида ушбу муаммога таалуқли алоҳида ёндашув барчанинг эътиборини тортди: “...Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентида аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди”.<sup>2</sup> Бу сўзлар асосиз эмаслигини равшан билиш мақсадида янги қабул қилинган янги стратегия билан танишамиз: 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси жаmiятдаги ижтимоий тенглик ва жавобгарлик баробарлигининг намунаси бўлиши билан бирга, ўз ичига 9 та мақсадни қамраб олади:

- ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркак ва аёлларнинг иштирок этишида тенг имконият ва ҳуқуқларни яратиш;
- аёл ва эркакларнинг иқтисодий, бандлик ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда гендер тенглигини таъминлаш;
- бутун ҳаёт давомида барча учун адолатли ва сифатли таълимни таъминлаш;
- барча хотин-қизлар учун гендер тенглигини таъминлаш, зўравонликдан ҳимоялаш, одам савдосига чек қўйиш;
- барча эркак ва аёллар учун ижтимоий ҳимоя, соғлом турмуш тарзини таъминлаш;
- миллий гендер статистикасини ривожлантириш;
- режалаштириш ва бюджетлаштиришда гендер масаласини инобатга олиш;

<sup>1</sup> Абдул Воҳид Хон. ЮНЕСКО Бош директорининг коммуникация ва ахборот масалалари бўйича ўринбосари; Й.А.Маматова. Оммавий ахборот воситаларида гендер муносабатлари. Ўқув қўлланма, Т., 2015, 3-бет.

<sup>2</sup> Ш.Мирзиёев. БМТ 75-ассамблеясидаги нутқидан.

- ОАВда гендер муаммоларининг кенг ёритилишини таъминлаш;
- барча учун хавфсиз экологик муҳитни таъминлаш масалаларига хотин-қизларни жалб қилиш.

Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги кўпгина демократик давлатларнинг асосий қонунларида, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Конституцияси билан ҳам, айтилиши вақтда, инсон ҳуқуқларига дахлдор бўлган бир қатор халқаро ҳужжатлар, битимлар, конвенциялар, декларациялар билан ҳам кафолатланади. Буларга БМТ Устави (1945 йил 26 июнь), Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 йил 10 декабрь), Фуқаролик ва ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактлар, БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро тизимини ташкил этувчи кўпдан-кўп халқаро битимларни киритиш мумкин. Уларда эркак ва аёллар учун ягона бўлган инсон ҳуқуқлари умумий концепциясини ташкил этувчи салкам 70 та халқаро стандартлар қайд этилган.

Гендер статистикаси кўп мақсадлар учун хизмат қилади, лекин, биринчи навбатда, у аёл ва эркакларнинг турли ҳолатлари ва шароитларига тааллуқли бўлган яширин муаммоларини аниқлаш учун керакдир. Шунга кўра, гендер статистикаси муваффақиятли режалаштириш, манзиллиликни кучайтириш, самарали мониторинг юритиш ва ривожланиш дастурларининг таъсирини баҳолаш учун зарурдир. Шунингдек, аҳолининг барча гуруҳлари ҳаёти даражасини яхшилаш учун хизмат қиладиган воситадир. Шу тариқа, гендер статистикаси барқарор ва ҳар томонлама ривожланиш ва иқтисодий ўсишга ўз ҳиссасини қўшади.

Ушбу статистик маълумотлар бўйича умумий диаграмма қуйдагича таҳлил қилинади.



Гендер статистикасининг мустаҳкам халқаро ҳужжати бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси (CEDAW), Пекин Ҳаракат дастури ва Мингйиллик ривожланиш мақсадлари асосида шакллантирилган эди.

Ушбу конвенцияга биноан, иштирокчи – давлатлар бундай камситишларни қоралайдилар ва унга барҳам бериш сиёсатини юритишни ўз зиммаларига оладилар. “Конвенциянинг 1-моддасига биноан, “аёллар нисбатан камситиш” тушунчаси аёлларни улар айнан аёл бўлганлиги учун ҳар қандай фарқлаш, рўйхатлардан ўчириш ёки ҳуқуқларини чеклаб қўйишни англатади. Бу эса аёлларни, уларнинг оилавий аҳволдан қатъий назар, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида турмушнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа жабҳаларида, уларга тегишли бўлган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эътироф этмасликни, аёлларнинг бундай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишлари ёки уларни амалга оширишларига тўсқинлик қилишни билдиради”. “Минг йиллик” ривожланиш мақсадлари каби, миллий ва халқаро даражада тасдиқланган ривожланиш мақсадлари, гендер статистикасига бўлган талабнинг ошишига туртки бўлди. Бир қатор соҳалардаги тенгсизликни, шунингдек, таълим, иш ҳақи ҳамда меъёрий ҳужжат қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш каби соҳалардаги тенгсизликка барҳам бериш мақсадида, жами 189 та давлат ҳамкорликда иш олиб бориш мажбуриятини олишди.

Мамлакатимизда гендер тенглик кўмитаси раҳбари бўлган Сенат раҳбари Танзила Камалова бу масалани БМТ меъёрий ҳужжатларга асосан, ташкил қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Янги қонун билан гендер тенгликни таъминлаш кафолатлари яратилгани Ўзбекистонда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатди ва бу мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор қадамидан нишонандир. Гендер тенгликни таъминлаш масаласи дунё бўйлаб муҳим аҳамиятга эга. БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатларда, хусусан, 2015 йил қабул қилинган 70-сонли резолюцияда бу ўз ифодасини топган.

БМТ глобал кун тартибининг барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда “Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари” қабул қилинган. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 5-мақсад – “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” дир.

БМТнинг Мингйиллик декларациясида, саккизта “мингйиллик” ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ривожланишни баҳолашда фойдаланиш лозим бўлган миқдорий кўрсаткичлар кўрсатиб ўтилган. Дунёда гендер статистикаси хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда гендер тенгликка эришиш учун зарур бўлган талаб эканлиги тўғрисида яхши натижаларга эришилди, бу эса, ўз навбатида, иккала ҳолда ҳам қашшоқликка барҳам бериш, кенг қамровли иктисодий ўсишда ва барқарор ривожланишда муҳим аҳамиятга эгадир, гендер тенгликнинг қашшоқликга нима таъсири бор деган табиий савол туғилади. Жамият ҳаётида аёл ва эркекнинг роли қанчалик тенг бўлса ва аёллар ноқонуний тазийқлардан халос этилса, ишлаб чиқариш, таълим, ижтимоий соҳаларнинг тенгликда барқарор ривожланишига замин яратилади Шу тариқа, ҳозирги даврда гендер статистикаси соҳаси фақатгина гендер тенгликка эришишга йўналтирилган фаолиятда муҳим аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки яқин давргача, кўп жиҳатдан, боғлиқлиги йўқ деб ҳисобланган соҳаларнинг, яъни қашшоқликка қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бюджетни шакллантириш ва молиялаштириш каби соҳаларнинг ривожланиши йўлида олиб бориладиган фаолиятда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Давлатнинг бюджет ажратмаларидаги режалар ҳам шунга қараб тартибга солина бошланади.

Ушбу мақсадлар, аслида, асосий муаммоларимиз эканлиги аён ҳақиқат. Гендер тенгликни бу қадар ҳисоб-китоб қилиш ва назоратга олиш нимага керак? Буларнинг статистикаси нима учун керак ва шу каби саволлар жуда кўп.

Аввало, гендер статистикаси – бу аёллар ва эркекларнинг гендер нуқтаи назаридан фарқини аниқлаш ва буни тизимли равишда ўрганиб бориш учун аёл ва эркекларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган барча йўналишлардаги ҳақиқий ўрнини ҳолисона акс эттирувчи статистика ҳисобланади. Гендер статистикаси инсон тўғрисида маълумотлар йиғиладиган барча статистик мавзуларга дахлдор бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олган бўлади:

- жинсий таркиби бўйича маълумотлар;
- гендер масалаларини (гендер кўрсаткичларини) акс эттирувчи статистика;
- статистиканинг барча соҳаларига гендер ёндашувини жорий қилиш.

Гендер статистикаси тушунчасининг таянч нуқтаси бўлиб, икки тушунча, яъни “жинс” ва “гендер” тушунчалари ўртасидаги фарқ назарда тутилади. Айрим ҳолларда ушбу тоифалар (жинс – эркек, аёл; ва гендер – маскулин, фемин) бир хил мазмундаги тушунчалар сифатида акс эттирилади. Лекин бу биз шарҳлаётган мавзунини ёрита олмайди.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш барқарор тараққиёт жараёнини тезлаштиришнинг ниҳоятда муҳим бир тамойилидир. Аёллар ва қизларга қарши барча турдаги камситишларни йўқ қилиш нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назардан муҳимдир, балки бошқа соҳаларда ҳам ривожланиш жараёнига таъсир этувчи кучли омиллардан биридир.

Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳозирги кунгача эришилган ютуқларни яна-да чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган бўлиб, бутун жаҳонда аёл ва қизларга қарши камситишларни бутунлай йўқ қилишни кўзда тутаяди. Ҳозирги кунда баъзи ҳудудларда сезиларли даражадаги гендер тенгсизлик сақланиб қолмоқда, хусусан, бундай тенгсизлик ҳақ тўланадиган иш ўринларини эгаллаш ҳамда меҳнат бозорида яққол кузатилмоқда. Жинсий зўравонлик хавфи, бепул парваришланиш имкониятининг чекланганлиги ва уй-рўзғор ташвишлари ҳамда давлат бошқаруви соҳаларида мавжуд бўлган камситишлар хотин-қизларнинг ривожланиши йўлида ҳануз катта тўсиқларни туғдириб келмоқда.

Гендер тенглигини таъминлаш Барқарор тараққиёт 2030 дастурининг 17 мақсадидан биридир. Белгилаб олинган вазифаларни йегиш учун кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутувчи “мажмуавий ёндашув”ни қўллаш талаб қилинади.

БМТнинг статистик маълумотларига кўра, парламентларида аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда аста-секин ўсиб бормоқда ва 2010 йилга келиб, рекорд кўрсаткичга – 19%га етган. Парламентарийнинг фақат 11% аёллар бўлган 1995 йилга таққослаганда жаҳонда ўсиш 67%га етган. Аёллар фақат 26 мамлакатда парламентларнинг қуйи палаталарида 30% дан ортиқ ўринни эгаллайди ва фақат 7 мамлакатда ушбу кўрсаткич 40% дан юқори. 2010 йил январь ойидаги ҳолатига

кўра, парламентларнинг 269 палатасидан фақат 35 тасида аёллар раис ўриндигини банд қилган (бу 13% ни ташкил этади), бу 1995 йилдагига қараганда сезиларли даражада кўпдир. Ўшанда фақат 24 аёл раис бўлган. Испанияда 2007 йилда “Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигини тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, Испания ҳукумати ҳузурида гендер тенгликни таъминловчи комиссия ташкил этилган.

Мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга оид стратегик режаларни қабул қилиш, аёллар ва эркакларга давлат секторидаги лавозимларда ишлашга, сиёсий ҳаётда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилади. Шунингдек, қонун ҳужжатларининг гендер тенгликка таъсири ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб баҳоланади. Австрия мамлакатда 2013 йилда ўтказилган федерал бюджет ислохотидан сўнг, парламент томонидан норматив ҳужжатларнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги “ҳақиқий” тенглик нуқтайи назаридан таҳлилини, шунингдек, барча янги қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва бошқа йирик давлат лойиҳаларининг гендер гуруҳларига таъсирини баҳолаш жорий этади.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида гендер тенгликка эришиш чораларини рўёбга чиқариш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилди. Оиланинг ижтимоий муҳофазаси, оналик ва болалик масалаларига масъул бўлган Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида 1991 йилда Хотин-қизлар кўмитасига асос солинганлиги билан институционал ривожланишда сезиларли ўсишга эришилди. Хотин-қизлар кўмитаси барча ҳудудларда ва жабҳаларда ваколатли бўлган такомиллашган тизимга эга. Кўмита раислари орасида вилоят даражасидаги 14 та ҳоким ўринбосарлари, шунингдек, муниципал ва туман даражасидаги маъмурият раҳбарларининг 219 та ўринбосарлари фаолият кўрсатишади. Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Пекин ҳаракати дастурининг бажарилиши, Мингйиллик ривожланиш мақсадлари билан юклатилган халқаро мажбуриятлар бўйича ҳисоботларда Давлат статистика кўмитаси билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради. Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш ва уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини мустаҳкамлаш юзасидан миллий даражада дастурлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруви органлари, республиканинг жамоат ва илмий ташкилотларининг гендер масалаларини ҳал қилишдаги фаолиятини жонлантириш, гендер тенглиги масалаларини тавсифловчи статистик маълумотларга бўлган ички эҳтиёжнинг ўсишига ёрдам бермоқда, ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланувчиларнинг доираси кенгаймоқда. Ўзбекистонда 1990 йилларнинг охиридаёқ гендер статистикасини илгари суриш бўйича биринчи қадамлар қўйилган эди. Айнан ўша даврдан бошлаб республикада гендер кўрсаткичларини акс эттирувчи рисолалар мунтазам равишда чоп этиб келинмоқда.

Умумий қилиб гапирадиган бўлсак, бугун бутун дунёда жамиятда табақаланиш ва ирқий ажралишларга қарши кураш олиб борилмоқда. Пандемия барчани бир гумбаз остига олди гўё. Шундай экан, гендер тенгликни, аввало, қонуний мустаҳкамлаш ва жавобгар органларнинг алоҳида назорати, эътиборини ушбу жараёнларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, аёлларнинг жамиятда, умуман, ижтимоий ҳаётдаги ўрни анчагина даражада юкори бўлгани маъқул.

**Бегимкулов Журабек, Давлетов Расулбек (Жиззах Давлат Педагогика институти  
Тарих ўқитиш методикаси кафедраси таянч докторантлари)**

### **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА**

***Аннотация.** Мазкур мақолада Жиззах вилоятида 2017–2020 йилларда ишга туширилган саноат корхоналари фаолияти ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, мазкур ҳудудда қурилиши режалаштириляётган янги лойиҳаларнинг истиқболлари ҳақидаги тадқиқодчининг фикр-мулоҳазалари баён этилади.*

***Аннотация.** В данной статье рассматривается деятельность промышленных предприятий, запущенных в Джиззакской области в 2017–2020 годах. Здесь также представлены научные взгляды исследователя о перспективах новых проектов, которые планируется реализовать в данной зоне.*

<sup>1</sup> Саидова Л. УНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. Тўплам. Т., “Адолат”, 2004, 25-бет.

**Annotation.** This article discusses the activities of industrial plants which begin producing in 2017–2020 in Jizzakh region. It also provides the researcher's views on the prospects of new projects planned to be built in this area.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон, Жиззах, ислохот, иқтисод, саноат, ишлаб чиқариш, илғор ҳудуд, инвестиция, лойиҳа, экспорт, импорт.

**Ключевые слова:** Узбекистан, Джизак, реформы, экономика, промышленность, производство, передовая зона, инвестиция, проект, экспорт, импорт.

**Key words:** Uzbekistan, Jizzakh, economy, industry, production, advanced area, investment, project, export, import.

Республикамызда 2017–2020 йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Мазкур ислохотлар самарасини Жиззах вилояти мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Вилоятдаги муҳим ўзгаришларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони<sup>1</sup> ҳамда 2019 йил 10 январда имзолаган “Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди.<sup>2</sup> Мазкур фармонга кўра, 2019 йил 1 мартдан бошлаб Жиззахда “Илғор ҳудуд” синов лойиҳаси амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад ҳудудни жадал ривожлантириш учун илғор қарорларни аниқлаш, ҳудуднинг стратегик мақсадларини ишлаб чиқиш, Жиззахда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 январдаги 19-сонли ва 31 майдаги 332-сонли қарорларига асосан, 2017–2019 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ривожлантириш дастурига кўра, умумий қиймати 889 млрд. сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши ҳамда 5474га янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Дастур доирасида вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 558,2 млрд. сўмлик 48 та лойиҳа ишга туширилиб, 700 та иш ўрни яратилган. 2018 йилда вилоят саноатида 337,1 млрд. сўмлик 63 та, хизматлар ва сервис соҳасида 63,1 млрд. сўмлик 49 та лойиҳалар ишга туширилган. Тадбиркорликка кенг йўл очилиши ҳисобига 3 мингта иш ўрни яратилган. Ушбу лойиҳалар учун тижорат банкларининг 84,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилган. Шунингдек, дастурда 2018–2020 йилларда умумий қиймати 28 триллион сўмлик 750 та истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонига асосан, ЭИЗга Жиззах шаҳри ҳудудидан 363,7 гектар ер ажратилган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 августдаги “Жиззах вилоятида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва саноат ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Шароф Рашидов, “Пахтакор”, Арнасой ва Зомин туманларидан жами 182,1 гектар ер истиқболли инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун “Жиззах” ЭИЗга ажратиб берилди. Бу ҳам вилоятимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, экспортни кўпайтириш имкониятини яратди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида юзлаб саноат корхоналари фаолият кўрсатиши билан бир қаторда, яна минглаб кичик ишлаб чиқариш қувватлари ҳам ишга туширилган. Эътиборли жиҳати шундаки, вилоятда нафақат пахта, мева ва сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар, балки кенг ассортиментдаги электротехника товарлари экспортга йўналтирилмоқда. Бундай юқори натижалар халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ташқи товар айланмасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда (1-жадвал).<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон, 70-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги фармони. Lex.uz.

<sup>3</sup> Begimkulov J. Important changes in the social and economic life of Uzbekistan during the years of independence (on the example of jizzakh region). EPRA International Journal of Research & Development (IJRD). SJIR Impact factor: 7.001 September, 2020, p. 249.

<sup>4</sup> “Жиззах ҳақиқати” газетаси, 2018 йил 1 сентябрь.

<sup>5</sup> Жиззах вилоятининг статистик ахборотномаси. 2019 йил январь – декабрь. Жиззах, 2020, 8-бет.



## Жиззах вилоятида асосий иқтисодий кўрсаткичлар (2019 йил январь – декабрь)

	Млрд.сўм	2018 йил январь–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	15 221,9	105,9
Саноат маҳсулотлари	4 789,5	105,8
Истеъмол товарлари	2 277,0	107,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)-лари	14 148,3	104,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	7 919,3	195,2
Қурилиш ишлари	2 119,6	123,9
Юк айланмаси (млн. тн.км)	859,6	105,3
Йўловчи айланмаси (млн. пасс.км)	2 390,4	102,7
Чакана савдо товар айланмаси	5 860,2	116,9
Хизматлар, жами	4 181,7	115,1
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ. долл) <sup>1)</sup>	509,1	151,4
Экспорт	120,3	157,9
Импорт	388,7	149,5
Сальдо (+,-)	-268,4	-

Вилоятда ўтган даврда амалга оширилган лойиҳалар таҳлил этиладиган бўлса, саноат соҳа-сида бирмунча натижаларга эришилган. Жумладан, Жиззах Эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда ЭИЗ) ҳудудида қиймати 128,1 млн. АҚШ доллар бўлган 15 лойиҳа амалга оширилди. Киритилган инвестициянинг 46,1 млн. АҚШ долларини корхона маблағлари, 54,4 млн. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 25,7 млн. АҚШ долларини эса банк кредитлари ташкил этади. Энг муҳими, ушбу лойиҳалар доирасида 3 минг 126 та янги иш ўринлари яратилди. Жиззах ЭИЗ ҳудудида 2020 йил 27 июнь ҳолатига умумий қиймати 250,8 АҚШ доллари бўлган 20 та лойиҳа амалга ошириляётган эди. 2019–2020 йилладга ЭИЗда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳаларга 117,8 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилган бўлиб, ялпи инвестициянинг 61 млн. АҚШ долларини тадбиркорларнинг ўз маблағлари, 62,9 млн. АҚШ долларини эса банк кредити ташкил этиши назарда тутилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 2 минг 798 та янги иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилган.<sup>1)</sup>

Бундан ташқари, Жиззах ЭИЗ ҳудудида қиймати 179,5 млн. АҚШ доллари бўлган яна 4 та лойиҳани амалга ошириш бўйича тизимли ишлар бажариляётган бўлиб, бу 784 та янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Шуниси эътиборлики, ўтган 2015–2019 йиллар давомида Жиззах ЭИЗ корхоналарида 1 566,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 35,2 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди. Биргина 2019 йилда 604,2 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 16,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган. 2020 йилнинг беш ойида пандемия шароитида ҳам 238,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришда Жиззах ЭИЗ таркибидаги корхоналарнинг улуши каттадир. Ўтган давр мобайнида ЭИЗ ҳудудидаги корхоналарда тормоз коллодкалари, телевизор, кондиционер, музлаткич, чангюткич, кир ювиш машинаси, микротўлқинли печ, светодиод чироқлар, полепропилен иплар, видео ва IP телефонлар, телекоммуникация ускуналари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан, вилоятда 12 та кичик саноат зоналари ташкил этилган. Мазкур кичик саноат зоналарида умумий қиймати 767,6 млрд. сўмга тенг бўлган 67 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1656 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Бугунгача кичик саноат зоналарида умумий қиймати 215,8 млрд. сўмлик инвестициялар жалб қилиниб, 38 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, буни-нинг ҳисобидан 568 та янги иш ўринлари яратилган. Хусусан, Арнасой туманида умумий қиймати 15,3 млн. АҚШ доллари миқдорида 2 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Тумандаги “Апа-soy Gold Tex” масъулияти чекланган жамиятида 12,3 млн. АҚШ доллари миқдорида лойиҳа

<sup>1)</sup> “Жиззах ҳақиқати” газетаси, 2020 йил 27 июнь.

амалга оширилган бўлиб, бу йилига 10 минг тонна кенг ассортиментдаги юкори сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий текстил мажмуасини барпо этиш имконини берди. Тумандаги “Agnasoy Texno Park” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонада ҳам 3,04 млн. АҚШ доллари миқдориди юкори сифатли тикув маҳсулотларини ишлаб чиқариш кува-тига эга бўлган замонавий текстил мажмуасини барпо этиш юзасидан инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.<sup>1</sup>

Фориш туманининг Эгизбулоқ саноат зонасида лойиҳа қиймати 335 млн. АҚШ долларига тенг цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган учта “Экоцемент”, “Энтерцемент”, “Жиззах цемент” масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ)лари ташкил этилди. Жумладан, Чехия, Германия, Сингапур инвесторлари тўғридан-тўғри киритган сармояси натижасида “Экоцемент” МЧЖда 1 млн 200 минг тонна, “Энтерцемент” ва “Жиззахцемент” МЧЖларнинг ҳар бирида 1 млн. тоннадан йилига жами 3 млн. 200 минг тонна сифатли, жаҳон бозорида харидоргир бўлган “Портланд” цементи ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Эгизбулоқда лойиҳа қиймати 1,5 млн. АҚШ доллари бўлган “JIZZAX STONE” Ўзбекистон – Хитой кўшма оҳак ишлаб чиқариш корхонасида ишга тушмоқда.<sup>2</sup>

Юқорида санаб ўтилган кўплаб ютуқларга қарамасдан, вилоят иқтисодиётида фойдаланилмаган кўплаб имкониятлар мавжуд. Жумладан:

- мамлакатимизда хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар учун қулай инвестициявий муҳитнинг мавжудлиги;
- вилоят ҳудудида 70 дан ортиқ конларнинг мавжудлиги;
- вилоятнинг Республика марказида жойлашганлиги, яъни қулай иқтисодий-географик ўрни;
- вилоят ҳудудидан М-39 халқаро транспорт йўлининг ўтганлиги ва темирйўлларнинг мавжудлиги;
- арзон ишчи кучи ва бошқа омиллар.<sup>3</sup>

Умуман олганда, Жиззах вилоятида базалт, рух, кўрғошин, цемент, гипс, кварц каби кўплаб табиий бойликлар захираси мавжуд бўлиб, уларни геологик ва иқтисодий таҳлиллар асосида қайта ишлашни йўлга қўйиш зарур. Ҳудудда ишга туширилиши режалаштирилаётган янги лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани республика иқтисодиётини яна-да юксалтириш билан бир қаторда, маҳаллий аҳолини доимий иш ўрни билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Қобиллов Нозимжон Мингбоевич (Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети Ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси, захирадаги подполковник; [nozimjonqobilov7@gmail.com](mailto:nozimjonqobilov7@gmail.com))**  
**ЧАҚИРИҚҚА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ**  
**ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ**

***Аннотация.** Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунларда жаҳонда, жумладан, Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол кескин бўлиб қолмоқда. Турли диний-экстремистик, ақидапараст гуруҳларнинг ҳокимият учун курашиши, уларни бизнинг жамият учун, умуман, ёт бўлган дунёқараишларини тарғиб қилиши Ватанимиз мустақиллигига, унинг тинчликсевар кўпмиллатли халқига хавф тугдириши, айни ҳақиқат. Шу бос ҳар бир фуқаро, хусусан, ёшлар онгида, улар вужудида Ватанга бўлган муҳаббат, уни асраш, ҳимоя қилиш, халқчиллик ва жасорат хислатларини тарбиялаш ҳамини долзарб масаладир.*

***Аннотация.** Как известно, общественно-политическая ситуация в мире сегодня, в том числе в Центральной Азии, остается напряженной. Это правда, что борьба различных религиозных экстремистских и фанатичных группировок за власть, их пропаганда совершенно чуждых нашему обществу мировоззрений угрожает независимости нашей страны, ее миролюбивого многонационального народа. Поэтому для каждого гражданина, особенно молодежи, всегда важно любить Родину, беречь ее, беречь, воспитывать в себе качества национализма и отваги.*

<sup>1</sup> Шу манба.

<sup>2</sup> “Жиззах ҳақиқати” газетаси, 2020 йил 16 сентябрь.

<sup>3</sup> Begimkulov J., Mashrabov J., Qoshboqova G. Activity of some foregion joint ventures in Uzbekistan (an example of jizzkh region). Monografiya prokonferensiya science, reserch, development 13 technics and technology. Berlin, 2019.

**Annotation.** As you know, the socio-political situation in the world today, including in Central Asia, remains tense. It is true that the struggle of various religious extremist and fanatical groups for power, their propaganda of worldviews completely alien to our society, threaten the independence of our country, its peaceful multinational people. Therefore, for every citizen, especially young people, it is always important to love the Motherland, take care of it, cultivate the qualities of nationalism and courage.

**Калим сўзлар:** ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, миллий ва байналмилал тарбияси, миллий ғоя ва миллий истиқлол, миллий мафкура, умуминсоний қадриятлар, миллий ифтихор, ахлоқий-сиёсий тайёргарлик, руҳий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, диний-экстремистик гуруҳлар.

**Ключевые слова:** военно-патриотическое воспитание, национальное и международное образование, национальная идея и национальная независимость, национальная идеология, общечеловеческие ценности, национальная гордость, морально-политическая подготовка, умственная подготовка, физическая подготовка, религиозные-экстремистские группы.

**Key words:** military-patriotic education, national and international education, national idea and national independence, national ideology, universal values, national pride, moral and political training, mental training, physical training, religious extremist groups.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий жамият қуриш ва уни ривожлантиришда тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар қуйидагилардир:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг назарияси ва амалиётини ўзлаштириш, уларни ҳарбий хизматга, ўз Ватани – Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишдаги бурчларини бажаришга ҳар томонлама тайёрлаш ўқув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани муваффақиятли равишда ечиш учун «Чақирикқача ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия» мутахассислиги бўйича таълим олаётган «Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» фани яқиндан ёрдам беради.

«Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси асослари» фанини ўрганиш предмети бўлиб, ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг услубий ва мафкуравий-назарий асослари, ўқув юртидаги ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг системаси, ўқувчи-ёшларни Қуролли Кучлар хизматида, Ватан ҳимоясига ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёрлашни ташкиллаштириш, унинг мазмуни, шакл ва услублари бўлиб ҳисобланади. «Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси асослари»нинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– биринчидан, олий ўқув юртида ўқитилаётган бошқа фанлар билан узвий бирликда, талабаларни миллий ва байналмилал руҳида тарбиялаш, уларнинг Ватан ҳимоясига доимо қўлда қурол билан шай бўлишларини таъминлаш;

– иккинчидан, талабаларда фаол онгли, меҳнатсевар, Ватан учун жасоратга ва қаҳрамонликка тайёр ёш авлодни тарбиялаш оладиган педагог-ўқитувчи хислатларини ривожлантириш;

– учинчидан, талабаларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини назарий-амалий билимлари билан қуроллантириш, уларда умумий ўрта таълим мактабларида чақирикқача ҳарбий таълим ўқитувчиси лавозимида ишлаш учун ўқув ва тарбиявий ишларни ташкиллаш ва ўтказиш, малака ва кўникмаларини шакллантириш. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси – ёшлар умумий тарбиясининг таркибий бир қисмидир. «Ватан», «Ватанпарварлик» деганда биз нимани тушунамиз? «Ватан» бу минг йиллар мобайнида сайқалланиб, кишилар руҳига илҳом берувчи, мард ўғлонларни жасоратга, керак бўлса, она-замин учун жонларни фидо этишга ундовчи муқаддас бир туйғудир. «Ватан» бу бизнинг оила, уйимиз, яшаб турган маҳалламиз, қишлоғу шахримиз, албатта, бу Ўзбекистонимиздир.

Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак». Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди. Бу буюк ғоялар ҳар биримиз қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик – муқаддас мерос бў-

либ ўтиши керак. Президентимизнинг ушбу сўзлари бизларга «Ватанпарварлик» қандай мазмунга, моҳиятга эга эканлигини, «Ватанпарвар» қандай бўлиши кераклигини тўла-тўқис очиб беради. «Ватанпарвар», «Миллатсевар» деган сўзларни эшитганимизда, беихтиёр, кўз олдимизда буюк аждодларимиз бўлмиш Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Намозботир ва соҳибқирон Амир Темур қиёфалари гавдаланади. Биз ҳам улар сингари Ватан учун, ўзбек халқи учун муносиб авлод бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини педагог бошқарувининг муҳим тамойиллари қуйидагилардир:

– илмийлик, яъни ҳар хил ёшдаги ўқувчиларда ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олишга асосланганлиги;

◆жамоавий ва яқка бошлиқ бошқарувининг бирлиги;

◆ошкоралик, ишчанлик, бутун педагог жамоанинг ўқув юрти бошқарувида қатнашиши;

◆ҳар бир кишининг топширилган топшириққа шахсий масъулияти;

◆ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкиллашнинг режага асосланганлиги;

◆тарбиявий ишларда энг муҳим йўналишларни танлаб олиш ва уларни ривожлантириш маънасининг борлиги;

Ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишнинг асосий йўналишлари. Барча ижтимоий-сиёсий фаолият сингари, ҳарбий-ватанпарварлик ишида ҳам маълум бир система, шаклий услуб мавжуддир. У аниқ бир вазифаларни, шакл ва услублар мазмунини, воситаларни, шунингдек, ўзига хос вазифаларни бажарувчи давлат ва жамоат корхона, ташкилот ва муассасаларини ўз ичига олади. Бу система, шакл, биринчидан, комплекс хусусиятга эга, яъни ватанпарварлик туйғусини шакллантириш барча ўқув-тарбия муассасаларининг вазифасидир. Иккинчидан, у узлуксиздир, чунки инсон ҳаётининг барча даврларида ўз таъсир кучида бўлади. Учунчидан, устулик бир шаклдир, чунки у тарбиянинг барча турларига ҳамда армия ва халқининг бирлигига таянади. Ёдда тутиш лозимки, ватанпарварлик тарбиясининг энг асосий вазифалари, хусусан, ҳарбий-ватанпарварлик ёшларда Ватанга муҳаббат орқали шаклланиб боради.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

– ахлоқий-сиёсий ва руҳий (психологик) тайёргарлик;

– ҳарбий-техник тайёргарлик;

– жисмоний тайёргарлик.

Албатта, юқорида айтилиб ўтилган барча жанговар хислатлар, ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳарбий-техник тайёргарликда шакллантирилади. Бу ишларни амалга оширишда ҳарбий-техник жиҳатдан юқори даражада тайёрланган чақирилувчи ёшларни тарбиялашда чақириққача ёшлар тайёргарлиги машғулотлари, «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги тўғарақлар ўзларини улкан ҳиссаларини қўшишлари керак.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини асосий йўналишларидан яна бири ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳисобланади. Бу йўналиш ёшларда жисмоний чиниқишни, уларнинг ҳарбий хизмат даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам катта жисмоний юкларни сабот билан енгиш қобилиятини тарбиялайди. Жисмоний жиҳатдан чиниққанлик бу нафакат соғлом танага эга бўлиш, балки Ватан ҳимоясига ва меҳнатга тайёргарлик ҳамдир.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асослари, унинг бирламчи мазмунини ташкил этувчи тамойилларида ёритиб берилган. Бу тамойилларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий қоидалари, талаблари, ёшларни Ватан ҳимоясига ахлоқий-сиёсий, ҳарбий-техник ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг амалий фаолиятининг мазмуни, шакл ва услублари ўз аксини топган.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

1) ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги;

2) ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндашиш;

3) ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси назариясининг амалиёт билан узвий боғлиқлиги.

Ҳозирги статистик маълумотларга қараганда, ёшларнинг 50 фоизининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Бу камчиликлар умумий ўрта таълим мактабларида, ёшлар ташкилотларида, жисмоний тарбиянинг талаб даражасида олиб борилмаганлиги, муҳим ишга, айтиш мумкинки, давлат аҳамиятига молик бўлган соҳага кўп ҳолларда юзаки ёндашилаётганлигидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон халқи буюк давлат, жамият қурилиши йўлида мардонавор меҳнат қилмоқда. Бизнинг кундалик вазифамиз ёшларни ана шу қурилишлар жараёнига жалб қилиш, улар онгига Ўзбекистоннинг буюк келажаги айнан, ёшлар қўлида эканлигини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини уйғотиш ва бу туйғуларни асраб-авайлаб тарбиялашдир.

Хулоса шуки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнида, ёшлар ўз Ватанлари ва халқининг ўтмиши нақадар буюк бўлганлигини яхши билиб ва тушуниб олишлари керак. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, ўлкамизнинг ана шу буюк ўтмиши бизга катта ишонч, интилиш, қобилият ва куч-қувват бахш этади.

**Абдуллаев Фарход Хабибуллаевич (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Тилларни ўрганиш кафедраси ўқитувчиси; e-mail: fxa1982@gmail.com)  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТЕРГОВЧИЛАРИ НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ГЕНДЕР  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида нутқ таъсирчанлигининг ортиши масаласи таҳлил қилинади. Мазкур масала бўйича турли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, инглиз ва ўзбек эркак терговчилари нутқида унинг ўхшаши ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлилга тортилмагани ушбу мақоланинг аҳамиятини белгилайди. Ёритилаётган масала бевосита гендер тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, мақолада ушбу термин кенгроқ изоҳланади ва унинг келиб чиқиши тарихи, бугунги кунда фандаги ўрни ҳақида маълумотлар берилади. Муаллиф чоғиштирилаётган тилларда гендер жиҳатдан эркак терговчилар нутқида таъсирчанликни ифодаловчи мисолларни келтириб, уларни лисоний таҳлилга тортади. Бу орқали эса терговчи нутқида ҳиссий-таъсирчан лексик бирликларнинг нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатиб ўтади. Мазкур мақола ҳуқуқшуносларнинг, хусусан бўлгуси терговчилар, курсантларнинг мулоқот маданиятига бўлган эътиборини, нутқ таъсирчанлиги борасидаги кўникма ва малакаларини ривожлантиришига ҳисса қўиши мумкин.

**Аннотация.** В статье проводится анализ повышения речевого воздействия в английском и узбекском языках. Несмотря на то, что по данному вопросу были проведены различные исследования, значение статьи определяет недостаточное изучение схожих и различных сторон речи английских и узбекских мужчин-следователей. Освещаемая проблема, связанная с гендерным понятием, толкуется шире в данной статье, освещающая информацию об истории происхождения и роли этого понятия в науке. Автор приводит примеры в сопоставляемых языках о речевом воздействии следователей мужчин с гендерной точки зрения, подвергает их языковому анализу. С этой стороны он показывает особую важность эмоционально-воздействующих лексических единиц в речи следователя. Данная статья может внести свой вклад в развитие навыков эффективности культуры речи юристов, а также будущих следователей, курсантов.

**Annotation.** The article analyses increasing effectiveness of speech in the English and Uzbek languages. Though a number researches are in this sphere, the comparative analysis of similarities and peculiarities in the speech of English and Uzbek male investigators have not been conducted yet, which sets the significance of this article. Studying issue is directly connected with concept of gender and the article further discusses it as a term, gives further information about the origin of the term, and shows the role of it in the sciences. The author from the point of gender gives examples that express the effectiveness in the speech of male investigators and conducts linguistic analysis. By doing this, the author points the significance of sensible-expressive lexical units for the investigator's speech. This article may help to attract the attention of lawyers as well as future investigators and cadets to the subject of speech act, contribute to increase the skills of speech effectiveness.

**Калим сўзлар:** риторика, нутқ таъсирчанлиги, нутқий маданият, гендер, гендер лингвистикаси, терговчи, мулоқот, миллий-маданий, ижтимоий-маданий.

**Ключевые слова:** риторика, эффективность речи, речевая культура, гендер, гендерная лингвистика, следователь, следствие, общение, национально-культурный.

**Key words:** rhetoric, speech effectiveness, speech culture, gender, gender linguistics, investigator, communication, national-cultural, social-cultural.

Бугунги кунда эркак ва аёллар нутқи лингвистик гендерология фанида тадқиқ қилинмоқда. Гарчи гендер лингвистик категория бўлмаса ҳам, тил структураси тахлилидан гендернинг у ёки бу маданиятда қандай ўрин эгаллаши, турли матнларда эркак ва аёллар учун қандай мулоқот меъёрлари ўрнатилиши, аёл ва эркакларга, асосан, қайси услуб хослиги, турли тил ва маданиятларда эркак ва аёл қандай тасаввур қилиниши, тил эгаллашда гендер хослик қандай аҳамият касб этиши, дунёнинг лисоний манзарасининг қайси қисмлари ва мавзулари билан алоқадор эканлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин”.<sup>1</sup>

“Гендер” термини инсон жинсининг икки таркибли, яъни аёл ва эркакдан ташкил топган эканлигини кўрсатади. Ушбу оддийгина когнитив ҳақиқат илмий-назарий майдонга XX асрнинг биринчи ярмидагина тадқиқот муаммоси сифатида кириб келди. Шу сабабли инсон ҳақидаги умумий билимларни иккита мавҳум бўлакка, яъни аёл ва эркак тўғрисидаги тадқиқотлар векторига йўналтирилмоқда. Антропологияда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларига назар ташлаганда, “эркак” зоти билан боғлиқ масалалар деярли атрофлича ўрганилган ва ўша “эркак” зоти масаласи тўлиқлигича “инсон” зоти муаммоларига устма-уст тушади. Бу дегани шу давргача инсон ҳақида сўз юритилганда, “эркак” зоти назарда тутилган. Маълум бўлишича, “дунёдаги деярли барча тилларда “инсон” ва “эркак” тушунчаси бир-бирига тенг бўлган бир хил тушунча ҳисобланади.”<sup>2</sup>

XX асрнинг ўрталаригача “gender” термини фақатгина инглиз тилшунослигида грамматик “жинс” маъносида қўлланган. Ушбу терминни бошқа маъновий мазмунда қўллаган олим, бу америкалик тиббиёт психологияси профессори Джон Мани ҳисобланади. Ўз юртдошининг концепциясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, 1958 йилда Калифорния университетида психоаналитик лавозимида фаолият юритаётган Роберт Столлер Стокхольмда бўлиб ўтган конгрессда инсонлардаги биологик ва социомаданий жиҳатларини “gender” термини ёрдамида ажрим равишда тадқиқ қилишни таклиф қилди. Р.Столлер фикрича, физиология ва биология фанининг илмий тадқиқотлари жинс (ингл.–sex) билан белгиланса, социомаданий тадқиқотлардаги жинс масалалари билан боғлиқ муаммолар психологларнинг, маданиятшуносларнинг, социологларнинг, филологларнинг тахлилий ва илмий тадқиқот ишларида (ингл.–gender) термини билан белгиланиши лозим. Н.Л.Пушкарёва таъкидлашича, “Р.Столлернинг ушбу таклифи, яъни жинсни биологик ва маданий жиҳатдан ажрим равишда белгилаш – ҳозирги гуманитар билимлар соҳасида янги, гендер тадқиқотлари йўналишининг вужудга келишига тўртки бўлди”.<sup>3</sup>

Бизнингча, тилшуносликдаги “гендер” термини эркак ва аёллар нутқида муайян жамиятда мавжуд ижтимоий меъёр ва маданий анъаналар негизида шаклланган хатти-ҳаракатлар мажмуининг ифодаланишини англатади.

Инсон нутқи мулоқот қилиш билан бевосита алоқадор. Мулоқот воситаси орқали сўзловчининг дунёқараши тўғрисида маълумотлар олинади. Шундай экан, эркак ва аёл дунёқараши ўрта-сидаги тафовутлар, албатта, мулоқотга ўз таъсирини ўтказди. Айнан тил ва бошқа белгилар тизими орқали сўзловчининг гендер хусусиятлари ўз ифодасини топади.

Инглиз эркаклари нутқи хусусиятларига тўхталганда, улар нутқда “can” модал феълини кўп қўллаб, бу орқали амалда иш қила олишларини ифодалашга уринадилар. Уларнинг нутқида *courage, admiration, happiness, luck, beauty, charm, misfortune* каби мавҳум отлар кўп қўлланади. Инглиз эркаклари аниқ предметни ифодаловчи сўзларни, айнан, расмий-идоравий услубга тегишли от сўз туркумидаги *authority, crime, contract, business dinner, limits* каби сўзларни қўллашга мойил бўладилар. Бундан ташқари, улар кундалик турмуш мавзуларида суҳбатлашганда цензураланмаган тил бирликларини онгли равишда қўллайдилар. Эркаклар нутқида қўлланувчи *bloody hell, bloody, damn, go to hell, bastard, shit* каби лисоний бирликларнинг қўлланишига гендер омиллар таъсир кўрсатади. Статистик таҳлил натижаларига кўра, инглиз эркаклари аёлларга нисбатан нутқ одоби-га зид бўлган сўз ва ибораларни қўллашга мойил бўладилар (эркаклар – 85%, аёллар – 15%).<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Денисова А.А. Словарь гендерных терминов. М., 2002, с. 45.

<sup>2</sup> Хараева Л.Ф., Кучукова З.А. Гендер и этногендер. Нальчик, «Принт Центр», 2018, с. 10–12.

<sup>3</sup> Пушкарёва Н.Л. Гендерный подход в исторических исследованиях. “Вопросы истории”, 1998, № 6, с. 41 – 62.

<sup>4</sup> Гаспарян С.К., Князян А.Т. Гендерные особенности агрессивного вербального поведения мужчин и женщин (на материале английских и армянских “бытовых” анекдотов). Science and Education a New Dimension. Philology, V(35), Issue: 125, 2017. с. 23. www.seanewdim.com

Ўзбек эркаклари нутқи хусусида эса қуйидаги фикрлар берилди. Шарқ мусулмон оламида ўзбек эркакларининг шарият нуқтаи назаридан, мулоқот даражаси ўзига хосликка эга. Ушбу омил уларнинг нутқида ўз ифодасини топади. Ўзбек эркаклари нутқида “*Ганнинг дундаси шуки...*”, “*Ганнинг ўғил боласини айтганда...*”, “*Ганнинг қисқаси...*” каби тузилмалар тез-тез учраб туриши таъкидланади<sup>1</sup>.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади эркак терговчилар нутқи хусусиятларини ёритишдан иборат бўлган ҳолда, қуйида уларнинг касбига оид фикрни келтириб, мисолларни таҳлил қиламиз.

Маълумки, терговчи дейилганда, авваламбор, эркак терговчи тасаввур қилинади. Бу борада М.Г.Эсановнинг таъкидлашича: “Терговчи хизмат вазифаларини ижро этишда кўплаб ташқи таъсирлар, турли хил қарама-қаршиликлар, ноқулай шароитларда ҳаракат қилишига тўғри келади. Баъзида ҳаддан ташқари жисмоний толиқиш ва руҳий босим остида бўладилар”.<sup>2</sup> Бу каби шароитларда ишлашга, асосан, эркаклар бардошли бўладилар.

Умуман олганда, эркак терговчилар нутқи идоравийлиги, ҳукмронлиги билан ажралиб туради. Инглиз ва ўзбек эркак терговчилари нутқида таъсирчанликнинг ортиши бир қанча омилларга боғлиқ. Қуйида бадиий адабиётлардан олинган инглизча эркак терговчилар нутқида оид мисолларнинг таҳлили, уларнинг нутқидаги риторика ҳақида тасаввур пайдо қилишга имкон беради.

Инглиз эркак терговчилари сўроқни хушмуомалалик билан бошлашлари кузатилади. Масалан: “*But before we go, can you please tell us your name?*” *The little man looked at Holmes and then at me before he answered. “J-J-John Robinson.” he said.*

“*No, no.*” *said Holmes quietly. “We’d like to know your real name please.”*

*The stranger’s face changed from white to red. “Very well. My real name is James Ryder,” he said.*<sup>3</sup>

Мисолда терговчи ялиниш орқали (*Can you please tell us your name* – Илтимос, исмингиз айта оласизми?) шахснинг ўзини таништиришга уринмоқда. Инглиз тилида нарсани қилишга ундашда *would like* грамматик конструкциясини қўллаш ўзига хос аҳамият касб этади. Мисолда имперсонализация ҳодисаси ҳам кузатилиб, нутқда I шахс бирлик олмоши “мен” сўзини қўллашдан тийилиб, I шахс кўплик олмоши “биз” қўлланган (*We’d like to know your real name please* – Биз сизнинг ҳақиқий исмингизни билишни истаймиз).

Ўзбек эркак терговчилар терговда мақсадга интилишда мулоқот муомала қилишлари мумкин. Масалан:

–*Сизда гапим бор, – деди аёл синиқ овозда.*

–*Юринг, – деди Зоҳид.*

*Аёлга совуқроқ муомала қилгани ўзининг ҳам гашини келтирди. “Бу хотин неча соатдан бери совуқда турган экан, гапи бордирки кутган... Эрининг айби йўқлигини ўзим ҳам сезиб турибман. Бу бечорага нима учун хўмрайдим?”*

–*Кеннойи, юраверинг, – деди Зоҳид.*

*Бу гандан кейин аёл сал дадилланди. Машиойихлар “сўз ханжар бўлиб жонни олиши ҳам, тирлик суви бўлиб, ўликка жон бериши ҳам мумкин”, деганларидай, Зоҳиднинг “кеннойи” дейиши аёлдаги хавотир булутини бироз тарқатди.*<sup>4</sup>

Келтирилган мисолда терговчи яқин қариндош мурожаат шаклини қўллаш орқали аёлни хавотирланмасликка ундайди. Ўзбек тилида яқин қариндошлик терминлари таъсирчан бўлиб, нутқда кўп қўлланади. Яқинлик ва қариндошликка оид сўзлар ижобий таассуротни уйғотишга хизмат қилади.

Инглиз эркак терговчилари аёлларни тергов юзасидан ҳамкорлик қилишда уларни мақташлари ва бошқаларга ўрнатиб кўрсатишга уринишлари кузатилади. Масалан:

*‘It’s very responsible of you to come and tell us, Mrs. Watkyn. I wish everyone was so public-spirited,’ said Parry, with deep conviction in his tone. ‘Why don’t you sit down, and run over the point again with us.’ The housekeeper beamed at her questioner.*

<sup>1</sup> Йигиталиев У.С. Ўзбек тилида «одам» ва «жинс» концептлари билан боғлиқ ассоциатив-вербал бирликлар. Филол. фан. ном. ...дис. автореф., Т., 2020, 22-бет.

<sup>2</sup> Эсанов М.Г., Обидов М.Х., Аллаев Ш.П. Терговчи. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т., 2011, 13-бет.

<sup>3</sup> Doyle A.C. Sherlock Holmes: The case of The Blue Diamond. Oxford University Press. USA, 2002, p. 29.

<sup>4</sup> Малик Т. Шайтанат. Т., “Sharq”, 2013, 103-бет.

*'Well, it was more than that really. Every Monday we put clean towels in the students' rooms, but Dr. Newsom-Pugh's very keen on rooms getting an airing, like you say...'*<sup>1</sup>

Мазкур парчада инглиз эркак терговчиси аёл кишини алқаш орқали тергов ишига киришмоқда. Терговчининг (*It's very responsible of you to come and tell us, Mrs. Watkyn. I wish everyone was so public-spirited* – Ваткин хоним, сизнинг келганингиз ва айтиб бермоқчи бўлганингиз масъулиятли эканлигингизни кўрсатади. Қанийди, ҳамма ҳам шундай киришимли бўлса) мақташи аёл кишини терговда ҳамкорлик қилишга ундамоқда. Маълум бўлишича, инглизлар нутқий этикетига кўра тўсатдан савол сўраб суҳбат бошланмайди. Аввал, тингловчи ҳолатини инобатга олиш лозим, кейин савол сўраш мумкин. Шу сабаб инглиз эркак терговчилари ўз тингловчиси шаънига илик фикрлар билдириб, бирор нарсани таклиф қилиш орқали уни суҳбатга чорлайдилар (*Why don't you sit down, and run over the point again with us* – Ўтириб олсангиз-чи, кейин бўлган воқеаларни яна қайта айтиб берардингиз).

Ўзбек эркак терговчилари нутқларида мактовга оид жумлалар учрайди. Масалан:

– *Бу борада бошқалар ҳам хўжайинингиздан ўрнак олса, яхши бўларди. Қаранг, бир йилда қанчадан-қанча хайрия тadbирларини ўтказипти. Бунда, албатта, оила бекаси сифатида сизнинг ҳиссангиз катта бўлиши керак...*

– *Эрни эр қилодиган ҳам, қаро ер қилодигон ҳам хотин дейишади-ку! – Шарофатнинг чеҳраси очилди.*<sup>2</sup>

Юқорида келтирилган парчада эркак терговчи аёл кишини мақташ орқали унга таъсир қилмоқда. Эркак терговчининг мактови аёл кишининг ишга оид бошқа маълумотларни ҳам айтишга сабаб бўлади. Ўзбек маданиятида ҳам шахс ҳақида ижобий фикр айтиш муҳим саналади.

Мисоллардан кузатилишича, баъзан инглиз эркак терговчиларига менсимаслик муносабати кўрсатилганда ҳам улар нутқда вазминликни сақлаб, ўз мақсадлари сари ундашда давом этадилар. Масалан:

*'My name's Andy,' he said.*

*'I like calling you Inspector,' she said with a smile. 'I find it a turn-on, fucking policeman. Especially one with a rank.'*

*'Please,' he said. 'Don't tempt me, not now. This is important.'*

*'I'm sorry,' she said, making an apologetic moue. 'Go on.'*<sup>3</sup>

Терговчининг мазкур нутқдаги вазминлик аёлдан ўзини муносиб хулқ-атворда тутишга ундайди. Нутқда императивликни камайтириш, тақик маъносидаги хабарни юмшатиш нутқ таъсирчанлигининг ортишига хизмат қилмоқда. Жумла маъносини сайқаллаш мақсадида *not now* сўзидан фойдаланилган. *"Don't tempt me, not now"* – “Мени ҳозир мажбур қилманг” (асл маъноси: Мен сизнинг бундай қилишингизга йўл қўймайман).

Эркак терговчилари нутқида мақташ билан бир қаторда, буюришга оид жумлалар ҳам тез-тез қўлланади. Масалан:

– *Айтинг-чи, – деди у бирдан кўзларини жувоннинг қоп-қора кўзларига тикиб, – 23 март куни тушдан кейин қаерда эдингиз? Тез айтинг!*

*Жувон довдираб қолди.*

– *23 март... март... – дея лаблари – тез-тез пичирлаб учди. Эсимда йўқ, уйда бўлсам керак. Ёки... Ҳа, шошманг, чоршанба куни, ҳа-я... Мен ўшанда мол олгани Самарқандга кетгандим. Ҳа! Ҳа! Укам Комил ва Аҳрор ака билан бирга эдик.*<sup>4</sup>

Ушбу мисолда терговчи ўз нутқида кўрселик билан (*Тез айтинг!*) эркакларга хос хислатни қайд этиш орқали гумон қилинувчига таъсир қилмоқда. Терговчи аёлнинг жавобни тўқимасдан айтишига ундамоқда.

Инглиз эркак терговчилари терговда шахсни ўз исми билан чақириб, уни ҳамкорлик қилишга чорлайдилар. Масалан:

*Sam gave her an apologetic smile but turned her attention back to Flora. 'We're not treating you as a suspect at this time, Flora. It's just easier at the station. Less distracting'.*

<sup>1</sup> Williams D. *Suicide intended*. Harper Collins Publishers. GB, 1999, p. 30.

<sup>2</sup> Синдаров К. Амирликнинг олтин тахти изидан. Т., “Янги аср авлоди”, 2018, 105-бет.

<sup>3</sup> Haynes E. *Under a silent moon*. Harper Collins Publishers. USA. 2014, p. 283.

<sup>4</sup> Ибодинов А. “Латофат” дўқонидаги қатл. Т., “Шарк”, 2002, 253-бет.



*Flora clearly didn't want to make a fuss. She looked shattered, as though she'd not slept at all. She went with them, leaving the half-eaten piece of toast behind.*<sup>1</sup>

Юқоридаги мисолда терговчи аёлни ўз исми билан айтиб (*We're not treating you as a suspect at this time, Flora* – Айни пайтда, биз сизга гумонланувчи тариқасида қарамаяпмиз, Флора), уни маълум фаолиятга ундаши кузатилади. Мазкур мисолда литота тасвирий воситаси қўлланиб, кичрайтириб тасвирлаш орқали нутқни яна-да таъсирчан ифодалаш мақсад қилинган (*It's just easier at the station. Less distracting* – Маҳкамадаги ўтказиш осонроқ. Ўйтиборни тортмасдик). Нутқдаги ма-на шу жиҳат аёлни терговчининг суриштирувни маҳкамада ўтказиш таклифини қабул қилишга ундайди.

Ўзбек халқида ҳам шахсни исми билан чақириш нутқ таъсирчанлигида алоҳида аҳамиятга эга. Масалан:

– **Ҳамро ака, қойилман, шунча йил ишлаб бировнинг бурнини қонатмаган экансиз! Ай-ниқса, тадбиркорларни қўллашда... камбагалларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда қатъ-иятли ва одил бўлган дейишяпти...**

– *Ҳаммасини етказишибди-да! – тиржайди Ҳамро. – Оллоҳга шукр, ёмон ишламадик. Адо-лат тарозисини қўлдан қўймадик. Оқни оқ, қорани қора дедик. Ўзганинг ҳақини емадик. Камбагал-ни қақшатмадик...*<sup>2</sup>

Келтирилган парчаларда, ўзбек эркак терговчиси нутқда мақташ орқали таъсир қилиб, сўз-ловчини маълумот етказишга ундайди. Тингловчига нисбатан *тадбиркорларни қўллашда, камба-галларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда, қатъиятли ва одил* каби баҳолаш бирликларини қайд этиш билан ўзбек халқида ёши ўзидан катталарга нисбатан ҳурмат ифодаланади. Бу билан позитив этикет юзага келади. Мурожаатнинг ушбу мактов тури нутқ таъсирчанлигини таъминлаш страте-гияси сифатида қаралади.

Маълумки, инглиз халқи қонунга итоаткор, қатъиятли халқ ҳисобланади. Ушбу хислатлар ин-глиз эркак терговчиси фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Масалан:

*'Go to hell!' 'All in good time. But if you are at all interested in saving your neck, I'd advise you to tell me the truth, otherwise you'll have the police knocking on your door and they'll want more than ten minutes of your time, I can promise you that.' At the mention of the police, the colour began to drain from Moore's mottled face. 'Do you want money?'*

***I shook my head. 'I just want the truth. Tell me about that night.'***

*'I had a terrible day. I received a message to visit my agent that afternoon...'*<sup>3</sup>

Келтирилган мисолда сўзловчи терговчига пора таклиф қилса ҳам, терговчи қатъий тарзда фақат ҳақиқатни билишни истагани таъкидлаб, сўзловчига таъсир қилмоқда (*I just want the truth. Tell me about that night* – Мен фақат ҳақиқатни билишни истаيمان. Ўша тун ҳақида гапириб бе-ринг). Нутқдаги қатъийлик сўзловчини терговчининг шартларини қабул қилишга ундайди.

Инглиз терговчиларига хос тарзда ўзбек терговчилари ҳам тингловчини пора мавзусида сўз-ламасликка ундайдилар. Масалан:

*Ҳозир пора таклиф этаётган бу жувонга қараб, газабини ичига ютди. “Бу аёл чайналиб гапиряпти. Умрида бировдан ўзи учун бир нарса сўрамаган, таъма қилмаган одам шунақа бўлади. “Мен сизга шунча берай, эримни қўйиб юборинг”, дейишга андишаси йўл бермаяптими?”*

– ***Сизга бу гапларни биров ўргатдимми ё ўзингиз ўйлаб топдингизми?***

*Зоҳиднинг овозида қаҳр, газаб зоҳир эди. Насиба бу йигитнинг тез ўзгаришини кутмагани учун бир сесканиб тушди, тамом ўзини йўқотди.*

– *Бунақа гаплар учун... Насиба йиглаб юбормай, деб пастки лабини тишлади.*<sup>4</sup>

Мазкур мисолда терговчи овоз тони орқали газабни ифода этган ҳолда тингловчини бу ҳақда сўзламасликка, фақат ҳақиқатни сўзлашга ундайди.

Ҳар икки миллат эркак терговчилари нутқида буйруқ беришга оид жумлалар кенг қўлланади. Масалан:

*Tony was leaning his elbows on the table, his head in his hands. His voice was muffled.*

*"I'm a black bastard. I deserve all I get... I'm a black bastard, I deserve all I get... ."*

<sup>1</sup> Haynes E. Under a silent moon. Harper Collins Publishers. USA. 2014, p. 137.

<sup>2</sup> Синдаров К. Амирикнинг олтин тахти издан. Т., “Янги аср авлоди”, 2018, 113 – 114-бетлар.

<sup>3</sup> Davies D.S. Forests of the night. Thomas Dunne Books. USA. 2007, p. 123 – 124.

<sup>4</sup> Тоҳир Малик. Шайтанат. Т., “Sharq”, 2013, 105-бет.

***Standing opposite him, Oswald thumped the table. “Tony, just stop it, man!”***

*Tony’s hands came away from his face and clenched into fists.*<sup>1</sup>

Келтирилган мисолда инглиз терговчиси дўқ-пўписа қилган ҳолда, тингловчини сўзлашга ундайди. Нутқдаги буйрукни бўртириш мақсадида столга мушт туширади. Бундан таъсирланган тингловчи талабни бажаради.

Бундай мисол ўзбек эркак терговчиси нутқида ҳам кузатилади. Масалан:

– *Ҳали исми мени билмай туриб, чақиртирдингми бу ерга? Эҳтимол, сенга Асадбек эмас, Аҳадбек керакдир?*

– ***Ёшингиз катта бўлса ҳам, мени сенсираманг, чақалоқлигимда бешигимни тебратиб қўймагансиз. Саволларимга – аниқ жавоб беринг, – деди терговчи бўш келмай.***

*“Ҳавоси балан-ку, буларнинг, – деб ўйлади Асадбек. – Менга бекорга бундай ташланишмаёт-гандир... Орқаларида ким турибди?” Асадбек арқонни узун ташлаб, терговчининг талабига ито-ат этишни маъқул кўриб, саволларига оғриниши билан бўлса-да, жавоб бера бошлади.*<sup>2</sup>

Ушбу мисолда терговчи тингловчидан хурмат муомаласида бўлишга, ўзгалар билан сенсираб гаплашмасликка буюради. Ўзбек халқи нутқ маданиятига кўра, нотаниш кимсалар билан сенсираб суҳбатлашмайди.

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, диалогик риторикада инглиз ва ўзбек эркак терговчилари нутқида ўхшаш жиҳатлар учрайди. Умумий жиҳатлари шундаки, ҳар икки миллат терговчилари терговда мулойим бўлишлари, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришлари, мавқедан фойдаланиб, муомала қилишлари, ҳукмрон бўлишга интилиб суҳбатдошдан маълумот олишга интилишлари кузатилади. Шунингдек, инглиз эркак терговчилари очиқ сўзласалар, ўзбек терговчилари айёрлик билан суҳбатдошни мақсад сари ундайдилар. Инглиз терговчилари нутқида ялинишга оид сўзларнинг қўлланиши кузатилади. Улар талабни таклиф сифатида тақдим қилишга ҳам уринадилар. Ўзбек терговчилари нутқида эса суҳбатдошнинг ёшига қараб эркалашга оид лисоний воситаларни қўллаб, тергов ишида ҳамкорлик қилишга ундайдилар. Аксарият ҳолларда, ўзбек терговчиси нутқида таъсирчанликнинг ошиши мақташ, яқин қариндошликка оид лисоний воситаларни қўллаш билан амалга ошади. Мазкур хулосалар, маълум маънода, бўлғуси терговчиларнинг сўзлашиш маданияти ва нутқий таъсирчанлик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

**Xudayqulova Shaxnoza Suvanovna (JIDU)**

## **NASRIY ASARLAR MATNIDA AKSIOLOGIK BIRLIKLAR TALQINI**

***Annotatsiya.*** Mazkur maqolada o‘zbek tilshunosligida yangi yo‘nalish sifatida kirib kelayotgan aksiologik leksika, uning milliy xarakter xususiyatlari va aksiologik leksikani aks ettirishda xalqimiz poetik tafakkuri, ijodkorlarimizning lingvopoetik mahorati katta ahamiyat kasb etishi, bunda o‘zbek xalq she‘riyati, nasri, dramaturgiyasi sezilarli ahamiyatga ega ekanligi, xususan, o‘zbek she‘riyati va nasrchiligida aks etgan aksiologik leksikani tadqiq qilib, aksiologik leksikaning tilimizda tutgan o‘rni, ularning qaysi til vositalari yordamida ifodalanishi haqida ilmiy umumlashmalar beriladi. Aksiologik leksikani tashkil etgan aksiologemalar muayyan arxisemalar darajasida o‘rganilishi yoki konseptual tadqiq olib borish, har qanday aksiologik juftlik o‘z atrofida bir necha minglab so‘zlarni jamlovchi semantik maydonlarni hosil qilishi mumkinligi haqida tahlil olib boriladi. Masalan, hayot arxisemasi yoki hayot konsepti o‘rganilishi ko‘zda tutilgan minglab makro va mikrokonseptlarga ega aksiologema bo‘yicha ilmiy xulosalar beriladi. Nasriy matnlarni tahlil qilish asnosida aksiologemalarni sotsial xususiyatlarini, ya‘ni ularni gender xususiyatga ko‘ra ham tasnif qilish muhim ilmiy ahamiyatga ega ekanligi haqida ma‘lumot beriladi.

***Аннотация.*** В данной статье аксиологическая лексика, входящая как новое направление в узбекское языкознание, играет важную роль в отражении ее национального характера и аксиологической лексики. В частности, при исследовании аксиологической лексики, отраженной в узбекской поэзии и прозе, роль аксиологической лексики нашего языка, научные обобщения средств, с помощью которых они выражаются. При анализе аксиологем, составляющих аксиологический лексикон на уровне определенных архетипов или концептуального исследования, любая аксиологическая пара может образовывать семантические поля, вокруг которых собираются тысячи слов.

<sup>1</sup> Plante L.L. Prime suspect 2. Dell Publishing. USA. 1993, p. 150.

<sup>2</sup> Малик Т. Шайтанат. Т., “Sharq”, 2013, 60-бет.

Например, научные выводы сделаны на основе аксиологии жизни, которая содержит тысячи макро и микроконцепций, включая изучение архетипа жизни или концепции жизни. Анализ прозаических текстов дает информацию о социальных свойствах аксиологий, то есть о важности их классификации по полу.

**Annotation.** In this article, the axiological lexicon, which is entering as a new direction in Uzbek linguistics, that plays an important role in reflecting its national character and axiological lexicon. The study of the axiological lexicon reflected in Uzbek poetry and prose, the role of axiological lexicon in our language, the scientific generalizations about the means by which they are expressed. The analysis of axiologems that make up the axiological lexicon at the level of certain archetypes or conceptual research, any axiological pair can form semantic fields around which gather several thousand words. For example, scientific conclusions can be drawn from the axiology of life, which contains thousands of macro and micro concepts, including the study of the archetype of life or the concept of life. The analysis of prose texts provides information about the social properties of axiologies, that is, the importance of classifying them according to gender.

**Kalit soʻzlar:** aksilogiya, aksiologema, aksilogik juftlik, leksika, nasriy, hayot-oʻlim, sogʻlik-kasallik, baxt-baxtsizlik, rost-yolgʻon, aql-aqlsizlik, kulgi-yigʻi, jannat-doʻzax.

**Ключевые слова:** аксиология, аксиологема, аксиологическая пара, лексика, проза, жизнь-смерть, здоровье-болезнь, несчастье, правда-ложь, безумие, смех-плач, рай-ад.

**Key words:** axilology, axiologema, axilological pairing, vocabulary, prose, life-death, health-disease, unhappiness, truth-lie, madness, laughter-crying, heaven-hell.

Aksiologik leksikani tashkil etgan aksiologemalar muayyan arxisemalar darajasida oʻrganilishni yoki konseptual tadqiqni talab qiluvchi katta til hodisalari hisoblanadi. Har qanday aksiologik juftlik oʻz atrofida bir necha minglab soʻzlarni jamlovchi semantik maydonlarni hosil qilishi mumkin. Masalan, hayot arxisemasi yoki hayot konsepti oʻrganilishi koʻzda tutilgan minglab makro va mikrokonseptlarga ega aksiologema sanaladi.

Matnlarni tahlil qilish asnosida aksiologemalarni sotsial xususiyatlariga koʻra ham tasnif qilish mumkinligi aniqlandi. Masalan, ularning gender xususiyati ana shu sotsial jihatlaridan biridir. Kulgi va yigʻi, qargʻish va duo kabi aksiologik diadalar koʻproq ayollar emotisonal holatiga xos ana shunday juftliklar hisobiga kiradi.

Tadqiqotlarda aksiologik leksikani tadqiq qilish mobaynida qadriyat va antiqadriyat maqomidagi aksiologik diadalarini (“aksiologik juftliklar”) klassifikatsiyalash boʻyicha bir qancha tasniflar bor boʻlib, masalan, R.J.Yunusova dissertatsiyasida aksiologik diadalarining quyidagi tasnifi keltirilgan:

a) hayotiy jarayonlar moddiy sabablarga emas, balki ilohiy kuchlarga bogʻliq deb ishonuvchi idealistik oqim tarafdorlari idealistik aksiologemalarni alohida ajratib koʻrsatishgan: **hayot-oʻlim, sogʻlik – kasallik** kabi;

b) gedonistik aksiologemalar: huzur-halovatga intilish insonga xos oliy xislat deb hisoblovchi axloqiy taʼlimot vakillari bunga **baxt va baxtsizlikni** misol qilib keltirishgan;

d) muqaddas qadriyatlarga asoslangan aksiologemalar: **vatan va bewatanlik, musofirlik va muqimlik** kabi;

e) ijtimoiy-utilitar aksiologemalar: **ish va ishsizlik, mehnatsevarlik va dangasalik** kabi.

f) moddiy-utilitar aksiologemalar: **boylik – kambagʻallik**.

g) intellektual bilishga oid aksiologemalar: **aqli – axmoq**.

h) axloqiy-etik aksiologemalar: **rost va yolgʻon**.

i) emotsional-utilitar aksiologemalar: **yigʻi – kulgi** kabi.

j) diniy aksiologemalar: **jannat – doʻzax** kabi<sup>1</sup>.

Yuqorida taʼkidlaganimizdek, tadqiqotlarda bunday tasniflarni koʻplab uchratish mumkin. Jumladan, oʻzbek nasriy asarlari misolida oʻzbek yozuvchisi Oʻtkir Hoshimovning “Daftar hoshiyasidagi bitiklar” asarida keltirilgan aksiologik leksika talqiniga diqqat qaratamiz. Dastlab, **aql va aqlsizlik, donolik va nodonlik** aksiologik juftligiga doir qisqacha fikrlar:

<sup>1</sup> Юнусова Р.Ж. Аксиология фразеологизмов со значением “гостеприимство/кунакчылык” в русском и татарском языках. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук, Казань, 2009.

*Dunyoda eng aqlli jonivor – baliq! Birinchidan, soqov. Ikkinchidan, muttasil dumini likillatadi!*<sup>1</sup> Ushbu fikrlarda muallifning keskir piching vositasida laganbardor, tilyog'lama, ikkiyuzlamachi, munofiq odamlarga nisbatan munosabati o'z aksini topgan bo'lib, bunday odamlarni yozuvchi baliqqa qiyoslaydi. Yozuvchi O'tkir Hoshimov qalamiga xos keskirlikni keyingi misralarda ham yaqqol ko'rishimiz mumkin: *Inson – aqlli. Inson – donishmand... shu qadar donishmandki, xat-savodi chiqmay turib omoch o'ylab topdi... G'ildirak ixtiro qildi. Narvon... Keyin suvda suzdi. Osmonda uchdi. "Oynai jahon"ni yaratdi... ko'p bedavo dardlarga shifo topdi. Qadami Oygacha yetdi...*

*Inson – aqlli. Inson – donishmand... Shu qadar "donishmand"ki, bir zarb bilan butun boshli shaharni kultepaga aylantiradigan atom bombasini o'ylab topdi. Shu qadar "donishmand"ki, bir zarb bilan butun boshli mamlakatni yer bilan yakson qiladigan vodorod bombasini yaratdi. Shu qadar "donishmand"ki, bir zarb bilan million odamni, mol-holni, qurt-qumursqani qirib tashlab, "jonsiz" boyliklarga – uy-joy, mol-mulk, oltin-kumush, temir-tersakka ziyon yetkazmaydigan "aqlli" neytron bombasini kashf etdi...*

*Shu qadar "donishmand"ki, bir tomchisi havoga purkalsa, yetmish odamni til torttirmay o'ldiradigan "Y-X" degan zaharni ixtiro qildi va...o'sha zahri qotilning o'n besh ming tonnasini g'amlab qo'yd. Bu qurol bilan yetti yuz milliard odamni qirib tashlash mumkin ekan! Holbuki, Yer kurrasida besh milliard odam yashaydi...*

*...Inson – aqlli. Inson – donishmand. Inson – telba!*<sup>2</sup> Ushbu fikrlar zaminida ham muallifning o'tkir kesatiq bilan aytilayotgan achchiq haqiqatiga duch kelishimiz mumkin. Ya'ni, muallif haddan oshgan donishmandlik ham, aql ham insonga, tabiatga ziyon yetkazishi mumkin ekan. Eng yomoni inson o'z aqlining quliga, asiriga aylanib qolsa, telba bo'lib qolishi ham hech gap emas. Dunyo tarixidan bunga ko'plab buyuklarni misol keltirish mumkin. Xuddi shu fikrlarning davomini muallif quyidagi fikrlari orqali bayon etadi: *Inson shu qadar buyukki, uning fazilatlarini o'lchash – dunyodagi eng baland tog'ning eng baland cho'qqisiga emaklab chiqish zahmati bilan teng. Inson shu qadar tubanki, uning illatlarini o'lchash – dunyodagi eng baland tog'ning eng baland cho'qqisidan emaklab tushish zahmati bilan teng.*<sup>3</sup> Bu o'rinda, aql va aqlsizlik tushunchalari buyuklik va tubanlik leksemalari bilan sinonimik qator hosil qilmoqda. Natijada muallif aytmoqchi bo'lgan fikr: aql har doim bunyodkorlikka, yaxshilikka xizmat qilishi, aqlsizlik esa aksincha, vayronkorlikka, buzg'unchilikka boshlashi mumkin ekanligi uqtirilmoqda. Buyuklikning asosida aql va mehnat, tubanlikning asosida esa aqlsizlik va telbalik yotadi. Bundan tashqari, aql va aqlsizlik aksiologik juftligi donolik va nodonlik aksiologik diadasi bilan ham ma'noviy yaqinlik kasb etadi. Muallif ularni kerakli o'rinlarda bir-birining o'rnida qo'llagan holatlarni ham kuzatishimiz mumkin. Aksiologik juftliklar har doim yonma-yon yuruvchi tushunchalar, jarayonlar hisoblanadi. Chunonchi, donolik bilan nodonlik ham. *Donolik bilan nodonlik shu qadar yaqinki, odam donolikni qancha ko'p da'vo qilisa, shuncha nodon bo'ladi!* Dono odamlar hech qachon o'z donoliklarini pesh qilmaydilar. Aksincha, nodon odamlargina donolikni da'vo qilib, odamlardan izzatlablik bilan hurmat va e'tibor kutadilar. Donolik va nodonlik, aql va aqlsizlik aksiologik diadalar aks etgan maqollar, frazeologizmlar yoki badiiy matnlarni tadqiq qilganimizda bu tushunchalarning ham assotsiativ maydoni qanchalik keng ekanligiga amin bo'ldik. Chunonchi, aql va donolikka **kamtarlik, bilimdonlik, zehn-zakovatlilik, farosatlilik, pokizalik, imonlilik, komillik** kabi tushunchalarning, aqlsizlik va nodonlikka esa **axmoqlik, befarosatlik, nopoklik, vijdonsizlik, johillik, ilmsizlik** kabi tushunchalarning yonma-yon yurishini aniqladik. Ayni shu tushunchalar aql-aqlsizlik aksiologik diadasi uchun muayyan semantik maydon kasb qilishi mumkinligi aniqlandi. Yoki yana aytishimiz mumkin: aql boylik, e'tibor, hunar, mansab, obro' leksemalarini ham o'z atrofiga yig'adi. Chunki faqat aqlli odamlargina jamiyatda obro'-e'tibor qozonib hayot pillapoyalaridan dadil ko'tarilishlari mumkin. Bu haqida muallif O'.Hoshimov shunday deydi: *Aql bilan mansabga erishish mumkin. Mansab bilan aqlga erishib bo'lmaydi.*<sup>4</sup> Yoki yana: *Aql yoshda emas. Yoshligida aqli raso odam keksayib, "anaqaroq" bo'lib qolishi mumkinmi-yo'qmi, unisini bilmadim-ku, ammo yoshligida "anaqaroq" odam keksayganda aqli raso bo'ladi, desalar...Bilmadimov.* Aql va aqlsizlik ziddiyatini tasvirlash uchun muallif juda go'zal muqoyasalardan foydalanadi. Xususan, "Majnunol va qamish" nomli kichik tezisida keltirilgan majnunolning aqlli va donishmand odamlar qiyofasini, qamishning esa nodon va takabbur odamlar qiyofasini aks ettirishi fikrimizning yorqin dalilidir. Biroq aksariyat hollarda ana

<sup>1</sup> Hoshimov O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). 2008, 1-bet.

<sup>2</sup> Shu manba. 22-bet.

<sup>3</sup> Ko'rsatilgan manba. 5-bet.

<sup>4</sup> Hoshimov O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). 2008, 14-bet.

shunday odamlar hayot yo'llarida ko'pincha yonma-yon tushib qolishadi. Bu xalqimizning kundalik turmushida uchrovchi odatiy holga aylanib ulgurgan desak yanglishmagan bo'lamiz. Dono va nodonlarning yonma-yon yashashi qamish bilan majnuntolning yonma-yon o'sishiga qiyoslanishi muallif lisoniy qobiliyatining nechog'li serqatlam ekanligidan darak beradi. *Majnuntolning bosh egib sukut saqlashi donoligi va chayirligidan. Qamishning g'oz turib shovullashi nodonligi va mo'rtligidan... qiziq, ikkalasi ko'pincha yonma-yon o'sadi...*

Yozuvchi O'tkir Hoshimov o'zining "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asaridagi haqiqat borasidagi fikrlari tahsinga sazovor. Mana ular: *Haqiqat – shu qadar shirinki, totib ko'rging keladi. Shu qadar achchiqki, tilingni kuydiradi! Rost va yolg'on. Haqiqatdan, qo'rqan odam yolg'onning panasiga berkinadi.* Tilimizda so'zlarni konnotativ ma'nolarda qo'llash ular ifodalayotgan ma'no imkoniyatlarini yanada kengaytirishga xizmat qilishi turgan gap. Haqiqat va yolg'on tushunchalariga nisbatan eng ko'p qo'llaniluvchi shirin va achchiq sifatlari bu o'rinda o'z ma'nosida emas, balki ko'chma ma'noda qo'llangani matn ma'nosidan anglashilib turadi. Xalqimizda achchiq haqiqat, shirin yolg'on birikmalari deyarli qotib qolgan birikmalar sifatida uchraydi. Maqollar tarkibida ham, frazeologizmlar komponentlarida ham bu birikmalar ko'p hollarda yonma-yon keladi. Masalan, yaxshidir achchiq haqiqat, lek shirin yolg'on yomon kabi. Yozuvchi O'tkir Hoshimovning haqiqat borasidagi fikrlari hech biri haqiqatdan yiroq emas va xalqimiz kundalik turmushida o'z isbotini topgan amaliy tajribalarga asoslanganligi bilan ahamiyatli. Haqiqatning sifatlariga to'xtalganda yozuvchining poetik mahorati yanada o'z mahoratini namoyish etadi: *Haqiqat havoga o'xshaydi. Rangini ko'rmaysiz. Ovozini eshitmaysiz. Hidini bilmaysiz... Ammo bir lahza havosiz qolsangiz, bo'g'ilib ketasiz. Kitob ham shunday. Yolg'onga duch kelgan kitobxon bo'g'ilib ketadi.*<sup>1</sup> Yoki: *Qadimgi kimyogarlar oltinning sof yoki qalbakiligini aniqlash uchun mohaktosh qo'llar ekanlar. Yozuvchining so'zi mohakka o'xshaydi. Bir og'iz Rosti uchun minglarning duosini oladi. Bir og'iz Yolg'oni uchun minglarning qarg'ishiga qoladi... qalamkashning buyuk baxti ham, buyuk baxtsizligi ham shunda!* O'tkir Hoshimov o'zining qalami o'tkirligi, so'zga chechanligi, eng muhimi, haqiqatparvarligi bilan kitobxonlar orasida alohida mehr qozongan yozuvchilardan biridir. Yuqoridagi matnda keltirilgan fikrlar yozuvchining ijodkorlik e'tiqodiga aylanib ulgurgan fikrlar edi. O'rni kelganda birgina yolg'on minglab, millionlab insonlarning hayotini saqlab qolishga xizmat qilgan. Hayotda hammamiz ham yolg'on gapiramiz. Hech bo'lmaganda go'daklarni aldashga urinib ko'rganmiz: albatta, yaxshilik maqsadida. Yo go'dakni ovutish uchun, yoki haqiqat bilan uning qalbini, orzularini sindirmaslik uchun. Biroq bu borada muallif O'tkir Hoshimovning fikri boshqacha: *Biz hammamiz – yolg'onchilarmiz. Ayting, qaysi biringiz aqalli biron marta go'dakka yolg'on gapirmaganman, deya olasiz? Go'dakni aldash eng katta yolg'onidir!*

Kulgi va yig'i insonning tuyg'ulari, ichki kechinmalari, qalb dunyosida aks etadigan jarayonlarni ifodalovchi mimik vositalar hisoblanadi. O'rni kelganda yig'lay olish ham, xandon otib kula olish ham ulkan baxt. Shunday odamlar bo'ladi: hayotda hamma narsaga erishgan, biroq chin dildan yig'lashni, chin dildan kulishni bilmaydi. Xuddi O'tkir Hoshimovning navbatdagi qahramoniga o'xshab: *U xo'-o'-o'p o'qimishli, xo'-o'-o'p bilimdon, xo'-o'-o'p olim odam. Faqat bitta "juz'iy" kamchiligi bor: chin dildan kulolmaydi, chin dildan yig'lolmaydi...* bunday odamlarni muallif notavon, baxtsiz odamlar deb ataydi. Zero, yig'lay olish ham, kula olish ham Tangrining bandalariga bergan buyuk ne'matlaridan biridir. *Kulishni bilmaydigan odam – baxtsiz odam. Yig'lashni bilmaydigan odam esa ikki hissa baxtsiz. Ayollar! Yig'lab ko'nglingizni bo'shatishdek ne'matni ato etgani uchun Yaratgaanga shukronalar qiling!*

Ikkinchi matnda muallifning ayollarga qarata qilgan murojaatidan yig'lash va kulish aksiologik diadasining gender xususiyatlari borligini anglashimiz mumkin. Zotan, ochiq-oshkora yig'lash ko'proq ayollarga xos odat, shuningdek, xandon otib, ovozining boricha kulish ham ko'proq ayollarga yarashishi mumkin. Erkak kishi esa odamlar oldida yig'lashni o'ziga or biladi. Shuning uchun ham ular g'amni ko'proq ichga yutishlari, bosiqliklari bilan ayollardan ajralib turadilar. Muallifning baxt va baxtsizlik haqidagi mulohazalari ham bu aksiologik juftlikning mohiyatini anglash uchun qimmatli ahamiyatga ega. Mana masalan, *Baxtli odam xudbin bo'ladi: baxtsizlarga achinmaydi. Baxtsiz odam ham xudbin bo'ladi: baxtililarga g'ayirligi keladi.*<sup>2</sup> Inson hayoti hamisha teskari qutblardan tashkil topgan. Yaxshilik va yomonlik, savob va gunoh, haqiqat va yolg'on, kulgi va yig'i, bolalik va keksalik ana shu qutblarni tashkil etuvchi eskirmas, abadiy qadriyatlaridir. Xonadonimizda go'dakning yig'isi eshitilsa, dunyo tashvishlaridan to'yib ketgan mahal, unga qarab taskin olamiz. Zero, hayot – abadiy. Biz ko'rmagan yaxshi kunlarni,

<sup>1</sup> Shu manba. 25-bet.

<sup>2</sup> Ko'rsatilgan manba. 3-bet.

illo, farzandlarimiz ko'rajak. Va aksincha, uyimizda qariya, nogironlarimiz bo'lsa, bunda ham baxt bizga kulib boqqan: hayot abadiy emasligini bilib, taskin topamiz. Yozuvchi O'tkir Hoshimov bejizga bu ikki toifa xalqni "farishtalar" deb nomlamaydi. Bizga hayot tashvishlarini unutishga ko'maklashgan, qalbida hali hech bir g'uborga o'rin yo'q go'dak va qariyalar haqiqatdan ham hayotimizning haqiqiy farishtalaridir. *Xonadoningizda kekxa odam bormi? Baxtli ekansiz! Dunyo tashvishlaridan to'yib ketsangiz shularni ziyorat qiling: hayot abadiy emasligini o'ylab, taskin topasiz. Xonadoningizda go'dak bormi? Siz ham baxtli ekansiz... dunyo tashvishlaridan to'yib ketsangiz, go'dakni bag'ringizga bosing: hayot abadiy ekanini o'ylab taskin topasiz...*

"Daftar hoshiyasidagi bitiklar" asarida diniy-mifologik tipdagi aksiologemalarga ham alohida o'rin ajratilgan. Masalan, do'zax va jannat aksiologik juftligi, bozor va mozor, tiriklar va o'liklar mavzusidagi fikrlar shular jumlasidandir. Qadimiy turkiy afsona bor. *Emishki, Olloh Arshi a'lodan yerga tushibdi. Qarasa, kimsasiz orolda bir tola tuk yotgan emish. "Mayli,—debdi karami keng Xudo. — Shunga ham jon ato eta qolay". O'sha zahoti jonsiz tuk odam qiyofasiga kiribdi. Odam bunday qarasa, Ollohning qudrati beqiyos emish: xohlaxa jonlini bejon qiladi, xohlaxa bejonga jon ato etadi. Odam o'ylab qopti. Nega xudo xohlagan ishini qilishga qodir-u, men qilolmayman? Nimam kam undan?!... Shunday qilib, Odamning ko'nglida hasad degan qora niyat paydo bo'libdi. Ollohning qahri kelib, farmon qilibdi: "Odamzod mengaki hasad qildimi, bir-biriga omonlik bermaydi. Hasadgo'y do'zaxga kunda bo'lsin! O'sha-o'sha do'zaxlang'illab yonarmish."*<sup>1</sup>

Bozor va mozor azal-azaldan dunyo xalqlarining milliy madaniyatiga nisbatan ko'zgu vazifasini bajaruvchi muqaddas qadriyatlar qatoriga kirgan. Zero, inson tug'ilibdiki, umri hisob-kitoblarsiz, savdosotiqalarsiz o'tmaydi. Zotan, bu dunyo – bozor dunyo. Olarning berari, yeganning qusari bor, deydi dono xalqimiz. E'tiqodi mustahkam odamning imonini sinovdan o'tkazish uchun uni bozorda va mozorda kuzatish lozim. Zero, har kishining amali e'tiqodi uning bozor va mozorda o'zini qanday tutishi bilan belgilanadi: *Bozor va mozor. Bozorda hayot qaynaydi... mozor esa marhumlar makoni... Bozorda shoh – shoh, gado – gado. Mozorda esa shoh-u gado barobar... Bozorda kun-u tun shovqin tinmaydi. Mozor esa sukunat maskani... Bozor bilan mozor bir-biridan naqadar uzoq... Lekin... Aqli raso odam hech qachon bozorni buzmaydi. Aqli raso odam hech qachon mozorni ham buzmaydi... Aqli raso odam qay yurtga bormasin, bozorni aylanadi. Aqli raso odam qay yurtga bormasin, mozorni ham aylanadi. Bozorga kirib, bu yurtning moddiy boyligini ko'radi. Mozorga kirib, ma'naviy boyligiga baho beradi... Bozor bilan mozor bir-birdan naqadar uzoq. Bozor bilan mozor bir-biriga naqadar yaqin!*

Xulosa o'rni, aksiologik leksika kecha yoki bugun shakllanib qolgan leksika emas. Uning tub ilidzi xalqimizning qadim tarixiga, muhtasham o'tmishiga borib taqaluvchi hodisa sanaladi. Zero, asrlar, yillar charxpalagida aylanib, xalqning amaliy tajribalari asosida to'plangan bilimlari, ko'rgan-kechirganlari, eshitgan-bilganlari asosida yuzaga kelgan tushunchalargina aksiologik leksika, ya'ni qadriyat darajasiga ko'tarilishi mumkin.

Aksiologik leksikani aks ettirishda xalqimiz poetik tafakkuri, ijodkorlarimizning lingvopoetik mahorati katta ahamiyat kasb etadi. Bunda o'zbek xalq she'riyati, nasri, dramaturgiyasi sezilarli ahamiyatga ega. Aynan badiiy asarlarni tadqiq qilish jarayonidagina aksiologik leksikaning tilimizda tutgan o'rni, ularning qaysi til vositalari yordamida ifodalanishi, qanday til hodisalarini yuzaga chiqarishi kabi masalalarni hal qilishimiz mumkin bo'ladi. Xususan, o'zbek nasrchiligida aks etgan aksiologik leksikani tadqiq qilib, shunday umumlashmalar berish mumkin.

**Шокиров Шерали (филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD, АнДУ),**

**Мамажонова Эъзозхон (АнДУ тадқиқотчиси)**

### **ИНГЛИЗ ТИЛИДА “TASTE-ТАЪМ-МАЗА” СЕМАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақола инглиз тилида “taste-таъм-маза” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, унда инглиз тилидаги бундай лексемаларнинг ахборот етказишидаги роли ва уларнинг стилистик хусусиятлари ёритилган.

**Аннотация.** Статъя посвящена исследованию характерных особенностей лексем “taste” в английском языке, их роли при передачи информации, а также их стилистических особенностей.

<sup>1</sup> Ko'rsatilgan manba. 8-bet.

**Аннотация.** *The article studies the peculiarities of the lexeme «taste-» in English and its role in the speech act as well as their stylistic features.*

**Калим сўзлар:** *таъм, синтагматика, парадигматика, лексик-семантик майдон, рецептор, полисемантик, интенсивлик, сема.*

**Ключевые слова:** *вкус, синтагматика, парадигматика, лексико-семантическое поле, рецептор, полисемантический, интенсивность, сема.*

**Key words:** *taste, syntagmatics, paradigmatics, lexical-semantic field, receptor, polysemantic, intensity, seme.*

Тилшуносликнинг замонавий ривожланиш босқичи ва унинг манфаатлари доираси сезиларли даражада кенгайиши билан тавсифланади. Тилнинг табиатини фақат инсон ва унинг олами асосида англаш мумкин. Шу билан бир қаторда, сўнги тадқиқотларда лингвистик муаммолар онг, тафаккур ва инсоннинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқилмоқда. Инсонда атроф-муҳитдаги реал дунёни билиши, нарса ва ҳодисаларни таниши (тушуниш ва ушлаб кўриш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади.

Инсоннинг дунёни билиш жараёнида тушунчалари шаклланади. Инсон – мия ҳамкорлигида ҳосил бўладиган туйғуни, ўзини ўраб турган борлиқнинг ҳис этади. Тилшуносликда ҳодисаларнинг систематик табиати ҳақидаги ғоя, хусусан, синтагматик ва парадигматик тамойилларга асосланган лексик майдонлар назариясида акс этади.

Атрофдаги дунё ҳақидаги маълумотлар турли хил энергия шаклида бўлади: кўриш – ёруғлик, эшитиш ва тегиниш – механик, таъм ва ҳид – кимёвий. Миянинг ишлаши учун уларни электр энергиясига айлантириш керак, бу эса рецепторлар туфайли амалга оширилади. Ҳар бир сезги органидаги рецепторлар энергия турига қараб ихтисослашган.

Инглиз тиллари изоҳли луғатлари устида ўтказилган таҳлиллар “taste” лексемаси полисемантик хусусиятга эга эканлиги ва улар алоҳида олинганда ҳам, сўз бирикмалари ва фразеологик бирикмалар таркибида келганда ҳам, турли-туман маъноларни касб этишлари мумкинлигини кўрсатди. Бу ҳол “taste” лексемаси билан боғлиқ қатор маънолар орасида улардан қай бири инвариант, умумий маъно бўла олишини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Шуни инобатга олган ҳолда, луғатларда рўйхатга олинган “taste” ва у билан боғлиқ морфологик ва синтактик тузилишга эга бирикларни маъновий нуқтаи назардан таҳлил этишни лозим деб топдик.

Инглиз тилидаги “taste” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз. А.С.Хоринбининг икки мингнингчи йил чоп этилган “oxford advanced learners dictionary of current english” луғатида берилишича:<sup>1</sup>

- “Flavour” (the particular quality that different foods and drinks have that allows you to recognize them when you put them in your mouth) (турли хил овқатлар ва ичимликларни ичканингизда уларни таъми билан ажратувчи сифат). I don\*t like the taste of olives.

- “Sense” (the sense you have that allows you to recognize different foods and drinks when you put them in your mouth)(турли хил нарса ва таомларни истеъмол қилганда, таниб олишга имкон берадиган туйғу). I\*ve lost my sense of taste.

- “Small quantity” (a small quantity of food or drink that you try in order to see what it is like) (унинг қандай таъмга эканлигини билиш учун ўлчамли озиқ-овқат ёки ичимлик). Just have a taste of this cheese.

- “Short experience” (A short experience – бироз тажрибага эга бўлиш). This was my firsttaste of live theatre.

- “Ability to choose well” (A person\*s ability to choose things that people recognize as being of good quality or appropriate) (Одамлар сифатли ёки мос деб тан олинган нарсаларни танлаш қобилияти). The room was furnished with taste.

- “What you like” (What a person likes or prefers – Инсон ёқтирган ёки афзал кўрган нарса). The colour and style is a matter of personal taste.

- “Taste bud”. Hand-knitted, hand-painted pottery.

- “Tasty”(having a strong and pleasant flavor), (қучли ва ёқимли таъмга эга бўлиш). A word that some men use about women that they think are sexually attractive.

<sup>1</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learners dictionary. sixth edition. Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000, p. 1330 – 1331.

Берилган таърифларга қўшимча тарзда яна қуйидаги луғат маълумотларини қўшиш мумкин. Вебстернинг “Инглиз тилининг учинчи янги халқаро луғати” (Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Kōnemann, 1993)да от сўз туркумига кирувчи қўлнинг қўшимча қуйидаги маъноларини кузатамиз:<sup>1</sup>

● таъм-мазани ҳис қилишни рағбатлантириш натижасида пайдо бўладиган ҳиссиёт (*ҳиссиётларнинг умумий аралашмаси, тегиниши ва бошқалар*):

● тажрибанинг ўзига хос хусусияти (*туйғуга ишора ёки уни уйғотади, аксинча бўлиши*):

● индивидуал афзаллик:

● нарсаларни фарқлаш ва ажратиш (*бадиий ёки табиат асарларидаги турли даражадаги мукамаллик турларига нисбатан (адабиётнинг овозли канонларини ўрнатиши)*):

● ғамхўрлик ёки кадрлашни кўрсатувчи услуб (*эстетик асосда баҳо беришга қодир бўлган хатти-ҳаракатлар*):

● тор ингичка ипак лента:

● асосан, тил ва оғиз бўшлиғига ўрнашиб қолган нейроэпителиал сезгир ҳужайралари (*оғиз бўшлиғи билан амалга оширилганда*):

● таъм-мазани сезиш қобилияти ёки лаззатланиш ҳисси:

● гапни ёзишдан ёки гапиришдан олдин унинг синови ё таъсир кучи:

● ҳашоратларда лаззатланиш вазифасига эга найза:

● таъмга эга бўлиш сифати ва ҳолати.

Бундан ташқари, “Taste-таъм-маза” семантик майдони, унинг мазмуний мавзу гуруҳларини, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. “Taste-таъм-маза” архисемасига асосланган майдон микёсини қуйидаги мазмун гуруҳ (тўда)ларига ажратамиз:

1) оддий таъмга хос сифат фазилатлари: *tasty, sapidity, flavor, sweet, savor, delicious, relish, smark, bittersweet, sour, acid, four*;

2) мураккаб таъм сифатларини тавсифлаш: *bit, fondness, partiality, predilection, relish, sample, smack, touch, critique, delicacy, discernment, elegance, gestation, judgment, nicety, perception, predilection, refinement, sapidity, savor sensibility*;

3) таъмнинг аниқланган мураккаб турларини тавсифлаш: *bad taste, cheapness, crassness, crudeness, gaucherie, immodesty, impropriety, inelegance, showiness, tastelessness, vulgarity*;

4) ифода этилмаган дифференциал жиҳатдан мураккаб таъм турига квалификация қилиш (*масалан, ўтқир (таъм ва оғриқни келтириб чиқарадиган хусусиятлар билан мураккаб)*): *untasty, unpleasure*;

5) паст интенсивликнинг малакали таъми, қўшимчалар билан етказилади: *tasteless, taste sensation. unsalted, unsalty. blah, bland, dull, lazy, mild* ;

6) юқори интенсивликдаги саралаш таъми: *apathy, aversion, blandness, coarseness, disgust, disinclination, dullness, hate, hatred, idleness, indelicacy, indiscrimination, insipidity, laziness, lethargy, lot salty, brackish, briny, piquant, pungent, racy, saline, salted, spicy, tangy*.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, “taste-таъм-маза” лексемасига хос қуйидаги маъно турларини хос бўлиши мумкин деган хулосага келдик:



<sup>1</sup> Webster’s third international dictionary of the English language. Kōnemann.1993, p. 2343.



“Taste – таъм маза” архисемаси ва унинг маъно вариантлари турлича морфологик тузилишга эга бўлган лексик бирликлар (содда, кўшма, жуфт, ясама, кўшма-ясама сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар) орқали намоён бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, “taste-таъм-маза” семантикасини қуйидаги кўчма маъноларини ҳам луғатларда кузатдик.

●кўпол бўлиш, умуман, номуносиб, мажмаялашмоқ: *Be in bad taste, Be in poor taste, the worst possible taste, For example: Most of his jokes were in very poor taste – Уни кўп хазиллари бачкана.*

●хос, тааллуқли, мос, айнан, ўзгинаси деган маъноларини ҳам ифодалайди: *Be in good taste, the best possible taste.*

●оғзида таъм сезмай қолиш: *Leave a bad/nasty taste in the mouth.*

●бирон-бир нарсани ўз ихтиёридагига ёки татиб кўриш учун зарур бўлган миқдор: *To taste. For example: Add salt and pepper to taste.*

●муайян таъмга эга бўлиш: *Have flavor, Having a particular flavor. For example: This drink tastes like sherry.*

●мазасини билиб олмоқ, таъми оғзида қолмоқ (кўпинча, **can** ёки **could** билан ишлатилади), *to be able to recognize flavours in food and drink. For example: You can taste the garlic in this stew.*

●синаб кўриш нуқтаи назаридан: *To Taste. For example: Taste it and see if you think there\*s enough salt in it.*

●ягона танлов: *To Taste. For example: I\*ve never taste anything like it*

●бирор нарсанинг мазасини вақтинча татиб кўриш ёки қисқа тажрибага эга бўлиш: *To Taste. For example: He had tasted freedom only to lose it again.*

Шу билан бирга, идрокнинг таркибий қисми сифатида “taste-таъм-маза” категориясини ифода этишнинг лексик ва семантик воситаларининг бойлиги билан таъмни идрок этиш субъектив табиати ва дидни баҳолаши туфайли таъмни идрок этиш субъекти анча қашшоқлашади. Таъм-маза туйғусини тавсифлашда сифат, интенсивлик, ижтимоий белгилар, идрокнинг эмоционаллик даражаси ва бошқалар қўлланилади.

Масалан: *That is another case said he, it is calling, and therefore my duty, but as you made this voyage on trial you see what a taste Heaven has given you of what you are to expect if you persist.*

“Taste-таъм-маза” категориясини оғзаки баён қилишда предикат, предмет ва субъектнинг ўзига хос лексик-семантик намоёишлари диктум ва модус таркибий қисмларида лексик, семантик-синтактик ва грамматик шаклларда ифодаланади.

“Taste-таъм-маза” семасига эга бўлган лексема *of one\*s own medicine ёки differ* каби сўзлар билан қўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб, “*Ўзингдан чиққан балого қайга бораё давога*”, “*Дидлар ҳақида бахслашмайдилар ёки дидлар турлича бўлади*” каби метафорик моделлар ҳосил қилади. *Masalan: And with these rarified dishes you so carefully prepare, do we all taste different? While the taste resembles the taste of the original Kristall brand, connoisseurs are able to taste the difference. If bakers don't differ in tastes from others, the demand for bread might be affected by a change in bakers' wages, with a consequent effect on the price of bread.*

Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: *Sour, sweet, bitter, pungent, all must be tasted; If one eats less, one will taste more – (Яримта нон – офати жон, Кам еган кўп яшайди)* мақолида эса “*нон – жон*” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “таъм-маза” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажараяпти.

Метафорик моделлар билан бир қаторда, инглиз тилида “таъм-маза” сўз-инсон ҳаётидаги метонимик моделларда ҳам қўлланилади. Масалан: *cell – сўзи билан бирикиб, “татиб кўрадигон хужайра ёки таъмни ҳис қилиш ретсепторлари” таржимасида келади. Masalan: The taste cell of man are constantly changing as he segregates the blessings bestowed upon him in the universe”.<sup>1</sup> “The smell of barber shops makes me weep.”<sup>2</sup>*

“Taste” семантикасини қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

“Taste” ва “smell” феъллари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири тенг хис-туйғуларни билдириш учун ишлатилиши мумкин: *It tastes good, it smells well.*

<sup>1</sup> William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard (text). W.S.Maugham. M., Мелнеджер, 2000.

<sup>2</sup> John Galsworthy. Apple Tree and other stories (text). M., изд-во лит. на иностр. яз., 1961.

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, “Taste-таъм-маза” таққослаш орқали мазмуни аниқланган баъзи бир фазилатлар ва интенсивлик таъм сезишининг чегараланиши ва белгиланиши асосида етакчи таснифлаш хусусиятларига эга. У лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

**Якубов Жамолиддин (ЎзДЖТУ профессори), Рўзметов Ҳамиджон (УрДУ доценти)**  
**ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА “ХУШМУОМАЛАЛИК” КАТЕГОРИЯСИНИНГ РАСМИЙ**  
**ЎЗМА МУЛОҚОТЛАРДА ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақоланинг мақсади Германия ва Франция ишбилармон вакилларининг ўзаро миллий-маданий расмий ёзма мулоқотларидаги бизнес ҳамкорлигидаги муносабатлари намоён этиши. Ушбу мулоқотлардаги хушмуомалалик категорияси немис ва француз тилларида грамматик ва лексик воситалар билан келиши чуқур таҳлил қилинган.*

***Аннотация.** Целью данной статьи является характеристика и сравнение национально-культурных особенностей коммуникативного поведения представителей германского и французского бизнес-сообщества и описание грамматических и лексических средств, которыми представлена категория вежливости в современной деловой коммуникации в немецком и французском языках.*

***Annotation.** The purpose of this article is to characterize and compare the national and cultural characteristics of the communicative behavior of representatives of the German and French business communities and describe the grammatical and lexical means that represent the category of politeness in modern business communication in German and French.*

***Калит сўзлар:** миллий-маданий норма, хушмуомалалик категорияси, коммуникант, мулоқот, ижтимоий ҳодиса, нутқ этикети, императив, конъюнктив.*

***Ключевые слова:** национально-культурная норма, категория вежливости, коммуникант, коммуникация, социальное явление, речевой этикет, императив, конъюнктив.*

***Key words:** national-cultural norm, categories of courtesy, communicant, communication, social phenomenon, speech etiquette, impertative, conjunctival.*

Ислом динимизда хушмуомалалик ва ширин сўзли бўлиш энг олий фазилатлардан бири бўлиб, инсон қалбини мунаввар этадиган, юзида табассум ва хурсандчиликни намоён қиладиган гўзал сифатдир.

Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади: “Одамларга ширин сўз бўлинглар”. Бақара сура-си 83-оят. Демак, ширин сўзли бўлиш яхши фазилат эканки, Аллоҳ таоло одамларни ширин сўзли бўлишга чақирди.

Охирги йилларда хушмуомалалик категориясига бўлган қизиқиш кўплаб тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, ушбу категориянинг расмий ёзма ҳужжатларда қўлланиши эса катта аҳамият касб этмоқда. Муваффақиятли ишбилармонлик алоқаларининг шартларидан бири бу “ҳаёт тажрибасини талқин қилиш ва ижтимоий хулқ-атвор нормаларини шакллантириш учун фойдаланиладиган” қоидалар, қонунлар ва меъёрларга риоя қилишдир.<sup>1</sup> Шу муносабат билан, хушмуомалалик категориясини таҳлил қилиш, шубҳасиз, ишбилармонлик ва профессионал мулоқот шароитида қизиқиш уйғотади. Фарбий Европа мамлакатларидаги хушмуомалалик категориясини тушунишда умумий қонуниятлар, қоидаларга амал қилиш ва фарқларни аниқлаш, самарали ишбилармонлик алоқаларини таъминлашга ёрдам бериш катта аҳамиятга эга.

Ушбу мақоланинг мақсади турли тизимли тилларда (немис ва француз) ишбилармон доиралари вакилларининг коммуникатив хатти-ҳаракатларининг миллий ва маданий хусусиятларини тавсифлаш ва таққослаш ҳамда немис ва француз тилларида замонавий расмий ёзишма алоқаларида хушмуомалалик категориясини ифодаловчи грамматик ва лексик воситаларни тавсифлашдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун куйидаги вазифалар амалга оширилади:

1) расмий ёзишма муомаласида хушмуомалалик категориясининг намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш (социолингвистик ҳолат);

<sup>1</sup> Самохина Т.С. Эффективное деловое общение в контекстах разных культур и обстоятельств. Учебное пособие по профессиональной межкультурной коммуникации, М., “Р.Валент”, 2005, 10 с.

2) немис ва француз тилларида расмий мулоқот хатларида хушмуомалалик категориясини ифодалашнинг грамматик воситаларини тавсифлаш;

3) немис ва француз тилларида хушмуомалалик категориясини тушунишда ўхшаш ва ноўхшаш фарқларини очиб бериш.

Расмий ёзма хужжатлар таркибига турли хатларни (сўров, илтимос, тасдиқлаш, таклиф, рад этиш ва бошқалар) ўрганиш таҳлиliga немис ва француз компанияларининг ишбилармонлик ёзишмаларининг намуналари ва ушбу тилларда матн манбалари сифатида ишлатилган куйидаги хорижий муаллифларнинг дарсликларидан келган хатлар матни ҳам киритилган: Л.Ба, С.Эснар,<sup>1</sup> Р.Кадиз, А.Нишимата,<sup>2</sup> Б.Ведман Тосунер,<sup>3</sup> Р.Дюден.<sup>4</sup>

Ушбу мақоланинг илмий моҳияти шундаки, тури хил расмий ёзишмаларда ишбилармонлик алоқаларининг прагматик жиҳатларини таҳлил қилишга ҳисса қўшиши, ишбилармонлик муомаласининг асосий йўналишида лингвистик хушмуомалалик категорияси ҳақидаги билимларни умумлаштириши ва ривожлантириши билан белгиланади.

Айтиш жоизки, Ўрта асрларда Европада хушмуомалалик тушунчаси зодагонларнинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган сарой одоб-ахлоқи деб тушунилган. Жумладан, немис тилидаги “Höflichkeit” сўзи свн сўзидан келиб чиққан. *hovelich – hofgemäß, fein, gebildet und gesittet*<sup>5</sup> (жамиятда қабул қилинган қоидаларга жавоб беради, ўқимишли, одобли, тарбияланган), яъни сарой аҳлларида қабул қилинган одоб-ахлоқ, хатти-ҳаракатлар.

Худди шундай тушунча ҳам француз тилида мавжуд: французча “courtoisie” сўзи эски французча “courtois” сўзини англатиб, – “qui appartient à la cour” (саройга тегишли)+суффикс *-ie*.<sup>6</sup>

Француз миллий қадриятлари тизимида “savoir-vivre” тушунчаси алоҳида ўрин тутаети. *“Pour se sentir à l’aise dans un pays étranger, il ne suffit pas d’en parler la langue. Toute communication avec des personnes d’une culture différente comporte une ensemble d’attitudes, de gestes, de marques de politesse qui parfois nous échappent, souvent nous déconcertent, tant elles peuvent varier d’un pays à l’autre. Connaître ces règles, plus ou moins codifiées qui constituent le ‘savoir-vivre’ d’un peuple, est donc tout aussi essentiel que de connaître la grammaire d’une langue pour en comprendre la structure”*.<sup>7</sup> “Чет давлатда ўзингизни қулай ҳис қилиш учун бу тилда гаплашишнинг ўзи етарли эмас. Бошқа маданият вакиллари билан ҳар қандай мулоқот бизни четлаб ўтадиган, кўпинча, бизни чалкаштириб юборадиган қарашлар, имо-ишоралар ва хушмуомалаликни ўз ичига олади, чунки улар ҳар бир мамлакатда фарқ қилиши мумкин. Шундай қилиб, халқнинг “ҳаётий мазмунини” ташкил этувчи, озми-кўпми кодланган ушбу қоидалар тўғрисидаги билим, унинг тузилишини тушуниш учун тил грамматикасини билиш каби муҳимдир (таржима муаллифларники).

Демак, одоб-ахлоқ қоидаларини билиш, одоб-ахлоқ, яхши насл бериш, жамиятда яшаш қобилияти бошқа маданиятни ўрганаётган одамнинг ахборот таъминотининг муҳим қисмидир. Ҳозирги тарихий босқичда хушмуомалалик тушунчаси ҳам маълум ўзгаришларга дуч келмоқда. Ушбу ўзгаришларга маданиятлараро алоқаларни кенгайтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Хушмуомалаликни ўрганиш муаммоси узоқ вақтдан бери чет элликларнинг эътиборини тортиб келмоқда (О.Бехагел, Э.Лерч, Ф.Каинз, В.Хейверс, Р.Якобсон ва бошқалар), шунингдек, Россия тилшунослари (Л.В.Шчерба, Л.П.Якубинский, А.Н.Смирницкий, В.В.Виноградов ва бошқалар) ҳам ушбу масала билан шуғулланганлигини кўриш мумкин. Турли тадқиқотларда хушмуомалалик категориясининг ахлоқий ва психологик жиҳатлари, шунингдек, хушмуомалалик хатти-ҳаракатлар учун тил стратегиялари ва тактикаларига эътибор қаратилганлиги кўзга ташланмоқда.

<sup>1</sup> Матюшенко В.В. Обучение письменной деловой коммуникации на занятиях по немецкому языку в неязыковых вузах (экономический профиль). Дисс. ...к. пед. н., М., 2007, с. 235.

<sup>2</sup> Полякова Н.В., Скитина Н.А., Шабанова В.П. Языковая идентичность делового электронного письма (на материале французского и английского языков). *“Научный диалог”*, 2018, № 10, с. 118 – 129.

<sup>3</sup> Самохина Т.С. Эффективное деловое общение в контекстах разных культур и обстоятельств. Учебное пособие по профессиональной межкультурной коммуникации, М., “Р.Валент”, 2005, 216 с.

<sup>4</sup> Соловьева И.В. Репрезентация категории вежливости в современном немецком языке. Дисс. ...к. филол. н., М., 2000, 196 с.

<sup>5</sup> Duden. Das Herkunftswörterbuch. Etymologie der deutschen Sprache/überarbeitete und aktualisierte Auflage. Mannheim – Leipzig – Wien – Zürich: Dudenverlag, 2015, 960 S.

<sup>6</sup> <http://www.universalis.fr/encyclopedie/courtoisie/><http://www.universalis.fr/encyclopedie/courtoisie/>(дата обращения: 27.09.2019).

<sup>7</sup> Grand-Clément O. Savoir-vivre avec les Français. Que faire? Que dire? P., Hachette, 1996, p. 4.

XX асрда хушмуомалалик тилшунослик, социолингвистик ва ижтимоий фанларни ўрганиш объекти бўлиб қолмоқда (П.Браун, С.Левинсон, Ж.Лич, Г.Грис, Э.Гофман, С.Вайл, Л.Кастлер, Э.А. Земская, В.Г.Костомаров, Н.И.Формановская ва бошқалар).

Хушмуомалалик категориясини ўрганишга бағишланган ишларнинг аксарияти ушбу ҳодисани прагматизм нуқтаи назаридан таҳлил қилинмоқда. Прагматик таҳлил нуқтаи назаридан, мулоқотнинг мақсадга йўналтирилганлиги, коммуникантларнинг ижтимоий роллари, алоқа шартлари ва нутқий мулоқот хушмуомалалик меъёрлари муҳимдир. Бу ҳолат эса бизни расмий ёзишмаларда, айниқса, бизнес алоқалари билан боғлиқ доирада кўриб чиқишга даъват этади.

Ишбилармонлик алоқаларининг асосий мақсадлари ахборот алмашиш; ўзига (шахс сифатида ва бизнес шериги сифатида), ўз компаниясига нисбатан муносабатни шакллантириш ёки ўзгартиришдир. Демак, “Коммуникантларнинг ҳар бири, авваламбор, расмий ёзишмаларда ўз касби учун долзарб бўлган вазифаларни ҳал қилишга интилади”.<sup>1</sup>

Ишбилармонлик алоқалари доирасида коммуникаторлар ўртасида турли хил муносабатлар ривожланади. Бунинг сабаби, ишбилармонлик алоқалари иштирокчилари иерархик зинапояда турли вазиятларни эгаллайди. Шу муносабат билан, бўйсунуш ва шериклик муносабатлар ҳақида гапириш одат тусига киради. Субординат муносабатлар (менежер – бўйсунувчи) учун коммуникадорларнинг ижтимоий ҳолати ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар муҳимдир.

Тилга оид хушмуомалалик коммуникаторлар учун “нафақат бир-бирига таъсир ўтказиш ва шахслар аро муносабатларни тартибга солиш, балки ижтимоий муносабатларнинг мураккаб иерархиясини бошқариш учун ҳам имконият яратади. Хушмуомалалик меъёрларининг ижтимоий фарқланиши ва уларнинг идентификация қилувчи омил сифатида тан олинган”.<sup>2</sup> Ижтимоий муомаланинг кўтарилаётган тури (бўйсунувчидан бошлиқкача) ҳужжатлари ва тушаётган алоқа тури билан хатлар намуналарини таққослашда ижтимоий фарқланиш аниқ кузатилади. Биринчи турда хабарнинг ҳурматли маъносидаги оҳанглари, сўровдан фойдаланиш, модал феъллар ёрдамида қилинган тавсиялар, сўроқ гап тузилиши, шартли гаплар ва сюбжонктив майли билан тавсифланади. Мулоқотнинг иккинчи туридаги ҳужжатлар императив майли, тасдиқловчи жумлалар, батафсил аргументация йўқлиги билан ажралиб туради.

Шериклик алоқа доирасидаги ҳужжатлар (тенг даражадаги коммуникаторлар ўртасида) *камроқ расмийлик, қатъий модаллик ва мажбурийлик йўқлиги* билан ажралиб туради.<sup>3</sup> Бу ҳолатда икки томонлама ҳамкорларнинг бир-бирларини яхши билганлиги ва тушуниши билан изоҳланади. Шундай қилиб, ишбилармонлик алоқаси учун коммуникаторларнинг *ёши, касби, маълумот даражаси, эгаллаб турган лавозими* каби хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Агар биз хушмуомалаликни *ижтимоий ҳодиса* деб ҳисобласак, унда одатий ва индивидуал хушмуомалалик турларини ажратиш лозим. Ёзма ишбилармонлик алоқалари шароитида хушмуомалалик категориясини таҳлил қилиб, биз, авваламбор, нутқ одоб-ахлоқ формулалари билан боғлиқ бўлган одатий хушмуомалаликни кўриб чиқамиз, чунки муваффақиятли бизнес алоқаси ижтимоий хулқ-атвор меъёрларига риоя қилишга боғлиқ. “Нутқ одоб-ахлоқи деганда хушмуомалалик нутқ хулқ-атворини тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдошлар билан алоқа ўрнатиш, танланган оҳангда алоқани саклаш ва тўхтатиш учун жамият томонида қабул қилинган ва белги қўйилган миллий ўзига хос *стереотипли, барқарор алоқа формулалари тизими* сифатида тушунилади”.<sup>4</sup>

Шуни таъкидлаш керакки, коммуникаторларнинг нутқ хатти-ҳаракатларига миллий маданият меъёрлари таъсир қилади. Демак, ўқувчи-талабаларни ёзма ишбилармонлик мулоқотига ўргатиш пайтида нафақат тил меъёрларига риоя қилинишига эътибор бериш, балки маълум *бир маданият меъёрлари талабларини* ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Расмий ёзма ҳужжатларда хушмуомалалик нутқи одоб-ахлоқ қоидалари асосида турли тил даражаларида, жумладан, лексик, грамматик, услубий доиралар амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳолатнинг қонун ва қоидаларини ишбилармонлик хатларини ўзида акс эттирувчи аниқ мисоллар

<sup>1</sup> Азимов Е.Г., Шукин А.Н. Словарь методических терминов (теория и практика преподавания языков). СПб., “Златоуст”, 1999, 472 с.

<sup>2</sup> Соловьева И.В. Репрезентация категории вежливости в современном немецком языке. Дисс. ...к. филол. н., М., 2000, 196 с.

<sup>3</sup> Матюшенко В.В. Обучение письменной деловой коммуникации на занятиях по немецкому языку в неязыковых вузах (экономический профиль). Дисс. ... к. пед. н., М., 2007, 235 с.

<sup>4</sup> Формановская Н.И. Русский речевого этикет: лингвистический и методический аспекты. Изд-е 5-е, М., URSS, 2015, 160 с.

билан кўриб чиқайлик. Мазкур мақолада биз электрон почта орқали юборилган хабарларни кўриб чиқмаймиз, чунки ахборот узатиш каналига қарамай, улар ёзма расмий ёзма мулоқотни эмас, балки ҳамкорлик шериклар ўртасидаги оғзаки мулоқотни (телефон орқали суҳбатни) таҳлил қилишадди. Бу почта алоқаларини тез ва ўз вақтида изчил бўлишига имкон берадиган хабарларни узатиш тезлиги билан боғлиқ.<sup>1</sup>

Таъкидлаш лозимки, тилда хушмуомалаликни ифода этадиган турли хил лисоний воситалар мавжуд. Биз ушбу мақолада уларнинг айримларини таҳлилга тортамиз. Масалан, *Кишилик олмошларининг* қўлланиши расмий мулоқотларда катта аҳамият касб этади, чунки ушбу лисони бирликлар хушмуомалалик категорияси билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ёрдами билан мулоқотнинг хушмуомалалик даражаси амалга оширилади, коммуникаторлар ўртасидаги ўзаро расмий ёзишмалардаги фарқлар кўрсатилади. Немис ва француз тилларида *сен* ва *сиз* (**DU – SIE, TU – VOUS**) кишилик олмошларининг қўлланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу лисоний бирликлар ҳар доим феъл шакллари билан бирга келади.

Расмий алоқа жараёнида немис тилида **Du** ва француз тилида **Tu**дан фойдаланиш нейтрал ҳисобланади. Худди шу вазиятда бўлган ҳамкорлар, маълум масофани сақлашни истасалар, бир-бирлари билан **SIE/VOUS** ёрдамида боғланишлари мумкин. Агар ҳар иккала томон бир-бирлари билан яқиндан танишиб дўстлашиб кетган ҳолдагина, улар бир-бирларига **Du** ёки **Tu** шаклида расмий мурожаат қилишларим мумкин.

Масалан, Табриклаш:

**Немис** корхонаси юбилейи муносабати билан раҳбарларни расмий табриклаш: *Sehrgeehrter Herr Winter, als Mitarbeiter Ihres Unternehmens gratulieren wir Ihnen herzlich zum 50. Geburtstag... / Муҳтарам жаноб Винтер! Сизни ходимлар номидан корхонанинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан табриклаймиз!*

Француз компаниясининг Генерал директори ўзининг ҳамкасбини янги йил билан табриги:

*Cher Collègue et Ami, Je vous présente tous mes meilleurs voeux pour l'année nouvelle... /*

*Ҳурматли ҳамкасбим ва дўстим! Сизни Янги йил билан самимий табриклайман.*

**Дўстлик** табриги:

**Немис тилида:** *Lieber Martin,*

*zu deinem 30. Geburtstag gratulieren wir dir herzlich!*

*Азизим Мартин!*

*Сени 30 ёшга тўлганинг билан чин қалбимдан табриклайман!*

**Француз тилида:** *Cher Tony, C'est avec beaucoup de Bonheur, mais aussi le sentiment, enfin, de te voir arriver la où tu devais être depuis longtemps que j'apprends ta nomination au poste de chef de service. Азизим Тўни,*

*Сени департаментга раҳбарлик лавозимига тайинланганини билиб, жуда хурсанд бўлдим. Сен бу лавозимга аллақачон лойиқ эдинг.*

Кўпгина тадқиқотчилар таъкидлашларича, ҳозирги босқичда ёзма ишбилармонлик алоқаларида катъий расмий хушмуомалаликдан яқинлик симуляциясига ўтиш, хиссий оҳанг, бу ҳам олмошларнинг ишлатилишига, ҳам адресантга мурожаат қилиш шакллари таъсир кўрсатди (Й.Буша, Ф.Каммерер, К.Анкенбранд). Масалан, узоқроқ алоқада расмий мурожаатдан оддий мурожаатга ўтиш: *Sehrgeehrter Herr.../SehrgeehrteFrau...* лексемалар ўрнига **Lieber Herr.../Liebe Frau...**

Француз тилида ҳам расмий мурожаат ўрнига оддий саломлашиш кузатилади **Cher/Chère** сўзлари ўрнига оддийгина **Bonjour**.<sup>2</sup>

Расмий ёзишмаларида адресат номи, лавозими, касби бўйича номланиши мумкин. Масалан, немис тилида: *Sehr geehrte Frau Professor/Sehr geehrter Herr Dr.Müller/Sehr geehrter Herr Bundespräsident* (Ҳурматли ёки Муҳтарам профессор хоним/Ҳурматли жаноб доктор Мюллер/Муҳтарам жаноб Президент). Француз тилида мисоллар: *Monsieur le Directeur/Madame la Secrétaire/Mon Cher Collègue* (Жаноб директор/Секретарь хоним/Ҳурматли ҳамкасб). Аксарият ҳолларда расмий

<sup>1</sup> Bittner J. Digitalität, Sprache, Kommunikation. Eine Untersuchung zur Medialität von digitalen Kommunikationsformen und Textsorten und deren varietätenlinguistischer Modellierung. Berlin: ErichSchmidtVerlag, 2003, 324 S.

<sup>2</sup> Полякова Н.В., Скитина Н.А., Шабанова В.П. Языковая идентичность делового электронного письма (на материале французского и английского языков). *Научный диалог*. 2018, № 10, с. 118 – 129.

муружаатлар хат бошига жойлаштирилади, чунки мулоқот олиб борувчилар “коммуникатив ҳам-корлиги”да етакчи роль ўйнайди.

Ишбилармонлик хатларида расмий мулоқатнинг мақсади, коммуникатлар ўртасидаги муносабатлар, мотивациянинг долзарблиги даражаси ва бошқаларга қараб, буюртма беришдан сўровгача ҳар хил турларни ажратиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, хушмуомалалик категорияси, синтактик тузилишга ва нутқ ҳаракати турига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Хушмуомалик вазиятга қараб белгиланади”.<sup>1</sup> Немис ва француз тилларидаги расмий ёзишмалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хушмуомалалик категорияси кўп ҳолларда *Imperativ* ва *буйруқ* конструкцияларнинг синонимлари ёрдамида ифодаланиши маълум бўлди. Масалан, немис тилида хушмуомалалик категорияси турли грамматик шаклларда ифодаланилади. Расмий ёзишма хатларида куйидаги лисоний воситалар қўлланилади: **буйруқ шаклида** феъл: *Bitte teilen Sie mir unverzüglich mit, ob Sie diesen Termin einhalten können.../Пожалуйста, срочно сообщите мне, сможете ли Вы уложиться в эти сроки...; Феъл (талаб қилмоқ, илтимос қилмоқ, тақлиф қилмоқ)–инфинитивнинг ZU билан қўлланиши: Ich fordere Sie auf, den Auftrag so auszuführen, wie es vereinbart war./Яривываю Вас выполнить задание в соответствии с договоренностью;*

– императивнинг *lassen* феъли билан қўлланиши:

*Bitte lassen Sie den Computer am 18. November 2018 ab 9 Uhr in meinem Büro abholen.. / Пожалуйста, заберите компьютер в моем офисе с 9 утра 18 ноября 2018 года;*

– презенсда феълнинг қўлланиши: *Am 8. Juli 2019 um 14.30 Uhr treffen wir uns hier vor Ort, um... / 8 июля 2019 года в 14.30 мы встречаемся на месте, чтобы...;*

– *müssen* феъли билан келган гапда:

*Ihr Angebot muss spätestens am 15. Mai 2019 schriftlich vorliegen. / Ваше предложение должно быть представлено в письменной форме не позднее 15 мая 2019 года;*

– “*sein+zu+Infinitiv*” конструкцияси билан келган гапда:

*Einziges, was zu klären ist .../ Единственное, что нужно уточнить... Ягона йўлни, аниқлаш лозим.*

**Müssen** (керак) феъли билан келган гап маъно жиҳатдан ўта қатъий ҳисобланади. Бу феъл ўз семантикасини ўзгартирмайди. Аммо *lassen*(илтимос қилмоқ, рухсат бермоқ) феъли императив майлида қўлланганда, ўзининг *буйруқ* ва *илтимос* маъноларини йўқотиб, нейтрал ҳолатга тушиб қолиши кузатилади.

Француз тилига келсак, французча бизнес ёзув нормаларини ишлаб чиқадиган Франция Нор-маллаштириш Уюшмаси (Association Française de Normalisation), императив майл шакллари ёзишмаларидаги оҳангни юмшатишни тавсия қил-ўрнига./Каталогингизни менга юборинг (Приш-т’адрессировать мне свой каталог). Француз ишбилар-монлик ёзишмаларида *илтимос/буйруқ* шакллари ифодалаш учун куйидаги сўз ва ибора шакллари қўллаш мумкин:

*Nous vous prions (instamment) de  
adresser /  
просим Вас) livrer dans les plus brefs*

*(Убедительно) nous envoyer / faire parvenir /  
délais /*

*Veillez bien (Пожалуйста) (выслать/предоставить нам как можно скорее)*

*Nous vous prions de bien vouloir (Просим Вас) nous renseigner sur... / nous informer*

*Nous vous serions obligés / reconnaissants de bien vouloir (сообщить нам...)  
vouloir (Будем Вам признательны) nous faire savoir / connaître (сообщить нам о...)*

*Nous tenons à vous demander de nous fournir (l’information sur...) (предоставить  
(Хотели бы попросить Вас) нам информацию о...).*

<sup>1</sup> Соловьева И.В. Репрезентация категории вежливости в современном немецком языке. Дисс. ...к. филол. н., М., 2000, с. 79.

*Prière de (Илтимос).*

*Vous nous obligerez en nous donnant des renseignements sur... (Будем обязаны Вам за информацией о...).*

Императив буйруғ майлидан ташқари, французча бизнес ёзувларида тўғридан-тўғри саволлардан ҳам четлаб ўтиш лозим. Масалан, *Quand pourrez-vous nous livrer des marchandises?/ Когда Вы сможете доставить товар? Савол ўрнига расмий ёзишмаларида *Veillez nous indiquer la date de livraison*, деб айтилса, бу Хушмуомалалик категориясини акс эттиради: *Пожалуйста, сообщите нам дату доставки.**

Мисоллар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳар иккала тилда ҳам *истак майли* қўлланиши намоеън бўлди. Немис ва француз тилларида *хушмуомалалик* категориясининг грамматик ифодаси ҳақида гапирганда, сюбжонктив майли қўлланган конструкциялардан фойдаланмаган маъқул. Бу ҳолат шундай изоҳланадики, ушбу майлнинг ишлатилиши гапнинг қатъийлик маъносини пасайтиради. Лекин шунга қарамадан, конъюнктивнинг турли хил ишбилармонлик ёзишмалари доирасида қўлланишини учратамиз. Масалан, куйидаги мисолларда немис тилида модал феълларнинг қўлланиши хушмуомалалик категориясини яна-да кучайтириш учун хизмат қилади:

*Fürden Fall, dass Ersatzunterricht angeboten wird, würde Sabine gern am Ethikunterricht teil nehmen./В случае если предлагается альтернативное обучение, Сабина хотела бы принять участие в уроках этики.*

*Wir möchten nun mit Ihnen beraten, damit.../Мы хотели бы проконсультироваться с Вами, чтобы...*

Бундай ҳолатни француз тилида ҳам кузатиш мумкин. Француз тилида ҳам *истак майли* расмий хужжатларда яъни ишбилармонлик ёзишмаларида кенг қўлланилади. Жумладан, расмий ёзишмаларда энг кўп қўлланиладиган конструкциялар куйидагилардан иборат:

*Pourriez-vous.../ Не могли бы Вы...*

*Voudriez-vous.../ Не могли бы Вы...*

*Nous aimerions.../ Мы бы хотели...*

*Nous vous serions obligés de.../ Были бы Вам признательны за...*

*Vous serait-il possible de nous communiquer.../Не могли бы Вы сообщить нам...*

Масалан:

*Vous serait-il possible de nous communiquer l'adresse d'un autre fournisseur./Не могли бы Вы сообщить нам адрес другого поставщика.*

*Nous aimerions pouvoir essayer les articles mentionnés./Мы хотели бы испробовать перечисленные товары*

Айтиш жоизки, *истак майли хушмуомалалик*ни ифодалашдаги функцияси бироз чегараланади. Юқоридаги мисоллардан кўриш мумкинки, *истак майли* кўп ҳолларда модал феъллар билан келиб, хушмуомалалик мурожаатини кучайтиради ва таъкидлайди. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, “мулоқот доирасида, иложи борича, ҳамкор-шерикни хижолат қилмаслик, унга рад этиш эркинлигини қолдириш ва хушмуомадлик ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим”.<sup>1</sup>

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир расмий хатларнинг бошланишида ўзига хос қўлланиши лозим бўлган лисоний бирликлар бўлганидек, расмий ёзма хужжатларнинг охириги тугал қисмларида ҳам расмий якуний хулосада қўлланиши лозим бўлган стандарт формулалар ва махсус сўз ва иборалар қўлланиши талаб этилади. Ёзма ишбилармонлик муомаласида доимий ўзгармас формулалар хушмуомалалик категориясини ифодалашда катта роль ўйнайди.

Демак, икки томонлама шериклик муносабатларнинг ниҳоясида кўпроқ расмий иборалар қўлланилади. Бу ҳолат, айниқса, хатининг охиридаги махсус ёзма шакллари мисолида яққол намоеън бўлади. Масалан, немис тилида:

*Vielen Dank für Ihre Mühe./Большое спасибо за Ваши усилия.*

*Mit freundlichen Grüßen/С наилучшими пожеланиями.*

*Freundliche Grüße aus dem Druckhaus Meermann und Partner./С уважением, Druckhaus Meermann und Partner.*

Француз тилида расмий ишбилармонлик хатларининг хулосасида куйидаги формулалар кўпроқ учраши кузатилади:

<sup>1</sup> Weinrich H. Textgrammatik der deutschen Sprache. Mannheim – Leipzig – Wien – Zürich: Bibliografisches Institut, Dudenverlag, 1993, S. 257.



*Je vous prie de (d') agréer... mes sentiments / mes salutations distingués(es)/dévoués(es)/les meilleurs(es)/respectueux(euses)./Примите мои наилучшие пожелания.*

*Cordialement./С уважением.*

*Très cordialement./С большим уважением.*

*Salutations respectueuses./С уважением.*

*Amicalement./Искренне Ваш/твой.*

Шундай қилиб, хушмуомалалик категорияси ижтимоий ўзаро таъсирнинг ажралмас қисми бўлиб, ишбилармонлик алоқаларида бу коммуникантларнинг расмий позициясининг аксидир. Немис ва француз тилларида расмий иш хатлари намуналарини таҳлил қилиб, одатдаги хушмуомалалик ишбилармонлик ёзишмаларига хос деган хулосага келдик. Мазкур мақолада биз электрон почта орқали юборилган расмий ишбилармонлик ёзишмаларини таҳлилга тортмадик.

Хулоса қилиш мумкинки, ишбилармонлик ёзишмаларида хушмуомалалик категориясининг намоён бўлиши алоҳида эмас, аксинча, намоён бўлишнинг барча грамматик шаклларида хосдир (муомаладан, модал феъллардан фойдаланиш, илтимос, буйруқ, императив майли ва бошқалар).

Хушмуомалалик категорияси коммуникантларнинг миллий ва маданий хусусиятлари билан белгиланади. Турли тизимли тилларида ишбилармонлик хатлари намуналарини таққослаш хушмуомалалик категориясини тушуниш ва ишлатишда сезиларли фарқлар аниқланмади. Расмий иш хатларининг хусусиятлари шуни кўрсатадики, турли тилларда ёзилган расмий ишбилармонлик алоқалари матнларида маълум бир оралик масофани сақлаб туришда хушмуомалаликнинг шаклларида фойдаланади, хатто расмий бўлмаган мулоқотда суҳбатдошлар томонидан норасмий алоқа воситаларидан фойдалансалар ҳам. Бу ҳолат бизга расмий ёзма ишбилармонлик алоқаларининг умумий европа одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақида гапиришимиз мумкин, деган хулосага келишимизга имкон беради.

**Холисова Гавхарой Маннобжон кизи (Андижон Давлат университети таянч докторант (PhD)  
ТИЖОРИЙ МУЛОҚОТ ТАВСИФИ**

**Аннотация.** *Олиб борилган таҳлиллار асосида биз тижорий мулоқотни бизнес мулоқоти шаклларида бири, деган хулосага келишимиз мумкин, бу бозор иқтисоди институтлари билан боғлиқ бўлган моддий манфаатларга эришишни ҳам назарда тутади.*

**Аннотация.** *На основании анализа можно сделать вывод, что коммерческое общение является одной из форм делового общения, которое также предполагает получение материальной выгоды, связанной с институтами рыночной экономики.*

**Annotation.** *Based on the analysis, we can conclude that commercial communication is one of the forms of business communication, which also involves the achievement of material benefits associated with the institutions of a market economy.*

**Kalit so‘zlar:** *tijoriy muloqot, biznes muloqoti, bozor iqtisodiyoti, rasmiy muloqot, taqdimot.*

**Ключевые слова:** *коммерческое общение, деловое общение, рыночная экономика, официальное общение, презентация.*

**Key words:** *commercial communication, business communication, market economy, formal communication, presentation.*

Тижорий мулоқот профессионал соҳада амалга оширилади, коммуникантларнинг маълум бир профессионал аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришишга йўналтирилганлигини акс эттиради, касбдаги турли хил ўзаро таъсирларни камраб олади, бу эса турли хил мулоқот шакллари шакллантиришга олиб келади. А.М.Сосновская тижорат мулоқотининг қуйидаги шакллари аниқлайди:<sup>1</sup>

1. Ишбилармонлик суҳбати – бу “бир кишининг ёки одамлар гуруҳининг сўзлар орқали бошқа одамда ёки одамлар гуруҳида вазиятни ўзгартирадиган ёки суҳбат иштирокчилари ўртасида янги муносабатларни ўрнатадиган ҳаракатга интилишни келтириб чиқарадиган истаги».<sup>2</sup> Энг уму-

<sup>1</sup> Сосновская А.М. Деловая коммуникация и переговоры. Учеб. пособие, СПб., изд-во СЗАГС, 2011, с. 92 – 117.

<sup>2</sup> Власюк Г.В. Деловое общение. Учебное пособие для специальности “Управление персоналом”, Москва, МИИТ, 2008, с. 68; с. 29.



мий кўринишида ишбилармонлик суҳбати шериклар, суҳбатдошлар ўртасидаги оғзаки алоқа сифатида тушунилади.

2. Музокаралар “бу келишув томонларининг асосий манфаатларини қондирадиган ваъдаларнинг муайян тўпламларини (шартномалар, битимлар, келишувлар, конвенциялар ва бошқаларни) ишлаб чиқиш, алмаштириш ва амалга оширишнинг ўзаро боғлиқ жараёнлари”дир»;<sup>1</sup> «Манфаатдор томонлар ўртасидаги алоқа жараёнида мувофиқлаштирилган қарорларни қабул қилишнинг асосий воситаси»;<sup>2</sup> «Икки ёки ундан ортиқ кишининг бевосита бўйсунуш муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган, улар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги фаолиятининг махсус тури».<sup>3</sup>

3. Матбуот анжумани – “расмий давлат вакилларнинг (раҳбарлар, сиёсатчилар, давлат амалдорлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассислар, ишбилармонлар ва бошқалар) матбуот, телевидение, радио вакиллари билан долзарб масалалар тўғрисида маълумот бериш мақсадида учрашуви».<sup>4</sup>

4. Пресс-релиз – “пресса учун хабар; пресс-релиз берган ташкилот (эҳтимол, хусусий шахс ҳақида) ҳақидаги янгиликларни, ҳар қандай масала бўйича ўз позициясининг баёнотини ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун узатиладиган маълумотли хабар».<sup>5</sup> Пресс-релизларнинг бир нечта турлари мавжуд:

а) пресс-релиз эълон – яқинлашиб келаётган тадбир тўғрисида ахборот хабари;

б) пресс-релиз янгиликлари – аллақачон содир бўлган воқеа тўғрисида ахборот хабари;

в) ахборот пресс-релизи – жорий, тугалланмаган воқеа тўғрисида ахборот хабари;

г) бэкграундер – “ташкилот, унинг профилини, маҳсулот ва хизматларини, яратилиш, ривожланиш тарихини ва бошқаларни акс эттирувчи оммавий ахборот воситалари учун ахборот ПР материали»;<sup>6</sup>

д) маълумот варағи – ташкилот, унинг маҳсулотлари ва хизматлари тўғрисида маълумотномаларни ўз ичига олган матбуот учун маълумот материали. Бэкграундердан фарқли ўлароқ, у ташкилотнинг раҳбарияти, фаолият йўналишлари, статистик маълумотлар ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Маълумотлар варағи, одатда, ташкилот тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқарадиган ёки хизмат кўрсатадиган соҳада ишлайдиган нашрлар учун тузилади.

5. Брифинг – муҳим воқеалар, музокаралар, анжуманлар, эришилган натижалар ва ҳ.к.лар тўғрисида хабардор қилиш учун, одатда, расмий шахс томонидан: ҳукумат вакили, тижорат тузилмалари, халқаро ташкилотлар ва бошқаларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун тақдим этилувчи қисқа маълумотли хабар.

6. Ишбилармонлик учрашуви – “биринчи шахс ёки унинг ўрнини босувчи мутахассис томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, компанияни бошқариш, маркетинг фаолиятини муҳокама қилиш мақсадида ўтказилади».<sup>7</sup>

7. Тақдимот – “ўзингизнинг имкониятларингизни, маҳсулотингизни ёки компаниянгизни керакли қарорга (ҳаракат) эришиш учун ҳамкорлар, мижозлар, инвесторлар ёки истеъмолчиларга тақдим этиш».<sup>8</sup>

Албатта, тижорий мулоқот ушбу шакллар билан чекланиб қолмайди. Ишбилармонлик суҳбати, музокаралар ва ҳоказоларга ҳамроҳ бўлиши мумкин бўлган тижорий, ишбилармонлик хатлари, ҳужжатлар ва бошқаларни алоҳида алоқа турига ажратиш мумкин. Кўринадиги, ишбилармонлик мулоқоти уни амалга оширишнинг турли шаклларида бўлиши мумкин, у профессионал жиҳатдан муҳим кадриятларга эришиш билан боғлиқ бўлган жуда хилма-хил вазиятлар мажмуини қамраб олади, юқори ўзгарувчанлик билан ажралиб туради, оғзаки ва ёзма равишда амалга оширилиши мумкин, баъзи функцияларни амалга оширишга қаратилган бўлиши мумкин, бу бизнес-нутқни ўрганиш жараёнларини сезиларли даражада мураккаблаштиради.

---

Сосновская А.М. Деловая коммуникация и переговоры. Учеб. пособие, СПб., изд-во СЗАГС, 2011, с. 92.

<sup>1</sup> Шу ерда. 96-бет.

<sup>2</sup> Большаков С.Н. Бизнес-коммуникации. Учеб. пособие, СПб., С.-Петербург. гос. ун-т, филол. ф-т, 2012, 137 с.

<sup>3</sup> Большаков С.Н. Шу ерда. 137 с.; с. 71.

<sup>4</sup> Мандрица В.М. Этика бизнеса – деловое общение. Ростов-на-Дону, РИНХ, 2005 (ООО АзовПечать). 227 с.

<sup>5</sup> Сосновская А.М. С. 105.

<sup>6</sup> Сосновская А. М. С. 106.

<sup>7</sup> Там же.

<sup>8</sup> Там же. С. 111.

Ишбилармонлик мулоқоти шакли ва коммуникатив ниятлар тижорий дискурсни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Бундан ташқари, тижорий дискурсни шаклланишига бошқа коммуникатив омиллар ҳам таъсир қилади. Бундай омиллар сифатида В.А.Желамская қуйидагиларни номлайди:<sup>1</sup>

1) адресат (адресатларнинг) табиати, биринчи навбатда, адреснинг аниқлиги/ноаниқлиги мезонлари, олувчилар сони:

а) маълум бир адресат (маълум бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар): бу ҳолда алоқа маълум бир шахсга ёки шахслар гуруҳига қаратилган эътиборни акс эттирувчи бир нечта онимлардан фойдаланишни ўз ичига олган ҳолда йўналтирилади;

б) аниқланмаган адресат: маълум адресат бўлмаса, мулоқот кўп сонли адресатни назарда тутади, ташкилотларнинг барча ходимлари, барча мулоқот иштирокчилари унинг таъсирига тушини тахмин қилади;

2) адресат(лар)нинг табиати:

а) адресат маълум бир жисмоний шахс: бу ҳолда мулоқот бирликда 1-шахс олиб борилади. Мулоқот максимал тарзда шахсий характерга эга бўлиб, уни бошқа барча ишбилармонлик алоқаларидан ажратиб туради. Баъзи ҳолларда бирликдаги 3-шахсга мурожаат қилинади. Одатда, бу ҳолда «биринчи ўринга маълум бир шахс эмас, балки у эгаллаб турган лавозими, унинг ҳуқуқлари ва ваколатларига мувофиқ эгаллик қиладиган ҳуқуқий мақоми чиқади»;<sup>2</sup>

б) адресант – маълум бир ташкилот ёки одамлар гуруҳи: бундай мулоқот унчалик аниқ бўлмайди;

в) номаълум адресант – қоида тариқасида, бундай алоқа томонлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларни ўрнатишга, ҳар қандай жараёнларни амалга ошириш тартибига, муайян қоидалар ва мажбуриятларга бўйсунадиган шахслар доирасини ўрнатишга қаратилган.

Шу билан бирга, ишбилармонлик мулоқотининг намоён бўлишининг юқори вариативлиги ва хилма-хиллигига қарамай, ўзаро алоқаларни тижорат сифатида аниқлашга имкон берадиган бир қатор хусусиятларни аниқлаш мумкин. Аввало, бундай хусусиятларга мулоқот соҳаси – касбий, тижорий, яъни ўзаро таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини, алоқанинг муҳим белгиларини, хусусиятларини шакллантиришни белгиладиган фойда олиш билан бозор муносабатлари, иқтисодиёт билан чамбарчас боғланган бўлиши керак.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар асосида биз тижорий мулоқот бизнес мулоқоти шакллари билан бири, деган хулосага келишимиз мумкин. Бу бозор иқтисоди институтлари билан боғлиқ бўлган моддий манфаатларга эришиш мақсадига бўйсунадиган касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тижорат субъектлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, иқтисодиёт, хусусий мулк ҳуқуқлари, ўзида тўғридан-тўғри бизнес, ҳам академик, шахсий ва кундалик субкурсларнинг таркибий қисмларини синтез қилиш. Тижорий мулоқот бир хил эмас, у ўзгарувчанлиги, намоён бўлишининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради, бу бир нечта жанрларни, тижорий дискурсни инвариантларини, жумладан, ишбилармонлик суҳбати, музокаралар, пресс-релизлар, брифинглар, бизнес учрашувлар, тақдимотлар ва бошқаларни ажратиб олишга имкон беради. Тижорат мулоқот сезиларли даражада фарқ қилади, уларни амалга ошириш хусусиятларига бир қатор омиллар таъсир қилади, жумладан, адресат табиати, адресант табиати, коммуникантларнинг позицияси (роль) муносабатлари, коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий-психологик масофа.

**Kobilova Aziza Baxriddinova (BuxDU tadqiqotchisi,  
Ingliz tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi; e-mail: [aziza.kobilova2101@gmail.com](mailto:aziza.kobilova2101@gmail.com))  
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI PERIFRAZALARI XUSUSIDA**

*Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz va o'zbek tillarida perifrazalar xususida fikr yuritilgan. Perifrazalarning turli xil usullar bilan hosil bo'lishi, ya'ni mantiqiy usulda, sinekdoxa usulida, mualliflik usulida, nomlash va ekspressivlikni oshirish usulida, metaforik, metonimik va evfemik usulida hosil bo'luvchi perifrazalar tahlil etilgan. Shuningdek, nominativ va kontekstual perifrazalarning ifodalanishiga ham e'tibor qaratildi.*

<sup>1</sup> Желамская В.А. Лингвистическая структура деловой документации на материале французского и итальянского языков. Дисс. канд. филол. наук, Москва, 2017, 332 с.

<sup>2</sup> Тот же. 332 с.

**Аннотация.** В статье рассматриваются перифразы на английском и узбекском языках. Проанализированы разные пути формирования перифраз: логический способ, синекдохический, авторское наименование и выразительность, метафорический, метонимический и эвфемистический. Также было уделено внимание выражению номинативных и контекстных перифраз.

**Annotation.** This article discusses paraphrases in English and Uzbek. The formation of paraphrases is analyzed in different ways: logical, synecdochical, expressiveness, metaphorical, metonymic and euphemistic. Attention was also paid to the expression of nominative and contextual paraphrases.

**Kalit so‘zlar:** perifraza, ekspressiv perifrazalar, kontekstual perifrazalar, evfemik perifraza, metonimik perifraza, nominatsiya, publitsistika, badiiy adabiyot.

**Ключевые слова:** перифраза, экспрессивные перифразы, контекстные перифразы, эвфемическая перифраза, метонимическая перифраза, номинация, публицистика, художественная литература.

**Key words:** periphrasis, expressive paraphrases, contextual paraphrases, euphemic paraphrases, metonymic paraphrases, nomination, journalism, fiction.

Badiiy adabiyotlarda, publitsistika va yana ko‘pgina sohalarda, so‘zlashuv uslubida so‘zlarning qayta va qayta takrorlanishi tinglovchilarni zeriktirishi oqibatida perifrazalar tilimizda paydo bo‘lgan. Perifrazalar tilimizning luga‘t boyligida tayyor holda mavjud bo‘ladi va shu bois ularni turg‘un so‘z birikmalari qatoriga kiritamiz. Boshqacha qilib aytganda, perifraza bu biron-bir so‘zning ikkinchi nomlanishi yoki takror qo‘llashning oldini olish uchun boshqacha qilib nomlanishiga aytiladi.

“Perifraza” so‘zining kelib chiqishi 16-asrning boshlariga, aniqrog‘i, 1530-yillarga borib taqaladi. Yunon tilida olingan “periphrazein” so‘zi lotin tili orqali ingliz tiliga ko‘chganda shaklan biroz o‘zgarib “periphrasis” bo‘lib o‘tgan. Yunoncha “periphrazein” so‘zining o‘zi old qo‘shimcha va so‘z qo‘shilmasidan tuzilgan bo‘lib, “peri” – (all around) “aylanma, atrofida” va “phrazein” – (to point out) “ta’kidlamog‘, alohida e‘tibor qaratmog‘” ma‘nolarini anglatadi. Ingliz tilida “phrazein” so‘zining ikkita keng tarqalgan shakli mavjuddir. Ular: “phrase” – ibora va “paraphrase” – parafraza so‘zlari hisoblanib, ulardan ikkinchisi “phrazein” so‘zining – para prefiksi bilan birlashgan va “juda o‘xshash” shaklidir.

Perifrazada tasvirlanayotgan tushunchaning ayni matn va vaziyat uchun eng muhim sifati, belgisi, xususiyati birinchi o‘ringa qo‘yiladi. Perifrazaning asosiy vazifasi matnning ifodaviyligini, bayonning ta‘sirchanligini oshirishdir, shuning uchun ular asosan badiiy adabiyot tilida, publitsistik va og‘zaki nutqda uchraydi, ilmiy nutqda esa tasviriylilikdan xoli bo‘ladi va termin sifatida qo‘llaniladi.<sup>1</sup> So‘zlashuv nutqida ko‘p ishlatilishi oqibatida sinonimlar bilan adashtiriladi.

“Perifraza” yunoncha “siqilgan nutqning batafsil, keng tushuntirilgani, so‘zni boshqa bir so‘z bilan ifodalash, bir so‘zni izohlash uchun so‘zlarni o‘zgartirish degan ma‘noni bildiradi.<sup>2</sup> Bunda so‘zni keng ifodalash bilan almashtirish yoki tushunchani boshqa tushunchalar yordamida kengroq ifoda etish tushuniladi.<sup>3</sup> Boshqacha qilib aytganda, biron-bir so‘zni badiiy bo‘yoqdor boshqa birikma bilan atash hisoblanadi. Tuyaga nisbatan *cho‘l kemasi*, paxtaga nisbatan *oq oltin* birikmalarning qo‘llanishi aynan perifraza hodisasi sanaladi.

L.N.Sinelnikova perifrazalar 4 xil usul bilan hosil bo‘lishini ta’kidlaydi:<sup>4</sup>

**Mantiqiy usulda:** “*dala malikasi*” – makkajoxori.

“*instuments of obstruction*” – pistols.

“*the most pardonable of human weakness*” – love.

**Sinekdoxa usulida:** “*shoxli sarkarda*” – Iskandar Zulqarnayn.

“*Furry paddle tailed mammal*” – beaver.

**Mualliflik usulida:** “*Amerika kashfiyotchisi*” – Xristofor Kolumb.

“*A disturber of the piano key*” – pianist (O.Henry).

“*Creator of Macbeth*” – Shakespeare.

Nominatsiya va ekspressivlikni oshirish usuli bilan: “*sariq sochli bola*” – to‘lin oy.

<sup>1</sup> Kobilova A.B. Features of the use of the paraphrases of the Uzbek and English languages in journalistic texts. International journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020, p. 8163. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>

<sup>2</sup> Аллен Р. The Oxford Illustrated English Dictionary. М., “Астрель”, 2003, p. 14.

<sup>3</sup> Annals of Nutrition & Metabolism. 26 Nov 2012, 61(3), p. 101.

<sup>4</sup> Biochem Pharmacol. 2013, Oct 1, 86, p. 304.

“Thief”! Pilon shouted. “*Dirty pig of an untrue friend!*” (Steinbeck).

Bundan tashqari, tilshunoslikda perifrazalarning metonimik perifrazalar (“*oq xalatlilar*” – hamshiralar, “Delilianning tilidan foydalanib, menga shishani burishgan boshini bog‘lab qo‘yilgan *po‘lat pichoqni*, ya‘ni aravakashni yuboring” (Pushkinning akasiga yozgan xat). Evfemistik perifrazalar (o‘lmoq-boqiy *dunyoga ketmoq*, a toilet – *a wash room, public convenience*), disfemistik perifrazalar (ruslarda o‘l – *qutida o‘yna*; o‘zbeklarda – *atrofingga gul ekay*), an‘anaviy perifrazalar (er yoki xotin – *jufti halol*, inglizchada “*my better half*”) va mualliflik perifrazalari (*g‘azal mulkining sultoni* – Alisher Navoiy (Maqsud Shayxzoda ijodidan) kabi turlari ham farqlanadi.

Moskvinning fikricha, perifrazalar kamida ikki komponentdan iborat bo‘lishi kerak. Shu jihatiga ko‘ra, ikki va uch (undan ortiq) komponentli perifrazalar kabi turlarga ham ajratiladi.<sup>1</sup>

Perifrazalar nutqda, nutq birligi sifatida voqelanishiga ko‘ra nominativ va kontekstual perifrazalar kabi turlarga ham bo‘linadi. Mashhur olim Galperin esa nominative perifrazalarni an‘anaviy, kontekstual perifrazalarni esa original perifrazalar deya nomlaydi.<sup>2</sup> Bunda sof perifrazalar hech qanday kontekstsiz mu‘ayyan ma‘no, tushuncha ifodalaydi, eng muhimi, ommaga matnsiz ham tushunarli bo‘ladi. Masalan, “*sa-lomatligimiz posbonlari*” – shifokorlar, “*sohibqiron*” – Amir Temur, “*oq oltin*” – paxta, “*kumush tola*” – pilla; *blue planet* – ko‘k sayyora (Yer), *black gold* – qora oltin (neft), *second bread* – ikkinchi non (kar-toshka), *ship of desert* – cho‘l kemasi (tuya), *eternal city* – abadiy shahar (Rim), *twilight of life* – hayot oqshomi (qarilik), *the leader of the country* – mamlakat yo‘lboshchisi (Prezident), *precious adornment of the night* – tungi Osmon bezaklari (oy va yulduzlar), *our little friends* – bizning kichik birodarlarimiz (hayvonlar) kabi.

Kontekstual perifrazalar esa muayyan matndagina yaratilib, shu matn uchun yashaydigan tasviriy ifodalardir. Ularni matndan tashqarida, alohida olib bo‘lmaydi. Yana ham aniqrog‘i, ular faqat matndagina, boshqa so‘zlar qurshovida muayyan til birligiga nisbatan tasviriy ifoda bo‘lib keladi. Masalan, “*Podsholar dorisi*” ifodasi.

Perifraza – bu obyektning belgilaydigan so‘z o‘rniga ishlatiladigan so‘z birikmasi. Har bir perifraza yozuvchida taassurot qoldiradigan va ma‘lum bir hodisani mutlaqo individual idrok etadigan tushunchaning xususiyatini ko‘rsatadi. Tez-tez takrorlanish natijasida perifraza tilda, odatda, obyektning bildirish uchun ishlatiladigan so‘zning sinonimik ifodasi sifatida ko‘rsatilishi mumkin. Bunday so‘z birikmalari perifrastik sinonimlar deb ataladi. Perifrastik sinonimlardan farqli o‘laroq, haqiqiy perifraza yozish jarayonida yaratiladi va yozuvchining individual uslubining elementi hisoblanadi. Agar perifraza kontekstdan tashqarida oddiygina holda tushunarli bo‘lsa, u uslubiy, stilistik shakl bo‘lmaydi va uni an‘anaviy, lug‘at perifrazasi yoki til perifrazasi deb nomlanadi. Quyida keng tarqalgan lug‘at perifrazalar yoki boshqa nom bilan aytganda perifrastik sinonimlarga misol keltiramiz: “*cap and gown*” (student body); “*the fair sex*” (women) “*my better half*” (wife), “*a gentleman of the long robe*” (a lawyer).

Ko‘pgina perifrastik sinonimlar ularning qo‘llanilish doirasi va ular ishlatilgan davr bilan chambarchas bog‘liqdir. Masalan, feodalizm davri podshoh so‘zining perifrastik sinonimlari klasterini tug‘dirdiva natijada “*the leader of hosts; the giver of rings; the protector of earls*” kabi birikmalar podshoh so‘ziga perifrastik sinonimlar sifatida paydo bo‘ldi. I.Galperin perifrazaning ikki turini ajratib ko‘rsatdi: mantiqiy va majoziy ma‘nolardagi perifrazalar.<sup>3</sup> An‘anaviy, til perifrazalari yoki lug‘at perifrazalari va ular uchun ishlatiladigan so‘zlar tabiatan sinonimlar bo‘lib, so‘z birikmasi bilan ifodalangan perifrazalar bo‘ladi. Perifraz – stilistik vosita sifatida obyektning umuman, yangi, haqiqiy nomlanishi hisoblanadi, bunda obyektning ba‘zi bir muhim, ko‘zga ko‘rinarli sifatlarini ochib berish orqali obyekt uchun yangi nomlarni kiritish uchun tilning kuchi amalga oshiradigan jarayondir. Garchi u vaqtinchalik bo‘lishi va faqatgina obyektning ifodalab kelgan bo‘lishi ham mumkin.<sup>4</sup>

Mantiqiy perifrazaga “*instruments of obstruction*” (pistols), “*the most pardonable of human weakness*” (love) kabi birikmalar misol bo‘la oladi (Qarang: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) Bundan tashqari, “*Mr. Du Pont*

<sup>1</sup> Москвин В. П. О разновидностях перифразы. “Русский язык в школе”, 2001, № 1, с. 376.

<sup>2</sup> Kobilova A.B. Periphrases Used Instead of Medical Plants. International scientific current research conferences. Pedagogy and Modern Education, Tradition, Experience and Innovation. Indianapolis, Indiana, USA, February, 5<sup>th</sup> 2021, p. 50.

<sup>3</sup> Гонзина Н.М. К вопросу о классификации перифраз. Н.М.Гонзина, Ю.Е.Мязина. Гуманитарные исследования. Астраханский государственный университет, Астрахань, 2013, №1 (45), с. 12.

<sup>4</sup>Kobilova A.B. Periphrasis – as a stylistic device. Proceedings of Global Technovation 2<sup>nd</sup> International Multidisciplinary Scientific Conference. Hosted from London, U.K., December, 28<sup>th</sup> 2020, p 215. <https://conferencepublication.com>.

was dressed in the conventional disguise with which Brooks Brothers cover the shame of American millionaires.” (Morning Star) “The conventional disguise” so‘z birikmasi “the suit” so‘ziga, “the shame of American millionaires” bandi esa “the paunch (the belly)” so‘zlariga mantiqan perifriza bo‘lib kelmoqda.

Majoziy perifraziya esa metafora yoki metonimiyaga asoslangan bo‘lib, so‘z birikmasining asosiy muhim qismi majoziy ma‘noda ishlatilgan so‘zdir, masalan quyidagi asardan parchada majoziy perifrasiyaning yaqqol misolini ko‘rib o‘tishimiz mumkin: his neck over flowed his collar and there had recently been published a second edition of his chin (P.G.Wodehouse). “The hospital was crowded with the surgically interesting products of the fighting in Africa“ (I.Shaw), bu gapda “surgically interesting products” bandi “the wounded” yaralanganlarga ishora qilib kelyapti. Mana shunday majoziy perifratalarga yana bir misol: “I understand you are poor, and wish to earn money by nursing the little boy, my son, who has been so prematurely deprived of what can never be replaced” (Dickens). Bu yerda “what can never be replaced” bandi metaforik perifriza bo‘lib, “ona” timsoliga ishora qilyapti. Qoida tariqasida, perafrazani o‘quvchi ma‘lum bir kontekst ichida osonlikcha tushunadi, bu esa anglab yetish, tushunish vositasi vazifasini bajaradi (qarang: [www.studopedia.net](http://www.studopedia.net)).

Bu iborani maxsus kontekstdan tashqarida turlicha talqin qilish mumkin:

“And Harold stands upon the place of skulls.

The grave of France, the deadly Waterloo” (Byron).

Keyingi misolda perifrasiyaning uch komponentli tuzilishini va uning semantikasining bir xil so‘z birikmalariga bog‘liqligini ko‘rishimiz mumkin. Keling, ikkita jumlani tahlil qilaylik: His thought got lost in the forest of memories ...and In memory, in the forest of memories (N.Tixonov). Birinchi holda, biz o‘rmonga o‘xshash xotiralar haqida gapiramiz. Ifoda ma‘nosi xotiralarni taqqoslash bilan bog‘liq (taqqoslash mavzusi) va o‘rmon (taqqoslash tasviri). Ikkinchisida masalan, biz xotira haqida gapiramiz va bu ifodaning tropik ma‘nosi shu taqqoslash bilan emas, balki transformatsiya bilan bog‘liq (metafora “xotira” so‘zining ma‘nosini izohlash). Shunday qilib, perifrastik kombinatsiyalar – bu obyektning odatiy nomi o‘rniga ishlatiladigan iboralar, lekin obyektning odatiy nomi bilan birgalikda qo‘llaniladi.

Ko‘pincha, biz turli xil iboralarni ishlatamiz, lekin ularning perifriza ekanligini bilmaymiz. Bola-likda, turli hayvonlar haqida multfilmlarni tomosha qilish va kitoblarni o‘qish davomiyam har bir bola “hayvonlarning podshohi” iborasini eshitamiz va u sher ekanligini bilamiz, chunki u juda muhim va ajoyib, juda kuchli va qo‘rqinchli ko‘rinadi.

Yoki ko‘pchilik kosmik tadqiqotlar haqida filmlarni tomosha qilib, Yer qanday qilib ko‘k sayyora “blue planet” deb nomlanganini eshitamiz. Darhaqiqat, uning ko‘p qismini ko‘k suv yuzasi egallaydi.

Ingliz tilida perifratalarga bunday misollari juda ko‘p. Ular turli sohalarida ko‘plab odamlar tomonidan qo‘llaniladi. Masalan, “Bovine milk factory” – cow (sigir)”, “Vitamin – laden liquid” – milk (sut), “passed away” – died (vafot etgan) yoki Margaret Tetcher haqida gap ketganda – “Temir ayol!”

Ushbu majoziy iboralar qayerdan paydo bo‘ldi va nega ular shu qadar ommalashmoqda? Perifratalar bizga, ko‘pincha, ularning mualliflari taniqli yozuvchilar, publitsistlar, shoirlar va ularning asarlarining ko‘p odamlar tomonidan o‘qilishi, sevilishi va muhokama qilinishi natijasida kirib keladi. Ular jonli gazetalar sarlavhalari, reklama, ommaviy axborot vositalari, filmlar, televidion shoulardan olinishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, perifriza – badiiy adabiyot, jurnalistika va ommaviy nutq asarlarida u stilistik vosita sifatida bayonning ravshanligini oshirish, o‘quvchiga yoki tinglovchilarga yanada kuchli ta‘sir o‘tkazish uchun ishlatiladi. Aslida, har bir kishi perifrasiyaning muallifi bo‘lishi, bu oilada yoki do‘stlar orasida tushunarli bo‘lgan tasvirni yetkazadigan ba‘zi iboralar bo‘lishi mumkin. Bunday perifratalarning mashhur bo‘lishi dargumon, ammo shunga qaramay, uni odamlar orasida ishlatsa bo‘ladi.

**Сабилова Нилуфар Каримбаевна (Ўзбекистон Миллий университети Қиёсий тилшунослик кафедраси таянч докторанти; e-mail: [sab-nilufar.88@mail.ru](mailto:sab-nilufar.88@mail.ru))**

## **ПАРОНИМИЯ ВА СИНОНИМИЯНИНГ ЛИСОНИЙ МУНОСАБАТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақола тилшуносликда паронимия ва синонимия ҳодисаларининг ўрганилишига бағишланган бўлиб, унда паронимия ва синонимия муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Паронимларнинг тил тизимидаги ўрни ва синонимия билан боғлиқ ҳодисаларга нисбатан ҳолатини аниқлашни аниқлатади. Паронимия лингвистик ҳодиса сифатида нафақат омонимия ва полисемия билан, балки синонимия билан ҳам таққосланадиган семантик ҳодисадир.*

***Аннотация.** Статья посвящена изучению феноменов паронимии и синонимии в лингвистике, анализируются особенности паронимических и синонимических отношений. Определяется*

роль паронимов в системе языка и их состояние по отношению к явлениям, связанным с синонимом. Паронимия – языковое явление, которое можно сравнить не только с омонимией и полисемией, но и с синонимией.

**Annotation.** The article is dedicated to the study of the phenomena of paronymy and synonymy in linguistics, which analyzes the features of paronymic and synonymic relations. This means determining the role of paronyms in the language system and their state in relation to the phenomena associated with the synonym. Paronymy as a linguistic phenomenon is a semantic phenomenon that can be compared not only with homonymy and polysemy, but also with synonymy.

**Калим сўзлар:** паронимия, синонимия, синонимик қатор, фонетик ўхшашлик, семантик ўхшашлик, оҳангдош сўзлар.

**Ключевые слова:** паронимия, синонимия, синонимический ряд, фонетическое сходство, семантическое сходство, созвучные слова.

**Key words:** paronymy, synonymy, synonymous series, phonetic similarity, semantic similarity, sounding words.

Паронимлар синонимлар, омонимлар ва полисемия тил лексик тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, улар ушбу тизимда алоҳида ўрин тутати. Паронимиянинг кўпгина назарий масалалари ҳали яқиний ечимга эга эмас. Бундан ташқари, тилшунослар паронимиянинг моҳиятини тушунишда турлича қарашларга эга бўлиб, улар, албатта, луғатларда ўз аксини топган. Паронимлар, синонимлардан фарқ қилади. Паронимия билан ўзакдош сўзлар маъноларидаги тафовут, одатда, шу қадар аҳамиятлики, ундаги бир сўзни бошқасига алмаштириш мумкин эмас. Бироқ синонимлар, маъно оттенкалари билан фарқ қилиши мумкин бўлса-да, муаллифга маъно бўйича энг мос сўзни танлаш ва ўзаро алмашинувчанлик имконини беради.

Паронимларнинг таърифидан келиб чиқадики, бу фақат омонимия ва полисемия билан эмас, балки маълум даражада синонимия билан ҳам қиёсланадиган алоҳида семантик ҳодисадир. Синонимия бир хил даражадаги, фақат маънонинг нозик фарқларида, экспрессияда, услубий тегишлиликдаги фарққа эга бўлган тил бирликларининг (сўзларнинг, морфемаларнинг, сўз бирикмаларининг) асосий маъноларини тўлиқ ёки қисман мос келишидан иборатдир.

Инглиз тилшунослигида паронимия ҳодисаси ҳақида У.Коутс (1968), Д.А.Круз (1986), А.Рум (1979, 2000), Р.К.Хартманн ва Г.Джеймс (1998), В.Фромкинларнинг (1973) илмий ишларида маълумотлар мавжуд.

Рус тилшунослигида паронимия муаммосини ўрганишда О.В.Вишнякова (1981, 1984), Н.П.Колесников (1973, 2005), Ю.А.Бельчиков (2008), А.А.Евграфова (1975), И.Н.Кузнецова (1977), П.Григорьев (1977, 1992), Ф.А.Литвин (1976, 2005), Л.Н.Федотова (1989, 1990, 1991, 1994), З.К.Ишкильдина (2006), С.С.Иванов (2009), М.И.Фомина (1973, 1983, 2001) ва бошқа тилшунослар катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбек тилшунослигида ушбу ҳодиса М.Миртожиев (1981), Б.Қиличев (1997), Р.Шукуров (1973), А.Ҳожиев (1974), И.Тошалиев, М.Жўрабоевалар (1976) томонидан ўрганилган.

Фонетик жиҳатдан кўпчилик синонимлар фонетик хилма-хил сўзлардан иборат, масалан, fat [fæt], stout [staut], heavy ['hevi], plump [plʌmp], chubby ['tʃʌbi], overweight [əʊvə'weɪt], obese [əʊ'bi:s], fleshy ['fleʃi], portly ['pɔtli], corpulent ['kɔ:pjʊlənt]. Бироқ, бу ерда ҳам истиснолар бўлади, масалан, wait [weɪt] – await [ə' weɪt]; kind [kaɪnd] – kindly ['kaɪndli]. Юқорида келтирилган синонимлар фонетик ўхшаш, оҳангдош сўзлар ҳисобланади, аммо бундай синонимларнинг ҳозирги инглиз тилидаги сони унчалик кўп эмас, бу уларнинг ўзига хослиги ҳақида сўз юритиш имконини беради. Паронимлар учун эса ифода планида ўхшашлик шарт, белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

Тилнинг мустақил лексик категориялари бўлган синонимия ва паронимия мазмун планида бир-бири билан боғлиқдир. Синонимик қаторнинг бўлаклари ва паронимлар ўртасидаги семантик ўхшашлик ифода қилаётган тушунчаларнинг умумийлигига асосланади. Шундай қилиб, синонимлар учун маъноларнинг айнан бир хиллиги (тушунчаларнинг умумийлиги) релевант семантик белги ҳисобланади, у луғатларда қайд қилинишида, шунингдек, синонимларнинг қисман бир-бирини алмаштиришларида, яъни айрим контекстларда бир-бирига мос келишларида ҳамда бошқа контекстларда мос келмасликларида намоён бўлади. Мисол учун, *rotten* ва *addled* сифатлари *egg* оти билан бирга қўшилганда улар синоним бўлса, *brain* ёки *head* билан бирга қўшилганда эса синонимик ҳолат кузатилмайди.

Паронимларни синонимлардан фарқлашнинг энг асосий мезонларидан бири бир-бирини алмаштира олишнинг мумкин эмаслигидадир.<sup>1</sup> Паронимлар бир хил сўзлар билан бирикмада маъноси билан ажралиб туриши мумкин, масалан, *элитный жилой дом* ва *элитарный жилой дом* (элитарный дом – элита (энг яхши намуна учун мўлжалланган; элитный дом – худди элита (энг яхши намуна) учун қурилгандек юқори сифатли уй. Афтидан, иккинчи ҳолда сўзнинг махсус адабиётда қайд қилинган дастлабки маъноси қараб чиқилаяпти: *элитные семена, элитное животноводство* (элитадан – ўсимликларнинг ва ҳайвонларнинг энг яхши, танлаб олинганлари).

Ю.Д.Апресян синонимларни таърифлашда синонимик қаторнинг бўлақларида битта типнинг валентлиги мезонини, яъни дистрибуцияни ажратиш кўрсатади.<sup>2</sup> Рус ва инглиз тилларида синонимик қаторларнинг бўлақлари билан қуйидаги намунали мулоҳазаларни келтириш мумкин: *He likes music. «Он любит музыку»/He loves music. «Он очень любит музыку»/ He adores music. «Он очень сильно любит (обожает) музыку».*

Хилма-хил учта мулоҳазаларда қўлланилган барча синонимлар, “севмоқ” умумий тушунчасини ва унинг маъновий нозик фарқларини, хусусан, ҳиссиётнинг интенсивлигини ифодалаб, бир хил валентликка эгадирлар. Таққослаш учун паронимик жуфтлик бўлақлари *epical (эпический)// epochal (эпохальный)* билан мулоҳазани келтирамиз: *He could write an epochal (epical) narrative on his flight to Paris.* Ушбу мисол паронимларнинг нутқда ғайриихтиёрӣ тўқнашувини намоиш қилади. Бу мулоҳазани иккита таркибий қисмларга ажратиш мумкин: *He could write an epochal narrative on his flight to Paris* ва *He could write an epical narrative on his flight to Paris.* Келтирилган мисоллардан кўринадики, бу алоҳида фикрларнинг бирортаси ҳам бошқасининг маъносини аниқламайди. Паронимия иккита ҳар хил *эпохальный* ва *эпический* сўзларининг маъносини битта айнан бир хил мулоҳаза доирасида янглиш айтилган сўз ёки ёзувдаги хато деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, паронимларни ва синонимларни табақалаштириш учун ҳам фонетик, ҳам семантик жиҳатлар зарур. Паронимларда фонетик ўхшашлик синонимларга қараганда кўпроқ намоён бўлади, синонимларда эса, аксинча, семантик ўхшашлик фонетик ўхшашликка қараганда кўпроқ бўлади. Шунга қарамай, *economic//economical, classic//classical* кўринишидаги бир ўзакли паронимлар битта контекстда бир-бирини алмаштира олиши сабабли уларни синонимлар дейиш мумкин.

Вақт ўтиши билан, сўзларда янги маънолар юзага келади ва эскилари йўқолиб боради. Баъзан янги маънолар шу даражада “кутилмаган, ғайриоддий” бўладиларки, улар эскилари билан кўпроқ синонимия сифатида қўлланила олмайдилар. Масалан, илгари синонимик бўлган, “муғомбирлик, айёрлик, мунофиқлик, сохтакорлик, риёкорлик, ясамалик, жазавага тушиш, сунъий хаяжон” умумий маъноларига эга *affection* ва *affectation* сўзлари, ҳозирги инглиз тилида бошқа маъноларда қўлланиладилар: *affection* “севги, яқинлик (дўстлик, меҳрибонлик ёки муҳаббат) туйғуси, садоқат; меҳрибонлик, муҳаббат, меҳр”, *affectation* “муғомбирлик, айёрлик, мунофиқлик, сохтакорлик, риёкорлик, ясамалик”. Демак, тахмин қилиш мумкинки, илгари тилда синонимлар бўлган *affection* ва *affectation* каби сўзлар, бошқа ҳолатга, паронимларга ўтадилар. Бу, асосан, алоҳида морфологик структура билан характерланадиган, бироқ аффикс ифода этаётган лексик маъно билан фарқланувчи аффиксал бир ўзакли паронимларга тегишлидир, масалан, *masterful* “моҳир, уста, маҳоратли, устаси фаранг”//*masterly* “ҳукми (сўзи) ўтадиган, ихтиёрли, ҳуқуқли; сўзини ўтказадиган, ҳукмини юргизадиган, амр-фармон, шаддо”, *appetitive* “иштаҳаси, нафси бор”//*appetizing* “иштаҳани кўзгатадиган, сўлакни оқизадиган, ейишли; ҳавасни келтирадиган, кўзни ўйнатадиган, ёқимли”.

Рус тилида *-ическ-* ва *-ичн-* суффикслари ёрдамида ҳосил қилинган паронимик сифатлар ажралиб туради: *методический//методичный, реалистический//реалистичный, ритмический//ритмичный*. Бундай паронимлар семантик жиҳатдан синонимларга яқинлашадилар ва нутқда уларни маъно бўйича бошқаларидан ажратишда маълум қийинчиликларни юзага келтирадилар. Тилшунослар бундай ходисаларни ҳар хил тавсифлайдилар: *шубҳали синонимлар*,<sup>3</sup> *синонимик пароним-*

<sup>1</sup>Валгина Н.С. Активные процессы в современном русском языке. Учебное пособие, М., “Логос”, 2001–164 с.

<sup>2</sup>Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. М., “Наука”, 1974, 223 с.

<sup>3</sup>Галаванова Г.П. К вопросу о роли взаимозаменяемости при выделении и определении синонимов. Синонимы русского языка и их особенности. Л., “Наука”, 1972, 118 с.



лар,<sup>1</sup> паронимик синонимлар,<sup>2</sup> нотўлиқ паронимлар.<sup>3</sup> О.В.Вишнякованинг кўрсатишича, ўзларининг битта маъноларида улар синонимлар бўлиб қолаверадилар, чунки, масалан, *лирический//лиричный* “юқори таъсирчан” маъносида *лирический (лиричный) финал/тон* сўз бирикмасининг маъносига путур етказмасдан бир-бирларини алмаштиришлари мумкин.<sup>4</sup> Е.Н.Демидова шунга ўхшаш мисолларни келтиради ва шундай хулосага келадик, “маънолар ҳажмларини чегаралашнинг тугалланмаган жараёни оқибатида бундай нотўлиқ паронимлар турли контекстларда қўлланилишда энг катта қийинчилик касб этадилар”.<sup>5</sup>

А.А.Евграфова *-ическ-* ва *-ичн-* аффиксли сифатларнинг уч гуруҳини ажратиб кўрсатади:

1) “параллел, семантик адекват ишлайдиган ва морфологик вариантларга киритиш мумкин бўлган” сифатлар: *гиперболический//гиперболичный, гипотетический//гипотетичный, меланхолический//меланхоличный;*

2) “фақат ўзак билан боғланган ҳамда паронимик муносабатларга киришишлари мумкин бўлган” сифатлар: *академический//академичный, технический//техничный, эстетический//эстетичный;*

3) “ўзларининг айрим маъноларида мос келадиган” сифатлар: *поэтический//поэтичный, практический//практичный, прозаический//прозаичный.*<sup>6</sup>

XIX асрда амалда бўлган рус тилида синонимлар бўлган, шу суффикслар билан параллел ҳосилалар семантик табақаланиш йўналишида ривожландилар, гарчи уларнинг унчалик катта бўлмаган қисми синонимик бўлиб қолишда давом этсалар-да, пировардида паронимларнинг хусусиятини қўлга киритдилар *-ческ-* аффиксли сифатларга китобий характер хосдир.<sup>7</sup> Улар нисбий сифатлар вазифасини бажарадилар ва атамалар таркибида қўлланиладилар: *дипломатическая нота, лирический герой, реалистический роман, симпатический нерв, экономический потенциал* ва ҳ.к. Шундай қилиб, *-ическ-* ва *-ичн-* аффиксли сифатлар уларни синонимлар билан бирлаштириб турувчи баъзи бир хусусиятларни сақлаб қоладилар, бироқ уларни паронимлар разрядига киритишга асос бўлган ўша хусусиятлар устунлигича қолавереди.

Шак-шубҳасиз, паронимия ва синонимия ҳодисалари айрим соҳаларда бир-бирдан ажратилмаган бўладилар, балки, аксинча, кесишадилар масалан, *gourmand овқат шинавандаси//gourmet овқат шинавандаси, мазахур*. И.Н.Кузнецованинг фикрига кўра, паронимик жараён лексик интерференциянинг бир кўриниши сифатида гавдаланади, уни у “битта ёки ҳар хил тилларнинг иккита ёки бир неча бирликларининг, дастлаб, шаклан, шунингдек семантик ўхшашлик билан бир-бирига боғлиқ уларнинг (ифода планида ва мазмун планида) икки томонлама ўзига тортиши, деб таърифлайди. Бу икки томонлама ўзига тортиш тил нормасининг ғайририхтиёрий (янглиш) ёки ихтиёрий (стилистик) бузилишга олиб келади”.<sup>8</sup>

Шунга қарамай, синонимлар ва паронимлар умумий ўхшашликка қараганда кўпроқ фарқ қилувчи жиҳатларни кўрсатадилар. Бу фарқ қилувчи жиҳатларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Синонимлар, семантик яқинлашиб, бир-бирини барча позицияларда алмаштиришлари (ўрнини тўлдиришлари) мумкин (абсолют синонимлар): *орфография – правописание, сторожить – стеречь, spirants – fricatives*; паронимлар эса, аксинча, семантика нуқтаи назаридан бир-бирининг ўрнини ҳеч қачон тўлдирмайдилар, шунинг учун контекстда паронимнинг маъносини бузмасдан алмаштириш жуда кам, фақат бир ўзакли айрим рекуррент бирликларда кузатилади.

2. Паронимлар, койдага кўра, икки бўлакли гуруҳларни ҳосил қиладилар: *жесткость//жестокость, памятливым//памятный, continuous//contiguous*, гарчи уч бўлакли паронимлар ҳам учраб туради: *отрывистый//отрывной//отрывочный, censor//censure//sensor, bravery//bravado//*

<sup>1</sup> Кузнецова И.Н. Паронимия в современном французском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук, М., 1977, 48 с.

<sup>2</sup> Гузеев Ж.М. О квалификации дьякофункционалирующих слов в тюркских языках. “Эльбрус”, №3, Нальчик, 2002, с. 63.

<sup>3</sup> Колесников Н.П. Словарь паронимов и антонимов. Ростов-на-Дону, “Феникс”, 1995.

<sup>4</sup> Вишнякова О.В. Паронимия в русском языке. М., “Русский язык”, 1984, 131 с.

<sup>5</sup> Демидова Е.Н. Проблема дифференциации паронимии, синонимии и вариантности в научной речи. “Вестник Челябинского государственного университета”, 2011, № 8, 48 с.

<sup>6</sup> Евграфова А.А. Паронимия в современном русском языке. Дис. ... канд. филол. наук, Киев, 1975, 50–54 с.

<sup>7</sup> Шу манба.

<sup>8</sup> Кузнецова И.Н. О семантической классификации паронимов. “Вестник Московского университета”, 1977, № 4, с. 19.



*bravura*. Синонимлар эса баъзан сўзларнинг жуда узун каторини намоён қилувчи синонимик қаторни ҳосил қилади, масалан: *длительный, продолжительный, долгий, длинный, долговременный, многолетний; hardworking, diligent, determined, industrious, enterprising*. Бироқ, баъзан синонимик қатор қисқа ҳам бўлиши мумкин.

3. Вақт ўтиши билан, синонимик қатор паронимик қаторга қараганда лексик тизимнинг ри-вожи билан боғлиқ турли хилдаги ўзгаришларга кўпроқ дуч келади; айрим сўзлар қўлланишдан чиқиб кетишлари, уларнинг ўрнига бошқа лексик бирликлар пайдо бўлишлари мумкин. Масалан, агар илгари *предприниматель – промышленник – делец* синонимик қатори учта сўздан ташкил топган бўлса, ҳозир жамиятдаги иқтисодий қайта ўзгаришлар сабабли у ерга *коммерсант, бизнесмен, фирмач* (сўзл.) сўзларини қўшиш мумкин бўлиб қолди.

4. Синонимик муносабатлар каби паронимик муносабатларга битта сўз туркумига оид сўзлар киришадилар. Барча мустақил сўз туркумларининг сўзлари, ёрдамчи сўзларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, синонимик бўлишлари мумкин, масалан, *как – будто – словно; если – ежели – коли – раз, albeit – although, предлогларни ҳам қўшганда: возле – рядом – около, on – upon*. Аксинча, паронимлар орасида ёрдамчи сўзлар учрамайди.

5. Паронимлар ўзларининг морфологик структураси бўйича, кўпчилик тилшуносларнинг фикрига кўра, аффикслар билан ажралиб туради, бу, кўпинча, турли ўзақли лексемалар билан берилган битта қатордаги синонимлар учун характерли эмас. Масалан, *покрыть/укрыть* паронимик жуфтликнинг компонентлари *по-* ва *у-* префикслари билан фарқланади, *interested/interesting* паронимик жуфтликнинг компонентлари эса *-ed-* ва *-ing-* суффикслари билан фарқланади.

6. Паронимик жуфтликларни ҳосил қилувчи сўзлар хилма-хил синонимик қаторларни ҳосил қилишлари мумкин. Мисол учун, *целостный/цельный* паронимик жуфтликнинг ҳар бир бўлаги ўзларининг синонимларига эгадир: *целостный – законченный, слитный, единый; цельный – весь, полный, непочатый*. Инглиз тилида паронимик жуфтликнинг ҳар бир бўлаги ҳам турли синонимларга эга бўлишлари мумкин, масалан: *to affect* (синонимлар: *to influence, to change*)/*to effect* (синонимлар: *to carry out, to implement*). Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, жуфтликнинг битта компоненти синоними бошқасининг синоними ҳисобланмайди.

Юқорида айтилганидек, бир ўзақли синонимлар вақт ўтиши билан паронимлар разрядига ўтиб кетишлари мумкин. Паронимларнинг синонимларга ўтиш ҳоллари ҳам маълум. Масалан, И.Б.Голубнинг таъкидлашича, рус тилида *смириться* сўзи яқин-яқингача фақат *стать смиренным, покорным, смиренным* маъносида қўлланилар эди. Бироқ, сўзлашув тилида бу сўз, кўпинча, *привыкнув, примириться с чем-нибудь* маъносини билдира бошлади, вақт ўтиши билан, ушбу маъно устунлик қила бошлади, у ҳозирги изоҳли луғатларда асосий сўз сифатида қайд қилинган. Шундай қилиб, бу сўз *примириться* сўзининг синонимига айланди, айна пайтда илгари, янги маъно пайдо бўлгунча, бу сўзлар паронимик жуфтликни ташкил қилар эдилар.<sup>1</sup>

7. Синонимлар, паронимлардан фарқли равишда, нутқда аниқлаштириш ёки конкретлаштириш вазифасини бажаришлари мумкин. Бир-бирини тўлдириб, улар муаллифнинг ҳиссиётини тўла ва ифодали етказиш имконини берадилар: *Неумелый, неопытный, начинающий автор спешит облегчить себе задачу: он торопится поставить точку, закончить вещь, расписаться* (А.Озеров); *У нас с вами и так дуэль, непрерывный поединок, постоянная борьба* (А.Островский). *The customer asserted that she would use, utilize, employ, and exercise all rights due to her under law; His financial problems were great obstacles and impediments to paying his monthly bills.*

Хулоса қилиб айтганда, паронимияни омонимия, полисемия ва синонимия ҳодисалари билан таққослаш шуни тасдиқлайдики, паронимия – бу, биринчи навбатда, тил ҳодисасидир, чунки тил воқелигида семантик жиҳатдан оҳангдош ва муносабатдор бирликлар мавжуд бўлиб, улар паронимик майдоннинг ядросини ифода қиладилар. Шунга қарамай, бундай бирликларнинг нутқий характерини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, чунки айнан нутқда маълум шароитларда улар бу билан паронимия ҳодисасини келтириб чиқариб, ихтиёрий ёки ғайриихтиёрий тўқнашишлари мумкин.

Паронимларни ва синонимларни бир-биридан фарқлаш қуйидагича бўлади: а) фонетик даражада кўпчилик синонимлар ўзаро фонетик боғланмаган сўзлардан иборат; паронимлар учун товуш яқинлиги асосий мезонлардан бири ҳисобланади; б) битта синонимик қаторнинг бўлақлари ўрта-сидаги семантик ўхшашлик паронимларга қараганда кучлироқ намоён бўлади ва тизимли (тилга

<sup>1</sup> Голуб И.Б. Стилистика русского языка. М., “Айрис Пресс”, 2007, 90 с.

оид) характерга эга; мос равишда, синонимлар паронимик бирликларга қараганда контекстда бир-бирини алмаштиришнинг анча катта имкониятлари билан характерланади.

Кейинги тадқиқотлар паронимиянинг тил умумий тизимидаги ўрни ва мавқеини аниқлашга қаратилади, чунки паронимияни ажратишнинг аниқ мезонларини белгилаш, кейин эса ушбу мезонлар асосида паронимия ва у билан яқин бўлган омонимия, полисемия ҳамда парономазия ҳодисалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва боғлиқликлари ҳақида маълумотлар тўплаш ва уларни тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Жўраева Максуда Муҳаммадовна (БухДУ Таржимашунослик ва лингводидактика  
кафедраси ўқитувчиси)  
ЎЗМА МАТБУОТ ДИСКУРСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақолада оммавий ахборот воситаларининг матбуот тури, Францияда ёзма ахборотнинг келиб чиқиш тарихи, француз газеталарининг кундалик, маҳаллий, даврий нашрларнинг номланиши, мақолани нашрга тайёрлаш жараёни асосий қисми ташкил қилади.*

***Аннотация.** Основное содержание статьи – это тип СМИ, история происхождения письменной информации во Франции, ежедневные, местные, периодические наименования французских газет, процесс подготовки статьи к публикации.*

***Annotation.** The main part of the article is the type of media, the history of the origin of written information in France, the daily, local, periodical naming of French newspapers, the process of preparation of the article for publication.*

***Калим сўзлар:** сарлавҳа, лекторат, медиаматн, кундалик матбуот, пуллик матбуот ва бепул матбуот, муҳаррир, таҳририят.*

***Ключевые слова:** заглавие, количество читателей, медиатекст, ежедневная пресса, платная пресса, бесплатная пресса, редактор, редакционная коллегия.*

***Key words:** title, number of readers, media text, daily press, paid press, free press, editor, editorial board.*

Матбуот – ҳаёт кўзгусидир. Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, бугунги шиддатли давр бутун инсоният учун сиёсий онг ва ҳуқуқий саводхонликни шакллантириб боришни тақозо этади, шунингдек, кенг миқёсдаги янгиланишлар жараёнига дахлдорликни оширишни ҳам касб этади. Хосе Мануэл Перес Торнеро шундай дейди: “Тилсиз мулоқот бўлмайди. Журналистикасиз демократия бўлмайди. Медиа ва ахборот саводхонлигисиз инсонлараро демократик мулоқот юзага келмайди”. Дарҳақиқат, матбуот ва медиа ҳаётимизга чуқур ва тезкор кириб бораётган маълумотлар ҳажми тобора ортиб бораётган янги глобал даврга кириб боришимиз жараёнида, матбуот ва жамият ўртасидаги уйғунлик оммавий демократик мулоқотнинг энг яхши кафолати ҳисобланади. Бундай мулоқот инсонларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишга эришишларига ҳисса қўшувчи ҳамда бу жараёнда ҳал қилувчи омил саналади.

Маълумки, матбуот – оммавий ахборот воситалари, ҳар доим жамиятда кўзгу васифасини ўтаган. Жамиятда содир бўладиган, ижтимоий ҳаётда юз берадиган турли хил воқеа ва ҳодисалар матбуот томонидан ёритилиб борилган. Биламизки, матбуотда материалларни ёритишда сарлавҳалар муҳим аҳамият касб этади. Сарлавҳаларни ўрганиш жараёнида шу нарсага гувоҳ бўламизки, оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг долзарб мавзулар, янгилликлар, эълонлар, муҳим хабарлар, саналар, суратлар шу газетанинг ўқишлилигини таъминлаш билан бир қаторда, давр билан ҳамроҳанг тарзда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазиятлар ҳақида ҳам қўплаб маълумотларни оммага тақдим этиб боради.

Инсон нигоҳи жамият ҳаётида, нафақат инсоният турмуш тарзи, ҳаёти, яшаш шароити, балки бутун коинот ва борлиқда содир бўлаётган янгидан-янги қирраларга қаратилгандир. Шундай экан, кундалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик журнал ва газеталарни танлаб, истак-хоҳиш билан, эркин ва мустақил ўқиш – бу ўша газета ёки журналнинг рейтинг даражасини ошишига, лекторатлари (lecturat – фран. ўқувчилар сони) ортишига сабаб бўлади, шунингдек, мақола, эълон, анонслардаги жумлаларнинг ифодалилиги, таъсирчанлилиги, лўндалиги ҳар доим газетхон эътиборининг диққат марказида туради.

Бугунги кунда ахборот оқими шу қадар кучлики, ахборот – истеъмолчиларнинг қарашлари, кадриятлари ва идеалларини шакллантиришни, оммавий ахборот воситалари, яъни ёзма ва оғзаки

матбуот тилини ўзлаштиришни, медиаматнларни таҳлил қила олишни тақозо этади. Хуршид Дўстмухаммад таърифича, медиасаводхонлик: “ахборот маданияти” ёки “инфо этика”дир.<sup>1</sup> Газета ва журналларнинг илк муқовасидаги, сўнгра, кейинги саҳифалардаги энг катта-катта титрларни кўздан кечириш одат тусига кирганлиги сир эмас. Рангларнинг тўғри танланганлиги, суратларнинг тиниқ, ёрқин ифодаланганлиги, ёки хабарларнинг мавзу доирасида жойлашган ўрни ҳам матбуот қонун-қоидалари ҳисобланади. Дикқат-эътиборини тортган сарлавҳалар орқали газетхон ёритилган янгиликларни маъно-моҳияти, содир бўлиш омиллари, сабаблари, усуллари, уларнинг ўзаро муносабатига доир фикрлар баёнига дуч келади.

Агар услуб жиҳатдан қарайдиган бўлсак, реклама ва эълонлар учун расмийлик ва аниқлик, қисқалик хос саналади. Ижтимоий ва сиёсий материалларни ёритиш учун эса қўшма гаплар, эргашган гаплардан фойдаланиш ўзига хос хусусият ҳисобланади. Кўнгилочар мавзудаги материаллар учун бадиий услубга мурожаат қилиш мумкин. Бу коммуникатив-экспрессивлик газетхоннинг ҳиссиётларига таъсир этиш, кўтаринкилик руҳини бериш орқали яққол кўзга кўринади.

Францияда биринчи чоп этилган газета Теофаст Ренодо (Théofaste Renaudot) томонидан яратилган бўлиб, 1631 йилнинг сентябридан 1915 йилга қадар Парижда нашр этилган, ўша пайтдаги номи “La Gazette” деб аталган. Бугунги кунда бу “Petites Affiches” номи остида чоп этилади. Француз миллий кундалик матбуоти 30 дан ортиқ пуллик номларга эга ва шундан 15 таси 200000 дан зиёд нусхада чоп этилади. Қолган кундалик газеталар бепул бўлиб, тарқатиш масаласида бепул матбуот, асосан, пуллик матбуотни ортда қолдиради. Бепул матбуот, одатда, киоскаларда, газета ва журнал сотиладиган дўконларда, метрога киравериш эшиклари олдида ва аҳоли серкатнов нуқталарга тарқатилади. Қуйида француз миллий баъзи кундалик матбуот номларини мисол тарзда берилганини кўриш мумкин:

#### Француз миллий кундалик газеталар:

1. ' Equipe.	17. La Voix du Nord.
2. L'Humanité.	18. Le Bien Public.
3. La Croix.	19. Le Courrier de Mantes.
4. France Soir.	20. Le Journal de Saône-et-Loire.
5. Metro.	21. Le Monde.
6. 20 minutes.	22. Le Parisien.
7. Charente Libre.	23. Le Républicain Lorrain.
8. L'Est Républicain.	24. Le Télégramme.
9. L'Expansion.	25. Les Dernières Nouvelles d'Alsace.
10. La Croix.	26. Les Echos.
11. La Provence.	27. Lyon Capitale.
12. Le Monde.	28. Midi Libre.
13. Le Parisien.	29. Ouest France.
14. La Tribune.	30. Sud Oest, etc.
15. Les Echos.	
16. Le Figaro.	

#### Француз вилоят газеталари

1. Le Dauphiné libéré.	14. Le journal on line de Saône-et-Loire.
2. Le Progrès de Lyon.	15. Le Bien public Saône-et-Loire.
3. Ouest-France.	16. L'Union de Reims.
4. LeTélégramme de Bres.	17. La Liberté de l'Est.
5. Paris-Normandie.	18. L'Alsace Le Pays.
6. Nice-matin.	19. La Montagne.
7. Var-matin,	20. Le Berry Républicain.
8. Corse-Matin.	21. Le Populaire.
9. L'Yonne républicaine.	22. Le Journal du Centre., etc.
10. La Voix du Nord.	
11. La Provence.	
12. Dernières Nouvelles d'Alsace.	
13. Le Républicain Lorrain.	

#### Француз даврий нашрлари

1. Courrier International.	8. Le Nouvel Observateur.
2. Les Clefs de l'actualité Junior.	9. Le Point.
3. Elle.	10. Le Monde de l'Education.
4. L'Européen.	11. Sciences et Avenir.

5. L'Express.	12. L'Etudiant.
6. Marianne.	13. Phosphore.
7. Le Monde Diplomatique.	14. Télérama., etc.

Бугунги нашрни яратишда француз газетаси тахририяти барча журналистларни бирлаштиради. Қолаверса, тахририятнинг вазифаси газетанинг йўналишини аниқлаш, кун, ҳафта ёки ой кун тартибини тузиш, яъни нашр этиладиган мақолаларнинг сони ва мазмунини ёритишдан иборат бўлади. Бош муҳаррирни бўлим ёки хизмат учун жавобгар бўлиши мумкин бўлган бир ёки бир неча ёрдамчилар ва ёрдамчи ташкилотлар (халқаро, жамият, спорт, маданият, сиёсат) қўллаб-қувватлайди. Мақолаларнинг агентликка юборилишига қадар мақолалар танлови бўлиб ўтади. Тахририятда конференция ўтказилиб, ушбу йиғилиш давомида журналистлар “янгиликларни нима қилишни” муҳокама қилиш учун тўпланишади. Баъзан у қаттиқ мунозараларга сабаб бўлади ва тахририят таркибидаги маълумотларнинг ҳам айланишини таъминлайди. Дирскурс давомида ахборотни нашр қилиш учун зарур бўлган журналистик ахлоқ-одоб қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, куннинг мавзулари, шунингдек, уларнинг форматлари (интервью, маъруза, сўровнома, бош мақола) юзасидан қарор қабул қилинади.

**Bouclage** (буклаж) – кундалик газета дорасида мавзулар, янгиликлар ёки журналистларнинг жойларда йиғадиган маълумотларига қараб, ўзгариб боради. Муайян вақтдан кейин газета ёпилиши керак (кечаси босилган газета учун соат 20.00 дан 23.00 гача). Шунинг учун барча журналистлардан белгиланган муддатларга риоя қилишлари ва ўз нусхаларини белгиланган вақтда қайтаришлари талаб қилинади. Мақолаларнинг сўнгги версияси (варианти) тахририят котибларига юборилади. Тахририят котиби ҳам журналист, ҳам муҳаррир, ҳам мухбир сингаридир. Унинг вазифаси – унга юборилган мақолаларни қайта ўқиш ва текшириш, сарлавҳани (субтитр, сарлавҳа, сүтитр, шапка, интертитр) аниқлаш ва матнни яхшироқ тақдим этилишини таъминлаш учун мақола ни намуна талабларига мослаштиришдан иборат. Мақолалар тuzатилгандан ва форматлангандан сўнг, тахририят котиби, муҳаррир ва иконограф ёрдами остида мақола макетида иштирок этади (саҳифага қўйиш жараёни). Саҳифа тўлиқ йиғилгандан сўнг, уни бош муҳаррир ёки бош тахририят котиби тасдиқлаган ҳолда, у босмаҳонага юборилади. Шу ўринда, ёзма матбуотнинг sanoatlashuvi билан газеталарнинг ажойиб номлари яратилган ва ҳали ҳам шу ном билан нашр этиладиган энг қадимги француз газеталари ёши бўйича: Le Figaro (1826), Le Progrès (1859), La Dépêche du Midi (1870), La Croix (1880), Ouest-Eclair (1899), Ouest France (1944), Les Ecos (1904) ва L'Humanité (1904) оммабop ва кўп ўқиладиган газеталар сифатида ўз мавқеини ҳозиргача сақлаб келмокда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирда техника асри, яъни техника соҳасининг жадал ривожланаётганлигига қарамасдан, француз ёзма матбуоти томонидан нашр этилаётган газета ва журналлар ўзининг миллионлаб мухлисларига эгадир, чунки тахририят томонидан оммага тақдим қилинаётган ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маърифий мазмун сингдирилган кундалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик прессалардаги сифатли ва долзарб янгиликларга тўла маълумотлардан воқиф бўлишади. Францияда оммавий ахборот воситалари ҳар доим газетхон эътиборидан четда қолмайди деб айтиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2013, 317-бет.
2. Қосимова Нафиса. К вопросу о прагматической целостности художественного текста. European journal of literature and linguistics. 2016, №3, URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-pragmaticheskoy-tselostnosti-hudozhestvennogo-teksta> (дата обращения: 07.03.2021).
3. Juraeva M.M. (2020). Category of modality: research and interpretation. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), p. 149–154.
4. Juraeva Malokhat Muhammadovna and Khamidova, Muborak Khafizovna. (2020). “Linguoculture and Linguocultureme”, *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 3, Iss. 4, Article 6.

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич (Бухоро Давлат университети изланувчиси;  
e-mail: [kamalovixtivor@gmail.com](mailto:kamalovixtivor@gmail.com))

## РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛИГИДА БОБУР МАВЗУСИ

**Аннотация.** Шоҳ ва шоир З.М.Бобур жаҳон тамаддунига ҳисса қўшган улуг сиймолар қаторида туради. Шу боис бу тарихий шахснинг ҳаёти ва ижоди дунё миқёсида у яшаган даврдан ҳозирга қадар ўрганилиб келмоқда. Мазкур манбаларни муқоясавий ўрганиш бугунги адабиётшунослик ва тарихшунослик илми олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Шундан назардан, ушбу мақолада Россия шарқшунослигида Бобур ва “Бобурнома”нинг ўрганилиши тарихи ҳақида фикр юритилган.

**Аннотация.** Поэт и правитель З.М.Бабур относится к ряду великих фигур, внесших ценный вклад в мировую цивилизацию. По этой причине было проведено множество исследований об этой исторической личности по всему миру. В ниже приведенной статье освещается история изучения Бабур и “Бабурнаме” в Российском востоковедении.

**Annotation.** Poet and ruler Z.M. Babur belongs to a number of great figures who made a valuable contribution to world civilization. For this reason, literary and historical works of a world scale are still created about this historical person. These historical and artistic sources describe the difficult but very meaningful life of the great thinker. The article provides the history of the study of Babur and “Baburname” in Russian oriental studies.

**Калим сўзлар:** шарқшунослик, тарихий шахс, тарихий асар, бадий асар, образ, тарихий ҳақиқат, Бобур, “Бобурнома”.

**Ключевые слова:** востоковедение, историческая личность, историческое произведение, художественное произведение, образ, историческая правда, Бабур, “Бабурнаме”.

**Key words:** biographical approach, historical character, historical work, literary work, image, historical truth, fiction, «Boburname».

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёт ва ижод йўли, бобокалонимиз қолдирган буюк маданий мерос, қудратли салтанат тарихи мана бир неча асрларки жаҳон шарқшуносларининг, тарих ва адабиёт ихлосмандларининг диққатини жалб қилиб келмоқда. Миллат, тил, дин, чегара билмас инсоний фазилатлар тараннум этилган бадий хазина, ҳар қандай замона кишиси учун ўртак бўлишга арзигулик ҳаёт тарзи сабаб шоҳ ва шоирни ўрганишга бўлган қизиқиш бир зумга ҳам сусайгани йўқ. Бобуршунослик илми Шарқда ижодкор яшаган даврнинг ўзидаёқ шаклланган бўлса, Ғарб бу масалага нисбатан кейинроқ ёндашишни бошлаган. Бугунги кунда Бобур ва унинг ижодига Европада қизиқиш XIX асрнинг бошларида алоҳида соҳага айланди деб баҳоланса-да, бу йўналишдаги илк илмий ишлар XVII асрга бориб тақалади. Француз шарқшуноси, Париж университети профессори Бартелеми дъ-Ербло (1625–1695 йилларда яшаган) бутун умрини Шарқ ҳукмдорлари ва ижодкорлари ҳақидаги комусий асар ёзишга бағишлаб, ўлимидан икки йил ўтиб 1695 йилда муаллифнинг “Шарқ энциклопедияси” комусий асари нашрдан чиққан.<sup>1</sup> Айнан шу асарда илк бора европалик олимларнинг Бобур ҳақидаги илмий қарашлари акс эттирилган. XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса “Бобурнома” мемуари Ғарбий Европа тилларига таржима қилина бошланди, бобуршунослик илмининг француз, немис, инглиз, рус мактаблари шакллана бошлади.

Рус шарқшунослигида Бобур ҳаёти ва ижодини илмий жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиш баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, Россиянинг Ўрта Осиё ва Ҳиндистон билан олиб борган иқтисодий алоқалари натижасида пайдо бўлган.<sup>2</sup> XVIII–XIX асрлардаёқ Россиянинг айрим худудларида “Бабурино”, Бабуринский”<sup>3</sup> каби топонимлар, “Бабурин”, “Бабуров”, “Забабуров”, “Бабурченко”, “Бабурка” сингари шахс номларини муомалада бўлган. Бир қараганда ушбу атоқли отларнинг этимологик келиб чиқиши бизнинг бобокалонимизга бориб тақалиши ҳақиқатдан йироқ кўриниши табиий, аммо айрим манбаларда, жумладан, атоқли рус ёзувчиси И.С.Тургенев (1818–1883 йилларда яшаган) ўзининг “Пунин ва Бабурин” қиссаси бош қаҳрамонларидан бири Бабуриннинг келиб чиқишини зодагон табақага боғлар экан, “У хинд шоҳи Бобур Оксуякка бориб тақалади” де-

<sup>1</sup> D’Herbelot. Babur ou Vabor. Bibliotheque orientale. Paris, 1697, p. 163.

<sup>2</sup> М.Васмер. Список населённых мест Владимирской губернии. Висбаден, 1962.

<sup>3</sup> Шу манба.

ган фикрни илгари сурган. Ушбу фикрдан маълум бўладики, XIX аср рус адабиёти учун Бобур но-таниш ном эмас эди.

Бобур ва “Бобурнома” билан рус китобхонларини таништиришми илк бора немис олими, таржимон ва элчи Георг-Якоб Кер (1692–1740 йилларда яшаган) бошлаб берган. У 1732 йилда Германиядан Петербургга келгач, Ташки ишлар вазирлиги топшириғига кўра, араб, форс ва турк тилларида фаолият олиб борувчи маҳаллий таржимонларни тайёрлашда раҳбарлик қилади.<sup>1</sup> Хатто 1733 йилда Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манба – Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1603–1663 йилларда яшаган)нинг “Шажараи тарокима” асарини немис тилига таржима қилган.<sup>2</sup> Унинг кўлига чиғатой тилидаги “Бобурнома” тушгач, таржимон уни аввал лотин тилига ўгиришни бошлайди, аммо охирига қадар етказолмайди. Кейинчалик, мемуарни илк бора рус тилига тўлиқ ўгирган шарқшунос олим Н.И.Илминский (1822–1891 йилларда яшаган) Г.Кер “Бобурнома” мемуари таржимасини охирига етказолмаганини, асардаги маълум парчалар қолдириб кетилганини, бир сўз билан айтганда, “иш муваффақият қозонмаган”ини таъкидлайди.<sup>3</sup>

XIX аср бошларида Россия шарқшунослигида Бобур ва “Бобурнома”га бўлган қизиқиш янада ортди. Рус-поляк шарқшуноси, таржимон, тарихчи, журналист ва муҳаррир, Барон Брамбеус тахаллуси билан ижод қилган серқирра олим О.И.Сенковский (1822–1891 йилларда яшаган) бу ишга бош-қош бўлади. 1824 йилнинг май ойидаги мактубларининг бирида ёзишича, Сенковский рус дёрига келган бухоролик савдогар Назарбой Туркистонийдан “Султон Бобурнинг хотиралари” китобини олиб, таржима қилиш ва чоп етишга тайёргарликни бошлаган. Хотираларда қайд етилишича, мутахассисга мемуарни таржима қилиш катта қийинчилик туғдирмаганини, ҳақиқатдан ҳам, хотиралар Бобурнинг ўзи таъкидлаганидек, “энг соф Андижон туркийчасида” ёзилгани тан олинган.<sup>4</sup>

Шу билан бирга, Сенковский раҳбарлигида ишлаган ёш рус адабиётшуноси В.В.Григорев (1822–1891 йилларда яшаган) кейинчалик илк мартаба рус шарқшунослигида Бобур ва унинг ҳарбий юришлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқади.<sup>5</sup> Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, айнан О.И.Сенковский ва унинг шогирди В.В.Григорев тадқиқотлари натижасида Заҳириддин Муҳаммад аввалига “Бабер”, “Бабор” эмас, балки “Бобур” сифатида тилга олина бошланди.

1857 йилда немис олими Г.Кер томонидан бошланган “Бобурнома”нинг таржима кўлёмалари шарқшунос олим Н.И.Илминский томонидан нашрга тайёрлана бошланди. Н.Илминский немис олимнинг камчиликлари ва мемуарнинг таржима қилинмай қолдириб кетилган қисмларини синчковлик билан ўрганди. У бу жараёни ўз хотираларида эслар экан, “Бобурнома”нинг инглиз тилидаги таржимасини, Калкуттада нашр этилган туркийча-форсча луғатни ҳамда туркий тилдаги Алишер Навоий девонини қунт билан ўрганганлигини билдириб ўтади.<sup>6</sup> Тўрт йил давомида таржимон “Бобурнома”дан парчаларни И.Н.Березин (1818–1896 йилларда яшаган) томонидан нашрга чиқариладиган “Турк хрестоматияси”да бериб борди.<sup>7</sup>

Бу жараёнлар давомида Бобур хотираларини ўз тилида ўқишни бошлаган рус шарқшунослари энди Сенковский бошлаб кетган “Бобурнома” таржима кўлёмаларини ўрганишни бошладилар. Ушбу кўлёмалар 1859 йилда бошқа бир рус шарқшуноси ва сиёсий арбоб В.В.Велямин-Зернов (1830–1904 йилларда яшаган) муҳаррирлигида нашрга тайёрлана бошлади. Аммо бу орада “Бобурнома”нинг Г.Кер ва О.Сенковский нусхалари ўртасидаги номуносивлик сабаб илмий баҳс-мунозаралар бошланди. Бу икки кўлёмани қиёсий ўрганиш ва яқдил хулосага келишдек ша-рафли вазифа Н.И.Илминский зиммасига юклатилади. Шундан сўнг, 1882 йилда “Бобурнома”нинг рус тилидаги янги ва тузатилган нусхаси тайёр бўлди.

Аммо бу орада британиялик машҳур шарқшунос Анетта Бевередж (1842–1929-йилларда яшаган) рус ҳукумати ва илмий ҳамжамиятидан “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилиш йўлида ҳамкорликка чорлайди. Аммо инглиз олимаси кўлидаги “Бобурнома”нинг Ҳайдаробод нусхаси билан Г.Кер-О.Сенковский кўлёмалари асосидаги Н.И.Илминский нусхалари ўртасида ҳам

<sup>1</sup> Г.Ф.Благова. К истории изучения Бабур-наме в России. Тюркологический сборник. Москва, 1966, 169 с.

<sup>2</sup> А.Н.Кононов. Родословная туркмен. Сочинение Абулгази, хана Хивинского. Москва, 1958, 23 с.

<sup>3</sup> Г.Ф.Благова. К истории изучения Бабур-наме в России. Тюркологический сборник. Москва, 1966, 247 с.

<sup>4</sup> А.А.Плюшар, Д.И.Языков. Энциклопедический лексикон. Том XVI, Санкт-Петербург, 1839, 405 с.

<sup>5</sup> А. А.Плюшар, Н.И.Греч. Энциклопедический лексикон. Том I, Санкт-Петербург, 1835, 10–13 с.

<sup>6</sup> Бабер-наме или Записки султана Бабера. Изданы в подлинном тексте Н.И.Ильминским. Казань, 1857, 4 с.

<sup>7</sup> И.Н.Березин. Турецкая хрестоматия. I часть. Казань, 1857.

баъзи тафовутлар борлиги маълум бўлади. Бу икки нуххани қиёсий ўрганиш ва аниқ хулосалар чиқариш бошқа бир рус бобуршуноси – А.Н.Самойлович (1880–1938 йилларда яшаган)га ишониб топширилди. Самойлович еса шоҳ ва шоир қолдирган хотиралар борасида Ҳайдаробод факсимелеси ҳам, Г.Кер қўлёзмалари ҳам тўлиқ маълумот беролмаслигини, ўз ўрнида “Бобурнома”нинг бошқа нухсаларини ҳам топиб тадқиқ қилиш кераклигини айтиб ўтади-ю, аммо бу қиёсий таҳлилни амалга ошириш ўша давр рус шарқшунослигида тўлиқ тугалланмади. Тошкентда олимлар П.Шамсиев ва С.Мирзаевлар муҳаррирлигида нашр этилган (1948, 1949, 1960 ва 1989 йилда) “Бобурнома” ҳам айнан шу 2 қўлёзма – Бевередж хоним таҳлилидаги Ҳайдаробод нухаси ва Н.И.Илминский вариантларини қиёсий ўрганиш асосида дунёга келган.<sup>1</sup>

Россия шарқшунослигида “Бобурномага” қизиқиш анча олдин бошланганлигига қарамай, мемуарнинг тўлиқ рус тилида китоб шаклида ҳали чоп этилмаган еди. Бундан олдинги бобуршуносларнинг таржималари еса (И.Н.Березин, В.Григорев, Н.Пантусов, А.Н.Самойлович, О.Сенковский, Н.И. Илминский ва бошқалар) маълум тўпламларда парчалар, фрагмент сифатида босилиб чиққан эди. Фақатгина 1948 йилда М.А.Салье (1899–1961 йилларда яшаган) томонидан қилинган таржима 1958 йилда Тошкентда алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Ана шундан сўнг рус шарқшунослигида Бобур хотираномасини алоҳида йўналишлар бўйича чуқурроқ ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, профессор Г.Ф.Благова (1927–2013 йилларда яшаган) айнан бобуршунослик мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, қолаверса, 40 йиллик илмий изланишларининг самараси сифатида кенг қамровли “Бобурнома: тил, матн прагматикаси, услуб” номли китобни 1994 йил Москвада нашр эттирди.<sup>2</sup>

Айнан Г.Ф.Благова, И.В.Стеблева ва А.Н.Самойловичларнинг илмий изланишлари туфайли бобуршунослик XX аср Россия шарқшунослигида янги босқичга кўтарилди. Рус китобхонлари Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, шахсияти ҳақида ҳикоя қилувчи ўлмас тарихий асар – Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Истиқлол йилларида барча соҳалар сингари маданият, илм-фан борасида ҳам Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигининг янги даври бошланди. Мамлакатимиз ҳамда рус бобуршунослари шоҳ ва шоир бобокалонимизнинг илмий-маданий меросини ўрганиш ва ўргатиш борасида жуда катта лойиҳалар амалга оширилди ва бу ишлар ҳали давом этиши аниқ. Чунки Захириддин Муҳаммад қолдирган маънавий бойлик битмас-туганмасдир.

**Saidjanova Zebo (Urganch davlat universiteti)**  
**SHOIR SO‘FI TARJIMAYI HOLIGA DOIR YANGI MA‘LUMOTLAR**

***Аннотация.** Maqolada xorazmlik shoir So‘fi tarjimayi holiga doir yangi ma‘lumotlar haqida so‘z yuritiladi. Yangi ma‘lumotlar og‘zaki va yozma manbalarga asoslangani, faktlarga boy va ishonchliligi bilan ahamiyatlidir. Ayniqsa, shoir biografiyasining hozirgacha noma‘lum jihatlariga oydinlik kiritilgan. Muhimi shundaki, yangi ma‘lumotlar shoirning o‘z asarlarida qayd etilgan ayrim jihatlariga to‘la mos bo‘lib, ularni to‘ldirishga xizmat qiladi. Yangi ma‘lumotlarning mo‘tabar ilmiy manbalar – Navoiy, Kamil Xorazmiyga daxldor fikrlarga aloqadorligi uning qimmatini yanada oshiradi. Shuningdek, shoir haqidagi tasavvurlarni kengaytirishga xizmat qiladi.*

***Аннотация.** В статье представлены новые сведения о биографии хорезмского поэта Суфи. Новые информации важны, потому что они основаны на устных и письменных источниках, богаты фактами и надежны. В частности, стоит отметить прояснение ранее неизвестных аспектов биографии поэта. Важно, чтобы новая информация полностью соответствовала некоторым аспектам, упомянутым поэтом в своих произведениях, и служила их дополнением. Они также добавляют ценности тому факту, что новая информация связана с авторитетными научными источниками – Навои, Камил Хорезми. А также она расширяет наши представления о поэте.*

***Annotation.** The article deals with new information about the biography of the Khorezmian poet Sufi. New information is important, because it is based on oral and written sources, rich in facts and reliable. In particular, it is worth noting the clarification of previously unknown aspects of the poet's biography. It is important that the new information fully corresponds to some of the aspects mentioned by the*

<sup>1</sup> Бобурнома. П.Шамсиев муҳаррирлигида. Т., 1989, 2-бет.

<sup>2</sup> Г.И.Халлиева. Российское бабуроведение XX века. «Молодой ученый», Чита, 2011, 30 с.

poet in his works, and complements them. They also add value to the fact that the new information is associated with authoritative scientific sources – Navoi, Kamil Khorezmi. New information expands his understanding of the poet.

**Калитм со‘злар:** shajara, tarjimayi hol, masjid, madrasa, madaniy-adabiy hayot, tarixiy bosqich.

**Ключевые слова:** родославная, биография, мечеть, медресе, культурно-литературная жизнь, исторический этап.

**Key words:** family tree, biography, mosque, madrasah, cultural and literary life, historical stage.

XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida yashab ijod etgan xorazmlik shoir Ilyos Mulla Muhammad o‘g‘li So‘fining hayoti va ijodi haqida mufassal ma‘lumot beruvchi manbaga ega emasmiz. Shunga ko‘ra, biz shoir So‘fi ijodi va hayoti haqida faqat uning Xiva o‘lkashunoslik muzeyida 5884/6 raqami ostida saqlanayotgan qo‘lyozma devoni doirasidagina fikr yurita olamiz. To‘g‘ri, adabiyotshunos olim Yunus Yusupovning So‘fi hayoti bilan bog‘liq uning zamondoshlaridan olgan ma‘lumotlari shoir tarjimai holini yoritishga bir qadar xizmat qiladi, ammo So‘fi hayoti va ijodi xususida to‘laroq tasavvur uyg‘otishga bu ma‘lumotlar ham yetarli emas.

Mazkur manbalarda qayd qilingan ma‘lumotlarni umumlashtirib aytish mumkinki, shoir So‘fi 1860-yilda Xorazmning Gurlan tumanida tavallud topgan. Filologiya fanlari doktori, Jumaboy Yusupovning bildirishicha, Ilyos Mulla Muhammad o‘g‘li So‘fining asli Hazorasp tumanidan bo‘lishgan. Keyinchalik ular muayyan sabablarga ko‘ra, Gurlan tumaniga ko‘chib kelib, muqim yashab qolishgan. Sharqshunos Abdulla Ahmedov o‘z tadqiqotlarida So‘figa nisbatan Gurlaniy nisbasini qo‘llaydi. Domlamiz So‘fining Gurlan tumanida tug‘ilib, shu yerda istiqomat qilganligi omilini ta‘kidlab, shoirning So‘fi Gurlaniy nisbasi bilan atalishini lozim sanagan.

Ilyos Mulla Muhammad So‘fi tarjimayi holi bo‘yicha olib borayotgan keyingi izlanishlarimizning natijasi sifatida shoirning bugungi avlodlaridan bo‘lmish Xorazm viloyati Gurlan tumanida yashagan Erimmat Sodiqovdan ajdodlari haqida bergan yangi ma‘lumotlarni qayd etishimiz mumkin. Bu haqda keyinchalik uning kundaliklari va boshqa manbalar asosida kitob yozgan jurnalist Husayn Rahmon shunday ma‘lumotlarni keltiradi: “Endi shajaramizga kelsak. Shajaramiz o‘z davrining yetuk va donishmand insonlaridan bo‘lgan Abdusharif Eshondan boshlangan. Eshon bobomiz Buxoro viloyati Gala Osiyo tumanining Jo‘ybor qishlog‘ida tug‘ilgan. Madrasada mudarris bo‘lgan. Islom dinining quvvati hisoblanmish Buxoro madrasalarida din va diyonat, axloq-odob haqida amri ma‘ruf qilgan. Abdusharif eshondan Abdul Aziz eshon tug‘ilgan. Abdul Azizdan esa Abdug‘affor bobomiz dunyoga kelgan. Abdug‘affor bobomiz Buxorodan Xorazmga ko‘chib kelib, Hazorasp tumanining Ovshar qishlog‘ida yashay boshlagan. Abdug‘affor Eshondan Bobojon eshon tug‘ilgan va u Gurlan qal‘asiga ko‘chib kelib, “Tutli masjid” jome masjidida imomlik qilgan va yoshlarga ta‘lim bergan. Bobojon eshondan Oqmon eshon, undan bizning bobomiz Karim eshon tug‘ilgan”.<sup>1</sup>

Ma‘lum bo‘lishicha, So‘fi shajarasining bir uchi Buxorodagi Jo‘ybor xojalariga borib taqaladi. Bu ma‘lumotlarni ularning avlodlari o‘zlarining shajarasi haqidagi bilimlari bilan izohlaydilar. Jo‘ybor xojalari naqshbandiya tariqatining muridlari – bir bo‘g‘inini tashkil etishgan. Ularga Jo‘ybor atamasi qo‘shilishi aynan Buxoroning biqinidagi Jo‘ybor qishlog‘iga o‘n beshinchi asr boshlarida ko‘chib kelishidan boshlangan. Buxoroning Islom olamida sanoqli “sharif” rutbasini olishining bir qanotida Imom Buxoriy tursalar, bir qanotida Jo‘ybor xojalari turishgan.

Ismoil Somoniy ularning avlodlari uchun Shahristondan janub tomonda, Kampirak devordan ichkarida maxsus yerlar ajratgan. Ularga ajratilgan yerning yonginasidan xalq orasida “Jo‘yi Mo‘liyon” nomi bilan mashhur bo‘lgan ariq oqib o‘tgan. Chor Bakrlar ushbu ariq atrofida yashaganlari sababli Buxoro xalqi ularni Jo‘yboriy xojalar deb ataganlar. “Jo‘ybor” so‘zi – tojikcha “katta oqar ariq” ma‘nosini anglatadi.<sup>2</sup> Jo‘ybor xojalari saxovatpeshalikda butun islom olamida dong qozonganlar, mol-mulklarini ezgulik yo‘lida sarflaganlar. Buxoro taxtiga mang‘it amirlari kelishi, toj-taxt uchun adoqsiz kurashlar jarayonidan Jo‘ybor xojalari o‘zlarini chetga olishgan. Aynan shu davrda Jo‘ybor xojalari firqasi asta-sekin mayda bo‘laklarga bo‘linib ketadi. Ularning avlodlarining bir qismi boshqa xonliklar hududlariga ko‘chadilar. Balki shu sabab bilan So‘fi ajdodlari Xorazmga kelgan bo‘lishi mumkin.

<sup>1</sup> Хусайн Раҳмон. Саховатли умр. “Хоразм”, 2012.

<sup>2</sup> Рохат Мамадшоева. Жўйбор шайхларининг ислом тамаддунига кўшган ҳиссаси. <https://www.juyborikalon.uz/maqola/35>



So'fi "toz" urug'iga mansub bo'lgan. Bu haqda bizga ma'lum bo'lgan devon tarkibidagi quyidagi keltirilgan g'azalda shoirning o'zi yozadi:

*Bu yonglig' bo'ldi ishqingda g'azalxon,  
Oni So'fi, urug'i – "toz" derlar.<sup>1</sup>*

Xorazm viloyati Gurlan tumanidagi toz-qozoqlar o'zlarini sakkiz arisli (bo'limli) tozlar deb ataydilar va bessari toz, chergas toz, jastovon toz, keldiboy toz, oqserka toz kabilarga bo'ladilar.<sup>1</sup> So'fi ushbu urug' vakili bo'lgan. Tozlar X–XII asrlarda qadimgi qipchoq urug'lari tarkibiga kirgan. Olimlar toz qadimiy turkiy qabilalardan biri deb ko'rsatishadi. Tozlar keyinchalik bir qancha guruhlariga bo'linib, boshqird, qozoq, o'zbek va qoraqalpoq xalqlari tarkibiga qo'shilib ketgan.<sup>2</sup>

So'fining otasi Mulla Muhammad bir vaqtlar katta ruhoniy oilasiga mansub bo'lsa-da, keyinchalik, turli sabablarga ko'ra, avvalgi mavqeyini yo'qotib, qashshoq va faqir kishi bo'lib qolgan ekan. Kichik bir masjidida imomlik qilib, oilani zo'r-bazo'r boqqan. Shuning ta'sirida bo'lsa kerak, So'fi qashshoq mullalar haqida bir necha g'azallar bitgan.

Ilyos boshlang'ich ma'lumotni masjid qoshidagi maktabda o'z otasidan oldi. Mulla Muhammad o'g'li Ilyosning tarbiyasiga alohida ahamiyat beradi, uni Xivadagi Muhammad Aminxon madrasasi mudarrisini Xo'ja Oxund yordami bilan madrasaga kiritishga muvaffaq bo'ladi. Madrasada diniy va dunyoviy ilm berilgan, ayni paytda ko'ngilochar o'yinlar, shuningdek, ashula aytish man qilingan. Madrasada o'qish muddati chegaralanmagan bo'lib, ayrim talabalar bir kursda 3–4 yil o'qishgan. Madrasada ta'lim 3 bosqichda olib borilgan. Boshlang'ich bosqichda arab grammatikasi, mantiq, shariat qonunlari, diniy urfodatlar, arab va fors tilidagi adabiyotlar o'rgatilgan. Qolgan ikki bosqich davomida talabalar "tahzib" (mantiq), ilohiyot, huquqshunoslik va boshqa fanlarni qunt bilan o'rganishgan. Madrasaga o'n besh yoshga to'lgan har bir musulmon farzandi, savodi va iqtidori inobatga olingan holda qabul qilinardi. Ularni "mulla" yoki "tolibi ilm" deb ataganlar. Madrasani bitkazgan talabalar orasidan shoirlar, muarrixlar, xattotlar, olim va fuzalo kishilar yetishib chiqqan. Madrasada katta kutubxona va musulmon Oliy Sud Boshqaruvi joylashgan. Ilyos ham barcha bitkazuvchi talabalar singari bir necha sohada fundamental bilimlar sohibi bo'lib yetishdi. Uning ayniqsa, ilohiyot, she'riyat va xattotlik borasida o'rgangan ilmlari kelajakda tuzilajak devoni uchun mustahkam asos vazifasini bajargan.

Ilyos madrasada tahsil ko'rar ekan, u o'zining ko'p vaqtini adabiyot va tarix, Sharq mumtoz adabiyotini mutolaa qilish bilan o'tkazdi. So'fining kamolotida esa ana shu mashhur so'z ustalarining asarlari maktab vazifasini o'tadi. Ayniqsa, xattotlik sohasida ham ancha muvaffaqiyatlarga erishadi. Bizga ma'lum bo'lgan devon qo'lyozmasi ham savodxonlik bilan chiroyli husnixatda ko'chirilgan. Fikrimizcha, bu qo'lyozma Ilyos Mulla Muhammad o'g'li So'fining o'z qo'li bilan yozgan nusxasidir, ya'ni avtograf nusxa hisoblanadi. Chunki hoshiyaga keyinchalik ilova qilingan she'rlar va bir ta'rix janridagi she'rning 3 xil variantda hoshiyada berilishi fikrimiz isbotidir.

Shu o'rinda, yana bir ma'lumotni aytib o'tishimiz lozim. So'fi yashagan davr ma'lumotlarini izlab, quyidagi yangi manbalarni ham o'rganishni lozim topdik. Filologiya fanlari doktori Shuhrat Sirojiddinovning "O'zbek matnshunosligi qirralari" kitobida shunday ma'lumot keltiriladi: "Masalan, Navoiy "Xamsa"si 1297/1879-yili Muhammad Rahimxon II farmoni bilan toshbosma matbaada chop etiladi. Asarni toshbosma uchun So'fi Xorazmiy degan xattot ko'chirgan. "Xamsa"ni shoir Komil Xorazmiy nashrga tayyorlaydi va "Hayrat ul-abror" dostoni kitobiga o'zi uch sahifalik muqaddima ham yozadi".<sup>3</sup> Ushbu ma'lumotga asoslanib, Alisher Navoiy asarlarini toshbosma uchun ko'chirgan xattotlar haqidagi M.Hakimovning "Alisher Navoiy asarlarini ko'chirgan xattotlar" kitobini o'rgandik. Unda shunday ma'lumotlar beriladi: "Turkistondagi dastlabki toshbosma matbaa 1291/1874-yilda Xiva xoni Muhammad Rahimxon II saroyida tashkil etildi. Bu matbaada 1297/1879-yilda Muhammad Rahimxon II ning farmoni bilan Navoiy "Xamsa"si to'la holida chop etildi. "Xamsa"ni Muhammadniyoz ibn Abdullo Oxund Komil Xorazmiy nashrga tayyorlaydi va o'zi uch sahifalik muqaddima ham yozadi. "Xamsa"ni toshbosma uchun xattot Mulla Muhammadyusuf ibn Berdimurod So'fi Xorazmiy ko'chirgan. 640 sahifalik bu "Xamsa" Navoiy asarlarining Turkistonda bosilgan birinchi mukammal toshbosma nusxasi (nashri) hisoblanadi".<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Сўфи. Девон. 5884. 6-тартиб рақами. 56-бет.

<sup>3</sup> Абдурайим Туробов, Н.Бегалиев. Самарқанд топонимияси. 2015, 81-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т ҳарфи. 458-бет.

<sup>3</sup> Ш.Сирождидинов. Ўзбек матншunosлиги қирралари. Т., Akademnashr, 2015.

<sup>4</sup> Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Т., "Фан", 1991, 40-бет.

Ushbu ma'lumotlarga asoslanib, Alisher Navoiy "Xamsa"sining "Hayrat ul-abror" dostoni O'zR FA Sharqshunoslik institutida inv. №10363 raqami ostida saqlanayotgan toshbosma nusxasi ustida tadqiqot olib bordik. Kuzatishlarimiz bo'yicha, xattotning husnixatida o'xshashlik mavjud. Undan tashqari, xat uslubiga ko'ra harakatlarning yozilishi, nuqtalarning qo'yilishida, shuningdek, shikasta xati elementlarini qo'llashda ham bir xil o'xshashliklar uchraydi. Shuni ham ta'kidlab o'tishimiz joizki, aynan o'sha davrda Ilyos Mulla Muhammad o'g'li So'fi madrasada tahsil olayotgan va zehni, xat-savod bo'yicha iqtidori bilan talabalar orasidan ajralib ko'rina boshlagan davr edi. O'z davrining ma'rifatparvar jonkuyari Komil Xorazmiy ham Alisher Navoiyning buyuk "Xamsa"sini toshbosma uchun ko'chirishdek mas'uliyatli va murakkab vazifani xattotlik sirlarini puxta egallagan va sinovlardan o'tgan So'figa ishonib topshirgan bo'lsa ajab emas.

Ilyos Xo'ja Oxund tarbiyasida kamol topdi. Madrasani bitirsa ham, ilm dargohini tark etmagan, ustoz hurmatini sharaf bilgan. U o'zining Xo'ja Oxund vafoti munosabati bilan yozgan g'azalida bunday degan edi:

*Xo'ja ham olim erdi ilmi birla,  
Etib ul din uyin ma'mur kechti.  
Ko'tarib elda ul ot Xo'ja Oxund  
Bu ot birla bo'lub mashhur kechti.  
Kamina So'fi shogirdi tilidin  
Bo'lub tarix anga mag'fur kechti.<sup>1</sup>*

Abjad hisobiga ko'ra, "mag'fur" so'zining harflari yig'indisidan hijriy 1326 (milodiy 1908)-yil kelib chiqadi. Tarixiy ma'lumotlarga ko'ra, Xo'ja Oxund shu yili vafot etgan. Ustoziga bo'lgan samimiy munosabatini ushbu she'ri orqali chuqur ifodalashga muvaffaq bo'lgan.

Ilyos madrasada moddiy qiyinchilik bilan tahsil oldi. Oila a'zolaridan moddiy yordam ololmagan, o'zining hech qanday daromadi bo'lmagan Ilyosni "ovqatguzaronlik" qiynab yuborgan. U madrasa shiriklarining har qanday yumushlarini bajarib bo'lsa ham, o'qishni davom ettirgan. Bu davrdagi ahvoli haqida shoir shunday yozadi:

*Olam ichra zindagonlikdan bu shum ovqat uchun,  
Qildi nodonlar eshigida meni zoru zabun.<sup>2</sup>*

So'fi o'qishdagina emas, balki she'riyatda ham qobiliyatli edi. Lekin uning ilmiy salohiyati va she'riy iqtidorini tan olmaganlar uni "ko'cha shoiri" deb hisoblar edilar. Ilyos 30 yoshlarida madrasani muvaffaqiyat bilan tamomlaydi.<sup>3</sup> Odatda, madrasani tamomlagan mullavachchalar mudarris, qozi, mufti, imom yoki muazzin qilib tayinlanar edi. Ammo faqir oiladan chiqqani va "ko'cha shoiri" bo'lgani uchun Ilyos hatto eng kichik vazifaga – muazzinlikka ham tayinlanmaydi. Ilyos "Tozabog'" ta'rifida yozgan she'rida aytgan edi:

*Bahramand o'ldi hama altofidin, So'fini lek  
Ne imomu ne muazzin, ne amaldor ettilar.<sup>2</sup>*

Ilyos ota-onasi o'lib, ulardan qolgan yer va uy-ro'zg'or asboblari ota qarzi hisobiga sudxo'r Shovxumboy foydasiga o'tib ketgach, noiloj madrasada umrining oxirigacha yashagan. So'fi Xorazmning Urganch, Toshovuz, Mang'it, Qo'ng'iro't, Shovot, Hazorasp kabi ko'pchilik shahar va qishloqlarni kezib chiqqan. Xalqning turmush tarzi bilan tanishib, taassurotlari asosida yangi she'rlar bitadi, yig'inlarda she'rxonlik qilib, xalqqa dalda beradi. Xalq Ilyosni sevib ardoqlaydi, uning shuhrati omma orasida ortib boradi. Natijada So'fi shoir keldi, degan joyga yuzlab kishilar ixlos va e'tiqod bilan yig'iladigan bo'lib qoladi.

Ilyos Urganch safaridan qaytayotib, 1916-yili 56 yoshida Idir yaqinida qo'qqisdan vafot etdi. Tadqiqotchi S.Hasanov esa So'fining vafot yilini 1918-yil deb ko'rsatadi. Bu mash'um voqeadan xabar topgan Idir atrofidagi o'zbeklar izzat-ikrom bilan shoirni dafn etib, qattiq motam tutadilar.

So'fi hayoti va ijodiyoti xususida adabiyotshunos Yunus Yusupov tomonidan ilk ma'lumotlar matbuotda e'lon qilingan bo'lsa ham, biroq uning qo'lyozma merosi hali keng jamoatchilikka ma'lum emas. So'fi – har jihatdan barkamol, ilohiy ma'rifatdan bahramand, otashnafas shoir. Ishqni, yor va diyorni, ko-

<sup>1</sup> Ўша манба. 192-бет.

<sup>2</sup> Сўфи. Девон. 148-бет.

<sup>3</sup> С.Хасанов ўзининг "Хоразм маърифати – олам кўзгуси" китобида Сўфи мадрасани 40 ёшларида муваффақиятли тугатганини ёзади.

<sup>2</sup> Ўша манба. 57-бет.

mil insonni tarannum etgan, haq soʻzni dadil ayta olgan, ezgulikni talqin va targʻib qilgan, yovuzlikka be-shafqat boʻlgan, Haq ato etgan ilohiy neʼmat – soʻz bilan shuhrat topgan ijodkordir. Soʻfining ilmiy va ijodiy yuksalishida albatta Xorazm adabiy muhiti taʼsiri yaqqol namoyon boʻladi.

XIX asr ikkinchi yarmiga kelib, qanchadan qancha yetuk soʻz sanʼatkorlari kamol topgan maʼrifat maskani – Xiva adabiy muhiti yangicha bir yuksalish pallasiga koʻtarilgani kuzatiladi. Ijodiy muhitdagi bu koʻtarinkilik Shermuhammad Munis boshlab bergan keng qamrovli adabiy jarayonning uzviy davomi va yuksak choʻqqisi boʻldi. “Munis XVIII asr oxiri va XIX asrning birinchi yarmigacha davom etgan adabiy muhitning yetakchi shoirlaridan edi. Shuning uchun ham u oʻsha davrda va undan keyin davom etgan adabiy muhit va uning vakillari ijodiga kuchli taʼsir koʻrsatdi. Bu taʼsirni, jumladan, Ogahiy, Komil, Rojiiy, Soʻfi, Bayoniy va boshqalar ijodida yaqqol koʻramiz”.<sup>1</sup> Koʻplab shoiru ijodkorlarni bir yerga jamlagan Xiva adabiy muhitida qaynoq, joʻshqin bir ijodiy jarayon hukm surardi. Bu davrda anʼana va yangiliklarning oʻzaro uygʻun holda taraqqiy etganini shu davr qalam ahli ijodi hamda faoliyatida kuzatishimiz mumkin.

Xiva adabiy muhitida gʻazal janri hali ham yetakchi mavqega ega edi. Shu bilan birga, muxammashilik ham yuksak darajada rivojlandi. Albatta, ayni bu xususiyatlar tadqiqot obyektimiz boʻlgan shoir Soʻfi ijodida ham koʻzga tashlanadi. Soʻfi – Xorazm adabiy muhitining vakili. Bu muhitning yetakchi xususiyatlari uning ijodi mohiyatini belgilaydi. Soʻfi adabiyotga katta tayyorgarlik, mashq va nazariy bilim bilan kirib keldi. U tinmay kitob mutolaa qildi, Sharq mumtoz adabiyoti vakillarining asarlarini qunt va havas bilan oʻqib oʻrgandi, ulardan taʼlim oldi. Soʻfining qachon sheʼriy ijod bilan shugʻullana boshlagani aniq emas. Biroq dadil ayta olamizki, u madrasa tahsili yillaridayoq sheʼr yozishni mashq qilib, madrasani tugatganida yetuk bir shoir darajasiga koʻtarilgan edi. Shoirning sheʼriyatga kirib kelishi va ustoz sanʼatkorlardan oʻrganishi haqida Yunus Yusupov quyidagicha fikr bildiradi: “Soʻfining sheʼriyatdagi mashq va izlanish yillari xiyla murakkab boʻldi. Yosh qalamkash sheʼr ustodlariga baʼzan mexanistik taqlid qildi, qofiyani oʻzgartirish yoki ayrim “tahrir”lar kiritish bilan ustodlarning sheʼridan deyarli farq qilmaydigan sheʼrlar bitdi. Jumladan, Soʻfi Munisning bir necha gʻazaliga shu tarzda taqlid qilgan. Bunga Munisning “Shuaro” sheʼriga taqlidan bitilgan sheʼrni keltirish mumkin”.<sup>1</sup>

Mumtoz adabiyotimizning soʻnggi vakillaridan biri Ilyos Mulla Muhammad oʻgʻli Soʻfining hozirgacha ilmiy tahlilga tortilmagan, koʻpchilikka nomaʼlum serqirra va betakror ijodi namunalarini asliyat asosida tadqiq va targʻib qilish adabiyotimizning bugungi tarixiy bosqichida amalga oshirilishi zarur hisoblangan muhim ishlardan biridir.

**Iskandarova Oybihi Rahimbayevna (f.f.n., Toshkent davlat transport universiteti)**

#### **TALABALARDA BADIY ASAR TAHLILI KOʻNIKMASINI SHAKLLANTIRISHGA DOIR**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada “Oʻzbek tili” fanidan rusiyzabon guruh talabalarida badiiy asar tahlili orqali ogʻzaki va yozma savodxonlikka erishish, dialogik va monologik matn yaratish, badiiy asarning maʼnaviyat manbai ekanligi haqida fikr bildirilgan.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы достижения устной и письменной грамотности у русскоязычных студентов по предмету «Узбекский язык» посредством анализа художественных произведений, составления диалогических и монологических текстов, а также представляются рассуждения о художественном произведении как источнике духовности.*

***Annotation.** The article examines the achievement of oral and written literacy through the analysis of works of art among Russian-speaking students of the subject “Uzbek language”, the creation of dialogical and monologic texts, the source of the spirituality of a work of art.*

***Kalit soʻzlar:** kitobxonlik, qiyosiy tahlil, monologik matn, dialogik matn, obrazli tafakkur, nutqiy savodxonlik, orfografik meʼyor, madaniyatlararo kompetensiya.*

***Ключевые слова:** читатель, сравнительный анализ, монологический текст, диалогический текст, образное мышление, речевая грамотность, орфографические нормы, межкультурная компетенция.*

***Key words:** reading, comparative analysis, monologue text, dialogical text, creative thinking, speech literacy, spelling norms, intercultural competence.*

<sup>1</sup> Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. Тошкент, “Адабиёт ва санъат”, 1983, 67-бет.

<sup>1</sup> Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. 49-бет.

Texnika oliy o'quv yurtlari rusiyzabon guruhlarida "O'zbek tili" fanidan kitobxonlikni qay yo'sinda amalga oshirish mumkin? Nofilologik ta'lim yo'nalishari uchun tuzilgan "O'zbek tili" fan dasturi va shu asosida yaratilgan ishchi dasturda "Kitob mutolaasi", "Men sevgan asar", "Adabiyot – ma'naviyatni yuksaltiruvchi manba" kabi nutqiy mavzulari berilgan va bu mavzular bevosita adabiyot bilan bog'langan.<sup>1</sup>

Talabalarining so'z boyligini oshirishda tafakkur sarhadlari, ya'ni davlat tilidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishda, madaniyatlararo kompetensiyani shakllantirishda o'zbek va jahon adabiyoti namunalari qiyosiy tahlilini qay yo'sinda olib borish mumkin?

Pedagog talabalarga tavsiya etgan Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" dostonidagi "Hikoyat" va L.N.Tolstoyning "Urush va tinchlik" epopeyasidan olingan parchalarni qiyosiy tahlil etishda "Aqliy hujum" "Idrok xaritasi", "Insert", "FSMU", "Klaster" kabi texnologiyalardan foydalanish mumkin. Darsda qo'llaniladigan bu usullar talabalarining erkin fikrlashiga, so'zni, uning mohiyati va ta'sir kuchini his qilishlariga zamin hozirlaydi. Talabalarda badiiy matn bilan ishlash jarayonida ko'z xotirasi orqali orfo-grafik me'yor ham shakllana boradi.

"Oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirgan rus guruhi talabalaridan DTS talabi bo'yicha ikki ming atrofida o'zbekcha so'z va birikmalarni bilish talab etiladi... Ta'kidlash joizki, oliy o'quv yurtlarining rus guruhlar talabalar yetarlicha o'zbekcha so'zlarni bilganlari, ma'lum mavzularda shablon iboralar asosida suhbatlasha olganlari bilan erkin muloqotga kirisha olmayaptilar. Buning sababi shundaki, talabalar, avvalo, nutqiy vaziyatni his eta olmaydilar.

Qolaversa, ular madaniyatlararo kompetensiyaga ham ega emaslar. Talabalar o'zbek adabiyoti namunalari bilan badiiy matn sifatida yaqindan tanishsalargina, ularda madaniyatlararo kompetensiya shakllanishi mumkin. Shundan keyin ular o'zbekcha so'zlarnigina emas, balki ayni so'zlar ishlatiladigan vaziyatni ham, o'zbekcha so'zning zimmasiga yuklangan vazifani ham his etadigan bo'lishadi".<sup>2</sup>

Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" dostoni yozuvchi ijodidagi murakkab asarlardan biri. Bu asar 1498–1499-yillarda yozilgan. Bu kitobda ibratli hikoyalar juda ko'p. Shoir asarlaridagi kichik hajmli, shuningdek, tarixiy shaxslar bilan bog'liq hikoyalarning ta'sir quvvati katta. Bu dostonidagi falsafiy hikoyalardan biri shaxmat taxtasi bilan bog'liq:

"Shaxmat o'ynaguvchi ikki ustod shaxmat taxtasini ochib, ikki tomonga o'tirdi va o'rtada shatranji kabir – shaxmat donalarini to'kishdi. Har tarafdan bir shoh taxtaga terildi, ularning rasmana shohlarga o'xshash xizmatkorlari, lashkarlari bor edi. Har birining bittadan to'g'ri yuruvchi vaziri bo'lib, yana bittadan egri yuruvchi farzinlari ham bor edi.

U ikki shohdan biri Rum ahliga (oqlar donasi) shoh bo'lsa, ikkinchisi esa zang ahliga (qoralar donasi) kishvarpanoh edi. Ustod shoh va boshqa donalarni terib, ularga zeb-u oroyish bergan holda taxtada saf torttirdi.

Shundan so'ng raqiblar maydonga ot solib, u yerda javlon urgan holda, turli o'yinlar ko'rsatdilar. *Bu yer go'yo urush maydoni va o'rab olingan qal'aga o'xshar edi.* Bir tomon ikkinchi tomonni mag'lub etishga qattiq kirishgan. Urush saflarida fil ham, jirafa ham, ruh, ayiq va kashshofa ham bor edi. Piyoda askarlar otliq suvorilar oldida tez va chaqqon urushmoqqa harakat qilishar edi.

Qo'shinlar urush nizomlariga binoan bir-birlariga turli o'yinlar ko'rsatib, jang olib bormoqda edilar. *Bir tomon o'z lashkarlarini pistirmada berkitgan bo'lsa, ikkinchi tomon bu qo'shinni buzish tadbirlarini ko'rardi.*

O'rtada ajoyib, qiziq o'yinlar namoyon bo'lmoqda, balki behad hiyla va tadbirlar ko'rsatilmoqda edi. Bunda pahlavonlar va qo'mondonlar ham bir-birlariga hujum qilishardi. Bu holat go'yo ikki qahramon shohning qo'shin tortib, bir-biriga qarshi urush olib borayotganga o'xshash edi.

Buncha qo'shin va dabdaba, qal'a, maydon va ot choptirib, javlon urishlar, chekinib qochishlar, ham o'ng qanot, ham chap qanotda, ham qo'shinning ilg'or qismida ana shu xil g'avg'o-to'polonlar bilan jang bo'lmoqda edi.

Har bir qomondonning o'g'li jangning oldingi saflarida borar, otasidan oldin urushga kirar edi. Urush maydoni bosib o'tilgach, otasining o'rnini bosar edi. Bir piyoda bir yoqdan kelib, tez aylanuvchi charx yordamida maydonda qahramonlik ko'rsatar, yolg'iz o'zi butun bir qo'shinni daf eta olardi.

<sup>1</sup> Dastur. Oliy o'quv yurtlari uchun. "O'zbek tili", T., O'zDJTU, 2013, 6-bet.

<sup>2</sup> Husanboyeva Q.P. Oliy ta'lim muassasalarida davlat tilini o'qitish bilan bog'liq muammolar va ularning yechimi. Texnika oliy o'quv yurtlarida o'zbek va xorijiy tillarni o'qitishning dolzarb masalalari (Nazariya, metodika, texnologiya). Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. T., 2020, 5-bet.

Urush maydoni ana shu xil turli tasodiflarga to'la bo'lib, go'yo bir-biriga kina qiluvchi ikki shoh urush olib borayotgandek edi. Ularning har birida go'yo urush uchun tug'ilgan yuz tuman yosh yigit bor edi. Bu xil jang maydoni kamdan-kam uchraydi. Olib borilayotgan urushlarda bunchalik shiddat bo'lmaydi hamda el bunchalik qurol-tig' bilan ziynatlana olmaydi.

Shunchalik bunyodkorlik, maydon, o'zaro dushmanlik qilish va urush olib borishlar – hammasi-hammasi, – agar o'yinchi donalarni yig'ishtirishga ahd qilsa va shaxmat taxtasining bir chetini ko'tarsa, – bularning barchasi o'rtadan ko'tarilib, yo'qqa chiqadi!

Shunda na u urush, na dushmanlikdan, na jang olib borish tartib-qoidalaridan asar qoladi. Ro'y bergan barcha holat va rusumlar, ya'ni jang maydonida *ikki tomonning bir biriga hujum qilishlari, agar chuqur o'ylab ko'rilsa, o'tkir fikrli kishi oldida bularning barchasi hech narsa hisoblanadi...*

Chunki holat o'zgarib, uni o'ynaguvchi ustod uchun o'yin tugagach, ular hech qanday tafovutga ega bo'lmaydi. Shaxmat donalari xalta ichiga solingan, "shoh" quyi tushushi, "piyoda" esa yuqori ko'tarilishi mumkin!

Bularning barchasi istig'no nishonasi, balki uning bir ko'rinishidir. Bas, *sen bu tamsilga nazar sol, asl istig'noni bundan yuz ming marta ziyoda deb bil. Agar sen buning ma'nosi tomon yo'l topsang, barcha ishni shunga qiyos qilg'il!*"<sup>1</sup>

"Badiiy asarni o'qiy olish va undan ta'sirlana bilish jiddiy ahamiyatga molik mashg'ulotdir, – deb yozadi Qozoqboy Yo'ldoshev – Ruhshunos va tarbiyashunos olimlarning tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, tuyg'ulari nozik, hissiyotlari o'tkir, kechinmalari teran kishilarning aqliy imkoniyatlari ham yuksakroq bo'ladi. Binobarin, hissiyot tarbiyasi tafakkur taraqqiyotiga ham bevosita ijobiy ta'sir ko'rsatadi".<sup>2</sup>

Darsda talabalar matn bilan ishlaydilar. Matnni o'qish va fikrlashda "Insert" usulidan foydalanish yaxshi samara beradi. Talabalar bu usulda quyidagicha belgilash tizimidan foydalanadilar: (V) – "men bilaman" belgisi; (+) – "yangi axborot" belgisi; (–) – "mening bilganlarimga zid" belgisi; (?) – "meni o'ylantirib qo'ydi, bu bo'yicha menga qo'shimcha axborot kerak" belgisi.

Pedagog dars jarayonida L.N.Tolstoyning "Urush va tinchlik" romani tahliliga o'tar ekan, "Aqliy hujum" texnologiyasidan foydalanadi, voqea va obrazlarni takrorlab, asardan olingan parcha bilan talabalarni tanishtiradi:

"...Aravalar va to'plar orasida, otlarning ostida, g'ildiraklar orasida o'lim vahmidan qo'rqinchli qiyofaga kirgan odamlar bir-birini ezib, o'lib, jon berayotgan odamlarni bosib, bir necha qadam bosishi bilan yana xuddi shularday o'lishi muqarrar bo'lgani holda, olg'a o'tish uchun bir-birini o'ldirib, uymalashib, tiqilishib yotar edi.

Uymalashib yotgan bu odamlar ustiga har o'n lahzada to'p o'qi kelib tushar, yorilib, havoni larzaga keltirar va odamlarni o'ldirib, yaqinroq turganlarga qon sachratar edi...

Butun bir polkning qoldig'i – qo'ldan o'q yeb, o'zi piyoda qolgan Doloxov, uning rotasidan bo'lgan o'ntacha soldat-u, otliq polk komandiridan iborat edi. Olomon ularni to'g'onning kiraverishiga surib olib borib qo'ydi, ular tiqilinchda to'xtab qolishdi, chunki oldinda odamlar to'p ostiga yiqilgan otni tortishmoqda edi. Bir to'p o'qi, ularning orqasiga kelib tushib, kimnidir o'ldirdi, ikkinchisi esa oldinga kelib tushib, Doloxovga qon sachratdi. Olomon zo'r berib olg'a intildi, siqildi va bir necha qadam yurib, yana to'xtadi.

Ularning har biri "shu yerdan 100 qadam nari o'tsam, omon qolaman, yana picha shu yerda tursam, o'laman" deb o'ylar edi.

Soldatlarni zo'rg'a ko'tarib turgan muz o'pirildi va muz ustida turgan qirqqa yaqin soldat, bir-birini shon'ng'itib, oldinga, orqaga intila boshladi. To'p o'qlari hamon bir qiyomda g'uvullab kelib, muzga, suvga, ko'pincha, to'g'on boshida, ko'lda va qirg'oqda turgan odamlarning ustiga tushar edi"...<sup>3</sup>

Talabalar A.Navoiy va L.N.Tolstoydek buyuk yozuvchilar ushbu asarlari orqali insoniyatga nima demoqchilar? Shatranj haqidagi hikoyaning g'oyasi haqida gapiring. Nima uchun L.N.Tolstoy romanni "Urush va tinchlik" deb nomlagan? Navoiy hikoyasidagi yashiringan falsafani izohlang kabi savollarga javob beradilar. Monologik matn yaratadilar. Talabalar bu savollarga javob berishda FSMU texnologiyasidan foydalanadilar. FSMU texnologiyasi *fikringizni* bayon eting; fikringiz bayoniga biror *sabab* ko'rsating; ko'rsatilgan sababga tushuntiruvchi *misol* keltiring; fikringizni *umumlashitiring* kabi qismlardan iborat.

<sup>1</sup> Alisher Navoiy. Lison ut-tayr. T., G'G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi, 1991, 406-bet.

<sup>2</sup> Yo'ldoshev Q. O'qituvchi kitobi. T., "O'qituvchi", 1997, 35-bet.

<sup>3</sup> L.N.Tolstoy. Urush va tinchlik. T., "Yangi asr avlodi", 2016, 463-bet.

“O‘quv tahlili hamisha shaxslik xususiyatlariga tayanadi, chunki u jonli kishilar ishtirokida amalga oshiriladi va tahlil qatnashchilarida muayyan shaxslik fazilatlarini tarkib toptirishga yo‘naltiriladi. His-siyotga tayanib tahlil etilgandagina o‘quvchilar badiiy matnga ruhiy ko‘z bilan qaraydigan bo‘ladilar, shundagina ular asar ichiga “kiradilar”, qahramonlar bilan birga “yashay” boshlaydilar. Ular oddiy yozuv belgilari zamiriga ulkan insoniy taqdir, ta’sirchan tuyg‘ular, hadsiz fojia va quvonchlar yashiringanligini his etadilar, ularni kashf qiladilar. Kashf etish esa shaxsni rivojlanishning yangi bosqichlari sari undaydi”.<sup>1</sup>

Talabalar dars jarayonida “Klaster”dan foydalanib, “Badiiy adabiyot yoshlar ma’naviyatiga qanday ta’sir qiladi?” savoliga yozma tarzda javob beradilar. Matn yaratadilar. Uyda “Mening sevimli asarim” mavzusida esse yozadilar. Ikkala asardan olingan lug‘at so‘zlarini shakllantirish va tarjima qilish topshirig‘i ham uy vazifasi sifatida beriladi.

A.Navoiy hikoyasi bo‘yicha	L.N.Tolstoyning “Urush va tinchlik” romani bo‘yicha
1. Ustod-	1. 4 chaqirim-
2. Shatranj-	2. Ta’bi xira bo‘lmoq-
3. Zeb-u oroyish bermoq-	3. Chekinmoq-
4. O‘tkir fikrli kishi	4. Hujum boshlamoq-
5. Tamsil-	5. Matonat ko‘rsatmoq-
6. Qo‘shinning chap qanoti-	6. Yarador bo‘lmoq-
7.	7.
8.	8.
9.	9.
10.	10.

“Bugungi kunda davlat tilini bilish har qanday mutaxassis uchun hayotiy ehtiyojga aylanib borayotgan ekan, bu jarayonda o‘zbek tili darslarida o‘zbek adabiyotini o‘rganish bosqichiga o‘tish, o‘zbek tilidagi badiiy matnga badiiy asar tarzida yondashish eng to‘g‘ri yo‘l hisoblanadi. Chunki badiiy adabiyot, u qog‘oz yoki elektron ko‘rinishda bo‘ladimi, ruhiy-axloqiy tarbiya berish, estetik zavq olish va intellektual faoliyat ko‘rsatish manbayi bo‘lish bilan birga, til o‘rganishda alohida ahamiyatga ega bo‘lgan vosita hamdir.

Ma’lumki, har qanday tili o‘rganilayotgan xalqning madaniyati, milliy mentaliteti shu elning adabiyotida to‘liq aks etadi. Bundan tashqari, o‘rganilayotgan tilning bor go‘zalligi, injaliklari ham uning badiiy so‘zida yorqinroq namoyon bo‘ladi. Shu bois talabaning o‘zi o‘rganayotgan tilda badiiy asar o‘qishi unga yangi madaniyatni, atrofidagi odamlarni bilishdan tashqari, oradagi madaniy begonalikni yo‘qotish, tili o‘rganilayotgan xalqning milliy psixologiyasini anglash, shu xalqning ma’naviy ildizlarini his etish imkoniyatini ham beradi”.<sup>2</sup>

Xulosa tarzida shuni aytishimiz mumkinki, barkamol shaxsni tarbiyalashda, ularning davlat tilidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishda, obrazli tafakkur, nutqiy savodxonligiga erishishda adabiy ta’lim saviyasini oshirishimiz, barcha oliy o‘quv yurtlarida adabiyot o‘qitishni yo‘lga qo‘yishimiz zarur.

**Muxtorova Maftuna Ilhomovna (BuxDU Tarjimashunoslik va lingvodidaktika kafedrasida o‘qituvchisi)  
O‘ZBEK SHE’RIYATINING INGLIZCHA O‘GIRMALARIDA VATANPARVARLIK G‘OYASI  
IFODASIDA SO‘Z TANLASH MUAMMOSI**

*Annotatsiya. Maqolada Hamid Olimjon va Abdulla Oripov she’rlari namunalarining ingliz tili tarjimalarida so‘z tanlash muammosi va vatanparvarlik g‘oyasi tahlillari, aslyat hamda tarjimalardagi g‘oyalar mushtarakligi yoritib berilgan.*

*Аннотация. В статье рассматривается проблема выбора слова в английских переводах образцов стихов Хамида Олимджона и Абдуллы Арипова, анализ патриотических идей, общность идей в оригинале и переводах.*

<sup>1</sup> Yo‘ldoshev Q. O‘qituvchi kitobi. T., “O‘qituvchi”, 1997, 19-bet.

<sup>2</sup> Husanboyeva Q.P. Oliy ta’lim muassasalarida davlat tilini o‘qitish bilan bog‘liq muammolar va ularning yechimi. Texnika oliy o‘quv yurtlarida o‘zbek va xorijiy tillarni o‘qitishning dolzarb masalalari (Nazariya, metodika, texnologiya). Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. T., 2020, 5-bet.

**Annotatsiya.** *The article deals with the problem of word choice in English translations of samples of poems by Khamid Olimjon and Abdulla Aripov, the analysis of patriotic ideas, the originality and commonality of ideas in translations.*

**Kalit soʻzlar:** *oʻzbek sheʻriyati, vatanparvarlik, mutarjim, asliyat, oʻgirma, mushtarak gʻoya, toponim, ekvivalent.*

**Ключевые слова:** *узбекская поэзия, патриотизм, переводчик, оригинальность, перевод, общая идея, топоним, эквивалент.*

**Keywords:** *Uzbek poetry, patriotism, translator, originality, translation, common idea, toponym, equivalent.*

Sheʻriy muqobillikka erishish sheʻriyatda keng qoʻllaniladigan alliteratsiya, assonans, qofiya, oʻzbek sheʻriyatida bunga qoʻshimcha ravishda radif fikrni chiroyli va mazmunli, ifoda etishga xizmat qiladi. Agar yuqorida zikr etilgan fonetik stilistik vosita va usullar fikrni chiroyli va mazmunli ifoda eta olmasa va bu tarjimada formal vazifanigina bajargan boʻlsa, sheʻr mazmuniga putur yetadi, aksariyat hollarda, sheʻriy tarjima matni asliyat matnidan uzoqlashib qoladi.<sup>1</sup>

Yuqorida zikr etilgan vazifalardan kelib chiqib, Respublika Maʼnaviyat va maʼrifat kengashi Milliy gʻoya va mafkura ilmiy-amaliy markazi tomonidan tasdiqlangan L.Penkovskiy, V.Lipko, N.Ushakov, O. Moʻminov, B.Ahmedova va boshqa bir qator tarjimonlarning koʻp asrlik oʻzbek sheʻr sanʼati noyob namunalari oʻzbek, rus va ingliz tillarida jamlangan “Oʻzbek sheʻriyati” toʻplami nashr etildi. Unda turkiy va forsiy tillari gʻazal mulkining sultoni boʻlmish Navoiy asarlaridan tortib, to XX asr buyuk shoirlari, Oʻzbekiston Qahramonlari Erkin Vohidov va Abdulla Oripovlarning eng sara ijod mahsullaridan namunalari va ularning rus va ingliz tillariga oʻgirmalari oʻrin olgan. Ularni mushtarak qadriyatlar – komil insonni tarbiyalash, tinchliksevarlik va vatanparvarlik ruhini singdirish, adolatlilik, insoniy mehr-muhabbat, muxtasar qilib aytganda, milliy istiqlol ezgu gʻoyalari birlashtirib turadi.

XX asr oʻzbek adabiyoti namoyandalaridan biri ham shoir, ham publitsist Hamid Olimjon sheʻrlari mazmuni, asosan, Vatanni sevish, uni onadek eʼzozlash tinchlik qadri, oʻz kindik qoni toʻkilgan zaminning nechogʻlik muqaddasligini tom maʼnoda sheʻrxonlarning yurak-yuragiga singdira oluvchi eng oliy insoniy his-tuygʻular oʻrin olgan. Shoirning ana shunday goʻzal kechinmalarni soʻzlar orqali oʻzida mujassamlashtirgan “Oʻzbekiston” sheʻri va uning inglizcha tarjimasi xususida fikr yuritishni lozim topdik.

Dastavval, sheʻrning sarlavhasiga eʼtibor qaratsak, “Oʻzbekiston” soʻzi ingliz tili variantida “Uzbekiston” deb berilganligiga guvoh boʻlamiz, vaholanki, “Oʻzbekiston” soʻzi toponomik lugʻatga, asosan, ingliz tilida “Uzbekistan” deb tarjima qilinadi. Tarjimonning oʻgirmada nega aynan “Uzbekiston” deb bergani bizga nomaʼlum. Mazkur sheʻrning ingliz tili oʻgirmasida birmuncha xatoliklar mavjudligini quyida keltiradigan misralar tahlilidan bilib olish mumkin:

**Asliyatda:**

*Vodiylarni yayov kezganda,  
Bir ajib his bor edi manda...  
Chappar urib gullagan bogʻin,  
Oʻpar edim Vatan tuprogʻin.*<sup>2</sup>

**Tarjimada:**

*Whenever I roam through my native parts,  
A wish takes birth in my heart of hearts  
To kiss every spot of this flowering land,  
As a lover kisses his sweetheart’s hand...*<sup>3</sup>

Sheʻrning 1-misrasidagi “yayov kezganda” va “vodiylarni” soʻzlari ingliz tiliga tarjima qilinganda “roam” va “native parts” kabi berilishi tarjimonning soʻz tanlashda biroz xatolikka yoʻl qoʻyilgan, degan xulosani keltirib chiqaradi. Sababi oʻzbek tilidagi “yayov kezganda” birikmasi ingliz tilidagi “roam” (darbadar kezmoq, gandarab yurmoq) soʻzi emas, balki “stroll” (sayr qilmoq, tomosha qilib yurmoq, aylanib yurmoq) feʼli bilan mutanosibdir. Garchi har ikkala “roam” va “stroll” feʼllari “piyoda (yayov) yurish” holatlarida qoʻllanilsa-da, stilistik jihatdan shoirning “Vodiylarni yayov kezganda” jumlasiga aynan “stroll” soʻzi mosdir. Xuddi shunday “vodiylarni” soʻzi ham tarjimada “valleys” soʻzi bilan berilganda

<sup>1</sup> Gʻafurov I. Tarjima nazariyasi. Toshkent, “Tafakkur boʻstoni”, 2012, 197-bet.

<sup>2</sup> Кўчқоров У. Ўзбек шеърляти тўплами. Т., “Маънавият”, 2010, 107 – 109-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар. 116–118-бетлар.

maqsadga muvofiq bo'lar edi. She'ning ikkinchi va to'rtinchi misralari esa mutlaqo boshqa ma'nolarni bergan. Bunda "ajib his borligi" tushunchasi "in my heart of hearts", ya'ni yuragimning tubida iborasi yordamida, 4-misra "O'par edim Vatan tuprog'in" esa "As a lover kisses his sweetheart's hand" "oshiq yorining qo'lini o'pishi" holatiga qiyoslanib o'g'irilgan.

Shunga qaramay, she'rdagi asl g'oya, "ona-Vatanga bo'lgan muhabbat" tushunchasi birmuncha tarjimada so'z tanlash muammolariga uchrab o'g'irilgan bo'lsa-da, saqlab qolingan. She'r ingliz tili variantida ham xuddi asliyatdagidek a-a-b-b tarzida qofiyalangan. Fikrimizcha, tarjimomni boshqa so'zlarni tanlashga majbur etgan sabab ham aynan shu, she'rda musiqiylik ohangini yaratishga intilishdir. Buning evaziga esa Hamid Olimjon nazarda tutgan va his etgan ko'pgina jumlar, umuman, boshqacha so'zlar yoki metaforik o'xshatishlar bilan berilgan.

**Asliyatda:**

*Odamlardan tinglab hikoya  
O'sar edi shoirda g'oya.  
Daryolardan kuylab o'tardim,  
Ertaklarga quloq tutardim.<sup>1</sup>*

**Tarjimada:**

*I listen with love to my people's tales,  
To the song that ring over hills and dales,  
And I echo them back to the rivers and rills,  
To the verdant valleys and tree clad hills.<sup>2</sup>*

Asliyatdagi "odamlardan tinglab hikoya" misrasi tarjimada "I listen with love to my people's tales" tarzida, ya'ni "Men odamlarning hikoyalarini sevib tinglardim" deb berilgan. Aynan shu misra ma'no jihatdan bir xil bo'lsa-da, qolgan misralar esa mutlaqo boshqa jumlar bilan o'g'irilgan. "O'sar edi shoirda g'oya" so'zma-so'z tarjima qilinganda "The ideas grew in poet" deb berilgan bo'lar edi. Ammo mutarjim shoirda "g'oya o'sishi" tushunchasini tushurib qoldirgan va buning o'rniga qo'shimcha o'zgartirishlar kiritib. she'rni boyitgan.

“...To the songs that ring over hills and dales,  
And I echo them back to the rivers and rills,  
To the verdant valleys and tree clad hills.”

Ya'ni, "...qoyalar va vodiylar uzra taralgan qo'shiqni tinglab uni daryo va soylarga, ko'm-ko'k vodiylar va daraxtlarga burkangan qoyalarga qayta aks etardim" deb to'ldirgan. Mutarjim bu to'ldirish bilan she'ning jilokorligini yanada boyitgan. Hatto tarjimoni o'qigan har qanday inson Hamid Olimjon ta'riflagan yurt, O'zbekiston bahorini yam-yashil vodiylar, sharqiroq soylardan iboratligini fahmlaydi.

Shu bilan birga, mazkur she'rda ayrim qo'shimcha (yangi) ma'no beruvchi so'zlar ham yo'q emas. Garchi mutarjim ayrim jumalarda asliyatdagi ta'sirchanlikni saqlab qolish imkonini topa olmagan bo'lsa-da, ona yurt tasvirini qo'shimcha o'xshatishlar orqali bayon etgan:

**Asliyatda:**

*Hammasini tinglardim, ammo  
O'xshashini topmasdim aslo.  
O'xshashi yo'q bu go'zal bo'ston,  
Dostonlarda bitgan guliston  
O'zbekiston deya atalur,  
Uni sevib el tilga olur.<sup>3</sup>*

**Tarjimada:**

*Fairer than any legend of old  
Is my land today in its splendour untold  
At its rises now in my mind it seems  
Like a bed of flowers, like a land of dreams.  
Embraced by the sky and kissed by the sun,  
Sweet is your name, my Uzbekiston!<sup>4</sup>*

<sup>1</sup> Kўчқоров У. Ўзбек шеърляти тўплами. Т., "Маънавият", 2010, 107-бет.

<sup>2</sup> Kўчқоров У. 116-бет.

<sup>3</sup> Kўчқоров У. 107-бет.

<sup>4</sup> Kўчқоров У. 116-бет.



Ko‘rinib turibdiki, tarjimadagi birinchi va uchinchi qatorda aks etgan ma’nolar asliyatda mavjud emas, ammo mazmun jihatdan shoir nazarda tutgan hislarni aynan bera olmaganligi uchun qo‘shimcha, to‘ldirib turuvchi so‘zlardan foydalanilgan. Tarjimada mutarjim ishini ikki xil tushunish mumkin: birinchisi, “O‘zbekiston” so‘zining asl nomini saqlash, ya’ni transliteratsiya orqali ifodalagan bo‘lsa-da, biroq “o” tovushining ingliz tilida mavjud bo‘lmaganligi sababli, “u” tovushi bilan berilgan. Lekin “O‘zbekiston” toponim bo‘lib, uni ikki tilli lugatlarning geografik joy nomlari degan qismida “Uzbekistan” deb berilganligini kuzatamiz.

Xuddi shu ko‘rinishda “Uzbekistan” deb berilganda qofiya ham saqlangan bo‘lardi:

*Embraced by the sky and and kissed by the sun,  
Sweet is your name, my Uzbekistan!*

Ingliz tilida berilgan misralar o‘zbek tiliga o‘girilsa quyidagi ma’nolarni aks ettiradi:

*Bugun barcha afsonalardan ham ulug‘i, beqiyosi bu mening yurtim.*

*Xayolimda go‘yo gullar to‘shamasi, orzular o‘lkasidek.*

*Osmon quchar, quyosh o‘par*

*Nomi shirin, O‘zbekistonim.*

Keltirilgan misralarda asliyatdan ingliz tiliga o‘giruv jarayonida ayrim tushirib qoldirishlar, yangi ma’no qo‘shish va ekvivalentlardan foydalanish, muxtasar aytganda, tarjimada so‘z tanlash muammosi bilan adekvatlik yaqqol ko‘rinib turibdi. Masalan, “bo‘ston”<sup>1</sup> so‘zi o‘zbek tilining izohli lug‘atida keltirishicha, bog‘-bo‘ston, ya’ni yashnagan bog‘lar va gulzorlar; gullab yashnagan, serbog‘ joy, bog‘iston ma’nolarini beradi. “Guliston”<sup>2</sup> esa gul ekilgan bog‘, gulzor bog‘ ma’nolarini anglatadi. Ammo tarjimon “bo‘ston” o‘rnida “a bed of flowers” ya’ni “gullar to‘shamasi”, “guliston” so‘zi o‘rnida “a land of dreams”, ya’ni “orzular o‘lkasi” birikmalarini qo‘llagan. Tarjimada she’riy qolipni saqlab qolish uchun “flowers” va “dreams” so‘zlarini asliyatdagi “bo‘ston” va “guliston” qofiyadoshlik hosil qilganidek ko‘rinishda bergan.

**Asliyatda:**

*Chiroylidir go‘yo yosh kelin,*

*Ikki daryo yuvar kokilin;*

*Qorli tog‘lar turar boshida,*

*Gul vodiylar yashnar qoshida.*

*Chor atrofga yoyganda gilam,*

*Aslo yo‘qdir bundayin ko‘klam.*

*Tog‘lardagi qip-qizil lola*

*Bo‘lib go‘yo yoqut piyola.<sup>3</sup>*

**Tarjimada:**

*Oh, Mother, your beauty fills me with pride!*

*You are covered with flowers like a happy bride*

*Valleys like carpets lie at your feet,*

*With cup-like tulips and roses sweet.<sup>4</sup>*

Yuqoridagi baytlarning qisqacha tahlilini ko‘rib chiqsak: asliyatdagi “yosh kelin” tarjimada “young bride” deb emas, balki “happy bride” ya’ni “baxtli kelin” tarzida berilgan. Tarjimon H.Olimjonning “Ikki daryo yuvar kokilin” yurtimiz hududi Amudaryo va Sirdaryolar orqali to‘yinishi nazarda tutilgan jumlaning tarjimada qayd etmagan, buning evaziga gullar bilan o‘ralgan baxtli kelin – “covered with flowers like a happy bride” tushunchasini kiritgan. Bundan tashqari, ikkinchi misrada ko‘rib turganimizdek, onaga murojaat “Oh, Mother...” undalmasi ham asliyatda mavjud emas. Ammo she’riy parchaning umumiy ma’nosidan kelib chiqib, Vatanni onaga qiyoslab atash juda go‘zal ijodiy tarjimaga misol bo‘lgan.

XX asr o‘zbek she’riyati vatanparvarlik, insoniylik, mehr-muhabbat, jasorat va mardlik singari g‘oyalarni qamrab olgan bo‘lib, Hamid Olimjon va Abdulla Oripov ijodlarida mazkur g‘oyalarning yoritilishini qiyoslasak:

**Asliyatda:**

*Vodiylarni yayov kezganda,*

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006, 351-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд, 518-бет.

<sup>3</sup> Кўчқоров У. Ўзбек шеърляти тўплами. 107-бет.

<sup>4</sup> Кўчқоров У. 116 – 117-бетлар.

*Bir ajib his bor edi manda...  
Chappar urib gullagan bog'in,  
O'par edim Vatan tuprog'in.<sup>1</sup>*

**Tarjimada:**

*Whenever I roam through my native parts,  
A wish takes birth in my heart of hearts  
To kiss every spot of this flowering land,  
As a lover kisses his sweetheart's hand...<sup>2</sup>*

Endi shoir Abdulla Oripov tomonidan yozilgan O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi so'zlariga razm solsak:

**Asliyatda:**

*Oltin bu vodiylar jon O'zbekiston  
Ajodlar mardona ruhi senga yor  
Ulug' xalq qudrati jo'sh urgan zamon  
Olamni mahliyo aylagan diyor!<sup>3</sup>*

**Madhiya ingliz tiliga Ibrohim Yuksel tomonidan o'girilgan:**

*These golden valleys-dear Uzbekistan,  
Manly spirit of ancestors is companion to you!  
When the great power of people became exuberant  
You are the country that amazes the world!<sup>4</sup>*

Yuqorida keltirilgan har ikkala shoirning ijodidan ko'rinib turibdiki, Vatan tasviri, uning aziz va muqaddasligi she'rlardagi har bir so'zda aks etib turibdi. Mazmun jihatdan tahlil qiladigan bo'lsak, har ikkala shoir ham mushtarak g'oya, ona-Vatan tasviri, uning muqaddasligi o'xshash tushunchalar orqali ifodalangani guvoh bo'lish mumkin. Har ikkala shoir "vodiy" so'zidan foydalanib, u zaminning qiyosi yo'q darajada go'zalligini hissiyotlarga berilib ifodalashgan. Tarjimalarda bitta "vodiy" so'zining o'zi ikki xil keltirilgan. Jumladan, Hamid Olimjonning "O'zbekiston" she'riining inglizcha o'girmasida "vodiy" – "native parts", A.Oripov tomonidan yozilgan Davlat madhiyamiz so'zlarining she'riining Ibrohim Yuksel tomonidan qilingan inglizcha tarjimasida "valleys" so'zi orqali o'girilgan.

Milliy o'zlikni anglash, xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirish, jamiyatimizda bag'rikenglik, ahillik, o'zaro hurmat muhitini mustahkamlashda, eng muhimi, yoshlarni har jihatdan barkamol insonlar etib voyaga yetkazishda bu katta ahamiyat kasb etmoqda. O'zbek she'riyati durdonalarini o'rganish, tadqiq etish, chet tillarga o'girish, ularda mujassamlashgan ma'naviy imkoniyatlardan bugungi ma'naviy-ma'rifiy jarayonlarda foydalanish jamiyatimiz a'zolarini, shuningdek, yosh avlodni har tomonlama komil inson qilib tarbiyalashga undaydi. "Komil inson" tushunchasi esa, o'z navbatida, Vatanga muhabbat, el-yurt qayg'usi, axloqiy tarbiya, go'zallik va muhabbat, mehr-muruvvat, mehnatga sadoqat va adolat uchun kurash g'oyalari bilan yo'g'irilgan.

Badiiy tarjima juda murakkab jarayonni o'z ichiga qamrab oladi. Bu murakkablik, ayniqsa, she'riy asarlar tarjimalarida yaqqol namoyon bo'ladi. She'riy tarjima ham xuddi she'r kabi ilhom kelganda, asarga kuchli ta'sir sezilgandagina dunyoga keladi. Buning uchun har qanday mutarjim shoir ijod namunasini xuddi o'z ishidek, o'z ijod mahsulidek bilishi, undagi so'zlarning tub mohiyatini sezishi, g'oyani fahmlay olishi lozimdir. Aks holda, u yaratgan tarjima kitobxonga o'z ta'sirini o'tkaza olmaydi. Tarjima shu darajada mahorat bilan qilingan bo'lishi kerakki, uni o'qigan har qanday kishi asl ijod namunasi kimga tegishli ekanligini anglay olsin.

Xulosa qilib aytganda, she'riy tarjimada so'z tanlash muammosi o'ta dolzarb va tarjima qilinayotgan har qanday she'r ham shakl va ham mazmun jihatdan, iloji boricha, asliyatga monand berilishi nihoyatda mushkul. Ikki til she'riy sistemasi qanday bo'lishidan qat'iy nazar, har qanday tildagi she'r noyob ijod mahsuli sanaladi. Uni mahorat bilan boshqa tilga o'girish esa haqiqiy san'atdir.

<sup>1</sup> Кўчқоров У. Ўзбек шеърляти тўплами. Т., "Маънавият", 2010, 107-бет.

<sup>2</sup> Кўчқоров У. 116-бет.

<sup>3</sup> O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi. A.Oripov so'zi.

<sup>4</sup> The national anthem of the Republic of Uzbekistan. The translation of I.Yuksel.

**Бобоёров Шохжохон (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари  
университети 2-босқич талабаси)  
ЁШЛАРНИ АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ  
АСОСЛАРИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада глобаллашув шароитида ахборот таҳдидларининг ёшлар маънавиятига салбий таъсири ҳамда маънавий-ахборий иммунитетни шакллантиришнинг инновацион-технологик методлари тадқиқ этилган.*

***Аннотация.** В данной статье исследовано негативное влияние информационных угроз на духовность молодёжи, а также инновационно-методологические методы формирования духовно-информационного иммунитета в условиях глобализации.*

***Annotation.** Negative influence of informational threats on spirituality of youth is investigated in this article. Moreover, issues of formation of spiritual information safety in condition of globalization are researched.*

***Калим сўзлар:** АКТ, ахборот асри, ахборот майдони, ахборотлашган жамият, электрон ҳукумат, ахборот таҳдидлари, маънавий иммунитет, интернет маданият, “оммавий маданият”, ёшлар ҳуқуқлари, маърифат, глобаллашув.*

***Ключевые слова:** ИКТ, информационный век, информационная платформа, информатизированное общество, электронное правительство, информационные угрозы, духовный иммунитет, интернет культура, “массовая культура”, права молодёжи, просвещение, глобализация.*

***Key words:** ICT, information age, information platform, information of society, information government, information threats, spiritual immunity, internet culture, mass culture, youth rights, education, globalization.*

**Кириш.** XXI аср инсоният таракқиёти ривожига ахборот асри сифатида намоён бўлмоқда. Дунёдаги аксарият давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ахборот технологиялари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ахборотлашган жамият – жамият аъзоларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тарққий этадиган жамият ҳисобланади.

Бугун замонавий ҳаётни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бу технологиялар қисқа муддат ичида алоқа қилиш имкониятлари ва ахборот олиш усуллари тўғрисидаги тасаввурларимизни кескин ўзгартириб юборди.

Ҳозирги вақтда АКТ жамият турмушининг барча соҳаларида – давлат бошқарувида, иқтисодиёт, сиёсат, тиббиёт, таълим, фан ва маданият, маиший турмуш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Жамият демократлашуви жараёнида электрон ҳукумат тизимида ахборот-коммуникация тизимларининг жадаллик билан ривожланиши жамият ҳаётидаги барча муносабатларни такомиллаштиришга кенг имкониятлар очмоқда, ўз навбатида, ёт кучлар ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан ёшларни онги ва қалбини эгаллаш учун маънавийтимизга ёт мафкура ва радикал қарашларни тарғиб этиш, миллатлараро зиддиятларни кучайтириш, миллатчилик ғояларни ёйиш, сингдириш ва тарғиб қилишда ахборот майдони сифатида фойдаланишмоқда. Ана шундай шароитда ёшларни “оммавий маданият”, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган салбий ахборот таъсирлари доирасига тушиб қолмаслиги, улар ўртасида радикал қарашлар тарқалишининг олдини олиш, тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтаришда инновацион-технологик методлардан фойдаланиш масалаларини илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида “Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш заруратини асослаб, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун

зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир” деб таъкидлаган эди.<sup>1</sup>

Мазкур мақолада бугунги кунда ёш авлодни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятига салбий таъсир этувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқишда инновацион-технологик методлардан фойдаланиш, ушбу жараёнларни амалга оширишда оила, таълим-тарбия муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорликдаги ролини асослаш ҳамда имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ масалалар илмий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

**Асосий қисм.** Бугунги давр ахборот асри, глобаллашув асри, интернет асри номи билан машҳур бўлмоқда. Бизга маълумки, глобаллашув атамаси илк марта 1983 йилда иқтисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т.Левиттнинг “Гарвард бизнес ревью” журналидаги мақоласида қўлланилган эди. Унда айтилишича, “Глобаллашув – трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёни”. Атамани ўрганиш жараёни Р.Робертсон томонидан 1985 йили унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиш мақсадига қаратилган объектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқлаган даврдан бошланди. Тушунчага ўша пайтдан бошлаб ҳозиргача турлича қарашлар, тахминлар давом этиб келмоқда. Кўпчилик олимлар глобаллашувни лотин тилидаги “globus” шар, француз тилидаги “global” умумбашарий сўзлари билан таърифлашади. “Фалсафа қомусий луғати”да бу тушунча (французча “global” – энг умумий) ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммо, деб таъкидланади. Мазкур луғатда келтирилишича, глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлиги аломати. Аслида, таҳлилларга кўра, глобаллашув минтақалар интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир.

“Миллий истиқлол ғояси” дарслигида “Глобаллашув турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир” деган таъриф берилди.

Глобаллашув тушунчаси ҳақида ўзбек олимлари ҳам ўзларининг фикр-мулоҳазаларни билдиришмоқда. Таниқли олим С.Отамуродовнинг фикрича, “Глобаллашув давлатлар ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида ялпи умумлашув жараёни англатмоқда”, Э.Гулметов эса қуйидагича таърифлайди: “Глобаллашув – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий ривожланишнинг XX асрга хос ҳодисаси – жамиятни барча жабҳаларида “умумий белгилар”, “универсаллашув”нинг кучайиши ва тиғизланишидир”. “Мустақиллик илмий-оммабоп изоҳли луғати”да ҳам глобаллашув тушунчасига яхши таъриф келтирилган: Глобаллашув (глобализация) – лотинча “глоб” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “қурралашув” деб таржима қилиш мумкин.

Глобаллашув шароитида ахборот технологиялари орқали “оммавий маданият” ғоялари анъанавий жамиятлар ҳаётига шиддат билан кириб келмоқда. Хўш, “оммавий маданият” ўзи нима? Унинг қанақа зарарли ғоялари мавжуд? Ушбу саволларга жавоб кўпчиликни қизиқтириши табиий. “Оммавий маданият” тушунчаси 1930 йилларда юзага келган ва уни жиддий ўрганиш 1960 йиллардан бошланган. “Оммавий маданият”ни Фарбада “популяр” ёки қисқартирилган ҳолда, “поп культура” деб аташади. Гарчи маданият деб аталса-да, туб мазмун-моҳияти, мақсадига кўра, анъанавий маданиятларнинг кушандасидир. “Оммавий маданият”нинг қуйидаги шакллари кўрсатиш мумкин: китч-бадий эстетик қийматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш. Комикс – қисқа матн ва луқмалар битилган беҳаё матбаа-расм маҳсулотлари. Старизм – субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, машҳур инсонларни илоҳийлаштириш; Хеппининг – аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳон уюштирилдиган “кескин” томошалар: ўт кўйиш, оммавий жанжал, ваҳшиёна машиналарни синдириш каби оммавий “кўнгил очиш”ларни уюштириш ва ҳ.к.

“Оммавий маданият” таъсири остида ёшларнинг ўзига хос субмаданияти – ЭМО, ГОТ, футбол фанатлари, мусиқа фанатлари (реперлар, рокерлар) клублари шаклдаги беҳаё хатти-ҳаракатлар, кийиниш, муомалада ҳеч қандай ахлоқий меъёрларга риоя этмайдиган ёшларни бирлаштирадиган маданият шаклланмоқда. Ёшларни бундай оқимлари 60-йилларда стилиягалар, 70–80-йилларда хиппилар, панклар, рокерлар, металистлар деб номланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2017 йил 19 сентябрь.

